

**Учқун Назаров**

---

**ЎЗГАЛАР УЧУН**

*Қиссалар, ҳикоялар, драма*

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти

1988

Ўз2  
Н 18

**Назаров, Учқун.**

Ўзгалар учун: Қиссалар, ҳикоялар, драма.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.— 224 б.

Таниқли адиб Учқун Назаровнинг ушбу китоби қиссалар, ҳикоялар ва драмадан тузилган. Бу қиссаларда инсон тақдири, унинг кечинмалари, ўзлиги атрофликча муҳо-кама этилади, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Назаров, Учқун. Ради других: Повести, рассказы, драма.

4702570200—14

Ўз2



II                     —19—88

M352(—04)—88

ISBN 5—635—00017—7

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й.

Қиссалар



Элликлардан ошган семиз аёл Ханифа опа процедура олиш учун чиқиб кетган. Бир ўзим шошмай нарсаларимни йиғиштира бошладим. Олма, анор, апельсин, торт, яна шунга ўхшаш анча-мунча нарсалар ейилмай йиғилиб қолган, ҳамширамиз опчиқиб кетар деб, алоҳида ажратиб қўйдим, жойимни ҳафсала билан тузатдим, аммо биладан — бунинг фойдаси йўқ, жўнашим билан санитар аёл келиб, ҳаммасини бузиб, янги гилоф-чойшаб билан алмаштириб кетади. Чунки менинг ўрнимга дарҳол бошқа беморни ётқизишади. Бу касалхонада биронта ўрин бекор турмайди. Ҳаммасининг ҳисоби бор, аввалдан тақсимлаб қўйилади.

Мана, бугун йигирма тўрт кун бўлди бу ерга келганимга. Ҳозир тузукман. Уйқум ҳам, иштаҳам ҳам, умуман, ҳолатим дуруст, бурунги хуноб бўлиш, сиқилиш аломатлари деярли ариди. Икки йил аввал ғалати бир дардга дучор бўлиб қолдим. Мундоқ олиб қараганда — соппа-соғ одамман, аммо кечалари ухлай олмайман, сахарга борганда кўзим уйқуга кетади, икки-уч соат ухлаган бўлман, бироқ буни соғлом уйқу деб бўлмайди. Шунчаки азбаройи чарчаганимдан кўзим илинса керак. Уйгонганимдаям чарчоқ ҳолатим аримайди, мудраб юраман, қўлим ишга бормайди. Ҳатто қизим Наргизанинг хархашасиям кўнглимга сиғмайди. Яхшиям боғчаси, қолаверса, қайнонам бор, Наргизани овутади, бошқа нарсаларга чалғитади. «Бошингиз қоронғидир, ўтиб кетади, деди қайнонам менга тасалли бериб. Баъзи жувонлар шунақа бўлади». Йўқ, бу ҳомиладорлик эмас. Бу дард мактабимиздаги олишувлар оқибати бўлса керак деб ўйлайман. Эрим: «Ке, қўй, бўшай қол

ишингдан, бошқа мактабдан жой топиб бераман», деди, бироқ мен кўнмадим. Шунча олишувларга бардош бериб, унча-мунча муваффақиятга эришган бир пайтда, бўшаб кетиш, чекиниш бўлмайдими? Рози бўлмадим. Аҳволим танг эканини мактабдагиларга сездирмадим. Шунини айтиш керакки, қай ҳолатда бўлмай, мактабга киришим билан барча дардим мени тарк этгандек, мутлақо ўзгариб кетман, чунки ўз ишимни, ўқувчиларимни севаман. Уларнинг шахс сифатида шаклланишларида менинг ҳам ҳиссам бор, оз бўлса-да, мен уларни ўз маъруза ва дунёқарашим бўйича эргаштирдим, маслак ва мақсадим уларнинг манфаатига қаратилганига ишонтира билдим...

Эрим ҳар ерга қўли етадиган одам. Қанақадир қурилишлар бўйича миинистр муовини. Аҳволим жиддийлашиб бораётганини кўриб, стационарга мени ётқизди. Сал тузук бўлдим, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, яна безовта бўла бошладим. Бир куни эрим таниш докторини олиб келди. Мен кўрпа-ёстиқ қилиб ётган бемор эмасман, шунинг учун чой қўйдим, дастурхон ёздим. Анчагача суҳбатлашиб ўтирганимиздан кейин, таниш доктор аллақандай шифохона ва у шифохонада игналар воситаси билан даво қиладиган бўлим борлигини айтди. Эрим эртасигаёқ мени шу ҳозир чиқиб кетмоқчи бўлиб турганим шифохонага келтириб қўйди. Докторлар «асабингиз бир оз толиққан», дейишди, буни ўзим ҳам яхши биламан. Ҳар турли ванналар, уколлар, дорилар буюришди, ҳаммасини қабул қилдим. Айниқса буларнинг «игна давоси» ҳақиқатда мўъжиза экан. Ҳар бир одамнинг танасида тўрт юзга яқин нуқта бўлиб, нерв толаларининг учи шу нуқталарга келиб тўхтар экан, даволовчи врач олтидан ҳам қиммат платина металидан тайёрланган игначаларни одамнинг баданидаги тегишли нуқталарига санчиш билан ўша асаб ипларининг учини гўё «қитиқлар» экан ва шу йўсинда «хиралашиб» қолган нервлар «фаолиятини» ишга солиб юборишар экан. Биринчи кезларда игна қабул қилганимдан сўнг қалтираб лоҳас бўлдим, лекин бу ҳол узоқ давом

этмади. Тахминан икки ҳафта ўтгач, қалтираш, холсизланиш аломатлари тўхтади, мен ўзимни тетик сеза бошладим, баданимга аллақандай гайрат қуйилиб келаётганини аниқ ҳис қилдим. Уйқум ҳам ўз маромига тушди, атроф кўзимга жозибали бўёқларда кўрина бошлади. Дарддан холи бўлиш билан боғлиқ бўлган туйғу кайфиятимни янада кўтарди, кўзларимда нур, лабларимда тез-тез табассум, дилимда қувонч ва шу билан бирга алланечук осуда осойишталик қарор топгандек бўлди. Аввалги дилгашликлардан зарра ҳам қолмагандек туюлди. «Туюлди», деб бежиз айтмадим. Тўғри, дилимда қувонч ва осойишталик қарор топди, аммо шу кунлар мобайнида шундай бир воқеа содир бўлдики, мен бу нарсанинг оқибатини аниқ бир ном билан атай олмайман. Аввалги дардимдан холи бўлдим, бироқ бошқача «дард»га дучор келдим. Бу «дард» бир томондан дилимни шодликка тўлдирса, иккинчи томондан саросимага солади, чўчхтади. Буткул хаёлимни қамраб олган, қутулишга чора йўқ, баъзан идроким устун келиб, ҳушимга қайтганимда, ўзимга-ўзим ёмон кўринаман, ўзимни-ўзим койигим келади. Калавам чалишиб кетган, учини топиш пақадар мушкул. Нукул Нарғизани, эримни ўйлайман. Хаёлимга дадам келади... Ҳозир май ойи. Роппа-роса саккиз йил... Исти-тутнинг тўртинчи курсида ўқирдим, онам оғир касалга гирифтор бўлиб, ярим йил мобайнида биз кўрсатмаган докторлар қолмади. Касалхонадан олиб касалхонага ётқиздик, самара бермади. Дадам шўрлик қариб кетди. Бир куни онам, «тузалишимга кўзим етмаяпти, деди, ягона фарзандимиз сепсан, қизим, кўзим очиклигида тиниб-тинчиб кетганингни кўрсам...» У пайтлари йиғирма бир ёшли қизман, менинг изимга тушган йиғитлар оз эмас, аммо биронтаси ҳам хаёлимни банд қилган эмас, буёқда онамнинг аҳволи борган сари чатоқлашяпти, орзуси хаёлимдан кетмайди. Балки бу онамнинг сўнги тилагидир, қандай рад қилиб бўлади? Аммо шунинг билан бирга мен қиз боламан, ихтиёрим ўзимда эмас. «Мени ол, сенга

тегмоқчиман», деб бировга айта оламанми? Тўғри, ягона фарзанд бўлганим учун ота-онам ҳамиша менинг кўнглимга қарашган, эрка ўсганман. Дадам ўқимишли одам, ўқитувчилар ёллаб мени музыкага, инглиз тилига ўргаттирган. Умуман, онамизда эркин ҳаракатлар маъ қилинмаган. Масалан, ўғил болалар мени кино ё театрда таклиф қилиб келишса, ҳеч ким бу ҳаракатда эриш нарса кўрмаган. Аксинча, ҳо аям, ҳо дадам бўлмасин, мени йўқлаб келган болаларни яхши қарши олишар, дарров дастурхонга таклиф қилиб, бор-йўгини тўкиб ташлашар эди. Биз шаҳарнинг марказида турардик, «эркин мулоқот» фақатгина бизнинг онамиз фазилати эмасди. Институтда ўқиб юрган кезларимда ҳам бунақанги одатлар давом эта борди. Баъзи йиғитлар очик кўнгли билан, баъзилари эса бироқ мақсадни кўзлаб, уйимизга келишарди. Мен буни сезардим, аммо билдирмас эдим, ўзимни ўта бефарқ, тўғрироғи, ҳаммага бир хил йўсинида тутардим. Ўша «ички дард» билан юрган йиғитлардан биронтасига мойиллик кўрсатсам, эртасига одам қўйиши муқаррар эди, аммо бунақанги посамимий ҳаракатга эрким йўл қўймас эди. Бироқ онам ўлим тўшагида ётипти, сўнги тилагини адо қилмаслик, бу ўта қабиҳлик, худбинлик. Ахир онам бегона бир одамдан эмас, мендан, ўз фарзандидан жавоб кутяпти... Бир кун дадам ишидан кеч келди, онам каравоти ёнидаги стулга ўтириб, қўлини онамнинг пешонасига қўйди. Мен чойга қараш учун ошхонага чиқиб кетдим. Бир оздан кейин дадам чиқди, кўзлари нам эди.

— Кир, аянғи гапи борақан, — деди сигарет тутатиш билан кўзини яшириб дадам.

Мен онамнинг олдида кирдим. Сарғиш ва озғин юзи осуда, шифтга тикилган нурсиз кўзлари тинч ва жим эди. Кирганимни пайқаб, мен томон бошини ўғирди ва араи жилмайиб кўзларимга синовчан тикилиб қолди. Мен онамни қучиб, юзимни юзига қўйдим. Зўрга бир қўлини қўзғатиб юзимни пайнаслади, бармоқлари кииригимда тўхтади.

— Йиғлама, жон болам, кўнглимни бузма, — деди онам қовжираган лабларини чаккамга қўйиб. — Даданг яхши хабар олиб келти.

Мен дарҳол кўзимни артдим, жилмайишга уриндим.

— Эсингда борми, Камолон махалласида турганимизда, даданг билан бирга ишлайдиган Жалол деган ўртоғи бўларди... Сенга нукул ҳовлисидаги шотутдан олиб келарди. Сен шотутни яхши кўрардинг. Қўлларинг, шойи кўйлагинг қип-қизил шотут рангига бўяларди. Шотут доғини совун ҳам олмасиди...

— Эсимда бор, ая, — дедим мен кулиб. — Ўша кишини мен «Шотут амаки» дердим шекилли?

Онам кулди. Кўзларига нур оралагандек бўлди.

— Ҳа-я... Эсимдан чиқиб қопти. «Шотут амаки», дердинг. Яхши пайтлар эди. Ҳозир шотут бўлса, менам ердим...

Томоғимга тўндек нарса келиб, дамимни сиқди, кўзим жикқа ёшга тўлди.

— Ҳозир йўқ-да шотут, энди тугаётган бўлса керак... Насиб қилса, пишганда ерман, зора... Шотут дори, юз дардга даво бўлади дейишади.

Онам жимиб қолди. Айтмоқчи бўлган асосий мавзуга қай йўсинда ўтишни ўйларди чоғи.

— Қизим, сен бирон марта шотутни гулини кўрганмисан? — деди онам тўсатдан тетиклашиб.

— Йўқ, ая, шотут гулламайди шекилли, — дедим қувноқ оҳангда онамнинг кўйига берилиб.

— Тўғри, гулиям, мевасиям битта бўлади. Шунинг ҳеч ўйламаган экаиман. Ҳақиқатда гулиям, мевасиям битта бўлади. — Онам яна жимиб қолди. Шотут ҳақида гапирса ҳам ичида бошқа нарсаларни ўйлар ва қай тарзда менга айтиш иложини ахтарар эди. — Улар ҳалиям ўша ҳовлисида туришади... Шотут ҳалиям бормикин ё кесиб ташлашганмикин?.. Дадангам билмаса керак. Агар кесиб ташлашмаган бўлишса, насибам қўшилган бўлса, балки озгим тегиб қолар... Мени насибам қўшилмаган бўлса,



сени огзинг тегар. Бир тўйиб евол. Дори. Аслида ҳамма тутлар дори. Ёшлигимизда балхутуни юзимизга суртардик. Оқартиради, дейишарди. Эртага сўраб олиш эсимдан чиқмасин — ўша ҳалиям бормикин...

— Кимдан сўрайсиз, ая?

Онам бир менга қараб олди-да, ҳушига қайтгандек, ўйланиб қолди.

— Жон болам... Даданг бугун ўша... «Шотут амакигни» учратиб қопти, — деди онам саросима аралаш жилмайиб. — Ўғли бўларди. Сен уни кўргансан. Эсингда борми? Оти нимаиди-а? — Онам бир оз хаёлга кетди, бироқ эслай олмади. — Инженер бўпти. Яхши ишда ишлармиш. Агар ота-онасига тортган бўлса, кўҳлик бўлиши керак. Сендан уч-тўрт ёш катта атиги... Ўша «Шотут амакинг» сени элапти, суриштирипти, салом айтворипти... Битта омонат гап айтворипти, шуни айтишга дданг ботина олманти ўзингга. Шунга нима дейсан, қизим?

Юрагим тўлиб кетди. Онам охиригача айтмаса ҳам аллақачон гап нима ҳақда кетаётганини тушуниб ўтирипман. Шунинг учун «совчи юбориш нияти бор экан» ёки «одам юборишса майлими, рози бўласанми, қизим, бизга қолса, биз розимиз» қабилдаги умумий гапларни кутмадим, бу азобдан онамни қутқариш учун:

— Майли, ая, сизлар шуни муносиб кўрибсизлар, мен розиман, — дедим. — Мен учун муҳими сизсиз, ая. Зора дилингиз ёришиб, дардларингиз нари кетса! Ишонаман, ая, сиз албатта тузалиб кетасиз. Қаердадир ўқидим, агар одам ё қаттиқ қўрқса, ё қаттиқ хурсанд бўлса, касали ўз-ўзидан чекипармиш! Бир одам туғма соқов экан, бир умр бироқ калима гапирмаган экан. Нима бўпти-ю, бир каттакон ит қувипти. Шунда қўрққанидан овози чиқиб кетипти. «Войдод! Қутқаринглар!» — деб юборипти. Кўрдингизми, ая, қанақа мўъжизалар бўлади!

— Қани энди, болажоним, ўша мўъжизалардан менгайм ато қилса...

Ошхонага кўзим қизариб, қовоғим шишиб чиқсам, да-

дам шўрлик ўз жазосини кутаётган маҳбусдек кўзлари жовдираб ночор бир тусда ўтирган экан, ўрнидан аста туриб, савол назари билан менга тикилиб қолди. Мен унга тасалли бериш учун жилмайиб қўйдим, ammo бари бир дадамнинг қиёфасидан ҳадик ва ёлворишга ўхшаш аллақандай забунлик аримади. У менинг юзимдаги табассумни ижиқ ва арзанда қизининг истеҳзои, деб фараз қилди чоғи, аранг тили калимага келиб:

— Мен аягни ўйловдим, қизим, фақат аягни, — деди ва яна ўқинчли умид билан менга тикилиб қолди.

— Менам, дада, — дедим такрор жилмайиб. — Менам аямни ўйладим. Розиман.

Дадам доғ қотиб қолди. У ўзи мени янгича руҳда тарбиялаган — буюғи китоблар, фильмлар — шунинг учун менинг бўйсунушимни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу фавқулодда тадбир — мажбур чора, агар онамнинг аҳволи оғир бўлмаганида, биламан, дадамнинг ўзи бунақа амални қўлламаган бўларди. «Мен аянгга севиб уйланганман, — деган дадам менга бир неча бор, — аянг ҳам мени яхши кўрган. Айниқса сен туғилганингда қувончимиз ичимизга сизмаган. Мен аянгдан бўлак ҳеч кимга кўнгил қўймаганман. Биз жуда бахтли бўлганмиз. Сен ҳам биздек бахтли бўлишингни истаيمان. Бунинг учун фақат севиб, муҳаббат асосида турмуш қуришинг керак. Сенинг севганинг ким бўлса, куёвим ўша...»

— Яқинроқ ке, — деди дадам хаяжондан эпткииб. Олдига бордим, дадам елкамдан қучди, мен кўксига бошимни қўйдим. Юраги дук-дук урарди. — Кечир, она қизим, мен бошимизга шунақа кунлар тушадн, деб ўйламовдим. Бўлак чора топа олмадим. Сен билан маслаҳат қилишга юрагим дов бермади. Ё агар... нима десаикин... кўнгил қўйган биронта...

Мен бош чайқадим. Дадам жимиб қолди, ютинди. Юраги ҳамон безовта гурсиллар эди. Чаккамга қайноқ томчи «чак» этиб тушди...

Куёвни ЗАГС идорасига борганимда кўрдим. Аслида дадам ҳам, онам ҳам «учрашинглар, танишинглар», деб бир-икки қисталанг қилишди, аммо мен унамадим. Бари бир муҳаббатсиз турмуш қурарканман, кўриб нима қилдим, куёв чиройлими-хунукми, ақллими-тентакми, нима фарқи бор? Қапақа бўлмасин, бошимдан «шов» этиб сув қуйиб юборгандек бўлади, уёғига кўникаман-кетаман. Турмушинг, ҳаётинг, ёстигинг, фарзандинг бир бўлгандан кейин кўникмай қаёққа борасан? Ҳатто бориб-бориб яхши кўриб ҳам кетасан киши, авваллари ноз-финоқ қилганинг ўзингга кулгили бўлиб туюлади. Озмунчами бунақалар? Уч-тўрт йил ўтгандан кейин, «хой, қиз, севгисиз эрга теккансан, қўй бу турмушингни», деганинг кўзини ўяди. Балки мен ҳам шунақа бўларман, турмушимга бирошта одам раҳна солмоқчи бўлса, итдек таларман, тиш-тирноғим билан ҳимоя қиларман. Тўғри, шунақа дугоналаримиз ҳам борки, муҳаббат ўтида ёнмаган бўлсалар-да, бир оқимга тушиб қолган рўзгорларини бузишни истамайдилар, бола-чақа, оила-юмуш, деб ўтаверадилар, ҳатто шу турмушдан ҳам ўзларига яраша қувонч оиларини топа биладилар. Яхшидир, ёмондир, эр номи бор-ку, бўлди-да. Кимнинг эри хотинини ардоқлаб бошига қўйиб юришти, қайси эр сафарга кетса бир ҳафта ўтмай хотинига алангали мактублар ёзади? Бунақанги мактуб ёзилганда ҳам, эр уёқда қолиб, хотинининг ўзи ўсал бўлади. «Э, бачкана бўлмай қолинг», деб мактубни йиртиб ташлайди. Бир куни кўчада ғалати бир нарсанинг гувоҳи бўлдим, эр-хотинлиги шундоқ сезилиб турипти. Ёшлари ўттиздан ошган ё ошмаган. Эри ариқдан ҳатлаб ёрдам учун хотинига қўл чўзувди, хотини эрининг қўлини шанатилаб қайириб ташлади, ҳаёсиз иш қилгандек, ўзи қизариб кетди.

Кўп ҳолларда эътиборсиз муносабатни аёлларимизнинг ўзлари туғдиришлари ҳаммага аён-ку ахир. Эрим бир қизиқ воқеани гапириб берган эди: тоғ йўлида бир

киши эшакда келаётган танишини учратиб қопти, ўн қадамча ортида пахмоқ рўмол ўраб олган аёл ҳам келаётган экан. «Йўл бўлсин, ошна?» — деб сўраган экан, эшак минган таниш: «Хотиним касал бўлиб қолди, қишлоққа олиб кетяпман», дебди. Уйлайманки, агар эри эшакдан тушиб бемор хотинини ўтказмоқчи бўлганда ҳам хотини сира рози бўлмас эди. Ўз мантиқи бор. Қанақа гап: хотин эшакда, эр эса пиёда!

Шундай қилиб, бўлажак эримни ЗАГС идорасида кўрдим. Бу — бахтми, омадми ёки аксими? — билмадим. Ҳар қалай, кўзим «унга» тушганда, юрагим шув этиб кетди. Биноийдек йигит, бўйи баланд, қошлари қуюқ, кўзлари шахло, қунт билан қиртишлаган соқолининг ўрни кўм-кўк. Эгнида қора костюм, оқ кўйлак, қалампиргулли қизил галстук. Костюм енгидан биллур кўзли запонка тақилган кўйлак манжети кўришиб турипти. Бизни таништиришди. Уятчан жилмайиб, кўлимни сиқди. Кафти нам, кўли андак қалтирар эди. «Хайрият, деб ўйладим ичимда, ҳаяжондан қалтираяпти, ориятли йигит кўринади. Демак, ишларимиз мен ўйлаганча чатоқ эмас экан. Ташқиси-ку дуруст, аммо ичингдан қанақа тухфа топаркинман...» ЗАГС га ариза ташлаб, орқамизга қайтдик. Мухторнинг ўртоғи ресторанга таклиф қилди, аммо мен унамадим. Мухтор ўртоғига «қистама» деган маънода ишора қилди, улар дугонам икковимизни уйимизга машинасида элтиб кўйишди.

— Лутфияхон, — деди Мухтор мени четга тортиб. — Қачон учрашамиз энди?

— Тўйда, — дедим мен қиёфамни ўзгартирмай. — Агар, албатта, унгача айниб қолмасангиз.

— Йўг-э, Лутфияхон, унақа деманг, — Мухтор ўзини бир зум йўқотиб кўйди. — Агар ўзингиз айниб қолмасангиз...

— Ўйлаб юрган тасаввурим бугун сиз фойдангизга ҳал бўлди, — дедим ўша алпозда, лекин билинар-билинмас истеҳзо билан. — Мендан хавотир бўлманг.

— Ҳар қалай биз ҳали деярли таниш эмасмиз, бир-биримизни яхши билмаймиз. Қолаверса, мен сизни кўришни истардим, — деди Мухтор бир оз дадилланиб.

— Тўйдан кейин тўйгуниигизча кўраверасиз.

Мухтор гап топа олмай қолди. Албатта-ку, гап топа оларди, аммо ножўя сўзлаб қўйишдан чўчиб, ўзини тутди, одоб сақлади. Виламан, сўзларим уни энди ўйлантириб қўяди. «Қанақа кўрс, бетгачопар қиз экан ўзи? Биринчи учрашувдаям шунақа тутадими ўзини? Мен унга уйлан-япманми ё у менгами?» — деган ўйлар миясини пармалайди. Яхши қилмадим, албатта. Буни ўзим ҳам тушундим. Одатим қурсин. Нуқул шу одатим орқали панд ейман. Оқибати нима бўлишига ақлим етиб турса-да, ўзимни ушлай олмайман. Аттаг. Яхши бўлмади. Гурурига тегиб кетдим. Тағинам вазмин йигит экан, унинг ўрнида мен бўлганимда, шартта бурилиб кетворган бўлардим.

— Ихтиёрингиз, — деди у бир оз маъюсланиб. — Агар иложингиз бўлмаса...

— Кечиринг, — дедим хиёл юмшаб. — Ҳолатимни тушунарсиз, деб ўйлайман. Хабарингиз бор, онам бетоб, бошқа нарсалар юрагимга сиғмайди. Кечиринг.

— Сиз мени кечиринг, Лутфияхон, — деди Мухтор самимий руҳланиб ва негадир қизариб кетди. — Мен ўзим бетамизлик қилиб қўйдим. Кечиринг, бу томонини эсан чиқарибман, қараг. Онангизга мендан соғлиқ тилаб, салом айтиб қўйинг.

— Раҳмат...

Ҳаш-паш дегунча тўй ўтди. Ҳаммаёқда шодиёна, ўйин-кулги, фақат мешинг ичимга чироқ ёқса, ёрмайди. Онаминг аҳволи куп сайин оғирлашиб бормоқда. Ҳатто тўй куни ҳам «Тез ёрдам» икки марта келиб оғриқни сездирмайдиган морфийдан укол қилиб кетди. Қариндош-уруглар, қўни-қўшнилар билан уйимиз тўла, ҳаммалари юмушда. Стол ўрнатишяпти, дастурхон тузашяпти, идиш-товоқ ювишяпти, пастдаги тулука гараж ёнига ўриятилган ўчоқ томондан жаз-буз товуши келяпти. Фақат мен

онамнинг олдидан кўзгалмайман, шунга қарамай гоҳ «У нарса қатда?», «Бу нарса қатда?» — деб киришади, туришга мажбур бўламан, чунки хизматдаги одамлар нима қаерда турганини билишмайди. Дугоналаримнинг баъзилари шу онам ётган хонада чурқ этмай ўтиришяпти, мени нардоз қилишни кутишяпти. Дард бир оз қўйиб юборса, онам инграшдан тўхтаб, аранг кўзларини очади, кулишга ҳаракат қилиб: «Тур, болажоним, ўзинга яраша ишларнинг бор, бажарвол, мени кўявер», дейди. Шу алпозда кеч бўлди. Дугоналарим ёрдамида оқ гипюрдан тўй либосини кийдим, сочимни тарадим, уна-элик суртдим. Кимдир қора бўёқ узатувди, олмадим. Нима кераги бор? Бари бир кўз ёшларим билан афтимга суркалиб кетади. Бари бир юзимдаги ҳарир ридони очмайман.

Хуллас, куёвниқига кетадиган пайт ҳам келди.

Онамни кучоқлаб ўпганимда, онам морфий таъсирида осуда ухлаб ётарди. Мени аранг ажратишди, хонада кимки бўлса, ҳаммалари тик турган ҳолда менинг бахтимни тилаб фотиҳа ўқишди. Дадамни маҳкам кучиб бир неча кундан буён қиртишланмаган пам юзидан ўпдим. Дадам ўзини зўрга йиғидан тийиб, мени итаради, бағридан ажратмоқчи бўлади, мен баттар ёпишаман... Шунини айтишим керакки, бугунги тўй маросими ва умуман, тўй билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар мен учун ўта носамимий, сохта ва қўпол бўлиб туюлди.

Айниқса, куёвлар келгандан кейин ижро этилган ашулалар жуда эриш кўринди, қани энди мумкин бўлса-ю, ҳаммасини ҳайдаб солсам... Куёвниқига етиб борганимизда микрофон орқали ҳаммаёқни ларзага солган «Тўйлар муборак» ашуласи менга ҳақоратдек бўлиб янгради. Тўй оқшоми, зиёфати қандай ўтганини билмайман. Аллакимлар келин билан куёвнинг шаънига табрик сўзларини айтиб, қадаҳлар кўтаришяпти, қарсақлар чалин-япти, машшоқлар қўшиқ айтишяпти, раққосалар ўйинга тушиб чирпирак бўлишяпти, қани энди биронта сўз ё қўшиқ қулоғимга кирса, биронта аскиядан жилмайсам.

Бошимга оғриқ кирди. Буткул хаёлим шу топда оғриқдан инграб ётган онамда, юзини тўсиб унсиз йиглаётган дадамда. Ажабо, нега энди шупақа?! Нега энди йиглагинг келганда кулишинг, истамаган нарсангни бажаришинг, ёмон кўрганингни мақташинг керак? Бу масхарабозлик кимга керак? Онамгами? Онам бечора ҳеч нарсани сезмай, ҳушсиз ётипти. Дадамгами? Дадам онамнинг дардига чора топа олмай қай бурчақда тўлганиб мункайиб ўтирганикин? Е менгами? Бу наъралардан бошим гов, кўзим нам, алам билан зўрга ўтирибман.

Ниҳоят куёв билан мени ичкарига олиб киришди. Елгиз ўзимиз қолдик. Кўнглим беҳузур, безалган каравот четига ўтирдим. Мухтор бошимдаги ҳарирни олиб, юзимга қаради. Кўзларимни юмиб олдим. Ўзимни қўлга олишим лозим. «Етар, бас, бўлар иш бўлди, куёвнинг ҳам таъбини хира қилиб юбордим». Лекин ҳўв боя бошимга кирган оғриқ борган сайини зўраймоқда, икки чаккам лўқиллаб, пешонам тарс ёрилиб кетай дейди. Мухтор алланималар билан овора, нима билан — билмайман, чунки оғриқдан кўз очишга ҳеч қандай мадорим йўқ. Ташқаридан аёлларнинг овози, идиш-анжомларнинг жаранги, ҳали кетиб улгурмаган меҳмонларнинг маст-аласт валдирашлари ку лоғимга чалинади. Эшик қулфининг қирс этиб ёпилгани эшитилди.

— Лутфия!

Аранг кўзимни очдим, юрагим шув этиб кетди: рўпа рамда майкачан, кўкраги жулдор Мухтор турарди.

— Шунча ўтирдик, шунча кулги-ҳангомалар бўлди, бирон марта лоақал жилмайиб қўймадингиз-а, — деб пи санда қилди Мухтор. — Битта сизнинггина онангиз бор экан-да дунёда...

Мана, мени тушунадиган, ардоқлайдиган бўлажак эримдан дастлабки никоҳ кечасида чиққан гаплар. Хўрлигим келди, юзимни кафтларим билан тўсиб, юм-юм йиғлай бошладим. Мухтор жимиб қолди. Ножўя сўзлари учун пушаймон бўляпти, деб ўйладим йиғи аралаш. Ҳозир

юнатади, бироқ илиқ сўз айтиб, кўнглимни кўтаради, узр сўрайди, ҳозиргина айтган заҳарли писандани ювиб ташлашга уринади, деган умид дилимдан ўтди. Бироқ Мухтор мени ёнига ағанатиб, суллоҳларча ўпа кетди. Менга ҳозир бунақанги ҳаракат мутлақо ёқмайди, гашим келади, ижирганиман, ҳазар қиламан, у бўлса ўзини тия қолмайди, қўлларимни юзимдан айириб, ёшли кўзларимдан, томоғимдан ўпади, юзимни ўгириб, баттар йиғлайман. Мухтор кўксини кўксимга босиб лаблари билан лабларимни ахтаради, баданимни пийнаслаб, кийимимни тортқилайди, ечиб ташламоқчи бўлади, яна титроқ лабларини бўйнимга босади. Нимадир демоқчи бўлиб, уни итариб ташлашга уринаман, аммо кучим етмайди, мен қаршилиқ кўрсатганим сайин, у зўраяди, кўкракларимни чангаллайди, гижимлайди, оғритади. Пировардида кўнглим айнади, қайт қилиб юбордим...

\* \* \*

Тўйдан кейин ҳафта ўтмай, онам узилди.

Тўйнинг эртасигаёқ узр сўраб, ўз уйимга, онамнинг олдига югурдим. Уйда бир-иккита қариндошларимиз қолиб, ҳамма нарсаларни саранжом қилиш билан банд эдилар. Онам хийла тетик, ёнида дадам мунгайиб ўтирган экан. Онам мени кўриб, кўз қирини ташлади. Энгашиб кучоқладим, ўпдим, яна ҳалқумимга тош қадалди, бироқ ўзимни тутдим. Онам нимадир демоқчи бўлди, аммо мадори етмади. Еки аъзолари қота бошлаганми, хоҳишига бўйсунмаяпти. Мени янги турмуш билан табриклагоқчи бўлди чоғи. Дадам пешонамдан ўпиб, кўзимга тикилди.

— Қизим, келиб чакки қипсан,— деди дадам.— Кеча тушган хонадондан бугуноқ...

— Ўзлик ўзи руҳсат беришди.

Ҳақиқатда келин бўлиб, шойи лозим кийиб, саломга чиқмадим, ҳовли супурмадим, қайнонамга чой тутмадим. Қоронғи тушганда кириб бораман, эрта билан яна



уйимга чопаман. Тагин ҳам қайнона-қайноталарим яхши одамлар экан, чурқ этишмади, қайтага қайнонам менга қўшилишиб бир-икки марта келиб кетди ҳам. Мухтор кун ора шу ерда, ишдан бўшади дегунча, етиб келади, ҳамдард бўлади, ниҳоят дадам қистайвергандан кейин, ўрнимиздан қўзғаламиз. Мухтор бизниқига дастлаб борганида, «куёвингиз» деб таништирдим, онам аранг қўлини кўтарувди, имо қилдим, яқин келиб энгашди, мен онамнинг қўлини баландроқ кўтариб Мухторнинг елкасига қўйдим. Шундай қилиб куёв-қайнона танишишди. Онам дадамга кўз ташлади, дадам дарҳол тушунди шекилли, дуога қўл очди, бизга бахт-саодат, онамга умр тилади.

— Ая,— дедим мен онам томон энгашган ҳолда ўзимни мамнун кўрсатиб.— Шотут ҳалиям боракан. Яхши ту-гипти, меваси кўн. Ўзим кўрдим. Қудангиз айтдилар, шотут дегани, шоҳ тут сўзидан келиб чиққанакан. Яъни, тутлар шоҳи, деган маънони билдираркан. Айни ёз пайтида пишаркан. Ўзим териб опкеламаң, иккаламиз маза қилиб сймиз, ая...

Тут пишганда онамнинг қабридан сабза урган майса-лар аллақачон сарғайиб, хашакка айланган эди. Биричи шотут мевасини оғзимга солганимда, шотут эмас — тикан ютгандек бўлдим, ўтим янгиланди, ликопдаги шотут ейилмай, бужмайиб қолди, ҳовлига опчиқиб қўйдим, қушлар чўқилаб кетишди.

Бир йил ўтар-ўтмай қайнотам ҳам дунёдан ўтди. Одамлар «оллонинг каромати, мунақа осон ўлимни атаган бандасига беради», дейишди. Ҳали ҳам ёдимда: ишдан келсам, ҳовли тўла айюҳаннос, қий-чув, йиғи. «Адангиздан айрилиб қолдингиз, Лутфийхон!» — дея қайнонам фарёд аралаш қўлларини тиззасига урди. Бориб қайнонамни қучдим, кўзимга ёш тўлди. «Қачон? Нега? Адам соппа-соғ эдилар-ку!» — дейман нуқул. Қайнотам нонуштадан кейин бир оз хомток қилипти, гулларга сув қуйишти. Шанба куни одатда қизиқ кўрсатувлар бўлади, қайнотам даҳлиздаги телевизор олдига кресло қўйиб, ~~телевизор олдига кресло қўйиб,~~

ти, қайнонам ўз юмушларидан бўнаб, бир чойнак чой олиб боришти. Қараса, эри нягини кўкрагига тираган ҳолда ухлаб қолипти. «Ичкари кириб ёта қолинг, ҳой дадаси!» — деб салгина туртган экан, қўли креслоннинг суянчигидан сийганиб, жасади қийшайиб қолипти. Мен уйга келсам — ҳамма нарса тахт. Маҳалламиз одамлари жуда аҳил, киши бошига ташвиш тушса, қараб туришмайди, ҳар қанча иш бўлмасин, бажариб ташлашади. Албатта, барча юмуш ва тадбирлар маҳалла оқсоқолларининг маслаҳати билан амалга оширилади. Неча асрлардан буён сақланиб келаётган анъаналаримиз бўйича айниқса қариялар бизда катта ҳурматга сазовор, ҳеч ким уларнинг маслаҳатидан чиқиб иш кўрмайди, гапини икки қилмайди. Уларнинг маслаҳатига кўра, қайнотамнинг жасади шу бугуноқ ерга қўйиладиган бўлипти. «Бехабар уруглар ҳали кўп, улар ўпкалашади», деган мулоҳазаларни ҳам эътиборга олишмапти. Маҳалла оқсоқолларининг қарори шу бўлипти. Бундоқ қараганда, маҳалла аҳлининг «шошқалоқлигида» ҳам жон бор. Негаки, кун иссиқ, жасадни кўп ушлаб бўлмайди, қолаверса, эрта саҳаргача яна аллақанча вақт бор, кафанланган мурда уйнинг ўртасида ётаверса, кечаси ҳам ҳеч ким кўз юмай, йиғи тўхтамайди, одамлар керагидан кўп уришишади, азият чекишади. Тобут қанча тез кўтарилса, ҳам шунча тез кўниқилади. Унинг устига аза билан боғлиқ бўлган анча-мунча ташкилий ишлар бор, одамлар юмуш билан чалгийди — алаҳсийди, кеч бўлади, тонг отади, шу алпозда вақт ўта бошлайди.

Бу оилага тушганимга уч йил бўлганда Наргиза туғилди. Ўзбек оиласи учун уч йил мобайнида фарзанд туғилмаса уйдагилар ҳам, қўни-қўшни ҳам бошқача қарай бошлайди. Ўзим ҳам аллақандай ноқулайлик сезадиган бўлиб қолдим. Фақат Мухтор бу ҳақда бIRON марта огиз очмади. Бу, албатта, фарзанд пайдо бўлишига Мухтор қарши ёки лоқайд деган гап эмас. У фарзандни кутарди, мен бунга аминман, фақат мени аяр, ранжитиб қўйишдан ҳайиқар эди. Бундай олиб қараганда, у нима деб

писанда қилиши мумкин? Кўрни кўр деб айблаш — бу ўтакетган ҳақорат-ку. Аёл кишини тугмасликда айблаш, аёл кишининг энг нозик ва муқаддас туйғусини поймол қилиш билан баробар, кейин бир умр фарзанд кўра олмай армонда ўтаётган аёллар ҳам учраб туради. Улар биринчи йўл қўйган хатоларига, институтни тугатишим керак ёки энди институтни тугатиб ишга кирдим, дарров декретга чиқиб кетиш ноқулай қабилда турли сабаблар ахтаришади, аммо бари бир шу ҳолда ҳам уларни айблаш қапчалик тўғри, билмадим, чунки улар биринчи ҳомилани аборт қилиб ўзларини ўзлари жазолайдилар, ҳаётнинг энг улугъ лаззатидан, бахтидан маҳрум бўладилар. Очиғини айтсам, Нарғиза тугилмагунча мен ҳам бу бахтдан йироқ эдим, ўзимни она сифатида мутлақо тасаввур қила олмасдим, фарзанд деганда, боланинг йиғиси, касали, хархашаси, уйқусиз кечалар кўз ўнгимга келарди. Тўғри, буларсиз бола катта бўлмайди, албатта. Лекин ёпингизда ухлаб ётган бир бегуноҳ инъом, унинг илк кулгиси, кўкракни оғзига олиб мунчоқдек кўзлари билан онасига тикилиши, унинг таний бошлаши, биринчи тетапоясси, қўлига тушган нарсани оғзига олиб бориши, шундан қайтганда онасига қийқириб бетоқат талпиниши, жажжи қўлчаси билан зирак аралаш қулоқни чангаллаб тортқилаши, севинчда қўққисдан айтиб юборган дастлабки сўзлари — буларнинг ҳаммасини дунёда нима билан тенглаштириб бўлади?!

Нарғизага оғироёқ бўлганимда, ҳамманинг назарида мамнулик аломатларини сездим. Қайнонам андишали, ориятли аёл, авваллари индамай юрди, ойлар кетидан ойлар ўтган сайин кўнглида гулгула туғила бошлади чоғи, бир-икки марта гап очиб ҳам кўрди.

— Адангиз раҳматли невара кўрармикинман, эркалатармикипман, деб орзусига столмай ўлиб кетди шўрлик. Мевам қариб қолдим, зора у кўрмаганини мен кўрсам. — Шу сўзларини ўқинч билан айтаркан, қайнонам менга узоқ тикилди. Мен нима ҳам деб овутишим мумкин, чучвара

тугишда давом этдим.— Кўзингиз тушгандир балки, Сокинахон деган жувон бор, магазинни ёнида туришади. Шу жувонга суюнаман. Ун йил деганда бўйида бўлди. Узиям хўп қаратди, печа марта Московларга бориб келди. Эриям вазмин йигит экан, чидади, кутди. Бўлмаса ўзи қанақа танти, бадавлат, топармон йигит, дўпписи тушиб кетса, пул бериб олдиради. Сабр қилди, мана, мунчокдек ўғилчаси бор...

Наргизанинг дунёга келиши минг-минг қувончлардан ташқари саросималар тугёнида беҳаловат бўлиб келаётган қалбимга осойишталик, эрим билан менинг ҳаётимиздаги омонатликка бир қадар мустаҳкамлик ато этгандек, Мухтор кўзимга жозибали ва қадрдонроқ бўлиб кўрипа бошлади. Умуман, Мухтор тузук одам. Мулойим, камтар, мулоҳазали, вазмин. Ичмайди, чекмайди, ноўрин рашклар, бачкана қилиқлар, ноҳақ талаблар билан одамни қийнамайди. Хулласи, «орзу қилса арзийдиган» йигит. Аммо шунга қарамай бизнинг муносабатимизда чақмоқ ўтидек лов этган дамлар рўй бермади. Ҳаётимиз ими-жимиди, захоб сувидек жилдираб оқа бошлади. Бирин-кетин ишдан келамиз, овқатланамиз, бир оз телевизор томоша қиламиз, хонамизга кириб ётамиз, тонг отади, яна ишга жўнаймиз, баъзан шанба, якшанба кунлари ўртоқлариникига меҳмон бўлиб борамиз, уларнинг оғиз тўла тилла тишли хотинлари билан чақчақлашиб, яна уйга қайтамиз, кейин меҳмондорчилик одат бўйича бизникида бўлади, яна ўша неча марталаб эшитган эски гаплар, ҳангома, яна узундан-узун хайрлашиш... Бундан ташқари, баъзан бизникига дадам келади ё биз уларникига борамиз. Дадам табиатан анча самимий одам. Куёви қизи билан уйига кириб борганини кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетади, мени юмушга уринтирмай, ўзи ошхонада тарақ-туруқ қилади, таомга уннайди. Мен биламан, бошқача муҳитда ўсган Мухторга дадамнинг бу «эркакларга хос бўлмаган» ҳаракатлари ёқавермайди, шунинг учун «куёвингизнинг олдига кирип, ёлғиз қолди», деб дадамни ошхонадан чиқариб

юбораман, юмушдан бўш вайтларим ўзим ҳам кириб ўтираман, уларнинг суҳбатига қулоқ соламан. Мухтор бизнинг уйга неча марта келган бўлса, бирон марта яйраб кулганини, овозини баланд кўтарганини билмайман. Мухтор дадам билан вазмин, мударрисларга ўхшаб гаплашади. У қурилиш трести бошлиғи, балки унинг босиқ ва сермулоҳаза қиёфаси амалининг тамғасидир, шунинг учун ҳовлиқиш, маҳмадонагарчилик қилиш унга мутлақо ёт нарса. У нафақат ўз сезгисини, ҳатто менинг ҳам баъзан гуркираб кетадиган ҳиссиётимга сув пуркаб туради. Бир-икки марта онасининг олдида Наргизани суёуб ўпганимни, бағримга босиб эркалаганимни кўриб менга танбеҳ берди, ҳаракатимдан хижолат бўлди. Лекин шунга қарамай Наргиза турмушимизга бўлакча маъно, тотувлик олиб кирди, дилимизни хижил қилиб юрган губорни тарқатиб юборди.

Шу зайл вақт ўтаверди. Қайним Саттор икки йил деганда армия хизматини адо этиб, қайтиб келди. Қайнонам билан Мухтор уни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Бу пайтга келиб Мухторни министр муовини қилиб тайинлашган эди, тўй баҳонаси уй торлик қилади, деб биз Мухтор билан Ленин хиёбонида қурилган кўп қаватли бинодан ажратилган тўрт хонали квартирага кўчиб ўтдик. Қайнонамнинг боди бор, қиш яқинлашганда у ҳам бизни кига кўчиб келди. Наргиза бувисини яхши кўради, бувиси ҳам Наргизани на ерга, на кўкка ишонади. Бу томонидан кўнглимиз тўқ. Фақат янги уйга кўчиб келганимиздан кейин аввалги ишлаб юрган мактабим олислик қилиб қолди. Қатнашнинг ўзига икки соатга яқин вақт кетади. Асабим бир аҳволда, унинг устига йўл машаққати, қийналиб кетдим. Чилпарчин бўлиб уйга келаман, бошим оғрийди, қўлларим қалтирайди, кўзимни оча олмайман. Портфелим тўла ўқувчиларнинг даста-даста дафтарлари, текшириб баҳо қўйиш, ўқув плани, конспект тузиш керак. Хайриятки, қайнонам бор, қунимга ўша бечора асқотади. Мана, мактаб ишларидан узоқлашганимга бир ойча бўлиб

қолди. Мухтор Нарғиза билан келиб мендан хабар олиб туришади. Шундай келишларнинг бирида Мухтор, «янги иш топиб қўйдим, деди, унчалик диққатвозлик йўқ, сенбоп иш». «Қанақа иш экан?» «Ўқитувчилар малакасини ошириш институти, энди ўқувчиларни эмас, истасанг, ўқитувчиларни ўқитасан. Уйнимизга яқин, яёв беш минутда етса бўлади. Маориф бўйича жорий қилинаётган янги ўқув методикаси билан ўқитувчиларни хабардор қилиб туришга ўхшаш ишлар экан. Ўйлаб кўр, ўзингга қулай бўлади...» Мен тайин бир жавоб бермадим, «ўйлаб кўрарман», дедим. Лекин ҳозир, Маннон билан танишганимдан кейин, аниқ биламан, мен муқаррар эрим тавсия қилган институтга асло бормаيمان...

Палатам эшиги тақиллади ва эшик тирқишида бошига оқ пешонабоғ ўраган ҳамшира қиз кўринди:

— Сизни телефонга сўрашапти.

— Ҳозир.

Ягона телефон аппарати бўлим мудирининг қабулхонасига ўрнатилган, ўша ёққа ошиқдим. Хайрият, у ерда ҳеч ким йўқ экан, бўлим мудирни беморларни кўргани чиқиб кетган кўринади. Жингалак шнурли телефон трубкаси столда ётипти.

— Алё,— дедим бир оз ҳансираб.

— Лутфия, салом, бу — мен,— деган Мухторнинг овозини танидим.— Тайёрмисан?

— Умуман тайёрман,— дедим мен негадир ҳаяжонланиб ва беихтиёр кўз олдимга Манноннинг иродали, аммо сокин қиёфаси келди.

— Нега тутилиб гапиряпсан?— сўради Мухтор бир қадар безовталаниб.— Овозинг ғалати. Ўзинг яхшимисан?

— Яхшиман,— дедим мен ўзимни идора қилишга тиришиб.— Фақат ҳали бюллетенни беришгани йўқ. Ҳозир тушиб кийимларимни алмаштириб чиқаман. Қачон келасиз?

— Ҳозир соат ўн бир,— деди Мухтор бир оз сукутдан

**кейин.** — Соат ўн иккигача улгурсанг — борай, бўлмаса шофёрни юбораман. Мени Госпланга чақириб қолишди.

— Ундоқ бўлса, ўзим такси олиб кетаман, шофёрни юбормай қўя қолинг.

— Овора бўласан-да, такси ушлаш қийин. Соат ўн икки яримга шофёр бориб туради. Хайр. Уйда кўришамиз...

Тавба, аллақандай юк елкадан қулагандек бўлди. Трубкани қўйиб палатамга қайтдим, нимадир мени алдагандек туюлди, балконга чиқдим. Чиқдим-у, кўзим Маппонга тушди. У балконимиз қаршисидаги катта ариқ лабига қўйилган скамейкада ўтирар, мажнунтолнинг шода повдалари орасидан ҳаяжон билан менга тикиларди. Процедурага борманги, муқаррар у мени кўрмоқчи, чунки бугун бу ердан чиқиб кетишимни билади, фавқулодда кўришмай-хайрлашмай қолишдан қўрққан бўлса керак. Мажнунтол повдаларини шамол кўзгатганда мен жилмайиб қўйдим, у ҳам журъатсиз табассум билан ўрнидан турди, аммо жойидан жилмади, сеҳлангандек ўз ўрнида тик қолди. Мен орқамга ўгирилиб хонамга кирдим, халатим чўнтагидаги ойпачани олиб аксимга қарадим, кўзларимда алланечук ҳаяжон ва саросима кўрдим, лекин бари бир палатамда қола олмадим, нимадир мени етаклади, чиқдим...

Шифохонага келгапимнинг биринчи ҳафтаси эди. Тушки дамдан кейин боғ бўйлаб айланиб юрган эдим, аллақайёқдан таниш музыка товуши қулогимга чалинди. Товуш келган томонни тахмин қилиб, чапга кетган хиёбонга бурилдим, музыка товуши яққолроқ эшитила бошлади. Ниҳоят кўзим оғир, сербарг шохлари одам бўйи барабар эгилган дарахт остидаги майсалар орасига қўйилган бўм-бўш, аммо суянчиғига касалхонанинг кулранг халати ташланган хаворанг скамейкага тушди. Скамейка ўриндигининг четида қоғоз қистирилган эски китоб ва музыка садоси таралаётган чарм гилофли кичкина магнитофон турарди. Мен музикани дарров эсладим. Ленинградга борганимда у ердаги аспир-

рантурада ўқиган дугонам билан бир неча марта филармонияга қатнаб шу музикани тинглаганман. Бу Моцартининг «Реквием» номи билан аталадиган машҳур музыка асари. Мен ҳамиша бу асарни мароқ билан тинглайман, таъриф қилиб бўлмас даражада завқ оламан. Моцарт бу асарни оғир касал пайтида аллақандай графнинг илтимосига кўра унинг рафиқаси хотирасига бағишлаб ёзган. Венанинг машҳур паркида истироҳат қилиб юрган пайтида Моцарт кўзида ёш билан хотинига, «Мен «Реквием»ни ўз ажалимга ёзипман», деган экан. Ҳақиқатан, улур композитор асарини тугата олмай вафот этган.

Бу изтиробга тўла ҳазин куйни бу ерда ким эшитиши мумкин? Шубҳасиз, музыка соҳасида ишлайдиган, шу касбга бевосита алоқадор одам бўлиши керак. Йўқса, бунақа мураккаб асарни ким плёнкага ёзиб эшитиб юради? Кимнинг қўлида магнитофон кўрманг, албатта ҳинд, хоразмча ёки сийқаси чиқиб кетган бачкана ашулалар ёзилган бўлади.

Беихтиёр магнитофоннинг сирли эгаси дилимда қизиқиш уйғота бошлади, атрофга алангладим, бироқ нари-нарида айланиб юрган беморлардан бўлак ҳеч ким кўринмади. Мен музиканинг сеҳрли жозибасидан кета олмай, скамейканинг нариги четига омонатгина ўтирдим, аламли тўлқинлар садосига ғарқ бўлдим. Аллақандай шарпа диққатимни тортди, беихтиёр четга қарадим. Нарироқда ўрта бўйли, қотма, аммо истараси иссиқ бир йигит синдириб олган шохчасини кафтига уриб турар, бу ерга яқинлашишга истиҳола қилаётгандек эди. Мен музыкага маҳлиё бўлиб, унинг келиб қолганини сезмабман. Рухсатсиз ўтириб олганимга хижолат чекиб, узр оҳангида жилмайиб, ўрнимдан қўзгалган эдим, ўша йигит шошилиб:

— Ўтираверинг, бемалол,— дея сўзларини бир неча марта қайтарди ва келиб скамейка олдида тўхтади.— Қайтариб қўййми ё эшитаверасизми?

Менинг музыкага уйғонган ҳавасим сабаб бўлдим ёки музыка асарининг тарихидан хабардорлигимни пайқадими,



билмадим, ҳар ҳолда ҳозирги саволни беришда ё синаш, ёки хайрихоҳлик аломати бор эди. Гап шундаки, «Реквием»нинг охирги беш қисмини Моцартнинг ўзи ёзган эмас. Ёзишга улгурмаган. Моцартнинг хомакилари асосида асарни унинг шогирди Зюмайер ниҳоясига етказган. Шунинг учун бўлса керак, асарнинг бевосита Моцартнинг ўзи ёзмаган қисмлари у қадар таъсирчан чиқмаган, шогирдининг маҳорати етишмаган, устозининг даражасига кўтарила олмаган чоғи. Ленинград филармониясида ҳам шу асарни тинглаганимда ўз кўзим билан кўрганман, еттичи «Лакримоза» қисми адо бўлганда, кўплар туриб залдан чиқиб кетган эди. Ҳалиги йигитнинг саволи — масаланинг шу томониغا ишора эди.

— Ихтиёрингиз, — дедим мен уялиқираб. — Агар ўзингиз эшитишни хоҳламасангиз, майли, ўчириб қўя қолинг.

Йигит магнитофонни ўчирмади, фақат овозини паст қилиб қўйди. Мен бу йигитни энди танидим. Умуман, бу шифохонада беморлар бир-бирларини кўравериб, беихтиёр таниш бўлиб қолишади, кўз кўзга тушганда ҳурмат йўлига салом-алиқ қилишади, ҳол-аҳвол сўрашади, баъзилар бу даргоҳдан ажралмас қадрдон бўлиб чиқиб кетишади. Шифохонанинг ҳашаматли клуби бор, артистлар келиб беморлар билан учрашув, хонандалар концерт бериб кетишади, бошқа кунлари кино кўрсатилади. Кинонинг тури ҳар хил. Тутуриқсиз бачканаларидан тортиб машҳур, дунёга донғи кетган фильмларгача намоён қилинади. Назаримда клуб маъмурияти қайси фильм шаҳар экранидан тушиб қолган бўлса, ўшани олиб келса керак. Акс ҳолда кўпчилик беморларнинг талабига биноан ҳинд ёки араб фильмларидан бўлагини кўрмаган бўлардик. Қайси бир кун — келганимнинг дастлабки пайтлари эди шекилли — «Ноэль фортюна» номли нозик дид билан ишланган ажойиб бир француз фильмининг олиб келишди. Оламга таниқли машҳур артистлар ўйнашган, берилиб томоша қиласан киши. Бироқ фильмининг ярмига етмай, одамлар,

«зерикарли экан, па ашуласи бор, па ўйини», деб чиқиб кета бошлашди. Заяда бешта томошабини қолганини кўриб, механик фильм намойишини тўхтатди, чироқ ёқилди. Шунда бир йигит жанжал кўтарди: «Бошқалар билан нима ишимиз бор, пул тўлаганмиз, охиригача кўришга ҳаққимиз бор!» — деб туриб олди, механик бўйсунушга мажбур бўлди, ўша йигит туфайли фильмини охиригача томоша қилдик. Ҳозир скамейканинг нариги четида ўтирган йигит ўша эди.

— Бу нарсани биринчи эшитишингизми? — дея йигит орамиздаги ноқулай жимликни бузди.

— Йўқ, аввал ҳам эшитганман, — дедим мен табассум билан, — Ленинград филармониясида.

— Музика билан шуғуллаансангиз керак?

— Йўқ, соҳам мутлақо бўлак, — дедим мен. — Шунчаки, қизиқаман.

— Мен ҳам сиздақа ҳаваскорман, — деди йигит суҳбатни қувватлаб. Унинг серкиприк кўзлари ёноқсиз озгин юзида айниқса йирик ва ўткир кўринар, узун бармоқларининг тишлоқлари рапгсиз, оқ оралаган сал қўнғир сочи гарданигача тушиб турар ва бу ўзига ярашган эди.

— Мен сизни ҳойнаҳой дирижёр ё композитор бўлсангиз керак, деб ўйловдим.

— Қаёқда, — деди у бир оз мулзам бўлгандек. — Оддий ўқитувчиман. Ўрта мактабда дарс бераман.

Ана холос! Мен дирижёр, деб ўйласам, ўзим қатори оддий ўқитувчи экан. Ҳатто ҳафсалам пир бўлиб кетди. Бейхтёр илжайдим.

— Нега куласиз? — сўради йигит ранжигандек. — Тилла магазинида мудирман, десам, кулмаган бўлардингиз, албатта.

Мен кечирим сўрамоқчи эдим, аммо унинг тутақиб пичинг қилиши гашимни келтирдими, билмадим, меннинг ҳам ўжарлигим тутди.

— Албатта-да! — дедим мен ҳам қолишмай. — Магазин мудирини одам деса арзийди! Бақувват дўст-

лари кўп, қаерга чўзса қўли етади. Тагида шахсий машинаси, одамни босиб олса, кимга айбини тўпқаришади? Машина тагида қолганга! Энг яхши курортларга ким боради? Ушалар! Ўқитувчи нима бўпти? Қўлидан нима келади? Кучи етса, ўқувчисига икки қўйиб, аламини олади. Ҳар кунни дасталаб ўқувчиларнинг дафтарларини қўлтиқлаб кетади, бошқалар театрга борганда, ўқитувчи кўр бўлиб диктант текширади! Китоб ўқиш, газета кўриш, телевизор томоша қилиш, ўз устида ишлаш, малакасини ошириш, илгор тоялардан беҳабар ким? Ўқитувчи. Кўп ҳолларда ўз ўқувчилари билган нарсаларни ҳам билмайди. Бу — сиёсий томони. Иқтисодий томонини олайлик. Трамвай аботементини ҳам ҳисоб қилиб юради. Мактабда ҳам, уйда ҳам дакки егани еган. Магазин мудирининг бир ўтиришда сарф қилган пулини ўқитувчи бир ойда ҳам топа олмайди. Бировга ўқитувчиман, деса, қизини бермайди. Сиз тагини ўпкалайсиз!..

Йигит баттар оқариб кетди, эътироз учун сўз ахтариб бир зум ўйлашиб қолди. Унинг лабларидан ранг қочиб, қўлларини билинар-билимас қалтирай бошлади.

— Нима десаңгиз денг, аммо мен ўз касбим билан фахрламан, — деди у ниҳоят тили калимага келиб. — Халқимиз юз йиллар мобайнида ўқитувчига ҳурмат назари билан қараган, билимдонлигига шак келтирган эмас. Муаллим сўзи илм сўзидан келиб чиққан. Фарзандлари муаллим бўлиб етишишини орзу қилишган. Маърифат, зиё чирогини муаллим ёққан. Биронта сиёсий тадбир, биронта ҳал қилувчи кенгаш, мажлис, маслаҳат, маърака ёки баҳс муаллимсиз ўтмаган. Муаллимнинг обрўйи жуда баланд бўлган. Муаллим гузардан ўтганида, одамлар ўрнидан туриб салом беришган, таъзим қилишган...

— Ҳозир бўлса уч синфни аранг битирган ё битирмаган чаласавод, аммо пулдор махлуқ тирсагини машинасининг деразасига қўйиб кеккайганича ўтиб кетади, ўқитувчи шўрлик унга салом бериб, автобус бекатида қолаверади.

— Ҳақиқий ўз қадрини билган, ўқитувчилик гурурини авайлайдиган ўқитувчи бировнинг амали ёки киссасига қараб таъзим қилмайди. Акс ҳолда поймол бўлишига ўзи айбдор, аслида ўзи паст инсон. Бунақа ўқитувчилар табиатан бебахт, ўз бурчини топа олмаган, ҳар муҳитга моеланувчи хушомадгўй бечоралар. Уларнинг қўлидан ҳатто қабихлик ҳам келади. Тили бошқа, дили бошқа, улар талабаларига бир нарсани уқдириб, ўзлари тескарисини қилишади. Шунинг учун «домланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган мақолни ёмон кўраман, ҳеч қачон таъ олмайман. Бу зарарли мақол.

— Аммо сиз «бечоралар» деб атаганлар кам эмас-ку. Истасангиз, мен шунча мисоллар келтиришим мумкин, ақлингиз бовар қилмайди.

— Бу икир-чикирларни сиз қасқдан биласиз, ахир ҳозиргина магазин мудирларини ҳимоя қилаётган эдингиз-ку?

— Мен ҳам ўқитувчиман.

Йигит анграйиб қолди.

— Демак, мени калака қилибсиз-да, — ўқинди йигит ва мийигида кулиб қўйди. — Мен бўлсам сизнинг олдингизда қуйиб-пишиб ваъзхонлик қилиб ўтирибман.

— Бунинг нимаси ёмон экан? Четдаги одамга уқдиришдан кўра, тушунган маслақдош билан дардлашиш афзал эмасми? Бизнинг дардимиз билан бировнинг нима иши бор?

— Маслақдош, дейсиз, — деди йигит ўқинч билан. — Беш йилдан буён тортишиб келаман, «маслақдош» ларимни ҳоли жонига қўймайман, титкилайман. Қани энди самара берса. Кўпинча яккаланиб қоламан. Биз ҳам сенга ўхшаган олов эдик, кўникиб кетдик, сен ҳам кўникиб кетасан, ҳали эгарланмаган тойсан, жиловлаб олишади, дейишади...

— Жиловлаб олишдимми?

Йигит нохуш тарзда елкасини қисди.

— Қайдам...— деди у ва асаб билан магнитофон клавишини босиб, музика овозини ўчирди, кассетани ўзгартириб, бошқасини қўйди.— Қуй ёқмади чоғи, магнитофонни яна ўчириб қўйди.

Орага ноқулай жимлик тушди.

Бу йигит ё ўзини бошқалардан ўзгачароқ, ўз олдига қўйган мақсади йўлида мурасасиз, ўжар бир шахс сифатида ўзини кўрсатмоқчи, ёки ҳақиқатда ўзи шунақа — дилида, онгида шаклланган ақидаларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади, бу ақидалар ҳаёт мезони эканига шак келтирмайди... Бунга ўхшаган «ҳаёт тақозоси» ни тан олмайдиган одамлар ҳамма соҳада ҳам учрайди. «Девоналар» дейишади бунақанги одамларни. Ҳар қалай, қандай бўлмасин, бу йигит биринчи учрашувимиздаёқ, тўғрироғи — тўқнашувимиздаёқ, назаримда, аллақандай қизиқиш уйғота бошлади. Бизнинг мактабимизда ҳам ўжар ва ўз ўжарлиги, мурасасизлиги билан ажралиб турадиган, бировларнинг жигига тегадиган, бошқаларнинг эса ҳавасини жалб қиладиган ўқитувчилар йўқ эмас. Масалан — Оқилов Саттор, математика ўқитувчиси. Педсоветларда албатта битта масалага қарши чиқади, ўз мулоҳазаларини кўндаланг қўяди. Фикрларини пухта ўйлаб чиқмайди чоғи, кўпинча аслида тўғри фикрлар бўлса-да, уйдалаб уқдира олмайди, пойма-пой гаплари кўпларнинг асабига тегади, пироварди, директор уни силтаб ташлаганидан кейин, қўл силтаб яна ўтириб қолади. Аммо ўзи бақувват, билимдон ўқитувчи. Сатторнинг қўлида ўқиган кўп ўқувчилар институтга кирмай қолмайдилар. Кирилмаган ҳолларида ҳам математика фанидан йиқилмайдилар. Шунини айтиш керакки, бизнинг мактаб шаҳар марказига жойлашган, обрўли мактаблардан ҳисобланади. Чет эллардан меҳмонлар келишса, бизнинг мактабимизга кўрсатиш учун олиб келадилар, байрам кунлари Қизил майдон минбарига бизнинг пионерлар гулдасталар олиб чиқадилар... Балки шунинг учундир, кўп ўқитувчилар малака-тажрибаси етарлими, йўқми, қолаверса — педаго-

гик билим, қобилияти мосми, мос эмасми — шу мактабга жойлашишга уринишади. Ва кўп ҳолларда ўз мақсадларига эришадилар ҳам, чунки яширадиган жойи йўқ — «таниш-билиш» деган тушунчалар ҳозирги кунимизда ҳавойи, яъни абстракт тушунча эмас. Мактаб бўйича баҳолар кўрсаткичи юқори бўлса-да, Саттор ўқувчиларнинг савияси тушиб кетаётганини пайқаган ва бунинг сабабини фақат бир нарсада — таниш-билишлар ёрдамида мактабга оқиб келаётган чаласавод, пошуд ўқитувчиларнинг мавжудлигида деб тонган. Шу фикрни у умумий мажлисида дангал айтган. Бу камлик қилиб, Саттор муттасил ўқув йили бошланишидан аввал ҳар бир ўқитувчини синовдан ўтказиш кераклигини, синовдан ўта олмаганларини (Сатторнинг фикрича — бунақалар 50-60 процентини ташкил қиладилар) мактабдан четлатиш, уларнинг ўрнига бошқа талафтли, тажрибали, ўз ишини дилдан ҳурмат қилган ўқитувчиларни жалб қилиш кераклигини таъкидлаган.

— Бундай қарорга келишга менинг педагогик виждоним тақозо қиланти,— деган эди Саттор сўзининг охирида.— Келажак авлодимиз қай даражада онгли-саводли бўлиб этишади, бу масъулият, истасангиз — жавобгарлик, бизнинг зиммамизда! Ўртоқлар, аҳволимизга жиддий ва ҳалол қарайлик: ўқувчиларимиз савияси кун сайин пасайиб кетяпти. Бу аччиқ ҳақиқатдан юз ўгириш, кўз ояқочиш — бу жишоят! Аввалги йили тўртта параллел ўнинчи синфларни тугатиб кетган бир юз олтмиш талабадан фақат йигирма учтаси институтга кирипти, у ҳам бўлса олтиттасининг спорт разряди бор экан...

Мажлис аҳли чурқ этмаган ўшаида. Аммо бу сукут — розилик аломати эмас эди. Ҳамманинг ранжиган дилида Сатторнинг «... жишоят», «...таниш-билиш», «...синовдан ўта олмаганларни мактабдан четлатиш...» деган сўзлари қайнар, азоб берар, ғазаб уйготар эди.

«...Четлатиш...» Кейинчалик вазият шунақа тус олдики, «четлатиш» сўзи Сатторнинг ўзига нисбатан ишла-

тила бошлади. Умуман, ўша кезларда мактабимиз арининг уясини эслатарди. Саттор билан ҳеч ким саломлашмас, ўқитувчилар тўда-тўда бўлиб директор кабинетига киришар, ундан айланималарни талаб қилишар, қайтиб чиққанларидан кейин кўзлари мамнуи жовдирар, ўқувчилар эса узук-юлуқ эшитган гапларига ўзларидан кўшимча қилиб висрлашар эдилар.

Искажида қолган директоримиз Сатторни «вақтинча четлатиш» чораси зарурлиги, ғала-говур бир оз тингунча уч-тўрт кун кўришмай туришини айтгандан кейин, Сатторнинг дарсларини бўлак ўқитувчилар олиб бора бошладилар. Сатторга ўрганган, унинг таълимини мароқ билан олиб келаётган ўқувчиларга янги ўзгаришлар малол келди. Бир кун кимдир кабинетга кириб, «Иккита ўзинчи сиф, «а» ва «б» дарага киришни истамайтилар, спортзалда йиғилишган, сизни талаб қилишяпти», деганида, директорнинг кўлидаги кўзойнаги стол устига тушди. «Намойиш?!» — деди у босиқ овоз билан ва кабинетидан чиқиб кетди.

Мен ўзим ўша пайтда залда бўлганим йўқ, эшитишимча, директор дарҳол ўқувчилар ўз сифларига тарқалишларини талаб қилипти. Гап кор қилмагандан кейин директор:

— Кимми ёнини оляписизлар? — деган. — Сизлар ўп йил мобайнида таълим олиб келаётган муқаддас даргоҳ — мактабни ҳақоратлаган нолойиқ одамни ёнини оляписизларми?! Ахир у нонкўр нафақат мактабни, аввало сизларни «чаласавод», «савияси паст» деб ҳақоратлади-ку! Агар шу камситишга, ҳақоратга гурурларинг йўл қўйиб чидасанглар, майли, ҳамма парса жой-жойида қолаверади... Ўйлашиб кўрамиз. Энди сифларингга тарқалинглар...

Албатта, бу ҳодиса мактабимиз маъмуриятини ўйлаштириб қўйган эди. Унинг устига мен ва яна учта ўқитувчи бир бўлиб директор кабинетига кирдик. Директор бизга ҳам ўқувчиларга айтган сўзларини қайтариб чиқди:

— Кимми ёқлаясизлар? — деди у бизга танбех берган бўлиб. — У нонкўр пафақат мактабни, аввало сизларни «чаласавод», «савияси паст», деб ҳақоратлади-ку. Наҳот шунга чидасангизлар? Қандай қилиб кўзингизга қарайди у бетавфиқ?

Тикка турган тўрттала ўқитувчи бир-биримизга қараб олдик.

— Бўлмаса, мана, — дедим мен ва аввалдан тайёрлаб қўйган имзоли тўртта аризани столи устига қўйдим. — Бизни ҳам бўшатишингизни сўраймиз...

Директоримизнинг қовоқлари осилиб кетди. У, ҳамма ўқитувчилар Сатторга қарши, деб ўйлаб юрган бўлса керак, қийин аҳволга тушиб қолди. Негаки тўртта аризага имзо чеккан тўртта ўқитувчи мактабнинг энг обрўли, идрокли, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ҳурматини қозона олган ўқитувчилардан. Мендан истисно, учала ўқитувчиларнинг иш стажини жамласа юз йилдан ошади. Муқаддас опанинг ҳатто Ленин ордени бор. Бунақанги нуфузли муаллималар мулоҳазаларини назардан четлатиб бўлмайди. Буни албатта, директоримиз яхши тушунади. Бироқ Сатторнинг танқиди бевосита қаратилган ўқитувчилар-чи? Ахир улар камчилик эмас-ку. «Таниш-билиш» деб бежиз айтилмаган. Уларнинг олчиси ҳеч пукка бўлмайди, қўллари ҳар ерга етади. Обориб опкелишади. Қолаверса, мактабда бўлган шов-шув муқаррар горонго ҳам, министрликка ҳам етиб боради. Битта маҳмадона ўқитувчи деб шунча маломат!..

— Бўлмаса... — деди директоримиз узоқ сукутдан сўнг. — Сизлардан ҳам битта илтимос. — Директорнинг овозида мулойим такаллуф пайдо бўлди. — Саттор Одилов билан гаплашиб кўринглар. Менга қолса, розиман. Фақат қилган ножўя иши учун коллектив олдида узр сўрасин. Агар сўрамаса, ўзига жабр, мен бошқаларни кўндира олмайман.

— Айб қилган одам узр сўрайди, — деди Муқаддас опа совуққонлик билан. — Сатторжоннинг айби нимада?



У ҳақ гапни гапирди, холос. Агар ўшанинг мулоҳазалари амалга оширилса, ҳамма ютади. Мактаб ҳам, ўқитувчилар ҳам, айниқса ўқувчилар. Ахир ҳар бир мактабнинг бурчи — ўқитиш, саводли одамларни етказиб чиқариш. Шундай эмасми?

— Шундайку-я... — деди директоримиз ночор рози бўлиб. — Аммо масала анча мураккаб-да... Ҳар бирингиз менинг ўрнимда бўлганингизда қандай иш тутардиларинг — билмадим...

— «Хатога олиб борувчи йўл жуда кўп, ҳақиқатга эса битта йўл олиб боради», — дедим мен Жан Жак Руссонинг ҳикматли сўзларини эслатиб. — Ҳақиқатни кўзласангиз — йўл битта. Буёғи ўзингизга ҳавола. Аризамиз столингизда. Виждонингиз қай йўлни кўрсатса, амал қилиш ўз ихтиёрингизда...

Биз чиқиб кетдик. Директоримиз серрайганча қолаверди. Унинг аҳволи ҳақиқатда оғир, қарама-қарши иккита кучнинг орасида қолган, кескин чора кўришдан ҳайиқади. Негаки, шу мактабнинг ўзидаёқ ўттиз йилдан ортиқ ишлаб келади, ўзи ўқитувчиликдан директорликкача кўтарилган, бир печа ўн йиллар аввал қўйилган талабларга риоя қилиб ишлашга одатланган, ҳозирги пайтларда аввалги услублар янгидан қараб чиқилган, анча ўзгартирилган рўй берган. Директоримиз эндиликда янги услуб билан иш олиб бориш кераклигини ақлан эътироф этса-да, эскича қўлланма ва режалардан холи бўла олмайди, қолаверса, янги услублар аслида нимадан иборатлигига тушуниб ҳам етмайди. Унинг устига янги услуб фойдали эканидан маълум даражада шубҳаланади ҳам. Унинг учун соч қўймаган ўқувчи — энг ибратли ўқувчи. Портфель ўрнига «дипломат» тутган ўқувчиларга, «Чамадон кўтариб келиш нимаси?» — деб хўп таъкиб қилди, кейинчалик қўниб кетишга мажбур бўлди. Янги модага кўра аёл ўқитувчиларимиз причёскаларини ўзгартириб келиша бошлаганда, директоримизнинг шахсан ўзи мактаб эшигида туриб олиб, ўқитувчиларни назоратдан ўткази бошла-

ди, унинг таъбири билан «жибилажибон»ларни мактаб биносига ҳатто киргизмади, «пккита қилиб ўриб келин-лар, болалар тарбиясини бузишга йўл қўймайман», деб юрди, аммо кўпчиликнинг тазйиқи остида таслим бўлди, яна кўникди. Почаси тор шим кийиб келган ўқувчилардан баъзиларини кабинетига чақиртириб шимларининг чокидан сўкиб ташлаган ҳоллари ҳам бўлган, аммо давр тақозоси — ўзи кунлардан бир кун тор почали шим кийиб келганида, ҳамманинг оғзи очилиб қолган. Кейинчалик ўқувчиларнинг устида тирсак-тиззаси оқариб кетган жинсовкаларни, елкасигача тушган сочларини кўриб, тутақиб кетган, қапчаларининг чора сифатига — сочларини ўз қўли билан қайчилаб ташлаган. «Кимда-ким шу алвасти турқда юрганни кўрсам, — деган у кескин равишда огоҳлаштириб, — қанақа ўқиган ва кимнинг фарзанди бўлмасин, аттестатдан маҳрум этилади...» Умуман, директоримиз Шералиев ўзини мактабимиздаги маънавий муҳитнинг ашаддий ҳимоячиси, посбони, деб ҳисоблайди. «Фақат маънавий иқлим тоза ва мусаффо мактабдагина ўқиш интизомни яхши бўлади», дейди у ҳаминша. Ана шу «маънавий иқлимни» ҳимоя қилиш мақсадида директоримиз бир ўқувчининг қўлида шубҳали кўринган журнални тортиб олипти. Журналда машҳур голланд рассоми чизган аёл кишининг яланғоч тасвири босилган экан. Ўқувчи шўрлик: «Ахир бу машҳур Рубенснинг ишлаган расми-ку!» — деганида, Шералиев, — «Рубенс бўлса ўзига!» — деб гапга чек қўйинти.

\* \* \*

...Маннон ҳамон скамейкада ўтирипти. Аҳён-аҳён балкони-га назар ташлайди, дераза ортида борлигимни сезади. Мени чиқади, деб умид қилмоқда. Ким қанақа, айтолмайман, аммо мен қайси бир одам билан мулоқотда бўлмай, беихтиёр Мухтор билан таққослайман. Шуни тан олиш керак, кўп ҳолларда Мухтор устун чиқади. Бун-

дай кезларда дилим таскин топади, хайрият дейман... Бир куни ўқитувчилар хонасида — дарслар орасидаги бўшлиқдан фойдаланиб — ўқувчилар дафтарларини текшириб ўтирган эдим, Саттор бир нотаниш кишини эргаштириб кириб қолди.

— Лутфияхон, бир четда ўтириб гаплашиб олсак, халақит бермаймизми? — сўради Саттор, ёнидаги нотаниш кишига ишора қилиб.

— Бемалол, — дедим мен. — Истасангиз, ўзим чиқиб туришим мумкин...

— Ишлайверинг, Лутфияхон, бир-биримизга халақит бермаймиз. Бу акамиз синфимдаги бир боланинг дадаси эканлар...

Мен ҳар қанча ўз ишим билан машғул бўлишимга қарамай уларнинг суҳбати беихтиёр қулоғимга чалинар эди. Чалинибгина қолмай, ҳатто диққатимни тортар эди.

— Асқарингиз, — дея куя-пиша давом этди нотаниш киши, — ёшлигидаям галатироқ эди. Шу, денг, аквариумда балиқчалар бориди, хозирам бор. Тавба, соатлаб балиқчаларига тикилиб ўтирарди. Нималардир, деб гаплашарди ҳам. Айвонимизга қалдирғоч ин қурган, шу денг, ҳашарот тутиб келиб, болаларини боқади, Асқарингиз тентак, соатлаб кўзини узоқламайди. Устунга суяниб томоша қилгани қилган, қорниям очмайди. Чойшаби доғ бўладиган бўлиб қолди. Билсак, тошбақасини олиб ётаркан! Ахир тошбақаниям олиб ётадимми? Мушук бўлсаям бир нав эди. Деворга нарвон кўйилган, чиқиб олиб узоқларга тикилгани тикилган, ҳайдамасам кечгача тушмайди. Нонини ушатиб, бир ўзи ейди, бир итига едиради. На ҳаромни, на ҳалолни билади. Товоғингни итинг билан бирга қилиб кўя қолайлик, ўғлим, десам, хафаям бўлмайди. Типратиканини кўйинга солиб юраркан, санчилавериб, қорни яра бўлиб кетинти, билдирмайди ҳам хумпар...

Мен беихтиёр кулимсизрадим, Саттор ҳам. Гапини қизиқиш билан тинглаётганимни кўриб, Асқаринг дадаси, нажот қидиргандек, мен томон ҳам қараб гашира бошлади:

— Энди буёғини эшитинглар... Кишини кулгисиям, йиглагисиям келади. Яқинда денг, яна қилиқ чиқарди — кечгача қаерлардадир санғиб юриб, қоронғи тушганда уйга келади, биз ўтирган хонага кирмайди, алламаҳалгача ҳайвонлари билан овора бўлиб, сездирмай кириб ётиб олади, саҳар пайти чиқиб кетади — буни биз эшик очилиб ёпилганидан билиб қоламиз. Ўша куни яна кеч келди, куёиларига сабзи бераётган экан, чақириб олдим. Ҳозир, дейди, келавермайди, ўшқирдим. Келишга мажбур бўлди. Қарасам денг, бурни қашқа, чап кўзи шишган. Ўзини опқочиб юрганини шунда англадим. Қоқилиб тушдим, деди, мен ишонмадим, сўроққа тутдим. Ахир айтишга мажбур бўлди: мактабини олдида танаффус пайтида ирғишлаб юрган бўлса керак, аллақандай уч-тўртта ўзидан каттароқ нотаниш болалар буни тўхтатиб, синфингдаги Сирож деган болани чақириб бер, чақириб бермасанг ўзингни урамиз, дейишипти. Асқар чақириб бермапти, ўзини уришипти... Сирожни бундан хабари ҳам йўқ, Асқар қашқа бўлиб юрипти. Бу, домла, қанақаси бўлди ўзи? Ақалли мактабга келяптими Асқарингиз? Биз уйда онаси билан хавотир бўляпмиз ахир?!

Мен Сатторнинг жавобини кутардим. Саттор жилмайган ҳолда бир оз нотаниш кишига тикилиб турди-да:

— Биласизми, Карим ака, — деди, — агар мени фарзандим шунақа бўлса, фахрланардим. Асқарни мен ҳалигача билмас эканман...

Беихтиёр мен Сатторнинг ўрнига эримни кўйиб кўрдим...

Мана ҳозир ҳам дераза орқали мажнунтол соясига кўйилган скамейкага тикилар эканман, нуқул кўз ўнгимда Мухтор гавдаланади, унинг салмоқли фазилатларини эслагим, шу фазилатларини қалқон қилиб, қалқон панасига ўзимни яширгим келади. Тўғри, Мухтор орзу қилса арзигудек шахс. Пок йигит. Балки шунинг учун ҳам баъзи бир узвий нарсалар айниқса яққол кўринар. Чиркин доқада доғ кўринмайди. Ёки айб ўзимдадир, ўта талаб-

чанлигимдадир. Балки шу хил талабни менинг ўзимга нисбатан қўйишса, синовдан ўта олмаслигим мумкин. Эҳтимол, талабнинг суестлигини, қолаверса, лоқайдликни биз маданиятнинг ифодаси деб билармиз? Терговнинг бўшлигини «бир-бирига ишонч» ибораси билан алмаштиргандирмиз. Боя айтганимдек, Мухтор соф, тўғри йигит. Балки ҳамма иллат шу тўғрилигидадир. Нима қилмасин, ҳаммаси ўлчанган. Меъёрида. Неча йил яшаб келяпмиз, бирон марта қўлидан пиёла тушиб синмаган, бирон марта қўлини кесиб олмаган, бирон марта ўн бирдан кеч ётмаган, еттидан кеч турмаган. Ҳеч қачон қаттиқ кулмаган, оғир изтироб чекмаган, шалоқ сўкинмаган, бировни мақтамаган, тушида алаҳсираб бирон аёл номини айтвормаган. Ими-жимиди. Маъқули илиқ сув, совуғиям, иссиғиям керак эмас, ҳеч қачон ангина бўлмаган. Балки бирон-бир аёлни севиб қолса яхши бўлармиди? Албатта, севиб қолиши мумкин, лекин буни Мухтор четлаб ўтади, қочади. Ахир севса, юрак бошқача ура бошлайди, мундарижа бузилади, хаёл қочади. Ларзанинг не ҳожати бор, умрни қисқа қилади.

Бир куни ишдан кейин почта қутисини титкилаб ҳар кунги келадиган газеталарни олиб лифт эшигига яқинлашдим, қизил чироқ ёниб турган экан, вақтни ўтказиш учун газеталарни кўздан кечира бошладим. Ногаҳонда конверт чиқиб қолди. Хат менинг номимга бўлиб, адреси машинкада босилган эди. Хат йўлловчининг на адреси, на фамилияси бор. Биз аслида ҳеч кимдан хат олмаймиз. Фақат байрам арафаларида беш-тўртта танишлардан табрик откриткалари оламиз, холос. Таажжубландим. Қизиқиш уйғонди. Бафуржа ўқирман, деб конвертни очмадим. Лифт келди, квартирамизга кўтарилдим. Наргиза ботчада эди. Бир ўзим шошилмай ечиндим, кийимимни алмаштирдим, аммо нотаниш одамнинг хати мени тинмай шошилишга ундарди. Конверт ичида тўрт букланган қоғоз чиқди. Ярим бет сўзлар ҳам машинкада бежирим босилган, ҳеч қандай мурожаат йўқ, шунинг учун расмий хат бўлса

керак, деган фикр дарров хаёлимга келди. Аммо... «Сиз мени танимайсиз, мен сизни танийман, чунки тез-тез учратиб тураман. Авваллари, бир кўришда ошиқ бўлдим, деганларга ишонмас эдим, ўзим шу кунга тушиб қолдим. Маъюс, ўйчан кўзларингиз, сокин юзингиз неча ойдирки, тинчлик бермайди. Жинни бўлиб қолган, десангиз, балки ҳақ чиқарсиз. Ҳамма нарсага (хатто жонимдан жудо бўлишга ҳам) тайёрман! Кўзимга Сиздан бўлак ҳеч нарса кўринмайди! Ҳиссиётимни айтмайман, сўз ожиз. Биламан, Сиз оплаласиз, битта қизингиз, мартабали эрингиз бор. Исмингиз Лutfия. Осмондаги юлдузларни ваъда қила олмайман, ўзимни, истасангиз, жонимни ваъда қиламан. Аввалдан биламан, бу аламзада қилмишимнинг оқибати мен учун мағлубият билан якун бўлади, лекин менингдек бир девопа Сизнинг ишқингизда қоп ютиб юрганни билсангиз кифоя. Мен сиздан ҳеч нарсани талаб қилмайман. Зинҳор. Фақат ўтинаман — бир дақиқага бўлса ҳам 17 сентябрда соат иккида гул магазини олдига чиқинг, ўзим Сизни топиб оламан.

С. С.»

Бўшашиб кетдим, баданимдан тер чиқиб, юрагим қаттиқ ура бошлади. Оёқларимда мадор қолмади, аранг каравотга етиб олдим. Анчагача ҳайрон бўлиб ётдим. Бу қанақа гап? «С. С.» Ким бўлди у? Нима ҳаққи бор? Мени ким деб ўйлайди? Бошимда эрим туриб... Мен ҳеч кимга бунақа умид учун асос бермовдим-ку... Балки биронта дилбўзар бўлса-чи? Упақангилар камми? Эримнинг амалими, тинч турмушини бузиш орқали мақсадига эришмоқчи бўлиб юрган шумният душманлар қанча! Нима қилсам экан? 17 сентябрда, депти. Соат иккида. Ҳали Мухтор келса, кўрсатаман хатни. 17-да бирга борамиз, Мухтор адабини бериб қўйсин. Бир изза бўлганини кўрай! Аммо... Мухтор нима деб ўйларкин? Ишонармикин ёки «ўзинг кўз сузгандирсан бўлмаса биров дабдурустан муҳаббат изҳор қилиб хат ёзишга ботина олармиди?

Ахир хат менинг қўлимга тушиб қолишини ўйлаши керак-ку! Бу ерда бир сир бор. Кўзбўямачилик қилинсан. Сергаклигимга лой чаплаб, ўзинг кейин айшингни суриб юраверсан», деса нима қиламан? Бунақа демаганида ҳам кўнглида ғубор қолади. Шубҳа билан яшай бошлайди. Бошқа нарсаларни баҳона қилиб, азоб беришга тушади. Ўзини ҳам қийнаб юради, мени ҳам. Шубҳалар очик рашкка айланади. Сал рўйхуш бермасам, ўшани рўқач қилади. Дағаллигидан нолисам, «мен бировлардек ширин гапира олмайман», деб куруқ писанда қилади. Уйда ҳаёт бўлмайди, дўзахга айланади... Яхшиен бу хатни Мухторга кўрсатиш керак эмас. Олам гулистон! Ўринсиз шубҳа тугдириб нима қиламан?

Аmmo шу билан бирга хатнинг муаллифи ҳақиқатан севги азобида юрган бўлса-чи? Туйғулари самимий бўлса-чи? Унда нима гуноҳ? Мени учратиб, дилида яшириниб ётган ҳиссиётлари ловуллаб жўшиб кетган, ўзи бу бостириб келган муҳаббат тўлқинидан эсанкираб қолиб, бошқа илож-тадбир тона олмай, шу хат йўсинида бир чора кўрмоқчи бўлгандир: бечора... Мен уни бир зумда шумниятга, дилбузарга чиқариб ўтирибман. Ахир севиш — айб эмас-ку! Сева билиш табиатнинг инъоми, бундай бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Ўзимни, Мухторни олай! Ахир биз ишқ ўтида умуман ёнмаганмиз-ку! Муҳаббатнинг юксак даража билан оловланишини биз хатто хаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. Шунинг учун биров, севдим, яхши кўриб қолдим, деса, худди уят нарса рўй бергандек, кўзимизни олиб қочамиз ёки ўзимизни маданиятсиз кўрсатмаслик учун мавҳум жилмайиб қўямиз, холос... Балки у ёшдир? Одатда ёшлар, биринчи ҳиссиёт хуруж қилганда, каллаларини йўқотиб қўйишади, ягона муҳаббат шу, деб ўйлашади. Кўпинча ўзидан катта жувонларни яхши кўриб қолишади, кейинчалик ўзлари мулзам бўлиб, уялиб юринади... Ё 17-да борайми? Тушунтирайми? Биринчи ҳиссиёт бўронига таслим бўлманг, укам, кўпинча дастлабки туйғу алдоқчи бўлади, деймикин?

Епишиб олса-чи? Унда нима қиламан? Кўчада шарманда бўламан-ку! Одамлар нима деб ўйлайди?! Йўқ! Яхшиси бормаслик, кўзни кўр, қулоқни қар қилиб, бу бўронни ўтқазиб юбориш керак! Яна хат ёзса-чи? Ахир бирдамас-бирда биттаси Мухторнинг қўлига тушиб қолиши мумкин-ку! Унда нима бўлади? Ахир биринчи мактуб эмаслиги мазмунидан аён бўлади-ку? Нима деб важ келтираман? Ўзим ҳам чувалашиб қоламан, бу турган гап... Хат 17 сентябргача келмайди. Агар 17-да учрашувга бормасам, ана ундай кейин кетма-кет кела бошлайди. Ҳали ўн еттинчигача уч кун бор. Анча-мунча нарса ўйлаб, маълум қарорга келиш мумкин. Муҳлат берганига ҳам раҳмат, бугун ё эртага учрашамиз, деса, нима илож қидирардим... Шу хил мулоҳазаларни дилимдан ўтказиб, бир оз тинчигандек бўлдим-да, яна хатни қўлга олдим. Кўз югуртириб чиққанымдан кейин, бир нарсани англадим, англадим, юрагимга яна гулгула оралай бошлади. Хатнинг мазмунидан шундоққина кўриниб турипти — бу ёш йигитнинг хати эмас. Масала, демак, мен ўйлагандек мураккаб. Идроки қуйилган киши муҳаббат изҳор қилган экан, кўп ўйлаган. Хатни яна ўқиб чиқдим, конвертида почта штампни йўқ. Демак, «С. С.» мени анчадан бери кузатиб юради, адресимни билиб олган. Хатни пастдаги бизга қарашли почта қутисига ўзи ташлаб кетган, балки газета олаётган пайтимда ҳам назорати остида мени ушлаб турган. Телефонимиз номерини билиши мумкин... Қани энди телефон қилса! Шартта-шартта гапириб, умидини узардим. Ўзим ҳам қутулардим, уни ҳам пуч орзулардан озод қилган бўлардим.

Ниҳоят уч кун ўтди, 17 сентябрь ҳам келди. Ойначамга тикилиб пардозимни тузатдим (ажабо!). Секин ташқари чиқдим. Мактабдан қайтарканман, атрофга аланглайман, «С. С.» олдимдан чиқиб қолармикин, деган гумонда ҳадиксирайман. Учраган йигитлардан ҳайиқаман, кўчанинг нариги томонига ўтиб оламан. Хайрият, ҳеч ким мени тўхтатмади, аммо назаримда «С.С.» шу атрофда бўлиши



аниқ. Мен, ҳамма нарсага чек қўйган аёл шунча саросимадаман, унинг аҳволи қалайикин?

Одамнинг табиати ғалати, бир ярим деганда уйга кириб бордим, кўчага қараган деразага отилдим — гул магазини Ленин хиёбонининг нариги томонидаги кўп қаватли уйнинг биринчи қаватига жойлашган, деразамдан кўриниб туради. У ерда гул магазинидан ташқари «Дорихона», «Сартарошхона», «Почта бўлими», китоб магазини ва яна аллақандай савдо магазинлари бор. Одамлар ўз юмушлари билан юришипти, аммо мен қидирган кимсага ўхшаш аломатни пайқамадим. Балки ҳали келмагандир, балки бирон пана жойда писиб ўтиргандир. Албатта мен келганимни кўриб иқрор бўлганидан кейин чиқади. Лоқайд бўлишга ўзимни зўрлаб, ечиндим, кийимларимни ўзгартирдим. Ўзгартирмай нима қилардим, бари бир учрашувга чиқмайман-ку! Аммо баъзан соатга қараб қўяман. Майли-да! Чорак кам икки. Ўнта кам икки. Бешта кам... Юрагим гуп-гуп уради, тиззаларим қалтирайди, асабим рубоб торидек таранг, узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бориб ўзимни каравотга ташладим, дим тушганимча алламаҳалгача ётдим. Назаримда бир дунё вақт ўтгандек бўлди. Тамом! Энг оғир лаҳзалардан ўтиб олдим! Буёғи осойишталик. Бошимни кўтариб қарасам, соат энди уч бўлипти! Бирон юмуш билан овуниш керак. Ҳорғин аҳволда туриб, қўшни хонага чиқдим. Қизиқ туюлди, дераза орқали гул магазини томон қарадим. Ўша-ўша, йўловчилар ўз ташвишлари билан банд, севгилисини интизор кутиб асабий уёқдан-буёққа юрган ошиққа ўхшаган бирон кимса йўқ! Аммо айни шу чокда бир оқ «Волга» келиб тўхтади, кўзимга иссиқ кўринди ва шу заҳотиёқ «Дорихона»дан Мухтор югуриб чиқди-да, бояги машинага тезлик билан ўтирди, машина кескин жойидан кўзгалиб, кўздан ғойиб бўлди... Ана шунда тушундим — хатни муқаррар эрим ёзган. Мухтор соат бирда дарсдан бўшашимни биларди, шунинг учун учрашувни иккига тайин қилган, иккидан сал аввал келиб, «Дорихона»

нинг ойнабанд деворидан менинг келишимни кузатишга тушган. Менинг чиқмаслигимга амин бўлганидан сўнг, телефон орқали машинасини чақирган... Демак, шубҳаси бор эканки, мени синамоқчи бўлган. Бироқ покизаликда текшириш учун одам ўз хотинини шунақа синовдан ўтказиши — буни нима деб аташ мумкин?! Мен, албатта, бу ўзига номуносиб қилмишини ҳеч қачон юзига солмайман, ҳатто уни фавқулудда кўриб қолганимни сездирмайман ҳам, аммо ичимдан ўтганини ўзим билиб қолавераман... Нега қарадим деразадан?! Қарамасам, эримнинг шундай ишга қодир эканини билмасмидим... Наргизанинг овози қулогимга чалинди, кўзимни очсам Мухтор кўча кийимлари шифтга илаётган экан, Наргизанинг овози эшитилди, ўзи кўринмайди, хонасида бўлса керак. Уни Мухтор ишдан қайтишда боғчасидан олиб келади. Ўз калити билан эшикни очиб кирганини уйқуда эшитмабман, қуёш гул магазини жойлашган бинонинг орқасига энди ўта бошлапти,

— Яна бошинг оғридимми? — сўради Мухтор, келиб мен ётган каравот қиррасига ўтираркан.

— Йўқ, ўзим... Озгина чўзилай, дедим, кўзим уйқуга кетипти.

Мухтор эгилиб, гиламда ётган конвертни олди (ўзим атайин ташлаб қўйган эдим).

— Бу нима? — деди у сохта.

— Хат.

— Кимдан?

— Ўқиб кўринг.

— Расмийми?

— Аксинча.

— Нега, ўқинг, деясан унда?

— Сиздан нега яширай?

Мухтор конвертни очиб, хатни биринчи кўраётгандек ўқий бошлади, ўқиб бўлиб жилмайиб қўйди:

— Ҳм. Табриклайман!

Мен бош қимирлатиб, жилмайдим.

— Танийсанми ўзини? Ким «С. С.»?

— Ёзилган-ку, «танайсиз» деб.

— Бордингми?

— Боришим кераклигини сиздан сўраб олмаганман.

Ботина олмадим.

— Афсус,— деди Мухтор киноя оҳангида.— Қачон келувди хат?

— Уч кун бўлди.

— Уч кун ичида сўраб олиш мумкин эди. Лоақал кўрсатмадинг.

— Ёдимдан кўтарилипти.

— Фавқулудда нарса ёддан кўтарилиши таажжуб.

— Таажжубланадиган ери йўқ. Бунақа хат ёзиш фақат психикаси бузилган руҳий касалнинг кўлидан келади. Агар боришга ўзингиз ундаётган бўлсангиз, яна хат келса, ўйлаб кўраман.

— Уч кун мобайнида огиз очмаганингга ҳайропман.

Қўрқдингми, рашки келади, деб?

— Қўрқсам, бу хат гиламда ётмаган бўларди.

— Сенинг ўрнигда мен бўлганимда борардим. Ҳар қалай, қизиқ-да.

— Сиз ҳам бормаган бўлардингиз, сиз унақа одаммас сиз,— дедим ва шундай жавоб топа билганимга ўзим ҳам таажжубландим, чунки бу гап билан мен унинг иззат-нафсини ва нақадар садоқатли инсон эканини бир карра кўтарган эдим.

— Раҳмат,— дея Мухтор ўрнидан турди. У менинг охириги жавобимдан мамнун экани сезилиб турарди...

\* \* \*

Манноннинг кўзлари ҳамон деразамда. Нималарни ўйлаётганикин? Мухтор менга писбатан қўллаган найрагини Маннон ҳам қилармикин? Қайдам. Қилмаса керак... Нима учун охириги пайтларда мен Маннон ҳақида ўқти-ўқтин

ўйлайдиган бўлиб қолдим? Хушрўйлигимми? Мухтор ундан каммас. Ақллилигимми? Мухтор ҳам зеҳли, очиқ йигит. Маннон очиқ одамга ўшмайди. Ҳозирбаси балки алла-нечук сирли сеҳридадир. Умуман, Маннон сеҳрли бир китобга ўшайди. Одатда бундай китобни очишга одам ҳайиқади — худди бирон дугонанг кафтинг чизиқларидан фол очиб, тақдирингни айтиб беришга отланганда бўладиган ҳадиксираш каби. Ҳам қизиқ, ҳам қўрқинчли — агар қўнғилсиз тафсилотлари бўлса-чи? Бир умр машъум юки босиб юради кишини. Албатта, ўша китобни варақлаб кўп ажойиб ҳодисалар, саргузаштлар оқимига кириб бориш мумкин. Лекин у оқимнинг хавфли тўлқинлари одамни оқизиб домига тортиши, гарқ қилиши мумкин... Тўлқинларнинг ҳозирбаси гирдобини деб, соҳилни тарк этиш инсофданми? Ахир соҳилда мўлтираб бир беғуноҳ жажжи инсон турипти. Бу жажжи Наргизадир...

Яхшиси, ҳар қанча сеҳрли бўлмасин, ўша китоб саҳифаларини варақламаган маъқул!

Мажнунтоғ томонга қараб, ичимда «хайр» дедим, пала-тадан чиқдим. Кийимларимни алмаштириб, кўчага ошиқдим. Ҳозир такси тўхтатиб, тўппа-тўғри болалар боғчасига бораман, Наргиза чиқади, қизимни маҳкам қучиб, бағримга босаман, тўйиб-тўйиб ўпаман...

## ТЎЗОНДАГИ ОБ

Ҳаво айний бошлади. Тўсатдан шамол кўтарилди, патлари қайрилган товуқ қўндоғига югурди, дераза қарсиллади, жом қулаб даранглади, сим чарсиллади, чамбаракдан сут тўкилди. Майкачан Самад айвоonga чиққанида ҳаммаёқ тўзон, чанг осмонда қоғоз учар, онаси дераза тавақаларини ёпар, кўйлаги баданига ёпишган, дурраси тишида эди. Кечаси дим бўлди, чивин чақди, хотинининг кўли теккан биқини терлаб қолипти, Самад четроқ сурилди, ух тортиб, аранг кўзи илинди...

Самад қайтиб уйга кирди, кўнгли айнаб, айвоonga яна чиқди — чанг бўлса-да, салқинроқ эди, сигарет тутатди.

Ола тўполон тинди. Ер-бўғот олма, айрилган гилос шохи, шамол гулхонага улоқтирган шолча қолди, ағанаган бўш шиша гилдирашдан тўхтади, қаймоғи четига ёпишган чамбаракдаги сопол коса тинчий бошлади. Чанг тарқалмаган, ҳамма нарса хитой қоғоз орқали кўрингандек хира, исқирт, кимнингдир ҳовлисида қисир сизирнинг куйиккан маъраши эшитиларди. Айвоондаги холодильник сесканиб, жавонни ларзага солди, шингиллаё бошлади — симни улашди чоғи. Бир оздан кейин майин шамол эса бошлади, ҳафталаб биқиб турган губорни тарқатди, осмон кўк тус олди. «Довул ҳозир қайси жойларни тўс-тўполон қилаётган экан?..» деб ўйлади Самад. Ўзи шунақа, неча кунлаб ҳаво димиқиб ётади, барг қилт этмайди, на кундузи, на кечаси ҳаловат бўлмайди, шунда гўё аллақаданда бекиниб ётган шамол ғалаён билан ёпирилиб келиб, рутубатни тозалайди-кетди...

— Ишга қачон борасан? — ҳовлида сочилиб ётган кўйлак-чойшабларни йиғиштираётган онаси ўгирилиб сўради.

— Борарман, — деди айвон лабида чўнқайиб ўтирган Самад. — Ювиниб кетай. Нимайди?

Йиғиштирган нарсаларни онаси чорпояга ташлади.

— Мозорга кириб ўт, — деди кафтини қоқиб. — Замирани бошига гул қўйиб келувдим кеча, ағдарилган бўлса, кўза чил-чил бўлиб ётгандир. — Самад индамади: хўп, дегани. — Идиш олиб кет... Жинни шамолли қара, — деди яна онаси, супургини ариқ сувига ботирар экан, нолигандек. — Ҳаммаёқни алгов-далгов қилди.

— Салқин тушганини айтмайсизми, — деди Самад, сигарета қолдигини улоқтириб.

— Салқин дейсан, пахта нима бўлади, энди гулга киришти?

— Баттар бўлсин, — деди Самад эшитилар-эшитилмас ва ҳорғинлик билан пастга тушди, кранни очиб ювина бошлади.

Самад бир бурда поппи қаймоққа булаб еди, пиёладаги чойни бир хўплаб ичди, оғзини артди, онаси тайёрлаб қўйган сопол хўқачани газетага ўраб кўчага чиқиб кетди. Қабристон узок эмас эди, ўша томон бурилди, кираверишдаги тут тагида крандан тинмай сув оқиб турарди, Самад гўрковдан челак сўраб олди, хўқача билан челакка сув тўлдириб, Замиранинг қабри томон кета бошлади.

Замиранинг вафотига бир йилдан ошди. Юраги хаста экан, ўша побуд қилди, деган гап тарқатишди. Замира ҳеч қачон юрагидан шикоят қилмас эди, Самаднинг ота-онаси аввалига ҳайрон бўлишди, аммо врачлар диагнози қатъий — кўникишди.

Замира ўрта мактабни тугатиб институтга кириш учун шаҳарга борганда, акаси Самад ҳам ўша ерда, Педагогика институтини битириш арафасида эди. Замира ҳам ҳужжатларини шу институтга топширди, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, ўқий бошлади, акаси институтни тугатиб, районга қайтди, мактабда муаллимлик қила бошлади. Шу кезларда Самаднинг педагогикага онд бир-икки мақоласи область газетасида, яна бир-иккитаси республика

матбуотида эълон қилинди, бошқа мақолаларининг мазмуни кенгайиб, кундалик ҳаётнинг бошқа жиҳатларини ҳам ёрита бошлади. Шунда район газетаси Самадни ўз редакциясига таклиф қилди, у мухбир вазифасида ишлай бошлади. Шу орада у уйланди, Муяссар қиз туғиб берди, уйи нурга тўлди-қўйди. Ҳаш-паш дегунча вақт ўтди, Ни гора бир ёшга тўлди, Замира ўқишни тугатиб қайтди, у ҳам Самад иш бошлаган мактабга кирди.

Замира ўқиб юрган кезларида Равшан исмли студент йигит билан иноқлашиб қолди, аҳд-паймон қилишди. Равшан Замирани сўратиб, онасини юборди, нон ушатишди. Шундан кейин Равшан ўз машинасида тез-тез районга қатнайдиган, мактаб атрофида Замира билан кўришиб қайтадиган бўлиб қолди. Район ижроия комитети раисининг ўғли Ҳамдам бир-икки марта Замиранинг йўлини тўсди, гапга солмоқчи бўлди, Замира чап бериб кетди. Кейин совчилар келди, Замиранинг онаси мавҳум гаплар билан совчиларни чиқариб юборди, хабарни эрига айтди. Жалол аканинг боши қотиб қолди: унга қолса шу қудачилик дуруст эди, чунки бўлажак қуда катта одам; раҳбар, районнинг жилови ўшанинг қўлида, қолаверса, Жалол аканинг ўзи шу ердан дон териб юрипти, фарзандлари ҳам шу ерда кун кўришяпти, қуданинг нафи тегиши аниқ. Аммо рад жавобини айтса, оқибати қанақа бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас, қуда ҳамманинг пайига етади, «замон зўрники» бўлиб қолган пайтлар... Унинг устига қизининг боши боғлиқ, нон ушатишган, кузда тўй бўлиши керак, улар томон бу ишга қандай қарайди, ахир иснод-ку. Замира нима дейди?

Жалол акага бу аснода бир туртки керак эди, ҳадигини ўғлига айтди.

— Унаштирилган, десин аям,— бир оз ўйга ботиб, гапирди Самад.— Ахир тушувишар, ваъдани бузиб бўлмайдик-ку... Ишайкейин, Замира ҳам... жалжал кўтаради... Равшан билса, қирпичоқ бўлади. Бошимиз маломатдан чиқмай қолади.

Жалол ака оғир тин олди, бошини сикди.

— Шаҳардан келганларга дарров жавоб бериб юборганимиз чакки бўлди-да... Онанг бижилдоқлик қилди, биринчи келиши билан тузоққа тушибмиз-қўйибмиз, сал таранг ҳам қилмабмиз. — Жалол ака икки кун қирилмаган соқолини ишқади, чўнтагидан эзгиланган рўмолча олиб, бурнини қоқди, кафтини артди. — Холбоев билан ўчакишиб бўладими? Қуритади уруғимизни, эзиб ташлайди...

— Зўр келса, жойни сотамиз, шаҳарга кўчиб кетамиз, кунимиз ўтмай қолмас...

— Агар улгурсак... — деди Жалол ака тушқунлик билан. — Тўйдан бир ўян топиб, жавобгарликка торттиради. Ана унда кўр, додингги кимга айтардинг?

— Тўйдан нима ўян топиши мумкин?

— Э, ўғлим, усуллари кўп, органлар уларнинг измида, — деди Жалол ака ичида қовурилиб. — Боласиям ўлардек қайсармиш. Шунга уйланаман, йўқса уйга ўт қўяман, депти. Синглингни бирор нарса қилиб қўйишданам тоймайди, итвачча. Эшитгандирсан, битта кампир чарчаб, тухум солинган саватини ўшанинг машинасига қўйиб турган экан, келиб саватини йўлга улоқтирибди, бир мотоциклчи тухум шилиғида сийганиб дарахтга бориб урилибди. Кўзинг тушгандир, ҳозир инвалид, врачлар бўйнига чармдан бўйинтуруқ тикиб беришган, тапгиб юради, бусиз боши турмас эмиш... Шунақа, ҳеч ким унга бирои нарса дея олмайди, отасидан кўрқади...

Улар бир қарорга келиша олмади.

Ҳамдам томондан яна совчилар келди, Сожида опа узил-кесил жавоб айтди, совчилар нохуш хайрлашиб, чиқиб кетишди.

Тўйга ярим ой муддат қолганда, Равшанининг машинаси жардан топилди — грузовой машина билан урилибди, деган гап тарқатилди, айб Равшанининг ўзида эмиш. Ҳали қариндошлик алоқалари у қадар боғланган бўлмаса-да, Жалол ака хотини ва ўгли билан Равшанининг маросимларига қатнашди, ҳатто Ҳамдамнинг онаси Со-



жида опа ҳузурига келиб таъзия билдирди. Замира бир-икки марта яширинча Равшаннинг қабрига бориб, кўзи қизариб қайтди, дили лоқайд бўлиб қолди.

Расмийат йўлига чамаси бир ой ўтгач, Ҳамдамнинг онаси яна совчи бўлиб келди. Энди унаштирилган куёв йўқ, дунёдан ўтди, у оила олдидаги юк бўлиб турган ваъда масъулияти ҳам кучини йўқотган, буёғига Замиранинг боши очиқ, унинг тақдирини ўйлаш зарур, ахир институтни битирганига бир йил бўляпти, бунинг ёшидаги қизлар аллақачон иккитадан фарзандлик бўлишган, агар бу гал ҳам йўқ, дейишса, Холбоев оиласи билан яқинлашишдан бош тортгандек бўлиб чиқарди — рози бўлишди. Қолаверса, бу йўсиндаги тақдир иловаси ҳадиксираб юрган Жалол акага айни муддао эди.

Замира ўжарлик қилиб кўрди, важ сифатида Равшаннинг вафотини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмаганлигини айтди.

— Ие, қизим, эс-ҳушинг ўзингдами? — деди Сожида опа. — Ҳали никоҳ бўлмаган йигитга аза тутасанми, болам? Илло-билло мунақа гап оғзингдан чиқмасин. Эшитганлар нима дейди?..

Кеч куз тўй бўлди.

Замиранинг дили бўм-бўш, лоқайд эди, у ҳеч нарсани ҳис қилмади — қувонгани ҳам, хафа бўлгани ҳам йўқ, ўзини оқимга қўйиб берди. Анча пайтгача чехраси очилмай юрди, аммо ҳадеб хўмрайиб кун ўтказиш ҳам одобдан эмас, баъзан ўзини мажбурлаб бўлса-да, жилмайишга уриниб кўрди, аммо бу зўраки қувончни яна булут қопларди. Шундай пайтларда ота-онасининг тазйиқи билан ўзини қўлга олишга киришган Ҳамдамнинг ич-ичидан алами қайнар, бошқоронғи бўлишига қарамай Замирага кўрселик қилар, ўлиб кетган Равшанга рашк қилиб, хотинига азоб берарди. Аммо ҳомила билан боғлиқ энди илиқлашиб

келаётган турмуш тарзи Ҳамдамнинг кайф аралаш газабда айтиб юборган бир сири туфайли барбод бўлди. «Жазманингни ўзимиз ўлдирганмиз! Аварияни ўзимиз қилганмиз!» — деган эрининг гапларини Замира эшитди-ю, вужуди бўшашиб кетди.

Саҳар чоғи Холбоев ваннага кириб, келинни сиртмоқда кўрди, ағанаб ётган табуреткани қўйиб, ҳали илқ жасадни апил-тапил арқондан суғуриб олди, чора ахтара бошлади. Келини ўзини осиб ўлдирди, деган совуқ хабар тарқалса, сўроқ-тергов бошланади, Равшанингни ўлимига алоқадор тафсилотлар очилиб кетади, аварияни ўзлик ўзи уюштиргани юзага чиқади, вазиятни идора қилиб бўлмайди... Ахир Холбоевнинг ниятлари кам эмас, шу даражага кўтарилишнинг ўзига қанчадан-қанча тадбирлар қўлланган, чиқим бўлган. Чиқим-ку, аллақачон бир неча баробар ўзини оқлади, аммо — ноумид шайтон, мана, райком секретарини областга олишмоқчи, жойига кимнидир тайинланадиган пайтда албатта Холбоевнинг помзоди ҳам қўйилади... Келини тушмагур нодонлик қилиб қўйгани чатоқ бўлди-да! Турган гап, аҳволни шу даражага ўгли олиб борган, бўлмаса ҳомпладор жувон ўзини осармиди, азбаройи жон-жонидан ўтган, ҳеч нарса кўзига кўринган эмас, бироқ келини ҳам писмиқроқ, «ичимдан топ» хилидан экан ёки бироқ дарди бормикини? Балки руҳий касалдир, уйдагилар сезмай қолишгандир... Руҳий касал!.. Холбоев телефонга отилди, бир оздан кейин район касалхонасининг бош врач қаллослаб кириб келди.

— Руҳий касали борлигини, — деди у ўликни кўргач, — энди исбот эта олмаймиз. Учётда бўлса ҳам бир нав эди. Заключение беришимиз мумкин, албатта, лекин... ота-онаси экспертиза талаб қилишса, ёлгон очилади, чунки оз бўлсаям, бўйнида арқон изи қолган.

— Келини ўзини осибди, деган шов-шув тарқалса — бу яхшими? — деди Холбоев тоқатсизланиб. — Текширув бошланса-чи? Ўйланг!..

Бош врач имтиёз илинжида эди, жавоб айтишга шошмади.

— Тезроқ ўйланг, кун ёришиб келяпти! — деб ўдагайлади Холбоев ва бош врачнинг вақт чўзаётганини англаб, ётиғи билан деди: — Сиз ўйлаётган нарсалар тўғрисида кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Юраги хаста, деган диагноз қўйилса нотўғри бўлмас, — деди ниҳоят бош врач. — Бу яширин касал, кўп ҳолларда беморнинг ўзи ҳам билмайди... Упдоқ бўлмаганда ҳам юрак шунақа нарсаки, тўсатдан экссесс бериши мумкин. Ёш-қарига қарамайди... Касалхонага олиб бориш керак.

— Қанақа машинада келдингиз?

— «Тез ёрдам» да.

— Машинани ҳовлига олиб киришсин.

— Ҳа, албатта, — деди бош врач ва дарвоза томон кетди.

«Тез ёрдам» машинаси Замиранинг жасадини олиб кетганда, кун ёриша бошлаган, куртаклари бўртиб қолган дарахтларнинг танаси нам ва қора, баланд шохлари туманда аранг кўрinar эди.

Холбоев дарвозани кулфлаб, уй ичига югурди.

— Нима бўлди? — оёқ дупуридан уйғониб, сўради Ҳамдамнинг онаси. — Нима гап?

— Ҳожатга чиқсам, келининг ваннада ётибди. Ағдариб қарасам, ўлиб бўпти. Дарров докторга телефон қилдим, келишди. Юраги тўхтаб қолти.

— Вой, ўямасам! — Аёл ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Касали борлигини билармидинг?

— Йўқ...

— Яширишибди-да биздан! — Холбоев муштини кафтига урди. — Тур ахир! Бор, уйғот ўглингни!

Аёл ҳушига келиб, апил-тапил кийина бошлади.

Замиранинг жасади касалхонанинг реанимация бўлимига олиб борилгач, гўё керакли тадбирлар қўлланилгандек бўлди, аммо «фурсат бой берилган, керакли натижа бермади», деган гап тарқатилди, юрак фаолияти тўсатдан тўхтаган диагнози билан иш ёпилди, ўша куннинг ўзидаёқ жасад гўрга қўйилди. Мусибатдан ақли озган Замиранинг уйдагилари қий-чув бўлиб қолишди, мулоҳаза қилиш, гумонга бориш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади...

1982 йилнинг баҳори шундай бошланди. Ҳар куни Замиранинг қабрига гул қўйиш одат тусига кириб қолган, Сожида опа бирон кун бу одатни канда қилмайди, ўзи бора олмаса, Зумрадни, Зумрад ўқишда бўлса, Самадни гўристонга юборади...

Холбоев қабрга келинининг тасвири ўйилган икки қулоч мәрмартош қўйдирди, атрофини қора чўян панжара билан ўратди, гуллар экдирди, электр сими торгтириб, чироқ ўрнаттирди. Хулласи, одамлар кўрса, ҳаваси келадиган бир жойга айлантирди, атрофда бунақа мақбара йўқ, ҳатто гўрковлар навбатма-навбат назорат қилиб туришади. Электр чироғи ўчмайди...

Ҳақиқатда мәрмар супага қўйилган кўза чил-чил синган, гулдаста сочилиб ётарди. Самад чинни парчаларини супуриб бир четга ташлади, сағанани хўл латта билан артди, гулларни ҳўқачага солиб, мәрмар супага қўйди, гул кўчатлари тагига сув қуйиб чиқди. Юмушни бажаргач, чўян панжарага суюниб бир дам жим турди, сўнг бўш челақни осилтириб, қабристон дарвозахонасига қайтди...

Самад киоскадан турли хил марказий газеталар олиб, ишхонаси томон кетди.

Пойдевори бир қарич ҳам келмайдиган икки қават бино кўримсиз, пастки қават деразаларининг баъзиларида занг панжаралар бўлиб, хира ойналарида панжа излари қолган, пардаларини гард босавериб, рангини билиб бўлмас, бинонинг олдидаги жайдари гуллар экилган уч қатор эгат сувсизликдан қақраган, ичида ит ғажиган суяк, бир пой эски калиш, бочканинг чамбараги ётарди. Бу аросатда қолган бинода районнинг бир неча иккинчи даражали ташкилотлари, яъни маданият бўлими, кинофикация идораси, аллақандай қурилиш маъмурияти, район маорифи жойлашган бўлиб, Самад ишлайдиган «Коммунизм машъали» газетасининг редакцияси ҳам шу бинода эди. Шунча муассасалар ўртасидаги бу бино сансалорга қолиб, ҳеч қайсиси на ремонтга, на теварак-атрофини ободонлаштиришга қарар эди. Том тешилса, ҳафта-лаб чакка томар, труба ёрилса, ойлаб сувсиз қолишар, ертўла эса сувга тўлар, ҳожатхонага яқинлашиб бўлмас эди.

— Анчадан бери «Илгор» ҳақида материал берганимиз йўқ, — деди газетанинг бўлим мудирини — қирқ ёшларга кирган семиз, сепкилдор одам, — планлаштирганмиз, бир-икки кунга бориб келсангиз...

— Республика матбуотлари бериб ётипти-ку, — деди Самад. — Опа — депутат, қахрамон. Бизнинг материални писанд ҳам қилмайди.

— Домланинг топшириқлари, — деди бўлим бошлиғи, бош редакторни назарда тутиб, шу билан мавзуга чек қўйган бўлиб. — Шамол зарар етказган бўлса, тилга олинг,

айтинг: «Табиат инжиқликларига қарамай, талафотни мардонавор енгиб...» ва ҳоказо, ўзингиз биласиз.

— Зарар етказмаган бўлса-чи?

Бўлим мудирини Самадга гаши келиб қаради.

— Хулласи, — деди у, — қаранг, қидиринг, сўраб-суриштиринг. Бўлмаса, ўйлаб топинг. Ибратли материал бўлиши керак.

Самад ўз хонасига чиқиб, столи устидаги қоғозларни саралади, кераклиларини стол галадонига солиб, қулфлади. Сўнг хотини ишлайдиган муассасага телефон қоқиб, колхозга кетаётганини, бир неча кундан кейин қайтишини айтди.

Кун яримлаб қолган, Самад ташқарига чиқиб, бир оз иккиланиб турди. Боргунча кеч киради, ётиш жойи нима бўлади? Район газетасининг мухбири майда одам, колхозда рўйхуш беришмайди, эътибор ва мулозаматлар пойтахтдан келганларга нисбатан қўлланади, баъзи кезларда область миқёсидаги шахслар ҳам бу донги кетган колхозга келиб, оддийгина муносабатдан четда қолишади. Колхознинг муҳташам боғи, унинг меҳмонхонаси одамлар, Москва ва Тошкентдан келган мухбирлар билан банд бўлади, зиёфатларнинг кети узилмайди, машиналар тинмай ҳар турли масаллик, ичимлик, мевалар ташийди, мрамар ҳовуз, фин ҳаммоми, биллард ўша мартабали меҳмонлар хизматида бўшамайди. Самадга ўхшаганларга йўл бўлсин бунақа жойларга? Бироқ район колхозида ишлайдиган ўртоғининг уйи ўша колхоз марказида, ота-онаси Самадни яхши танишади. Шаҳарда ўқиган кезлари Мансур билан дўстлашиб қолишган, каникул пайтлари бир-бирлариникига борди-келди қилишган. Самад Мансурникида ётиб қолаверади-да. Унинг устига Мансур иккинчи фарзанд кўрибди, баҳона билан Самад ўртоғини табриклаган бўлади, фақат магазиндан совға-салом қилиб олиши керак. Нигора туғилганда, Мансур хотини билан кутлаб келган, совғаси — гилдиракли атрофи панжара каравотча — ҳали ҳам асқотяпти.

Самад «Болалар дунёси» магазинига кириб боши қотиб қолди. Болаларга олинадиган буюмлар кўп, жажжи машиначалардан тортиб велосипедгача бор, аммо қайси бири совга учун мос — Самад муқаррар билмас эди. Муяссар бўлганда, дарров танларди, бунақага диди ўткир, ўйлади Самад, айни пайтда Муяссар йўқ, бу вазифани ўзи бажаришига тўғри келади. Самад сотувчи жувонга маслаҳат солди.

— Совгани кимга олмоқчисиз? — сўради жувон.

— Жиянимга, — деди Самад, гапни қисқа қилиб.

— Неча ёш?

— Ярим яшар... — деди Самад миясида нималарнидир чамалаб.

— Ана, шақир-шукур ўйинчоқлар тиқилиб ётибди, — деди жувон ва бир неча ҳар турли пластмасса ўйинчоқларни пештахтага ташлади. Бу нарсалар ҳаддан ташқари арзон эди. Самад илжайиб, бошини бурди. — Ёқмадими?

— Жа арзон-ку, — деди у. — Қимматроғи керак.

— Велосипедча ола қолинг, — деди жувон, велосипедлар турган томонга бошини ўгириб. — Уч гилдиракли. Кейинчалик минади. Ўгил бола учун бу яхши совга...

«Илғор» колхозининг марказигача бўлган йўл унча олис эмас, лекин бир-икки жойда шамол дарахтларни йўлига қулатган экан, токи тракторлар уларни четга суриб, йўлни бўшатгунга қадар талай вақт ўтди, кеч кира бошлаганида, Самад мапзилга етиб борди. Мансур ҳали ишдан қайтмаган экан, Самад унинг оила аъзолари билан суҳбат қуриб ўтирди. Мансур келганда, чироқ ёқадиган пайт бўлиб қолган эди. Улар самимий кўришишди.

— Нега ишхонага телефон қилмадинг? — дашном берди Мансур. — Эртaroқ келардим.

— Эсимга келманти, — деди Самад, ўртоғининг келганидан руҳланиб.

— Ўтир, ўтир, Самад, мен бир ювиниб олай, сасиб кетганимни сезяпсанми? — деди Мансур ечинаётиб. — Беш-ўнта дарахт каналга аганаган экан, эрталабдан тишим йўқ. Адолат! Сочик опчик!

— Ваннада тоза сочиқлар бор, — деди хотини ошхонадан бошини чиқариб. Унинг кўлида эмизикли гўдак боласи бўлиб, тўрт яшар қизи онасининг этагидан тортқилар, гашлик қиларди.

— Берсанг-чи болаларингни бувисига, — бақириброк деди Мансур, хотинига ичи ачигандек бўлиб.

— Намоз ўқигани кириб кетишди, — жавоб берди Адолат хижолатдан бир Самадга қараб олиб. — Ҳозир чиқишади.

— Қанақа овқат қилипсан?

— Ош. Гуручини соламан.

— Менга бера қолинг болаларни, Адолхон, — деди Самад, ўрнидан туриб ва бир-икки қадам юрди.

— Унашмайди. Бемалол ўтираверинг, — дея Адолат яна ошхона ичида ғойиб бўлди.

Ошдан кейин ҳандалак сўйишди, ҳиди ҳаммаёққа тарқаб кетди.

Терак баргларини йилтиратиб, тўлди ой чиқа бошлади.

Самад билан Мансурга сўрига жой қилиб беришди, йиғиштириб қўйилган пашшахонани туширишди, икки дўст кўрпа устида майкачан ўтириб, сигарет тутатишди.

— Даданг таъминот бўлимига ўтибди, — деди Мансур, ўртоғининг кўнглини овлаш ниятида. — Даромадли иш, дейишади.

Ўртоғининг гапида андак киноя бордек туюлди Самадга — Холбоев билан қудачиликка ишора эди.

— Даромади курсин, — деди Самад бир оз асабийлашиб. — Нега ҳам ўшалар билан қариндош тутиндик? Замирани нобуд қилишди. Ўгли безори экан, ўша бошига етди. Зулм солган, рашк қилган, Замира ҳамма нарсани ютган, эзилган, натижада юраги бардош бера олмаган. — Самад чуқур хўрсинди. — Мендаям айб бор. Синглимининг у йигитга кўнгли йўқлигини билардим, била туриб орага тушмадим, дадамдан андиша қилдим. Аслида дадам ўша тўйни жадаллаштирди, аямнинг ҳоли жонига қўймади, қизинини унат, деб. Мана, оқибати, Замиранинг ўлганига



йилдан ошди, аям билан дадам тескари, сал нарсага жанжал кўтарилади. Буларнинг ади-бадисидан юрак безиллаб қолган, хотиним олдида уяламам.

Мансур хўрсинди.

— Ҳар бир хонадонда ўзига яраша ғам-ташвиши бўларкан-да,— деди у ва яна нимадир кўнглида бордек жимиб қолди.— Хотинимни кўр қариб кетганини. Энди йигирма бешга кирган жувоп. Ювнишга ҳам вақти йўқ. Меҳнатдан боши чиқмайди. Пилла айниқса қийин бўлди бу йил, ҳеч кимга тишим бермади. Қолхозчилик, план берган, боқмасанг бўлмайди. Айниқса, барг танқис, қийнаб юборди. Водхознинг иши билан район изғийман, кўзим тутда, шарт-шарт қирқаман, машинага босиб, қочвораман. Ушлаб олишса, болта билан солишади миямга. Қолхоз таъмин қилишга улгурмайди, не алпоз билан келтириб ташланган барги сўлиб қолган бўлади, қурт емайди. Хотин чурвақалар билан ўралашиб қолган. Боғчани пиллага олиб қўйишган, ҳамманинг боласи кўчада қолган. Пилланинг ўзи бўлса кошки эди, экин бор, унга қараш керак, мол-қўй, рўзгор ишлари — кир ювиш, овқат пишириш, болаларни эмизиш, ухлатиш, дегандек...

— Уч йил бурун колхозингизда икки қаватли болалар боғчаси қурилиб, довруғи бутун республикага кетувди, ўшатда қурт боқишдими? — таажжубланиб сўради Самад.— Боғчани намуна қилиб кўрсатишувди. Ўзим ҳам хабар ёзган эдим.

— Намуна бўлгани қурсин, — деди Мансур асабий ҳолда қўл силтаб.— Ҳамма бало шунда-да!

Самад ўртоғидан кўзини узмай, гап давомини кутарди.

— Ҳаммасини жамлаб келганда, болалар ўша довруғи кетган боғчада уч йил мобайнида ярим ой ҳам туришмаган.

— Туришмаган? — баттар таажжубланиб сўради Самад.— Ўйни болалар ўша боғчага қатнашмаган, демоқчимисан?

— Ҳа-да! Эски боғчасига, ўша авария ҳолатидаги чолдеворга боришади. Эски ҳаммом — эски жом! — тутатқиб деди Мансур.— Ўша исқиртлик, антисанитария, чоки ситилган тўшаклар, ойлаб ювилмайдиган чойшаб-филофлар, шалоқ столлар, курсилар, каравотлар, тарбиячилар қўлини артадиган деразапардалар, зах ерга солинган увода шолчалар, ахлатлари суркалиб кетган болалар, маймоқ ўйинчоқлар, начоғи чиққан алюмин идишлар... Мунақа идишда одам итига ҳам овқат бермайди... Э, қайсинисини айтай, ўртоқ! Шуниям ҳар йили пиллага тортиб олишади. Болалар боғчага бормаганидан хурсанд!

— Ҳа, янги боғча-чи? Намунали боғча! Нима учун болалар унга қатнашмайди? Ахир боғчамисан боғча-ку! Ўзим кўрганман — икки қаватли, жиҳозлари антиқа, ўйинчоқлари кўзни қамаштиради. Гиламлар, дарпардалар, қандиллар! Ҳовлисига ҳар турли ўйин аслаҳалари, бассейн, гулзорлар, дарахтлар!

— Тўғри! — деди Мансур ўртоғининг кўтаринки оҳангидан.— Гулзорлар! Дарахтлар! Ҳамма нарса муҳайё! Боғча эмас — санаторий! Колхозчиларнинг икки юз эллик минг пули сарф бўлган қурпишига!

— Хўш, нега бўлмаса болалар бормайди? Ё биров ишкали чиққанми?

— Йўқ! Ҳеч қанақа ишкали йўқ!

— Нега болалар бормайди?

— Боради,— деди Мансур заҳарханда билан.— Марказдан ёки хориждан меҳмонлар келишганда. Бир-икки соатга. Шундан колхоз маъмуриятининг назоратида. Биронта бола ўйинчоққа тегиб кўрсин-чи, уриб қўлини синдиришади! Хорижий меҳмонлар ёки марказдан келган мартабаси улуғ шахслар боғчани кўриб кетишлари билан болаларни чопқиллатиб эски жойига олиб келиб ташлашади. Боғча эшигига яна қулф осилади! Калити опанинг сейфида туради — яна битта навбатдаги маросимгача!.. Самад, ўша крахмалланган чойшаб-ёстиқларда болалар биров марта ҳам ётишмаган, улар ҳам ўрганиб қолишган:

стулчаларда давра куриб ўтиришиб олишади-да, «Ох, капалак-капалак» деган ашуласини айтишаверади...

Самад ханг-манг бўлиб қолди.

— Ахир бу... кўзбўямачилик-ку, Мансур! — деди Самад газабда. — Нега жанжал кўтармайсизлар ахир? Нега тек ўтирасизлар?!

— Юқоридан топшириқ шунақамиш, — деди Мансур ўзини гўлликка солиб. — Биронта муассаса намуна ҳолида сақланиши керак эмиш...

Шамол дарахтларни чайқатар, анча тепага кўтарилган ойнинг совуқ ёғдусида оқ пашшахона танҳо елканни эслатарди.

## 2

Самад колхоз раисининг кабинетидан чиқиб кетгандан кейин, опа — чап лунжида қизғиш нори бор, эркаларга ўхшаган, чамаси элликларга борган семиз аёл — нохуш тин олди, ёпилган эшикка бир неча дақиқа хўмрайиб қараб ўтирди. Афтидан, Самад билан бўлган суҳбати кўнгилсиз асорат қолдирган, семиз эти газабдан яна ҳам шишиб бораётгандек кўринарди. Ниҳоят, у гавдасига номуносиб чаққон ҳаракат билан телефон трубкасини шарақлатиб юлиб олди.

— Асом Пардаевич! — деди у асабий тоқатсизлик билан райкомга телефон қилиб. Гапириш тарзидан маълум эди — опа райкомдагиларни ҳам у қадар нисанд қилмас эди. — Бу қанақаси ўзи?! Тинч ишлай олмайдиган бўлиб қолдик-ку!.. Салом... Яхши. Сплешной гулга кирди. Суғорямиз... Йўқ! Суғориб бўлмагунимизча сувга тегмай турасизлар. Ҳа! Бошқа хўжаликлар билан ишим йўқ... Кўчат сувга тўйинши керак. Шамол букиб кетди, бўлмаса бошини кўтара олмайди... Айтдим-ку, Асом Пардаевич, бошқа колхозлар билан ишим йўқ. Сувга тегманг, тепага телефон қиламан... Нима?.. Қанақа гап?.. Ҳа, айтмоқчи!.. Районингиз газетасидан бир мухбир келиб, кўп таъбимни хира

қилиб кетди... Сатторов экан фамилияси, исми Самадмиш... Бу ўзи қанақа бефаросат одам?! Ғўзаларнинг аҳволи мунақа, бориб кўришнинг ўрнига, болалар боғчаси ундоқ-мундоқ, дейди, нега болаларни янги бинога ўтказмайсиз, кўзбўямачилик, муттаҳамгарчилик, дейди, Московни рўқач қилади. «Правда»га ёзаман, боғча болалар учун қурилганми ё меҳмонларга кўрсатиш учунми, дейди, пўписа қилади! Бир кўнглим — милиса чақириб топширворай ҳам, дедим, ўзимни босдим. Энди кунимиз шунақа жипириқларга қолдимми? На унвоним, на мартабам билан ҳисоблашмайди! Қаттан топасизлар бунақа маҳмадонларни?! Бутун кунга настроениемни бузиб кетди, қандай қўлим ишга боради, қалтираб ўтирибман, валидол ичдим. Ҳа, энди, Асом Пардаевич, сал эви билан-да!.. Сал мундоқ жиловини тортиб қўйиш керак ўша ғаламисни! Ҳамма нарсага мунақалар тумшуғини суқавершса, айтиб қўяй, йўлга патруль қўйдириб қўяман, қаёқдан келган бўлса, ўша ёққа кетаверишади! Ташвишим бошимдан ошиб ётипти, пахтани ўйлайми ё мунақанги исковучларни пойлайми? Наманганда мунақага ўхшаганларни, биласизми, нима қилишади?.. Ҳа, балли!.. Асом Пардаевич, биров келадиган бўлса, огоҳлантириб қўйинсин, мендан сўрашсин, йўқса, эшакка тескари миндириб, чиқартириб юбораман!.. Асом Пардаевич, ўзингиздан қолар гап йўқ, уёқ-буёққа ёзиб юрасин. Бари бир текширадиган бўлишсаям, материални районимизга жўнатишади, у ақиллаганича қолаверади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача-ю, ҳар қалай билган ундоқ, билмаган мундоқ, дейди, районнинг шаънигаям яхши бўлмайди, олдини олиб қўйган маъқулроқ-да, Асом Пардаевич, тоза сувни лойқалатмасдан аввал...

### 3

Ҳамдам машинасида кета туриб, автобус станцияси томон уч гилдиракли велосипедча қўлтиқлаб бораётган

қайноғаси Самадга кўзи тушди. Қизига велосипед олган бўлса, буёқларда нима қилиб юрибди, уйи тескари томонда-ю, деган фикр хаёлидан ўтди, машинасини тўхтатиб, саломлашишни, агар узоқроққа кетаётган бўлса, элтиб кўйишни чамалади, бироқ ҳозир бундай нарсалар Ҳамдамнинг дилига сиғмас, у дарҳол фикридан қайтди. У уйдан Замиранинг қабрига бориш, анчадан буён дилини тирнаётган, на тушида, на ўнгида ҳаловат бермай, бутун вужудини исканжага олиб, дунёсини қоронғи зимистонга айлантириб келаётган қарама-қарши кечинмаларни яна бир карра ўйлаб чиқиши, бир қарорга келиши керак эди.

Замира қазо қилгандан кейин бу кутилмаган мусибат Ҳамдамни жуда кўрқитиб юборди. Ўша жанжал бўлган кечаси у тезда ухлаб қолди, кечаси ичкиликдан қаттиқ чанқаб уйғонди, ёни бўш эди. Хириллаб хотинини бир неча бор чақирди, жавоб бўлмагач, аразлаб, онасиникига кетворгандир, деб ўйлади, ўрнидан аранг турди, майкачан ҳовлига тушди — ҳаммаёқ туман, ҳаво совуқ эди, вапшахонага югурди. Чироқ ўчирилмаган, ҳали кайфи тарқалмаган Ҳамдам анграйиб рўпарага тикилиб қолди. Аста-секин кўзи олдидаги хира тасвир аниқлаша бошлади: хонанинг шифти бўйлаб ўтган чўян трубага арқон боғланган, сиртмоқда калласи қийшайиб хотини осилиб турар, оёқлари яланг, иккала қўли узун танасига ёпишган, стул кафель полда ағанаб ётарди. Ҳамдамнинг томоғидан бўғиқ қичқирик янгради, ўзи хонадан отилиб чиқиб кетди, уйига кириб, кўрпасига ўраниб олди. Томоғи қақраб, юраги гурсиллаб урар, ҳаммаёқ даҳшат таратгандек қоронғи эди. Аранг ҳушини йиғиштириб, энди турмоқчи, ота-онаси яшайдиган ҳовлининг охиридаги уйга чопқиллаб, уларни уйғотмоқчи бўлиб турувди, ҳовлидан отасининг йўтали эшитилиб қолди. «Ҳеч нарсани кўрмаганга олиб ётавераман, — деган ўй яшиндек хаёлидан ўтди, — дадам ҳозир ҳамма нарсани ўзи кўради, ҳаллослаб югуриб келиб, мени уйғотади, мен сир бой бермайман, ўзимни билмаганга соламан»... Аммо ҳадеганда отаси келавермади,

онасининг ҳам овози чиқмади. Ярим соатлар чамаси ўтгандан кейин, дарвоза очилгани, аллақандай кишининг гўнгилагани, дадасининг асабий товуши, дарвозанинг очилгани, машинанинг гир-гири, кимларнингдир дупури Ҳамдамнинг кулогига чалинди... Ўша куннинг кечига бориб, юраги экцесс берибди, деган хулоса билан Замирани кўмиб келишди. Ҳамдам хотинини қай тарзда кўрганини айтмади.

Биринчи кунларда бунақанги диагноз Ҳамдамга ҳатто маъқул тушди ҳам, чунки шу йўсин билан унинг қабиҳлиги аён бўлмас, жавобгарликка ҳам тортилмас эди. Дадаси уста-да, Равшанининг ўлимини қандай уюштирган бўлса, Замиранинг диагнозини ҳам ҳамирдан қил сугургадек моҳирона амалга оширди. Ёпиглик қозон ёпиглигича қолаверди.

Замира вафотидан сўнг Ҳамдам бетиним ичадиган бўлиб қолди. Хотинига куяяпти, ичиши алаmidан, деб ўйлашди ота-онаси, қўйиб беришди. Кўчада маст-аласт юрмаса, безорлик қилиб, отасига иснод келтирмаса бўлгани, уйда ичганича ичавермайдими. Бироқ ичкилик ҳам жонига тегди шекилли, бориб-бориб Ҳамдам ичкиликка ҳам қарамай қўйди, ҳеч ким билан гаплашмайдиган, тунд, ёввойи бўлиб қолди, гап очилса, отасига ҳам, онасига ҳам қўпол жавоб қилишга одатланди.

— Ўғлиниги уйлантириш керак, — деди бир кун Холбоев хотини Манзурага, Замиранинг ўлганига ярим йил тўлар-тўлмас. — Хотини эсидан арийди, ичишни камайтиради.

— Келиниги ўлганига ҳали ҳеч қанча бўлмай туриб-а? — деди хотини хавфсираб. — Одамлар нима дейди?

— Унаштириб қўйишган бўлса, қайшота ўлган уйга ҳам икки кун ўтмасдан келин туширишяпти, — деди Холбоев ижирганиб ва қўлидаги сочиқни қозикқа улоқтирди.

— Ҳа, энди, улар мажбурликдан-да, агар тўй муддати тайин қилинган бўлса, — эътироз билдириб кўрди Манзура

опа.— Бизники шошилипч эмас-ку. Ўглингиз юра турар. Ота гўри — қозихонами, дадаси? Ўлик уйимиздан чиқмасам бир нав эди.

— Ўглингдан кўнглим нотинч,— деди Холбоев четга бошини ўгириб.— Бирон ишқал чиқармаса, деган хавотир-даман. Менга деса яна бир йил ўтмайдами? Қайтага яхши, булар шунча аза тутишди, келинининг ҳурматини жойига қўйишди, дейди одамлар... Аммо-лекин Ҳамдамнингни кўр... боши ичкиликдан чиқмай қолди... Шерикларига бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб юборса...

— Нимани айтарди?— Манзура опа келинининг ҳақиқий ўлимини билмаганидек, Равшаннинг ўлими сабабларидан ҳам, аварияни эрининг ўзи уюштирганлигидан ҳам беҳабар эди.

— Ниманими?— Холбоевни эпаси қотди.— Замиранинг юраги ўз-ўзидан чатоқ бўлмагандир-ку. Ўглинг қийнагандир, апови ўлиб кетган йигитга рашқ қилгандир... Неччи марта ўласи қилиб урди, кўчага чиқолмай юрди келининг. Тағинам орийтли экап, кўкарган кўзини тангиб онасникига кетиб қолганда, биласанми, нима бўлиши мумкин эди? Судга беришса, ўглингни қамаб юборишарди. Мени ишдан четлаштирарди. Ўтирардик, оҳимизни худога айтиб...

Холбоевнинг ҳадиги асосли эди, албатта. Ўгли Замирандан айрилиб қолганига аламзада бўлиб юрипти, кайф аралаш алжиллаб қўйса, Равшаннинг ўлими билан боғлиқ бўлган тафсилотлар ўз-ўзидан очилиб кетади, одамлар оғзини тўсиб бўлармиди? Висир-висирлар чувалашиб, вазият эпақадан чиқади, ёмон тус олади. Нима бўлмасин, Ҳамдамни тезлик билан уйлантириб қўйиш зарур, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади, виждони қийналмайди. Хотиникон нақадар ширин, қандай мураккаб нарсаларни четга суриб ташламайди?

— Хўмрайиб юришини қара,— деди Холбоев, кўчага келиб тўхтаган машинага қараб ва стулдаги костюмини олиб кия бошлади.— Хотинини худди мен ўлдиргандек.

Ўзидан кўрсин, хумпар, камроқ азоб берсин эди... Гаплашиб кўр, — дея у каравот ёқасидаги бошини қуйи солиб ўтирган хотинининг олдида тўхтади. — Кўнглида бирон-таси бўлса, айтсин...

— Мени жеркиб беради, — деди бир оз жим тургач, Манзура опа четга қараб. — Эркаксиз, ўзингиз гаплашинг. Сизнинг йўригингиз бошқа. Мен бўлак ишларга бош қўшарман — совчиликка бориш, расм-русум...

Мавриди келмадими ёки янги келин ҳақида сўз очишни ўзига эп кўрмадими, ҳар қалай анча пайтгача Холбоев ўғли билан суҳбат очишга жораги дов бермай юрди. Аммо ўглининг кун сайин авзойи бузилиб бормоқда, бир кори ҳол юз бермай туриб, у билан гаплашиб олиши керак эди. Бироқ Ҳамдам отасининг шундай ниятини сезиб юрса-да, суҳбат очилишини истамас, унинг қабиҳ усулини юзига солиб ташлашдан ҳайиқарди, чунки Замиранинг ўлими ҳақида гап очилиши муқаррар эди, очилса тухмат диагноз ҳам, Равшанининг ҳаётига суиқасд уюштирилганлиги ҳам ўз-ўзидан тилга олинмай қолмас эди.

Тўғри, Ҳамдам хотинига нисбатан кўрслик қилиб келди, беҳуда рашк билан дилига озор берди, қизғанди. Ҳар гал Ҳамдам хотинини бағрига босганида, унинг кўзига тикилар, ҳамон унинг кўнгли Равшандалигини англаб олгиси келар, агар ундай бўлмаса, аксини эшитишни жуда ҳам истар, бироқ хотинидан у кутган изҳор чиқмагач, баттар эзилар, хотинига ништар ургиси келарди. «Мен аҳмоқ, — деб ўйларди Ҳамдам, ўз изтиробидан жиғишак бўлиб, — нима қилардим шунга уйлашиб? Ахир бошқа йигитга унаштирилганлигини билардим-ку! Ўз бошимга ўзим укубат орттирдим...» Аммо қизганса ҳам, рашк қилса ҳам, Ҳамдам Замирани ўзига хос муҳаббат билан севарди, шунинг учундир, у Равшанининг ўлимига доир сирни айтиб юборгани — шахсий ғурурини ҳимоя қилиш, охириги зарба билан хотинини тавбасига таянтириш, ўзининг эса ҳамма ишга қодир ва зўр эканини кўрсатиб қўйишдек аянчли бир тадбир эди. Шу беҳуда ҳа-



ракати билан ҳам суюкли хотинидан, ҳам бўлажак фарзандидан жудо бўлди Ҳамдам. Ўшанда Замиранинг дилидан қанақа даҳшатли фикрлар ўтди экан? Табиий: «Ҳали мен севгилимни ўлдириб, менга уйланиб олган қотил билан яшаб юрибманми, ҳали мен шу номарддан фарзанд кўраманми?! — деб ўйлаган, — мунақа разил, сотқин ҳаётдан кўра ўлганим афзалмасми?!» — деган фикрга борган.

Ҳамдам аввалига дадасининг тадбирини жуда ҳам доно, деб топди, чунки шу билан ўша кезларда унинг ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган таҳлика бартараф қилинган эди. Замиранинг ўлимига дахлсиз қолган Ҳамдам ичида севиниб кетиб, ичкиликка берилди, бу жонига теккандан сўнг, ақли тиниқлашиб, қандай мудҳиш иш қилиб қўйганини эътироф эта бошлади. Ахир бу қотиллик тасодиф натижасида рўй бергани йўқ-ку — Равшаннинг ҳаётига бўлган суиқасд совуққонлик билан режаланган ва бу режа ўйлаб туриб амалга оширилган, севгилисидан маҳрум қилиб, Замирага эришишган, ажал оғзига олиб боришган. Бу ҳам етмагандек, юраги хаста экан, деб бари айбни унга қўйиб, кўмиб юборишган. Ўзлари оппоқ бўлиб, буёқда қолаверишган. Бундан ортиқ яна қанақа қотиллик бўлиши мумкин? Ахир ҳаёт одамга бир марта берилади, бировнинг ҳаётини тортиб олишга буларнинг қандай ҳаққи бор?! Бу гуноҳ билан қандай яшайди Ҳамдам? Ахир бир умр бу зилни дилида кўтариб ўтиш, бу юзта жазодан ҳам оғир-ку!.. Демак, Ҳамдам қаерда ва ким билан бўлмасин, нақадар бахтли онларни кечирмасин, Замиранинг, Равшаннинг руҳи, қотиллигининг шарпаси кўз олдидан нари кетмайди-ку... Бундан мудҳиш азоб борми одам учун?..

«Ўзим кимман мен? Нимаман? — деб ўқтин-ўқтин ўйлайдиган бўлиб қолди Ҳамдам шунақанги ночор пайтларда. — Тайин бир касбим йўқ. Институт аросат бўлди, сиртқи бўлимга ўтиб, уни ҳам ёлчита олмадим... Хотиним ўзини осиб қўйди, қотил бўлиб ўтирибман... Дадам — мунақа, кўнглига ўтирмаган одам бўлса, найига тушади, бадарға қилади, ёстигини қуритади, мансаб улашади, пора олади...»

Равшан қай йўсида ўлганини онаси билмас эди. Бу ота-бола орасидаги сир, онасининг билмаслиги ҳатто мақсадга мувофиқ эди. Аммо наҳот онаси Замирани ўз ўлими билан адо бўлган, деб ўйласа? Балки онаси Замиранинг сиртмоқда пайтини кўрмагандир? Ахир ўша кеча ҳовлида онасининг товуши эшитилмади-ку? Эҳтимол отаси уйга қайтиб кириб, онасига ҳақиқий аҳволини айтмагандир... Бор гап буёқда қолиб, дадаси ўзи кашф этган уйдирмани айтгандир... Ёки онаси ҳам ҳақиқий воқеадан хабардордир, отаси билан тил бириктириб олгандир... Наҳот шундай бўлса? Наҳот онаси ҳам шундай разил, мунофиқ одам? Наҳот?..

— Ўғлим, ишхонамга бормай қўйибсан, уч ойлик маошинг ётганмиш, — деди бир куни Холбоев креслода нўссайиб ўтирган Ҳамдамга ва ўрнидан туриб, телевизорни ўчирди. — Бориб олмабсан ҳам.

— Ишламаганимдан кейин қайси юз билан бориб маошини оламан? — деди Ҳамдам кўзини ердан узмай.

— Жилла қурса, ўқишингни ўйла, етти йил бўлди-я, ўғлим, — деди Холбоев, ўзини босишга тирилиб. — Атрофдагилар гап қилади. Энди бўлар иш бўлди, хотининг тирилиб келмайди. Ҳадеб куюнаверма. Ичишни тўхтат. Эс-хушингни йигиб ол, ўғлим. Онагни қара, чўп бўлиб кетди дардиндан, раҳм қил.

— Мен-ку майли-я, ўзини қаранг, — деди онаси, жанжал чиқиб кетишидан ҳадиксираб. — Овқат емайди, уст-бошига қарамай қўйди. Уйда бўлса, чурқ этиб овоз чиқармайди, хуноб қилиб юборди одамни. Куйиш ҳам эви билан-да...

— Менга қара, Ҳамдам, — деди Холбоев креслога ўтириб. — Шунча вақт ўтди, етар. Турмушни ўйлаш керак эди. Еш боламассан. Биронта кўз остигга олганинг бўлса, айт, иложини қилармиз. Бизга йўқ, дейишмас.

Ҳамдам шартта туриб, даҳлизга чиқиб кетди, кескин тўхтаб, орқасига ўгирилди.

— Иложини қилармиз? — заҳарханда билан сўз қотди

Ҳамдам, унинг кўзлари ғазабдан чақнар, вужуди қалтирар эди.— Агар биронтаси билан унашиб қўйишган бўлса-чи?! Аввалгидек унияш иложини қиламизми?

— Бақирма!— деб ўшқирди Холбоев, у ўглининг овозини атрофдагилар эшитишини истамас эди.

Ҳамдамнинг онаси ҳеч нарсага тушунмай, эрига қаради. Холбоев гап очилганидан пушаймон бўлди, чунки кўп нарсалардан беҳабар хотинининг олдида кераксиз тафсилотлар очилиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун Холбоев ўзини қўлга олди, гапни бўлак томонга бурди.

— Майли, ўғлим, қизишма,— деди у ва хотинига қараб, жим бўл, маъносида қўл силтади.— Агар ҳали вақт кам ўтди, деб орият қилаётган бўлсанг, ихтиёринг. Биз шошилтирмаймиз. Шунчаки манфаатингни ўйлаб, гапирдик-да. Онанг шунақа девди, менам кўнибман, уёгини ўйламабман. Кечир, ўғлим...

— Кечирмиш,— писанда қилди Ҳамдам.— Қилар ишни қилиб қўйиб, «кечир!»

— Ўзи нима гап?— алаанглаб сўради Манзура опа.

— Нима ишни қилиб қўйиб?— ғазаби қайнаб сўради Холбоев.— Ўзингмасми кўярда-қўймай қисталанг қилган, икки оёғимизни бир этикка тикқан?

— Ахир сизлар ота-онамсизлар-ку!— тутақиб гап отди Ҳамдам.— Нега қайтармадинглар? Нега бу иш яхшимас, гуноҳ бўлади, унаштирилган, демадинглар?! Мен-ку такасалтанглик, таитқлик қилибман, нима учун сизлар оғзимга урмадинглар?!

— Гапга кирмадинг-ку, хумпар!— ўзини тутта олмай ўшқирди Холбоев.— Неччи марта айтиб кўрдик, инсофга чақирдик, унамадинг-ку ўзинг! Ўламан саттор, олиб берсаларинг ҳам олиб берасан, олиб бермасаларинг ҳам деб, ҳоли жонимизга қўймадинг-ку! Уйга ўт қўяман, ўзимни пичоқлайман, деб туриб олган ким эди?! Энди даъвоми бизга ағдармоқчимисан? Агар сен тентак ўжарлик қилиб туриб олмаганинда бир бечора, бировнинг фарзанди ўз ниятига етган бўлармиди, шунча мусибатлар бошимизга

тушмаган бўлармиди! Балки ҳозир мана мундай сўққабош бўлиб юрмасдинг, бошқасига уйлансанг, ҳозир невара кўрардик, ҳозиргидек сўппайиб ўтирмасдик!.. Қайтармадиларингмиш яна!..

Онасининг аланглашидан Ҳамдам билдики, у Равшаннинг ўлиmidан ҳам, келини ўзини осганлигидан ҳам беҳабар, агар Ҳамдам отасидан аламини олиш ниятида ўчакишса, ҳамма нарса юзага чиқиб кетади. Дахшатли сирдан воқиф бўлган онаси чидай олмайди, энди Ҳамдам онасини ҳам гўрга тикадими? «Иложини қиламизми?» деган сирли ибора билан юрагига гулгула солиб қўйгани ҳам кифоя. Шунинг учун Ҳамдам бўлак можарони чўзмади, уйига кириб, ўзини каравотга ташлади, йиглаб юборди...

Бронза қоришмасига бўялган чўян папжаранинг ич томонидаги скамейкада Ҳамдам сукут сақлаб ўтирар экан, талай мушкул, зид ўйлар хаёлидан ўтар, уни азобга солар, нимадир қилишга ундар эди.

Замиранинг қабри устига ўрнатилган мрамар супа топ-тоза, хўқачадаги гуллар сўлий бошлаган, сағананинг атрофига сув сеппиб супурилган эди. «Онаси келгандир, — деб ўйлади Ҳамдам хотинининг қабри саришталигини кўриб. — Бечора... Ойдек қизидан айрилиб ўтирипти. Шўрликнинг нима ёзгани бор эди? Соппа-соғ қизини касал, юраги хаста экап, дейишса, ишониб юришипти, текшириш кераклиги хаёлларигаям келмади-я... Агар экспертиза талаб қилишса — бўларди томоша!.. Ана унда кўрсин эди дадам бировга панд бериш қанақа бўлишини! Мен-ку, кесилиб кетардим, балки ҳозир бирон ўрмонзорда дарахт қулатиб юрармидим... Дадам ҳам кўрарди кўргилигини... Биз-ку, қанақа бўлмасин, бир кунимизни кўриб кетармиз, аммо Замира дунёда ҳали ҳеч қандай рўшнолик кўрмай, дунёдан ўтди. Нега уйдан чиқиб кетмади? Нега дод солмади? Нега ғазабини ўзига қаратди, ўз жонига қасд қилди? Нега лоақал мендек аблаҳни ўлдириб, миямни болта билан янчиб, кейин ўзини осмади?! Ахир ўчини олган бўларди-

ку! Бизнинг оиламизга панд отказарди-ку!.. Эътиқоди зўр экан... Шундай қизга ўзимни тенг қилмоқчи бўлибман-а мен итвачча, рашк қилибман, дилига озор берибман... Қандай яшаш керак буёғига? Қандай?! Шундай разилликдан сўнг умуман ҳаққим борми яшашга?..»

#### 4

Замира узатилганига бир неча ой бўлган, анъанага кўра иккала томон куёв чақириқ, қуда чақириқ қилишди, бироқ Жалол ака қанча Холбоевнинг оғзига қарамасин, ундан садо чиқавермади. Жалол ака ишидан норози эканини гапда қистириб ҳам кўрди, аммо Холбоев ёки ўзини пайқаманга солди, ёки қудасини дарров дурустроқ жойга ўтказса, гап-сўз бўлади, яқин одамига «ёғли» амал инъом қилипти, деган висир-висир тарқалишини истамади, ҳар қалай, мавзу шу ҳақда кетганда, суҳбатни четта суриб келди. Лекин бари бир Жалол ака нима учун Ҳамдамга қизини бериш тарафдори бўлганини, ҳатто бу борада кўп тиришганини, қизини унатиш учун хотинига қанчалар қисталанг қилганини ва у оила тўйга рози бўлиши учун Жалол аканинг хизматлари катталигини Холбоев биларди, албатта. Жалол аканинг қудасидан маълум имтиёз кутиши аён эди.

— Дада, — деди бир куни Самад зиёфатдан кейин, — намунча қудангиз олдида хушомад қилмасангиз? Ҳаммалариям меҳмон, баравар қараш керак-да. Сиз нуқул унга мулозамат қиласиз, икки кўзингиз ўшанда.

— Қуда бўлганидан кейин, ҳурматини бажо келтириш керак-да, ўғлим, — деди Жалол ака сир бой бермай. — Бўлмаса одобни билмайдиган бефаросат одамлар экан, деб кетишарди...

— Ҳурматини бажо келтириш керак, албатта, лекин бунчалик хокисор бўлиб эмас-да... — деди Самад ранжиб. — Холбоев биронта гапингизни охиригача эшитгани йўқ.

— Замирани ўйлайман-да, ўғлим, — деди Жалол ака

андак мулзам бўлиб. — Унга ёмон қарашмасин, дейман... Замира уларнинг қўлида, мурасасозликни ўйлаш керак...

Замира Холбоевлар хонадонига келин бўлиб тушгандан сўнг ҳамма парса жуда силлиқ кета бошлади. Аммо Сожида опа қизининг кўзига зимдан назар ташлар, ҳеч қандай қувонч аломатини кўрмас, қизининг бундай лоқайд ҳолатини унинг камтарлигига, одобига йўяр, агар узоқроқ ўтириб қолса, «Борақол, болам, кеч бўлиб кетди, ёш келин қоронги тушганда кириб борса, хунук бўлади», деб тезроқ қизини уйдан чиқариб юборишга уринарди. Бу ҳаракат «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида бўлиб, Муяссарга ҳам тегишли панд эди, чунки келини Муяссар ҳам тез-тез йўл-йўлакай ишдан кейин опасиникига кириб, кеч қолиб келарди. Сожида опа бёр неча бор қизининг самимий, беғам кулганини кўриб, юраги таскин топди. «Хайрият, — деб ўйлади у ич-ичидан қувониб, — қизим янги оилага кўника бошлабди... Қиз зоти шунақа, аввалига фироқ қилади, кейинчалик бирам иноқ бўлиб кетадики, гўё шунча кўзёшилар бўлмагандек. «Куёвингиз ундоқ деди, куёвингиз фалон парса олиб берди, куёвингиз... куёвингиз...» Бироқ Замира бирон марта ҳам бундай гапларни тилига олмади, онаси суриштирадиган бўлса, «тузук, яхши», деб кўярди, холос. Бир неча бор самимий кулишларининг сабаби бўлак парсада эди — Замиранинг бўйида бўлиб қолган эди. Ҳаёт қандай бўлмасин, табиатнинг ўз қонуллари бор. Жуфтлик, наслини давом эттириш билан боғлиқ лаззат, завқ, она бўлиш, юрагинг остида муштдек бир жон яралиши, шакллана бошлаши... нақадар ҳаяжонли. Бироқ Замира бу хабарни опасига айтишга ошиқмади. Орият қилди, чунки Замира турмушга ўз хоҳишига қарши чиққан, куёвини ёқтирмас эди, шунинг учун янгиликни онасига айтса, хурсанд бўлиб кетгандек кўриниши мумкин эди.

Замиранинг ҳомиладор бўлганини уйидагилари умуман сезишмади, ҳатто Замиранинг устидан тупроқ тортилганда ҳам бундан беҳабар эдилар.

Кутилмаганда фожиа юз берди, Холбоев зудлик билан чора ахтара бошлади. Ёш, соёна-соғ жувон уч ойлик ҳомиласи билан ўлиб кетаверса, унинг оиласидагилар қараб ўтирмасликлари мумкин эди, шунинг учун бир тадбир қўлаб, уларнинг тилини қисиб қўйиши зарур, аке ҳолда... Замиранинг вафотидан кейин ҳафта ўтар-ўтмай Холбоев қудасини янги ишга ўтказди. Жалол ака лаққа этиб тушди-қолди, чунки бу амал район миқёсида мартабали бўлибгина қолмай, таъминот бўлими иқтисод жиҳатидан ҳам даромадли жой эди.

Жалол ака энди элликка кираётган, кўча-кўйда чиройли қиз-жувонларни кўрса, юраги алланечук бўлиб кетадиган, ҳали бақувват киши эди. Шунинг учун Жалол ака янги лавозимга тайинланганидан сўнг аввалги корхонасида ишлайдиган ёш бир жувонни ўз идорасига ўтказиб олди. Салимаҳон бир йил ҳам турмай эридан ажрашган, боласиз, кўзга яқин жувон бўлиб, аҳён-аҳёнда у билан Жалол ака ҳазилкашлик, тегажоглик қилиб юрар, кўнглини топиш нияти йўқ эмас, бироқ қимматбаҳо совғалар билан оғдиришга қўли калталик қиларди. Ешлиқнинг кети, қарилликнинг боши, қани энди ҳамён кўтарса, кўнгли истаётган унча-мунча фароғатдан баҳраманд бўлиш гуноҳми? Бинобарин, янги ишга ўтгандан кейин қўли беш-тўрт танга кўрадиган бўлиб қолди. Маошини-ку, санаб рўзгориға беради, аммо бошқа йўсин билан орттирганини эски пальтоси чўнтағига яшириб келади, тузуккина тўплашиб қолган, пальтоси титкилан ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Фақат Замиранинг йили ўтсин, ундан кейин Жалол ака кўнглига туғиб қўйган режаларини ими-жимиди амалга ошираверади, виждони қийналмайди. Нега қийналсин? Хотини бўлса, қизимизни сиз жувонмарг қилдингиз, деб зугум сөлса, ҳоли жонига қўймаса, нуқул йиғласа, эрини кўрди дегунча, жанжал кўтаришга тушса, ҳамма айб сизда, қизингни унат, деб бошимда ёнгоқ чакдингиз, мен ўлгур қизимнинг кўнглига қарамай, аврадим, кўзини очирмадим, ахири кўндир-

дим, мана оқибати нима бўлди, деяверса... Уйига киришга юраги дов бермаса, хотинидан қўрқса, на ётиш-туришда, на емишда ҳаловати бўлмаса, саҳар турибоқ, апил-тапил ювиниб, кўчага отилса — бу қанақа ҳаёт? Авлиёсиям диндан чиқади-ку!

Шубҳасиз, Жалол ака суюкли қизидан жудо бўлгач, қаттиқ изтиробга тушди. Замирага меҳри бошқача эди, ўлди, деган хабар Жалол акани карахт қилиб қўйди, у анчагача ҳушига келолмай юрди, мусибатини англагач, вужуди ўртанди, ҳатто бир марта ўзини тута олмай баралла йиғлаб юборди, пешонасига алам билан муштлади. «Отанг ўлса бўлмасмиди, болам?!» — деб фиғон қилди, ҳаммани йиғлатди. Ҳовлидан чиққан йиғи товуши узоқ-узоқларга таралди, бу мусибатдан хабардор кўп одамларнинг дилини вайрон қилди.

Замиранинг йиллик маросими Жалол аканикида ўтишига қарамай Холбоев шахсан ўзи бошчилик қилди. Иккита дошқозон осилди, ўн-ўн бешта қўй сўйилди, маросимга мингдан зиёд аҳоли келди.

Холбоев буюртирган мармар Замиранинг қабрига ўрнатилди, сағанаси очилишига бағишланган йиғилиш танта-нага айланиб кетди — Замиранинг мактабидан ўқувчи-пионерлар келиб, мақбара атрофида саф тортиб туришди, мунгли куй янгради, яқин одамлар нутқ сўзлашди. Сиртдан бу маросим Замиранинг хотирасига бағишланган бўлса-да, аслида Холбоев ўзи учун, ўз мартабасини улуглаш учун уюштирилган тадбир эди, бировнинг ўлимидан ҳам ўз манфаати учун фойдаланиб қолиш эди. Холбоевнинг режаси маълум жиҳатдан амалга ошди ҳам — кўплар Холбоевнинг шаънига тасаннолар айтиб кетишди, қойил қолишди, қариялар дуо қилишди, четдан ғарибона мулозамат қилиб турган Холбоевнинг қўлини сиқишди, кўзларига суришди, Ҳамдамга қарашмади ҳам.

«Оббо дадам-эй! — деб ўйлади Ҳамдам, бунақанги дабабадан у ҳам ҳайратланиб. — Нақадар уста! Нақадар доғули!..»



«Илғор» колхозининг раиси телефонда район газетаси мухбири устидан шикоят қилиб, ўдағайлаганидан сўнг, Асом Пардаевич ўйланиб қолди. Опа областдагина эмас, республикага донғи кетган, энг юқори лавозимдаги раҳбарлар билан ҳам телефон трубкасини олиб дангал гаплашаверадиган дадил, мақтовларга ўрганиб қолган аёл. Унинг гапини иккита қилиб бўлмайди. Асом Пардаевич тугул, муросаси чиқишмай қолгудек бўлса, область бошлиқларини ҳам думини тугворишга қурби етади, республикада орқа қиладиган одами бор, ҳеч ким «мушугини пишт», дея олмайди. Ўз колхозида-ку, мутлақ ҳоким шахс, ҳаммани зир югуртиради. Бироқ хўжалиги мустаҳкам, даромади зўр, колхозчилар тўқ-тотув яшашади, шунинг учун Опа нима тадбир қўлламасин, ҳеч ким мулоҳаза қилиб ўтирмайди, барча кўрсатмаларини ҳозиржавоблик билан маъқуллайверади. Маъқулламай ҳам кўрсин-чи?..

Мухбир Опанинг қаҳрига учрабди, демак, унга нисбатан Асом Пардаевич бироқ чора қўллаши, қўллаган чораси ҳақида Опани хабардор қилиши лозим, йўқса, «гапимни инобатга олмабсиз», деб тагин бир ҳунар чиқаради, тўнини тесқари кийиб олади, ўчакишиб қолади. Опа тутганини қўйиб юбормайдиган аёл, бир нарсага киришса, тагига етмай қўймайди. Агар Асом Пардаевич устидан тепага арз қилса, албатта унинг далилларини ҳисобга олишади, унда Асом Пардаевичнинг ҳоли нима кечади? Ахир шу мансабга эришиш учун қанчалар тиришди, каттани ака, кичикни ука, деди, қолоқ совхозни кўтарди, қанчадан-қанча ер очди, сув олиб борди, ўзлаштирди. Кейин уни райиждрокомга раис қилиб тайинлашди, уч йил ишлагандан кейин райкомга кўтарилди. Мана, ҳозирда областга олишармиш, деган гаплар юрибди. Энди битта қанақадир мухбир туфайли шу қадар ўсиб бораётган амали чилпарчин бўлиши керакми? Мунақа мухбирлар нима бўлибди, бир нмо билан масаласини ҳал қилиб

юборади. Газета муҳарририни чақиртиради, айтадиган гапни айтади, муҳаррир ходимининг биронта камчилигини — ё ишга кеч келишини, ё ўз вазифасига масъулиятсиз ёндашишини, ё яна бошқа бир жузъий айбини топади, бўрттиради, паттасини қўлига ушлатиб, ишдан ҳайдайди. Малакасидан айрилган мухбир, типирчилаб қолади, ҳар томонга хатлар ёза бошлайди. Бу — тўғри эмас. Қўпол. Бошқа чора қўллаш зарур. Шунақа усул ишлатиш керакки, бечора мухбир ўз қилган ишига ҳам пушаймон бўлсин, нотўғри иш тутганини, хато қилганини тан олсин, ҳам унга кўрсатилган ишончдан мамнун бўлсин, ўзини бахтиёр ҳис қилсин. Мунақангиларни шу йўсин билан қуролеизлантириш керак. Бу ёзувчиларнинг норозилигим, аламням битта нарсадан — уларда амал йўқ, ойликка кун кўришади, уч-тўртта мақоласига оладиган гонораридан бошқа даромади йўқ, шунинг учун яхши яшаса, кўришолмайди, галамислик қилишади, бировнинг пайига болта урмоқчи бўлишади, урдасидан чиқишса, гердайиб юришади, иккинчи қурбонни ахтаришади. Шунинг учун нима қилиш керак? Суяк ташлаш керак! Ғажиб ётаверсин. Суякнинг мазасига тушунганидан кейин вафодор итга айланади-қолади, гус деса, биринчи бўлиб вовиллайди, талайди...

Опанинг колхозида намуна учун, меҳмонлар келганда кўрсатадиган фақат боғчанинг янги биноси эмас, бунга ўхшаш бир қанча объектлар борлигини Асом Пардаевич биларди. Янги қурилган мактаб, уч қаватли Маданият саройи, уч-тўртта дала шийпони, ҳатто бир неча колхоз аъзоларининг уйлари шундай мақсад учун ажратилган бўлиб, ҳаммаси яхши жиҳозлар билан тўлдирилган, дала шийпонларида эса конденционеру рангли телевизорлар ўрнатилган эди. Бироқ Маданият саройи катта маросимлар ёки хорижий меҳмонлар ташрифи муносабати билан очилар, дала-шийпонлари мутлақо очилмас, очилса ҳам даладан чиққан уст-боши чап-ифлос колхозчилар у жойга киришга ботина олишмас, ўрганиш бўлиб

қолган сувнинг ёқасидаги шолчада юмалаб ҳордиқ чиқаришарди. Бино ичидаги жавонда ўнга яқин колхозчиларнинг дазмол урилган оҳорли кийимлари осиглиқ туради. Меҳмон дараги келиши билан шу аъзолар қидириб топтирилади, улар ўз вазифаларини яхши билишади — дарров ювиниб, либосларини алмаштиришади, юмшоқ креслоларга ўтириб, газета ўқиш, кўк чой ичишга киришишади. Рапгли телевизорда қизиқарли кўрсатув, конденционерлар совуқ ҳаво тарқатмоқда, дастурхонларда бирпасгинага қўйилган мевалар, патирлар, шоколадлар.

Намунали хонадонларнинг эгалари умуман эски, ота-онадан мерос қолган жойларида яшаб келишади, янги ажратилган дабдабали, барча шароитлар муҳайё уйларига келиб экин-гулларига сув қуйишади, уёқ-буёқни супуришади, ёввойи ўтларни юлишади — хуллас, кўрадиганлар учун тахт қилиб қўйишади, ўзлари эса бу уйларда туришмайди, туришни ҳам исташмайди, негаки ўрганишмаган, бировниқига ўхшайди, одамларнинг икки кўзи кўчада, тезроқ қулф солиб, ўзларини эркин тутадиган уйларига кета қолишга ошиқишади...

Асом Пардаевич одат тусига кириб қолган бундай тадбирларни билади, билибгина қолмай, ана шундай машқларнинг жорий бўлишига маълум жиҳатдан жавобгар ҳам. Қонулашиб қолган бу одатни бузмайди, ўзгартирмайди, чунки гиламлар солинган дала шийпонларига ҳамма чанг-чунг аҳволда кираверса, ҳали ўзини эплай билмайдиган чурвақалар чиппидек ярқираб турган хоналарда тўс-тўполон қилиб пардаларни юлишса, ўйинчоқларни тортқилашса, паркет полларни ифлос қилишса, бир ҳафтада ҳамма нарсаси расво бўлади-ку... Уятли меҳмонлар ташриф буюришганда, нимани кўрсатилади? Ахир ҳар бир шунақа кошонада таассурот дафтарлари бор, келажак зиёфат илинжидаги сайёҳлар қалб сўзларини ёзиб қолдиришлари керак-ку!.. Мухбир Сатторов битта болалар боғчасини кўрибди — шунга шунчалик! Агар у бошқа «намунали жойлар» борлигини билса, дунёга жар солар

экан-да!.. Йўқ, уни қуролсизлантириш керак. Бузоқнинг югургани сомонхонагача!..

Асом Пардаевич селектор тугмачасини босди.

— Мирвалиевни уланг,— деди у ёрдамчисига. — Газета редактори... Ҳа. Яхшиси қабулимга чақира қолинг. Соат бешга.

## 6

Самад «Илғор» колхозидан таъби хира бўлиб қайтди, чапга беланиб кунини ўтказаяётган болаларнинг аянчи аҳволи, ҳашаматли бино буёқда қолиб, боғчага айлангилган ташландиқ ҳовли хаёлидан нари кетмади. Опа бўлса бу вазиятни хаспўшлаш ўрнига, баланд келди. «Ишлашга халақит берманг, вақтимни, олманг, жўнанг!» — деб кабинетидан Самадни чиқариб юборди. «Бу қанақа зўравонлик? — аччиғи келиб ўйлади Самад. — Сен нима, ҳокиммисан? Кўраман ҳокимлигингни! Ёзаман устингдан, кўзбўямачи, типирчилаб қоласан!..»

Самад, албатта, қўймайди бу ишни, кетига тушади, тагига етади. Бироқ Опа таниқли одам, унга бас келадиган мард керак. Мақолани республика матбуотига юборса, босишга журъат қила олишмайди. Москвага жўнатса, республикадан сўрашади, «Босиб чиқарса бўладими йўқми?» — деб. Лекин бари бир бу нарсани шундай қолдириб бўлмайди. Опанинг таъзирини бериб қўймаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Ҳақорат қилди-я! Ҳайдаб солди-я!

Самад ҳовлига ўрнатилган душга кириб ювинаркан-артинаркан, Опага бўлган кек хаёлидан аримас, дилини пармалар, ором бермас эди. Ичида у кимлар биландир мунозара қилар, баҳслашар, тортишар, хаёлида ўзининг жўшқин далиллари билан рақибларини енгар, тиз чўктирар, рақиблари эса ночор аҳволда Самаддан кечирим сўрар, ялинар, илтижо қилар эдилар... Самад атайлаб бундай хира ва шилқим хаёлотларни нари сургиси келар,

аммо улар яна ёприлар, ўз гирдобига тортар, Самад эса рақибни яқсон қилган дамларида, ўзини кўтаринки сезар, хаёлининг лазиз ихтиёрида яна сузишни истар эди.

— Ухлаяписизми? — сўради Муяссар таажжубли овозда. Самад кўзини очди, қулайроқ ўтирди, хаёли қочди.

— Чарчабман шекилли, — деди у ва эринчоқлик билан хотини келтирган овқатни кавлай бошлади.

— Аям қани?

— Қабристонга кетишди, — деди Муяссар тик турган ҳолда. — Нодира билан.

— Ҳм. Дадам-чи?

— Юргандирлар пана-панада ялло қилиб, — деди Муяссар киноя билан. Бу Самадга ёқмади, у қовогини солди. Ҳозиргина онаси билан қизи қабристонга кетишганини эшитиб, хотинини ичкарига имламоқчи эди, энди ҳафсаласи пир бўлди. — Келадилар-да, апил-тапил кийимлари ни алмаштириб, чиқиб кетадилар, худди ёв қувгандек: Ойим билан гаплашмайдилар ҳам. Эркак киши ҳам шунақа аразчи бўладими?

— Қўявер, — деди Самад бошини кўтармай.

— Ярим қоп ҳандалаё ташлаб кетдилар, — деди Муяссар ютиниб. — Ейсизми, опкелайми?

— Йўқ. Ўзинг есанг, опкелавер.

Муяссар индамади.

— Юмушинг борми? — сал асабийлашиб сўради Самад.

— Нимаиди? — Муяссар эрининг саволини бўлакча тушунди ва илжайиб қўйди.

— Нега тик турасан ясовулдек, ўтир, — деди Самад нохуш ва қўре ганирганини фаҳмлаб, қўшиб қўйди: — Дам ол.

Самаднинг охири хаспўшлашига қарамай, хотинининг дили оғриди.

— Туришим билан ишингиз нима? — аразлаб деди у. — Овқатингизни есангиз-чи, кавлайверасизми ҳадеб? Атала қилиб юбордингиз!.. Ясовулмиш тагин... Ясовул ўзи нима?.. Бирон-бир ёмон сўздир-да...

— Ёмон сўз эмас, — деди Самад кулгиси келиб.

— Ёмон сўз эмасмиш... Нима б-бало, тўнингизни тескари кийиб кебсиз, тинчликми?

— Тинчлик, — деди Самад, хотинини овутиш учун жилмайиб, аммо ўтган кечинмалар яна эсига тушиб, қовоғи уйилди, сездирмай хўрсиди.

— Сизни сўраб райкомдан одам келувди-я, эсим курсин, — деди Муяссар жойланиб.

— Райкомдан? — таажжубланди Самад, чунки аввал-охир уни у даргоҳга чақиртиришмас эди. «Опа кўнғироқ қилибди-да, — ўйлади Самад, — мана энди бошланади сўроқ-терговлар. Мақолани талаб қилишади. Сиёсий тус беришади, жазо ўйлаб топишади... Ҳар қалай Холбоев қариндош-ку, қараб турмас, аралашар, савалатиб қўймас...»

— Борармишсиз... — деди Муяссар эрининг авзойи бузилганини кўргач, хавотирланиб. — Тайинлаб кетди...

— Нимага экан, айтмадимми? — сўради Самад асабий тарзда хотинининг сўзини бўлиб. — Ким келди?

— Айтмади. Кимлигини сўрамадим. Баъзан кўчада кўриб қоламан. «ГАЗ-24» ҳайдаб юради. Балки шофёр-дир...

Самад соатига қаради, вақт еттидан ошган эди. «Ҳозир борсаммиким? — деб ўйлади Самад. — Соат етти. Улар қоронғигача тарқалишмайди, колхоз-совхозлардан сводка кутишади. Ҳукмимни эшитаман, гап бир ёқли бўлади, кўргилик шу экан, деб қисматимга кўникаман, юрагим ҳапқиришдан тўхтайдди. Агар эртани кутсам, қандай тонг оттираман? Юрагим тамом бўлади-ку! Таваккал қилиб бораверайми-а?.. Қўрққанидан чопқиллаб келибди, деб ўйлашади... Бормасам, намунча ўзини тарозига сол-маса, дейишади, мундан ҳам ўзи топишади. Нима қилсам экан-а? Холбоевга учраймиким? Биронта маслаҳат берар, ҳимоя қилар. Райкомдагилар Замиранинги йилига ҳам келишган, мрамартош қўйилиши муносабати билан ташкил қилинган йиғинда ҳам иштирок этишган, қариндош-

лигимизни билишар-ку, пахот шуни андиша қилмай, масаламни кўришса... Хунук гапга ўхшайди, шунинг учун Холбоев бу воқеадан хабардор бўлса ҳам мени огоҳлантирмапти, гапи ўтмаган кўринади, гапи ўтганда, дарров мени топтирарди — ўзини ўта меҳрибон, мурувватли ва ҳар ишнинг уддасидан чиқадиган одам қилиб кўрсатиш учун. Унга учрамаганим маъқул, хижолат чекади, юпатмоқчи бўлади, айбни ўзимдан кўради...»

## 7

Ҳамдам бугун қабристонга яна борди, Замиранини гўри томон кетган йўлка бўйлаб бораётган эди, кўзи уёқдан невараси Нодира билан секин-аста келаётган қайнонасига тушди, ўзини четга олди, улар ўтиб кетгунга қадар панада турди.

Сожида онанинг қиёфаси ғамгин, рапги сўлиққан, пешонаси рўмол билан тангилгани учун бўлса керак, қовоқлари бўртиб чиққан, ёши қуриган кўзлари қизғин эди.

«Бечора онаси,— ўйлади Ҳамдам, бир оз мункайиб бораётган Сожида онани барглар орасидан кузатиб.— Қариб қолибди. Қанақа очик, лобар аёл эди олдин... Гусса енгиб қўйибди...»

Сожида опа невараси билан узоқлашгач, Ҳамдам турган жойидан шошмай чиқди, Замиранинг қабри устига бориб, алламаҳалгача қимир этмай скамейкада ўтирди, кейин қандайдир аҳдди дилига тугиб, уйига қайтди.

Ҳамдам ҳовлига кирганда, онаси телевизор рўпарасида чой ичиб ўтирар эди.

— Дадам қани?— сўради Ҳамдам ва орқароқдаги тўқима креслога ўтирди.

— Ичкарида,— деб жавоб берди онаси, ўглига сиповчан назар ташлаб олиб.— Телефонда гаплашяпти.

Ҳамдам бир неча дақиқа индамай ўтирди-да, унутган нарсаси тўсатдан эсига тушгандек, ўридан турди, дадаси бор хонага кўтарилди. «Пул-мул сўрайди шекилли», деб

ўйлади Манзура опа ва телевизорни томоша қилаверди.

Ҳамдам хонага кирганида, дадаси ҳамон телефонда гаплашарди, у гап тугагини тик турган ҳолда кутди.

— Ҳа, бу томонидан хотиржам бўлаверинг, Асом Пардаевич, — дея гапида давом этди Холбоев. — Боя учрашганимизда айтдим-ку, анча сипо йигит у. Ўзим синаганман, кузатганман — одобли, мўмин-қобил йигит... Қайтмаган бўлса керак, югуриб борарди... Бўпти, одам жўнатаман, хабар олдиртираман... Хўп, хайр.

Холбоев телефон трубкасини қўйиб, бир дақиқа ўйга толди, кейин бир қарорга келгандек, сергакланиб, бошини силкиди, ўгли томон ўтирилди.

— Телефонни кутяпсанми?

— Йўқ, — деди Ҳамдам қатъий. — Сизда гапим бор, дада...

Ҳамдамнинг авзойи бузукроқ, кўз қарашида ёт бир мавж бор эди, отасининг дили кўнгилсиз нарсани сезди, аммо у буни билинтирмади, ўзини тетик ва гап тинглашга тайёр қилиб кўрсатди.

— Хўш... қани, ўтир, — дея Холбоев ўзи стулга ўтирди, савол назари билан ўглига тикилди.

— Дада, нега унақа қилдингиз? — тик турган ҳолда аранг журъат қилиб сўради Ҳамдам.

— Тушунмадим, ўғлим...

— Замирани айтмоқчиман.

— Хўш? Нима бўпти? — хийла асабийлашиб сўради Холбоев.

— Ўлимини айтаман-да...

— Бу янгилик эмас-ку, ўғлим. Хотинингни ўлганига бир йилдан ошди. Энди англаяпсанми, ўғлим?.. Камроқ ичиш керак.

— Замиранинг юраги соппа-соғ эди.

— Шунақами? — сохта таажжуб билан сўради Холбоев. — Нимадан жони узилибди бўлмаса? Балки сенинг тўполон-жанжалларингдандир?



— Замиранинг юраги соғ эди, дада! — таъкидлаб гап қотди Ҳамдам.

— Врачлар алдашибди-да, яхши текширишмабди,— деди Холбоев ва чиқиб кетиш учун ўрнидан кўзгалди.— Бўлар иш бўлди, ўғлим, ўтган ишга салавот. Уринсиз гумонлар билан ўзингни қийнама, ўғлим. Ўлганни тирилтириб бўлмайди. Врачлар ундоқ диагноз қўйди, мундоқ қўйди, ҳозир нима аҳамияти бор? Агарда тўғри диагноз қўйишганида, вазият ўзгарармиди? Юраги бўлмаса, бошқа бир хужайраси ишдан чиққан бўлиши мумкиндир. Балки рухий касали бордир, балки тутқаноғи бўлса, ўша тутиб қолгандир. Эпилепсия, дейишадди врачлар, ёмон дард, ҳеч қандай белгиси сезилмайди, тўсатдан кўзгаб қолади, ёнида биров бўлса, уқалаб-нетиб, ёрдам беради, бўлмаса кўп ҳолларда оқибати шунақа бўлади. Ўша пайтда Замиранинг ёнида ҳеч ким йўқлиги чатоқ бўлган, сен кайфда қотиб ётгансан, сезмагансан, хотининг сени уйготишга улгурмаган ё уйгота олмаган. Мунақа ҳодисаларни кўп эшитганман. Тутқаноғи бор одамлар одатда сув бор жойдан нарироқда юришаркан, чунки дард тутган пайтда бемор сувга қуласа, тамомакан...

Холбоев шунча гапларни худди ёд олгандек гапириб ташлар экан, ўғли отасининг маккорлигидан, маҳоратидан ҳайратга тушар, «Оббо дадам-эй! Оббо доғули-сй!» — деб ўйларди.

— Қўй, ўғлим,— деди Холбоев меҳрибонларча қўлини ўғлининг елкасига қўйиб.— Эски дардни кўзгама, ўзининг ҳам, бизнинг ҳам дилимизни вайрон қилма. Онаннинг аҳволини кўр, тутдек тўкилиб турибди. Ўтган ишга салавот. Сен эртанги кунни ўйла, ўғлим. Виждон-садоқат билан хотинингга аза тутдинг, бир йилдан ошди, инсоф шунчалик бўлади,— деди Холбоев тетиклик билан, ўғлига оғиз очирмасликка уриниб.— Энди сени уйлантираман, ўғлим. Ўртоқларингни кўриб, ўксимайсанми — ҳаммалари оилалик, бола-чақалик. Рўзгорларида барака. Қачонгача сўққабош бўлиб юрасан, ўғлим? Аҳволингни кўриб, ичи-

миз ачийди. Ахир бизгаям раҳм қил-да, ўғлим. Бизнинг ҳам ҳамма қатори орзу-хавасимиз бор, биз ҳам невара кўриб, қувнагимиз келади...

— Замиранинг юраги сонпа-соғ эди! — тоқати тоқ бўлиб ўшқирди Ҳамдам. — У ўзини осган!..

Холбоев бу даҳшатли хабарни биринчи мартаба эшитаётгандек таажжубланган ҳолда анграйиб қолди:

— Осган?!

— Ҳа, осган!

— Ким айтди сенга бу бўҳтонни? — гўё самимий ўпкалагандек жигибийрон бўлди Холбоев. — Ким айтди?

— Ўзим кўрганман! — деди Ҳамдам отасининг оҳангида. — Ўз кўзим билан! Ваннахонада!

Холбоев анграйганича, тили калмага келмай, кўзлари қисилди.

— Бўлмаган гап! Кўришинг мумкин эмас эди! Маст бўлиб ухлаб ётган эдинг! Кимдир бир ёвуз одам миёнига шу гапни қуйган! Ёвуз, тинч ҳаётимизни кўролмайдиган бир аблаҳ сени йўлдан оздирмоқчи бўлган! Юрагинга гулгула солган! Шу билан бизни адо қилмоқчи бўлган, сен, галваре, ишониб юрибсан-а! Неча ойлардан бери ичингда сақлаб, ўзингни-ўзинг қайраб келаётгандирсан! Шунақаям гўл бўласанми, ўғлим?! Ахир онанг бу гапни эшитса, шу заҳотиёқ жони узилади-ку! Наҳот сен шу қадар худбин, тошбағир одамсан, ўғлим? Наҳот?..

— Дада, — деди Ҳамдам ҳушёр тортиб. — Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Ҳамма айб ўзимда. Мен ўжарлик қилиб туриб олмаганимда, шунча ташвиш йўқ эди. Замира унаштирилганига теккан бўларди, анови Равшан дегани аварияга учрамасди, Замира ўлмасди, менам оҳ-воҳ қилиб бир кунимни кўриб кетардим, тақдирга тан берардим, сизлар ҳам шунча маломатга қолмасдинглар. Ҳамма гуноҳ менда, дада. Мен айбимга яраша жазо кўришим керак! Милицияга бориб ўзимни топшираман, айбимни бўйнимга оламан! Ҳаммасини айтаман!

— Сен-а?!

— Ҳа, дада, бўлмаса, менга дунё қоронги, яшай олмаймаман! Жинни бўлиб қоламан. Ҳалиям жинни бўлиб қолмаганимга ҳайронман. Беш йил бўладими, ўн йил бўладими, жазомни тортиб келиб, ундан кейин, агар омон қолсам, янгича турмуш қуришни ўйлайман. Гап шу. Мен бу ердаги милицияга бормаيمان, уларнинг ҳаммаси сизга қарам, гапимга қулоқ солишмайди. Мен ниятимни шаҳарга, сизни танимайдиган жойга бориб амалга ошираман. Одамлар сўрашса, ўғлим армия хизматида, дерсиз.

— Армияга жўнай қол-да, ўғлим,— шошилиб деди Холбоев, чора топилганига севиниб.— Икки йил хизмат қил! Бу ҳам жазога ўтаверади, Ҳамдам! Яхши айтдинг! Икки йил ичида яна ўйлаб кўрарсан, шаштингдан қайтарсан, яранг битиб кетар...

— Йўқ, дада, армия қамоқ эмас. Мен айбимни фақат қамоқда ювишим мумкин!

— Мен-чи? Мен нима бўламан? Онанг нима бўлади? Масаланинг бу томоники ўйладингми? Тергов чувалашиб, гап Равшанининг ўлдириллишига бориб тақалса, унда нима бўлади? Атайлабдан уюштирилган авария! Унда ҳеч ким омон қолмайди! Қанча одамларнинг бошига стасан! Ётамиз ота-бола битта камерада! Агар олий жазо берилмаса... Менга қара, Ҳамдам, жон ўғлим! Мени кўрқитма! Нималар деясан? Ҳозирги кунда қанақа мард ўзини милицияга топширади? Қанақа ботир қилмишларини бўйинига олади? Биронта шунақа одам борлигини биласанми? Кўрганми-сан? Сохта мардликнинг кимга кераги бор? Ақлидан озиб қопти, дейишади борсанг! Нима қиласан, майна бўлиб? Қилаётган ишинг қаҳрамонлик эмас, ўғлим, бу — тентаклик! Қалбаки мардлик! Зиёлиларга хос васваслик! Виждон! Диёнат! Масъулият! Қалб пидоси! Бу ўша зиёлилар ўйлаб топган қуруқ гаплар! Тутуриқсиз хитоблар! Ақлингни йиғиштириб ол, бола! Нонкўрлик қилма!

— Равшани гапирмайман, дада. Фақат Замирани ай-

таман! Қийнадим, дейман, азоб бердим, урдим, шу даражага бордимки, дастимдан ўзини осди, айб менда, мени қаманглар, жазо беринглар, дейман!

— Э, бола, гўрсан-да, гўрсан,— деди Холбоев худди ёш боладек куюниб. Шундай ўзига бино қўйган, салобатли, сипо одам ўглининг олдида кичрайиб аянчли бир бечорага ўхшаб қолгандек эди.— Улар шунақа пандавақи одамлармиди? Текширишади, гўрни очдиришади, унда нега мунақа диагноз билан дафн қилдиларинг, нима сабабдан, ким мундан манфаатдор бўлган, деб кавлаштиришади, гап менга келиб тақалади. Сен, менинг пуштикамаримдан бино бўлган фарзанд, отанг бошига шу қора кунларни солмоқчимисан?! Волидангни ўлдирмоқчимисан?! Ҳароми ҳам мунақа жаллодлик қилмайди, аблаҳ! Безори! Энди ниятларим амалга ошадиган бир пайтда-я! Номзодимни райкомга тавсия қилишаётган бир маҳалда-я?! Оқ қиламан! Оқ қиламан! Лаънат ўқийман! Шў шаштингдан қайтмасанг, Равшанининг кунни бошингга тушади! Ўзим буюраман!

Ҳамдам отасидан ҳамма нарсани кутган эди, аммо бундай нарсага қодир эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди, қотиб қолди.

— Мени-я?!

— Ҳа, сени!

— Амал, деб, ўз ўглингизни-я?!

— Шайтоннинг уясини ўзинг қўзгадинг! Ўзинг!

Ҳамдам йиғлаб юборди.

— Болам, жон болам, Ҳамдамим!— дея Холбоев ўглини маҳкам кучоқлади, жон талвасасида уни ўпа кетди, ўпкаси тўлиб, ўзини ушлай олмади, у ҳам ҳўнграб юборди.— Нима қилардинг шу гапларни менга айтиб, болам? Адо қилдинг-ку отангни! Аянг билмасин, ўғлим, бўптимми? Ҳеч кимга айта кўрма. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверсин. Замон шунақа, ўғлим... Замонга қараб қадам ташламасанг, замон четга чиқариб ташлайди, ҳеч кимни аямайди, ўғлим, шуни доим миянгда сақла...

Холбоев Ҳамдам билан «гаплашиб» олганидан кейин ўглининг аҳволи оғирлигини, кайфияти тушкун эканини англади. Ҳамдам ўз хонасига кетгач, Холбоев ётиш учун жойни ташқарига солдирди, машина гилдираклари ҳаво-сини бўшатди, калитини чўнтагига яшириб қўйди. Эрта-лабгача тиқ этса, кўзини очиб, деярли ухламай чиқди.

— Дарвозани қулфлаб ўтир, — деди тонг отгач хотинига. — Ўглингни уйдан чиқарма. Кўз-қулоқ бўлиб тур.

— Нима учун? — деди ота-бола орасидаги гапдан беҳабар хотини хавотирлашиб.

— Мияси айниб қолганга ўхшайди болаини.

— Йўғ-э! — деди Манзура опа ёқасини гижимлаб. — У нима деганингиз! Нега мияси айнаркан? Бинойидак-ку, ақл-хуши жойида. Камгап бўлиб қолган, холос. Бу куйишдан...

— Куйишданми, бошқа балоданми, — дея Холбоев хотинининг гапини бўлди, — хуллас, гап шу! Юриш-туриши бежо. Бир хатарни бошламаса, деган хавфдаман. Уйдан чиқа кўрмасин! Калитни берма. Қистаса, дарров менга телефон қил, етиб келаман. — Холбоев ниманидир сезиб ёнига қаради — трусичан Ҳамдам кўлини эшик раҳига суяб турар, қиёфаси алланечук эди. — Эшитдингми? — сўради Холбоев ўглидан.

— Эшитдим, — деди Ҳамдам хотиржам тарзда. — Хавотир бўлманг, дада. — Ҳамдам бир неча дақиқа тин олди. — Мен уйдан чиқмайман. — Ҳамдам «ўлигим чиқади», демоқчи эди, негадир айтмади. Онасини аяди.

— Ўғлим, — дея Холбоев Ҳамдам томон яқинлашди. — Ўтинаман. Дадангни абгор қилма, болам. Агар кўчага чиққудек бўлсанг, не-не хаёлларга бориб ўтираман. Чарчагансан, Ҳамдам, асабинг толиққан. Дам ол. Ухла. Чўмил. Ҳадеб кераксиз нарсаларни ўйлаб, ўзингни сиқма, ўғлим. Истасанг доктор юборай, кўрсин, шояд... — Холбоев гапини тугатмай, хотинига бир қараб олди ва у тушунмас, деб

ўйлаб, гапининг давомини рус тилида айта бошлади. — У тебя сейчас кризис, сынок, поймаешь? Манья. Это пройдет. Тебе надо много спать. Много отдыхать. Меньше надо думать. Поиал?

Ҳамдам «тушундим» маъноснда бош силкиди.

— Молодец. Ну, теперь могу я идти на работу? Могу я там быть спокойным?

— Конечно, папа, — деди Ҳамдам киноя билан. — Учинили домашний арест. И маму приставили. Сторожить! Чего зря волноваться?

— Сторож бўлмайман! — деди Манзура опа улар шунича гапларни сир тутганидан хафаланиб. — Ўзингиз сторож бўлинг! Йўқ деганимга қараб ўтирармиди ўглингиз? Хирдек нарса. Пошел, дейди — кетаверади боши оққан томонга! — дея Манзура опа зарда билан столдаги идишларни суриб ташлаб, стулга ўтирди. — Нима бўляпти ўзи? Ораларингда нима сир бор? Нега мендан яширасизлар? Ахир мен онасиман-ку! Ё ҳовлингиздари чўрманми? Жамалак жишиманми? Нега мени нукул четга сурасиз? Одам ўрнида кўрмайсиз? Ўглингиз тумтайгани тумтайган, худди хотинини мен ўлдириб қўйгандек! Адо бўлдим-ку мен, адо бўлдим! — Манзура опа ўзини тута олмай йинглаб юборди.

— Жим, одамлар эшитади! — ўшқирди хотинига Холбоев. — Энди сенки қолувди!

— Бўлмаса, сен айт, болам, — зорланди Манзура опа йиғи аралаш, — менам билай, нима гап ўтган? Айт, ахир!

Ҳамдам шартта бурилиб, ичкарига кириб кетди.

Манзура опа овозини чиқармай юм-юм йинглар, этаги билан ёшини артарди.

Холбоев ҳовлидаги телефон трубкасини олди, номер терди.

— Алё! — деди у мумкин қадар тинч ҳолда. — Холбоев. Бегимов пшдами?.. Қачон келади?.. Уйининг телефони неччи?.. Бўпти. — Холбоев бошқа номер терди. — Хуррам Бегимович?.. Яхшимисиз?.. Холбоевман... Раҳмат. Хуррам Бегимович, одамларингиздан биттасини бизникига

юборинг... Кейин айтаман... Ҳа, шунчаки... эҳтиёткорлик. Ҳозир келсин, ўзим кўрсатма бераман... Кутамаи.— Холбоев трубкани қўйиб, орқасига қайрилди. Дахлизда Ҳамдам таъқиб билан отасига қараб турарди. Холбоев сал эсанкиради, аммо ўзини тутиб олди. У ўзининг бундай тадбири ўғлининг дилида нафрат уйғотиши мумкинлигини ҳисобга олмаган эди, ичида бекор қилганини англади, бироқ энди кеч эди. У «вассалом» дегадек намойишкорона бурилиб ўз хонасига қўтарилди.

Манзура опа ерга тикилганича ҳамон пиқ-пиқ йиглаб ўтирар, бурнини тортар, этаги билан кўзини артар эди.

Холбоев галстук тақиб ичкаридан чиқди, столдаги чойнақдан чой қуйиб, хўплади, тақ этиб пиёлани жойинга қўйди. У асабий эди.

— Дада, ундан кўра мени қаматиб қўя қолинг, — деди ниҳоят Ҳамдам жойидан жилмай. — Тинчроқ бўлади.

— Керак бўлса, қаматиб ҳам қўяман, — деди Холбоев қатъий.

— Нега бўлмаса қамоққа борай, десам, ижозат бермадингиз?

— Сенинг ўзинг боршинг билан мен топширишимда фарқ катта!

— Вой! — энди Манзура опанинг ақли ета бошлади, — қамоқ? Қанақа қамоқ? Нима учун қамоқ? Ҳозир чақирганингиз оқкетадими Ҳамдамни? Эсингизни едингизми, дадаси? Ўз қўлингиз билан топширасизми? Ўз болагизни-я?!

— Шаңгиллама! Ўзинг сторож бўлмайман, дединг-ку!

Шу пайт дарвоза кўнгироғи жиринглади. Холбоев чаққон одимлар билан бориб, эшикни очди. Ташқарида милиция формаси кийган одам турарди. У мулозамат билан қўлини кўксига қўйиб Холбоевга салом берди. Холбоев алик олиб, милиционерни ичкарига имлади ва дарвозахонада унга нималарнидир уқтира кетди. Милиционер гапни эшитган сари таажжубланар, бир дахлизда трусчан турган Ҳамдамга, бир Холбоевга алаңлар эди.

— Нима учун, Холбоев ака?— тушунолмаи сўради ниҳоят милиционер.— Ахир ўглингиз-ку?!

— Сиз айтилган нарсани қилинг,— деди Холбоев қатъийроқ оҳангда.— Буёғи билан ишингиз бўлмасин. Юринг.— Холбоев милиционернинг кийимидан чимдиб, ҳовли ичкарасига тортди. Милиционер худди уятли ишга мажбур қилинаётгандек мулзам ҳолда тисарила-тисарила Холбоевга эргашди.— Мана стул. Хоҳласангиз мана тўқима кресло. Мана, чой. Шу ерда ўтирасиз — тамом. Сиздан талаб қилинаётган нарса шу.

— Итни ечиб юбораман!— ўдагайлади Ҳамдам.

— Мен итдан қўрқаман, Холбоев ака,— деди ходим тисарилиб.— Бир марта талаган, юрагимни олдириб қўйганман, ака,— деди ва Холбоевга зорланиб термилди.— Худо хайрингизни берсин, телефон қилинг, жон ака, бошқа одам юборишсин! Мен бу ишга ярамайман... болаларим бор... қариб қолганман... итдан қўрқаман... Айтинг, ёшлардан юборишсин!..

— Тўппонча борми?— ўшқириб сўради Холбоев.

— Бор,— деди ходим ночор аланглаб.— Ҳозир беришиди.

— Ўқланганми?

— Билмадим...

— Қаранг!

Милиционер қалтироқ ҳолатда анчагача пистолет кинини оча олмади. Ҳамдам бу томошани кўздан кечирар экан, бир кулгиси, бир газаби келар эди. Ходим ниҳоят қуролни олди, қўллари қалтираб, қуролни Холбоевга узатди.

— Мен нима қиламан муни?— хуноб бўлиб ўшқирди Холбоев.— Ўзингиз кўринг.

Милиционер қалт-қалт титраб аранг магазинни очди.

— Хўш?

— Боракан,— дея ходим яна Холбоевга термилди.— Еттита экан. Етадимми?

— Мен қаттан билай?— энсаси қотди Холбоевнинг.—



**Мўлжалингизга боғлиқ.**

— Тўғри...

— Ўзингиз умрингизда тўппонча отганмисиз?

— Машгулотларда.

— Бўлмаса бундай — агар итни ечиб юборса, отасиз! Вассалом! Тушуиндигизми? — деди Холбоев баланд овозда, худди қар билан гаплашаётгандек. — Мўлжални тўғри олинг, буёғига ўзим жавоб бераман.

Холбоев яна алланималарнидир тайинлаб, уйдан чиқиб кетди.

Ҳамдам газабидан қалтирар, айни топда унинг кўзига ҳамма нарса хунук, маънисиз, манфур кўринар эди. У бир оз тишларини гижирлатиб турди-да, жон-жаҳди билан айвон устунини муштлай кетди. Милиционернинг юраги така-пука бўла бошлади.

— Вой, болагинам, сенга нима бўлди?! — деган ҳайқириқ билан Манзура опа ўғли томон отилди. Онаси яқинлашаётганини пайқаган Ҳамдам шарт бурилиб уйга кириб кетди, эшикни қулфлаб олди. — Ҳамдам, жон болам, онангга раҳминг келсин, нега мунақа қиласан? Юрагингда борини айт, ахир менга! Нима дардинг бор, болам? Агар бировга ишқинг тушган бўлса, очил, болажоним, бир иложи топилар! Дадангни қўлидан келмаган иш борми? Йўқни бор қилади. — Манзура опа зорланар экан, ҳолати жазавани эслатар, ўзи айни бир пайтда барча нарсани муҳайё қилишга қурби етгудек эди. — Айт, болам, ким ўзи ўша сени девона қилган? Ўзи шеттами? Биз таниймизми? Агар эри бўлса, ажратиб оламиз. Айтсанг бўлди, болажоним...

Эшик қарс этиб очилди, Ҳамдамнинг кўзлари жаҳолатдан ёнар эди.

— Сиз ҳам шунақа дейсизми, ая?! — деди Ҳамдам ичидан тўлганиб. У яна қарсиллатиб эшикни ёпиб олди. Манзура опа зинага ўтириб қолди.

Милиционер Ҳамдамнинг бекиниб олганидан мамнун эди, чунки боядан бери итнинг ечиб юборилишидан қўрқиб ўтирган эди.

— Утираверасизми энди сўлоқмондек? — аламини кимдан олишини билмай Манзура опа милиция ходимига қичқирди. — Зерикмаслик учун ҳали гапга ҳам солиб ўтиришим керакдир?

Ходимнинг ўзи адашиб бировнинг тўйига бориб қолган одамдек мулзам бўлиб ўтирган эди, Манзура опанинг зардаси устига-устак бўлди, у эсанкираб қолди, кўзини лўқ тиккан ҳолда, гап топа олмай, серрайди, аста ўрнидан турди.

— Буйруқ шунақа бўлди-ку... — деди у, ниҳоят тили калпмага келиб. — Мен нима, ўзим суқилиб келибманми? Кетавераман! Ҳайдаб юборишди, дейман.

— Айтаверинг, — деди Манзура опа кўзини силтаб. — Ҳайдаворишди, денг.

Ходим бир оз саросимада депсичиб турди-да, чин дилдан, кўлини кўксига қўйиб:

— Раҳмат! — деди. Унинг кўзлари қувончдан йилтирар эди. — Раҳмат! — Ходим бир-икки қадам орқасига чекинди, дарвозага яқинлашганида, кескин бурилиб, кўчага отилди.

Манзура опа тўзғий бошлаган сочларини силаб-тузатиб, ўрнидан турди, дарвозахонага бориб, кўчага мўралади — милиция ходими аллақачон гойиб бўлган эди. Манзура опа дарвозага ўриятилган эшикни қулфлаб, калитини чўнтагига солмоқда эди, ҳовли томондан милтиқ товуши эшитилди.

## 9

«Нима бўларкин? Нима дейишаркин? Қапдай ўзимни ҳимоя қилсамикин? Сўзимни бермай, айтганимда туриб олсам-чи? Ё айбни бўйнимга олайми? Тавба қилайми? Хато мендан ўтди, энди бу иш қайтарилмайди дейми?..» Шунга ўхшаш алгов-далгов гумонлар, саволлар эрталабгача Самадга ҳаловат бермади, потинч ухлади. Тушига бе-

поши денгиз кирипти. Танхо ўзи чорпожда ўтирганмиш, тебранармиш, атрофда ҳеч нарса, хатто олиедаги қирғоқлар ҳам кўрипмасмиш, денгизнинг зим-зиё қаърида баҳайбат мавжудотлар сузиб юрганмиш. Чорпоя тинмай сувга ботиб чиқармиш, ҳар ботганида сув Самаднинг тиззасигача етармиш, Самад чорпоя суянчигига маҳкам ёпишган ҳолда атрофга тушқулик билан аланглармиш, дод, деса овози чиқмасмиш... Муяссар эрини уйғотиб юборди, Самад эловлаб уйғонди, анчагача ўзига кела олмай, гангиб ўтирди.

— Бирам инграднигиз-э! — деди хотини мудроқ аралаш. — Туш-пуш кўрдингизми?

— Ҳм. — Самаднинг овози дўриллаб чиқди. — Совуқ чой борми?

— Холодильникда.

Самад гандираклаб, яланг товоғи билан полда гулгул юриб, даҳлизга чиқди. Чароғон ойдин, кўланкалар қора эди. Холодильникдан сарғиш ёруғлик тушди. Самад чойнакни олиб симирди, муздек сув баданига роҳат таратди, юрак уриши бир маромга кела бошлади. Совуқ ҳавода бир оз тургач, қайтиб кириб ётди. Хотинининг эти иссиқ ва силлиқ эди. Қучоқлади. Мудҳиш тушдан кейин хотинига қапишиб ётиш хотиржам ва осуда эди. Тушини ўйлай бошлади, кўпгилеиз нарсаларга йўйди. «Якка ўзим... Кимсасиз денгиз... Махлуқлар... Тахталари қочган чорпоямиз... Наҳот гумонларим тасдиқланса? Наҳот калтаклашса?..» Самаднинг уйқуси қочди, бироқ эрталабгача анча бор, қандай тонг оттиради? Азоб-ку. Тўлганиб чиқади. Унинг устига нотинч ва огир ўйлар... Бир оз хаёлини чалғитиш керак. Хотинини сийналашга тушди... кейин чарчаб, ухлаб қолди.

Уйғонганида ҳаммаёқ ёруғ, ёшида хотини йўқ эди, сапчиб ўрнидан турди. Соат ўндан ошибди, кўрқиб кетди. Ювинишга тушди, соқолини қирди, апил-тапил кийинди, галстук тақди, нонушта қилмай, кўчага отилди...

Самад кабинет эшигини оҳиеста очиб, ичкарига кирди.

Унинг оёқлари қалтирар, юраги безовта урар, кўзлари бежо эди.

Асом Пардаевич танимагандек Самадга бир оз тикилиб турди ва бир нарса эсига тушгандек, кулимсиради.

— Келинг,— деди у ва стол устидаги қоғозга қараб олди.— Кираверинг, Самад Жалолович.

Самад зил бўлиб кетган оёқларини аранг ишга солиб, ўрнидан турган Асом Пардаевич истиқболига отилди, қалтироқ қўлларини узоқдан чўзиб у билан кўришди, стол биқинида ўтирган кўзойнакли ходимга салом бериш-ни ҳам унутди.

— Саломатмисиз?— сўради Асом Пардаевич, Самадга синовчан тикилиб.

— Раҳмат, Асом Пардаевич...

— Ўтиринг, марҳамат, биз ҳозир,— дея Асом Пардаевич четроқдаги стулни кўрсатди, ўзи кўзойнакли ходим билан бўлинган суҳбатини давом эттирди.

Самад қатор қўйилган стулларнинг бирига бориб ўтирди, муллаваччалардек қўлларини тиззасига қўйди, одоб билан кута бошлади. Бу ерга киришдан аввал Самад кабинетда бир тўда баджаҳл одамлар уни кутиб ўтиргандек туюлган эди, кириб бориши билан Асом Пардаевич унга бақириб қарши олишини кутган эди, аммо вазият мутлақо бошқа бўлиб чиқди. Баджаҳл одамлар йўқ, Асом Пардаевич газабда эмас, муомаласи мулойим... Самаднинг қўрқуви босила бошлади. Аммо бари бир Самад бу муло-йимликка тўла ишонмас, оғир гаплар ҳали олдинда экани-ни ҳам дилининг бир бурчида сақлар эди. «Шунчаки ўзини маданиятли қилиб кўрсатяпти,— ўйларди Самад.— Ҳозир муносабат усули шунақа. Ширин сўзлар билан жонингни олишади...»

Асом Пардаевич суҳбати охирида қанақадир топ-шириқлар берди, нималарнидир уқдирди, кўзойнакли ходим қоғозларини йиғиштириб, кабинетдан чиқиб кетди.

— Яқинроқ ўтиринг, Самад Жалолович,— деди Асом

Пардаевич Самадга жилмайиб. Самад дарров ўтиб, стол ёнидаги стулга ўтирди. — Хўш, ишлар қалай?

— Раҳмат, Асом Пардаевич, бир нав, — деди Самад, ҳамон ҳадиксираб. — Йўқлаган экансиз... Уэр. Топшириқ билан кетувдим. «Илғор»га. Кеч келдим.

— Ҳа, дарвоқе, — деди Асом Пардаевич, — «Илғор»... Роса уларни... нима, деймиз... обориб-олкепсиз?

— Энди, Асом Пардаевич... — дея Самад химояга ўта бошлади.

— Тўғри қилибсиз, — деди Асом Пардаевич қатъий. — Камчиликсиз бўлмайди. Сизга ўхшаган замонавий ёшлар ўша камчиликларни йўқотишда ёрдам беришларинг керак. Четдан кўзга ташланади. Умидимиз сизга ўхшаган принципал кадрлардан. Ул-бул нарса ёзгандирсиз? — «Бошланди», деб ўйлади Самад. — Кўрсак бўладими?

— Ҳали қоғозга туширганим йўқ. Блокнотда.

— Қоғозга туширганингизда берарсиз.

— Майли, — деди Самад.

— Самад Жалолович, — дея, Асом Пардаевич бир лаҳза ўйланди. — Биз сизни безовта қилганимиз... бир фикр тугилиб қолди...

Самад юраги ҳаприқиб гапнинг давомини кутди.

— Биз ўртоқлар билан маслаҳатлашиб бир қарорга келдик... — Самаднинг юраги ёрилгудек дукиллар, бардош бериш қийин эди. — Партия аъзосимсиз?

— Ҳа, — деди Самад ҳозиржавоблик билан. — Аъзосиман. Фақат стажим кўп эмас. Энди икки йил бўлди.

— Зарари йўқ. Сизга ўхшаган замонавий, билимдон, иш кўзини биладиган, қолаверса, ватанпарвар кадрлар керак бизга. Ўртоқ Мирвалиев билан суҳбатлашдик, у киши сизни яхши таърифлади. Ўртоқ Холбоев сизни яқиндан танир экан, у киши ҳам фикримизни қувватладилар. Хулласи, агар қарши бўлмасангиз, Самад Жалолович, таклифимиз бор, қандай қарайсиз!

— Яъни?

— Яъни, бизга ўтинг, демоқчиман. Райком аппаратида

ишлаб кўринг. Бизга ёрдам беринг. Буга нима дейсиз, Самад Жалолович?

— Райком апаратыга?— Самад ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ҳа! Бир ходимимизни ўқишга жўнатдик. Малака оширишга. Инструкторлик ўрнига сизни олмоқчимиз. Бу албатта катта вазифа эмас, аммо ҳамма нарса ўзингизга боғлиқ, яхши ишласангиз, қийинчиликлардан қўрқмасангиз, ажаб эмас, келажакда муҳим вазифаларни ҳам бажариб кетарсиз. Тажриба ошади, оқ-қорани танийдиган бўласиз. Хўш, бу таклифга нима дейсиз, Самад Жалолович?

— Нима дердим, Асом Пардаевич, — деди Самад севинчини базўр босиб. — Агар мени шу вазифага муносиб, деб топган экансизлар... беҳад миннатдорман... Кучимни аямайман... Ўзингизнинг қўл остингизда бўлиш... агар йўл-йўриқ кўрсатиб туришса... ишончингизни оқлашга тиришаман, Асом Пардаевич. Раҳмат!

— Бўпти, — дея Асом Пардаевич гапга чек қўйгандек ўрнидан турди ва қўлини Самадга чўзди. — Келишдик.

Самад ҳаяжонда сакраб ўрнидан турди, Асом Пардаевич қўлини маҳкам ушлади.

— Раҳмат! — деди у нафаси етмай.

— Номзодингизни бюрога қўямиз, — деди Асом Пардаевич. — Тасдиқлашади, деб ўйлайман. Муваффақият тилайман! Бўпти. Чиқинг-да, умумий бўлимдан керакли қоғозларни олинг, тўлдириб беринг. Расмий томонини ҳам бажариб қўйиш керак.

— Албатта, Асом Пардаевич, албатта, — дея чекина бошлади Самад, агар бир оз қолса, раҳбарнинг кайфияти бузилиши мумкиндек. — Хайр.

— Хайр, Самад Жалолович, — деди Асом Пардаевич ва яна бир нарса ёдига тушиб, яна мурожаат қилди: — Ҳа, дарвоқе... — Самаднинг юраги шувиллаб кетди. «Индалосини энди айтади», деб ўйлади, саросимада тўхтади. — «Илғор» ҳақидаги мақола битса, нима қилмоқчисиз?

— Мақола?.. Агар ёз, десаиғиз, майли ёзаман, лекин шарт эмас бу, блокнотда қолиб кетаверади.

— Баракалла, — деди Асом Пардаевич Самаднинг сезгирилигига қойил қолгандек. — Тўғри ўйлабсиз, укам. Унча-мунча камчилигимиз бўлса, ўз кучимиз билан бар-тараф қила қолганимиз маъқул. Ички ишимизни бутун республикага қарнай қилиб нима топардик? Ҳозир, Самад Жалолович, пахта очилган муҳим бир пайт. Бизга ўтгунигиғизга қадар битта мақола эълон қилинг. Буёққа ўтганигиғизда поқулайроқ бўлади. Одамларнинг руҳини кўтарадиган, меҳнатга сафарбар қиладиган мақола бўлсин, ўзиниғиздан қолар гап йўқ. Опа ҳам хурсанд бўлади.

— Тушундим, Асом Пардаевич, — дарров жавоб берди Самад. — Бўлади мақола! Яна бораман. Тез кунда битираман. Марказга жўнатаман. Бунақа материал тез ўтади.

— Ҳа, бу гап бўлак! Омад тилайман.

Самад ташқарига қандай чиқиб қолганини ўзи билмади. У гўё ўзини баланд қоядан парвоз қилгандек ҳис қилди. «Нақадар маданиятли одам-а! — ўйлади Самад. зўр ҳаяжонда. — Нақадар камтар! Агар мен у кишининг ўрнида бўлганимда, ўзимни шундай тута олармидим? Йўқ. Тута олмасдим. Бизлар буёқларда пвирсиб, майда нарса-ларга ёнишиб, байроқ қилиб юрамиз, муҳим йўналиш-ларини пайқамаймиз, ўз кўндоғимиздан фикр юритамиз. Мана қанақа кенг, атрофлича тафаккур қилиш лозим...»

Самад оёқ остида ерни сезмай кетар экан, ҳаммани кучоқлаб ўнгиси, бақиргиси келар эди... «Мен аҳмоқ шундай одамлардан шубҳа қилиб юрибман-а! Ўзимнинг нақадар мажруҳ гумонларим, дардларим билан-а... Уят, уят, уят!.. Булар район, республика, халқ манфаатида сиёсий зийраклик билан фаолият олиб боришса-да, бизга ўхшаган галамислар улкан тадбирлар моҳиятини тушуниб етмай, кўрган нарсадан қир қидирсак, дастак қилсак, шу кайфиятни мутлаққа кўтарсак, ахир бу сиёсий ожизлик-ку, синфий тубанлик-ку! Кирришаман, жонимни аямайман!..»

Самад ижрокомнинг янги қурилган уч қаватли биноси олдига келиб қолганида Холбоев эсига тушди. Боя Асом Пардаевич унинг номини тилга олди. Мирвалиев-ку, айтилган гапларни маъқуллаган холос, у нима, райкомнинг раҳбари редакция ходимини ишга жалб қилмоқчи бўлса, эътироз билдира олармиди, рози бўлади, мақтайди, кўкларга кўтаради, негаки редакция ходими райком аппаратага ўтиши ўзи учун ҳам обрўли бир гап. Демак, коллективи шундай кадрни тарбиялаб етиштирган. Қолаверса, редакцияга Самадни Мирвалиев ишга олган, керакли сабоқ берган, тўғри йўлга солган, агар Самад ўз фаолиятида маълум муваффақиятга эриша олган бўлса, бунда Мирвалиевнинг ҳам ҳиссаси йўқ эмас, ютуқларига шерик. Самадга Мирвалиев эътибор бермаганида, Самад юрарди ҳозирда даста-даста дафтар қўлтиқлаб, диктант текшириб. Шунинг учун Самад амал пиллапоясидан кўтарилса, Мирвалиев унда имтиёз кутишга ҳақли. «Мишнатдорлигимни айтиб қўйишим керак, — деб ўйлади у ҳозир домласи хусусида, гарчи ижроком биноси олдида туриб Холбоев ҳақидаги мулоҳазадан бошлаган бўлса-да.— Аввал Холбоевга учрашим керак. Асосий ижрочи Холбоев. Хатнинг олдини олибгина қолмай, хатто шу вазифага мени тавсия қилиш ҳам қўлидан келган. Асом Пардаевични кўндирган, ишонтирган. Нега бўлмаса мени огоҳлантирмади? Шундай савобли хабар-а!.. Мулоҳазали одам, ўйлаган. Башарти Асом Пардаевич фикрини ўзгартирса, мулзам бўлиб қолишдан чўчиган. Бугунги суҳбатни кутган. Кириб айтаман, хурсанд қиламан. Ўйлаган амали рўёбга ошганидан мамнун бўлади, шубҳа қилмай мени табриклайди. Яна йўл-йўриқ кўрсатади, хатодан асрайди. Унар Холбоевич кўпни кўрган расамадли одам. Унинг маслаҳатидан чиқмай юрсам, натижа чакки бўлмайди. Замиранинг йили маросимини қанақа ташкил қилди? Хотира тошини-чи? Мунақа ёдгорлик район тугул областдаям йўқ! Мрамарнинг ичига Замиранинг тасвирини ўйдиргани-чи? Мунақа ҳайкалтарошни қаердан тонди



экан, жон киргизиб юборганга ўхшайди, санъат асари дейсан! Сирли табассумигача ифода қилган. Доно одам Холбоев, зукко. Шунча сарф бўпти, тийин сўрамади-я! Ҳамма харажатларни ўзи кўтарди. Сахий одам. Мана энди мени қўллаб-қувватлаянти. Бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди...»

Самад дадил қадам ташлаб, ижроком биноти зиналаридан ҳатлай-ҳатлай, ичкарига кириб кетди.

Холбоевнинг кабинети кенг, ёруғ бўлиб, Асом Пардаевичникидан қолишмас эди — биллур қандиллар, ўйма ганч, қимматбаҳо гиламлар, ипак дарпардалар, қулоч етмайдиган стол, бахмал креслолар, салқин ҳаво.

Самадни кўриб Холбоев телефон трубкасини қўйди, ўрнидан туриб, зўраки жилмайди, бир-икки одим юриб, Самад билан кўришди.

— Яхшимисиз, Самаджон? — сўради Холбоев столга кўндаланг қўйилган столчанинг икки томонига ўтирганларидан сўнг. — Уй ичилар қалай, бардам юришибдими?

— Раҳмат, Унар Холбоевич, юришибди, — дея мулозим жавоб берди Самад, гарчи ичи ҳаяжонга тўлиб-тошаётган бўлса-да. — Ўзингиз яхшимисиз?

— Бир нав, — деди Холбоев ва Самадга синовчан тикилди. — Хўш, нима янгиликлар бор?

— Ҳозир райкомдан келяпман, Унар Холбоевич, — деди Самад кўзлари мавжланиб. — Асом Пардаевич чақиртирган эканлар.

— Биладан, — деди Холбоев Самаднинг гапини бўлиб. — Ўзим сизни кутаётувдим.

— Айтдилар Асом Пардаевич.

— Шунақами? — сўради Холбоев мамнун бўлиб ва кўшиб қўйди: — Маслаҳатлашувдик. «Илғор»га бориб жанжаллашибсиз, аввалига бир оз жаҳллари чиқди, кейин вазиятга тушундилар. Мана энди... табрикласак ҳам бўлади...

— Раҳмат, — деди Самад камтарлик билан. — Аслида ўзим...

— Кечирасиз,— дея телефон жирингини эшитиб Холбоев Самаднинг гапини бўлди ва чўзилиб трубкани олди.— Холбоев...— Холбоевнинг ранги бир зум қув ўчди.— Нима?! Нима?!.. Йнгламай гапир!.. Ҳамдам?! Милтиқ? «Тез ёрдам» чақирдингни? Эшик берк? Ҳозир бораман!..

Холбоев Самадга нимадир деди-да, югуриб кабинетдан чиқиб кетди. Самад тик турганича қолаверди... «Бирон фалокат юз берди, чоғи,— ўйлади Самад саросимада.— Ҳамдам... «Тез ёрдам»... Тавба!»

Ўзи барваста бўлишига қарамай, Холбоев ҳовлига отилиб кирди.

— Нима бўлди?! Нима?! — ҳовлиқиб сўради Холбоев.

Манзура опа якка ўзи даҳлизда, нима қиларини билмай, телбаларча уёқдан-буёққа йўргалар, қўлларини эзгилар, қайрар эди, эрини кўриб, хўнграб юборди, полга ўтириб, тиззаларини шанатилай бошлади.

— Бас!— ўшқирди Холбоев ҳансираб.— Нима бўлди?!

— Билмадим,— увиллаб деди хотини йнги аралаш чайқалиб.— Милтиқ отилди... Уйдан... Эшик берк, қулфлаб олган ичидан... Вой, мен ўлай!..

Холбоев салчиб бориб эшикни бор кучи билан тортди, дастаси суғурилиб чиқди, эшик очилмади. Холбоев даҳлизга чиққан деразага қаради, парда орасидан ҳеч нарса кўринмади, унинг устига уй ичи нимқоронги эди. Дераза ромини тақиллатди.

— Ҳамдам!— бақирди Холбоев, дераза ойинасига оғзини яқин олиб бориб. Жавоб эшитилмади.— Миллиса қани?

— Кетди. Ҳайдадим.

— Милтиқ овозини эшитдимми?

— Йўқ. Кетувди.

Холбоев асабий бош силкиб қўйди — маъкул, дегани.

— Тур! — бўғиқ овозда буюрди Холбоев хотинига. Ўзи бостирма тагига югурди.

Манзура опа пийпаланиб — эмаклаб ўрнидан турди, инграниб дарвоза томонга кетди.

Холбоев бостирма тагидан болта олиб чиқди, хотини дарвозани қулфлагач, жон-жаҳди билан эшикни чопа кетди, айни бир чоғда мияси аллақандай режаларни чамалай бошлади: энди Ҳамдам ўзини бир нарса қилиб қўйган бўлса, органларга бориб иқрорнома қилмайди, демак, барча сир-асрорлар очилмайди, ёпиқлигича қолаверади... Аммо ўглининг ўлимини қай йўсинда фош қилади? Агар ўзини отиб қўйган бўлса, бу нарса Холбоевнинг амалига салбий таъсир кўрсатиши мумкин... Замирапи-ку, юраги хаста, деган важ билан кўмдириб юборган эди, чораси керакли самара берган эди, шу кунгача ҳамма шундай, деб ўйлаб келади, аммо Ҳамдамни нима баҳона билан тўсади?

Эшикнинг тахтаси чопилган тешиқдан Холбоев қўлини суқиб, калитни буради, отилиб уйга борди-ю, остонада таққа тўхтади. Трусичан Ҳамдам мукка тушиб гиламда ётар, чап курагининг тагроғи ўпирилган, қон оқарди. Холбоев ҳатлаб бориб ўглини ағдарди. Унинг эти ҳали илиқ, аммо очиқ кўзлари пурсиз қотган эди. Ортидан хотини кириб келди ва «Оҳ!» — деб остонага ағанади.

— Ҳамда-ам! — дея, ўглининг елкаларини чапгаллаб, бақирди Холбоев ва қон суркалаиб кетган кўкрагига қулоқ босди. Таида жон аломати йўқ эди. Холбоев ўкириб йиглаб юборди, жон ҳолатда полни муштлай кетди... кейин тасмасига ўралаиб ётган қўштиғ ов милтигини олиб, ташқарига отилди, бор кучи билан милтиқни дарахтга уриб икки бўлди, ҳожатхонага ташлаб чиқди.

Ҳазавадан фойда йўқ, бирон чора кўриши зарур — Холбоев телефонга югурди, номер тера бошлади. Қулогига юққан қоннинг шираси трубкага чип-чип ёпишар эди.

— Алё! — бақирди у трубкага. — Ким бу?.. Менга бош врач керак!.. Холбоевман.. Бўтасв!.. Тез етиб келинг!.. Машина келсин!.. Хотиним ҳушидан кетиб қолди. Етибди. Нима қилишни билмаяпмай... Нима?.. Сув?.. Бўпти? Тез келинг!.. — Холбоев трубкани қўйди, столдаги косани олиб кран томонга кета туриб, дарвозахонада турган Самадни кўриб қолди.

— Тинчликми?— сўради Самад яқинлашиб бораётган Холбоевдан. Унинг кўзлари ёшли, қулоғи аралаш лунжи қон эди.

— Тинчлик, тинчлик,— деди Холбоев, қиёфасини ўзгартириб.— Самадjon, сиз бораверинг, укам. Вазият шунақа. Кейин гапириб бераман. Кейин.— Холбоев Самаднинг тирсагидан олиб, кўча томон бошлади.

— Бирон-бир ёрдам керакдир, Унар Холбоевич?— деди орқасига бошини ўгириб Самад. Холбоевнинг лунжи қон, ҳойнаҳой бир кори ҳол юз бергани аниқ эди, Холбоевнинг кўли титрар эди.

— Йўқ, йўқ, Самадjon,— дея Холбоев Самадни эшик остонасидан чиқариб кўйди.— Бевозта бўлмагн. Ўзим.— Холбоев эшикни бекитиб олди.

Самад кўчага чиқиб қолиб, мулзам ҳолда бир неча дақиқа нима қиларини билмай турди, кейин Мирвалиевни эслаб, ишхонаси томон йўл олди.

Мирвалиев олтмишларга кирган, камсоч боши пачоқ, ранги заҳил, қулоқлари катта одам бўлиб, Самадни кўриб илжайди, бирон марта бундай иш қилмайдиган одам, ўридан туриб Самадни қарши олди.

— Салом алайкум, Асрор Ҳамидович.

— Салом, салом,— дея Мирвалиев Самад билан очиқ чехрада кўришди.— Қалай, Самадjon? Ишлар яхшими?

— Раҳмат, Асрор Ҳамидович...

— Қани, ўтиринг,— дея Мирвалиев ўз жойига борди, пиёлага чой қуйиб, Самадга узатди.— Марҳамат.

— Раҳмат.— Самад чойни олиб, хўплар экан, «дарров ўзгарибди», деб ўйлади.

— Хўш, эшитайлик, нима янгиликлар бор?— сўради Мирвалиев, Асом Пардаевич билан бўлган суҳбатни эслаб. У тезроқ янгиликни эшитишга ошиқар, чунки бўлажак ўзгаришда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнун, миннатдорчилик сўзларини эшитишни кутар эди. Ҳолбуки, Самад яна шу сўзларни изҳор этса, ўзини Мирвалиев олдида қарздор ҳис қилади, келажакда шунга муносиб

мулоқотда бўлади, агар кўтарилиб кетса, ажаб эмас, қўллаб-қувватлайди, тузукроқ лавозимга қўяди. Омади келса, ҳеч гап эмас, мунақангилар тўрт-беш йил ичида кўтарилиб кетишади. Асом Пардаевичнинг ўзи Мирвалиевни тилга олганлигини тахмин қилиб, Самадга айтмади.

— Қўнгилдагидек иш бўлди. Хурсандман, — деди Мирвалиев ва Самадга синовчан тикилди.

— Раҳмат, Асрор Ҳамидович, — деди Самад камтарона жилмайиб. — Қўллаб-қувватлаб юборибсиз, ишончингизни оқлай олармикинман?

— Оқлайсиз, Самаджон, ишонаман, — деди Мирвалиев фахрланиб. — Энди районимизнинг ҳаёт-мамоти сизларнинг қўлларингизда! Ёшсиз, гайратлисиз, ўқимишлисиз. Сиёсий онгингиз баланд. Асом Пардаевич сўратувдилар сизни, учрадингизми? Уйдагилар айтишдими?

— Учрадим, Асрор Ҳамидович. Мунақа бўлишини кутмовдим, сал чўчиялман. Тажрибам йўқ. Уддасидан чиқармикинман?

— Чўчимап, Самаджон! — деди Мирвалиев келажак арбобга панд-насиҳат берганидан мағрурланиб. — Уддасидан чиқасиз. Фаросатли йнгитсиз. Унча-мунча билмаганингизни ўргатишади, ўз ҳолингизга ташлаб қўйишмайди. Дадил киришаверинг. Омад тилайман, Самаджон!

— Раҳмат, Асрор Ҳамидович...

— Қомсомолдан олишмоқчи экан, — деди Мирвалиев жиддий тусда, — улар бир оз ёшлик қилишибди. Сизда тўхташди.

— Шу ўринда ишлаган ходимни ўқишга юборишибди, — деди Самад бир оз ўйланиб. — Малака оширишга... Асрор Ҳамидович, агар у одам қайтиб келса, жойини бўшатиб беришим керак бўладими, ё?..

— Аввало у одам келса, энди бу вазифасида ишламайди, унга каттароқ ўрин беришади, — деди Мирвалиев комил ишонч билан. — Қолаверса, шу билан сизнинг мавқеингиз ошди, обком номенклатурасидаги одамсиз, уларнинг кадрисиз. Бошқа ишга ўтган чоғингизда ҳам,

сизни унақа-мунақа жойга кўйишмайди, камида маорифни топширишади... ё менинг ўрнимни...

— Э, унақа деманг, — орланди гапирди Самад, айни бир пайтда бу ўрин унга у қадар мартабали бўлиб кўринмай қолган эди.

Шу пайт ички телефон жириглади. Сухбат мароқли ўтаётган эди. Мирвалиев истамай трубкани олди.

— Ҳм!.. — деди у нохуш ва трубкадаги овозни эшита бошлади, қиёфаси ташвишли тус олди. — Шунақами?.. Ҳозир чиқаман, — дея Мирвалиев трубкани кўяр экан, ўрнидан турди. — Ҳозир, Самаджон. Ўтира туринг.

— Майли, бемалол, — деди Самад, Мирвалиев ортидан қараб қолди, ўз хонасига чиқиб кетмади — у энди ўзини бу даргоҳда меҳмондек сезар эди.

Мирвалиев бир оздан сўнг паришон бўлиб кирди.

— Эшитдингизми, Самаджон? — деди у эшик олдида тўхтаб. — Қариндошсизлар, чоғи?

— Нимани? — ҳадиксираб сўради Самад.

— Холбоев... ўглидан аяқраб қопти-ю...

— Ие! — Самад ўрнидан туриб кетди. — Ўглидан? — Самаднинг хаёлига боя Холбоевнинг кабинетида телефон орқали гапиргани, уйда уни галати қиёфада кўргани, лужи қон экани тушди. — Иима бўпти?..

— Бўлимдагилар айтишди... — деди Мирвалиев саросимада. — Бу гап қанчалик рост, биламадим... Овқатдан бўптимми, дори солинган қовун-тарвуз еган эканми... шунақа нарсдан захарланибди... Докторлар асраб қолини олмабди...

«Захарланибди? — ўйлади Самад. — Овқатдан?.. Нега ундай бўлса Холбоевнинг лужи қон эди? Нега мени чиқариб юборди? Таажжуб...»

Телефон жириглади. Мирвалиев шошилиб бориб трубкани юлиб олди.

— Алло? Эшитаман... Ҳа, Мирвалиевман, — деди у негадир энгашиб. — Шунақами?.. Бай-бай-бай!.. Мусибат юз берибди-ку... — Мирвалиев кафти билан трубкани бекитиб, Самадга юзланди: — Райкомдан, — деди шивирлаб ва

кафтини трубкадан олди.— Бугун кечга чиқарилади?.. Дарров-а?.. Ҳа, ҳа... Тушуварли... Албатта борамиз. Ҳамма боради... Хўп, бўлади.— Мирвалдиев трубкани кўйиб, Самадга қаради.— Чатоқ бўпти-ку... Биттаю битта фарзанд эди...

10

Ҳамдам вафотига ҳали бир ой ҳам тўлмаган эди, Холбоев бир галати нарсаи сева бошлади: бир кун ишдан қайтганида кўйлагини липпасига қистириб оёқ яланг ҳолда кўчага челақлаб сув сепаётган хотинини кўриб қолди.

— Бу нима қилганинг?— таажжубланиб сўради Холбоев хотинининг орқасидан ҳовлига кириб.— Ким айтди, кўчага сув сеп, деб?

— Ғайратим тошиб кетяпти,— деди хотини кулаб.

— Ғайратинг тошиб кетаётган бўлса, сувни ҳовлига сеп!— деди Холбоев хотинининг этагини липпасидан олиб.— Қара, ҳаммаёқ оқариб кетибди.

— Ҳовлига сепмайман, зарил кептими?— дея хотини яна ишшайди, қайтадан этагини липпасига қистириб олди.

— Уят бўлади, кўй, бу сенинг ишинг эмас,— деди Холбоев, хотинининг кўлидан челақни олиб,— керак бўлса, айтаман, машина келиб, сув селиб кетади. Ўзингга бир қара, этагинг қистирилган, сарнойчаи... Одамлар нима дейди?..

Манзура опа эрига узоқ тикилиб турди, кейин чуқур хўрсенди, этагини тушириб, ошхона томон кетди.

Бир неча кундан кейин Холбоев кечаси нимадандир уйғониб кетди. Деразадан ойнинг нури тушар, кўшини хонадан тушуниш қийин бир овоз келар, пол дунурлар эди. Холбоев ёнига қаради, ўрин бўш эди. Овозга қулоқ солди: галати тингшиш ёки хиргойи эди. Холбоев ўриндан туриб нариги хонага мўралади, серрайиб қолди — хотини

ой нурида аллақандай оҳангни айтиб, ўйинга тушар, ўзи бу машғулотдан гаштланар эди... Холбоев сесканиб кетди, секин орқасига қайтиб, каравотига ўтирди. «Мияси айниб қопти,— деб ўйлади Холбоев,— бу қанақа кўргилик? Энди бошимда бу савдо бормиди?..» Холбоев мушкул хаёллар билан ўтирар экан, қўшни хонадан ҳамон хиргойи, товон дупури эшитиларди.

— Манзура!— ўшқирди Холбоев, аммо хотини эшитмади ёки эшитишни истамади. Холбоев яна ўшқирди:— Манзура!!.

— Ху-ув!— деди хотини баданни титроққа солувчи овоз билан.

— Нима қиляпсан?

— Ўйнаяпман!

Холбоев ўрнидан туриб, у хонага чиқди.

— Ҳозир ўйиннинг пайти эмас, хотин,— деди у мулозим оҳангда.— Ке, ёт жойингга, эртага ўйнайсан. Ке, кела қол...

Шу воқеадан кейин Холбоев хавотирга тушиб қолди.

Айниқса бир куни таъзияга келган одамлар ҳали дастурхон атрофига ўтириб улгурмай, хотини дабдурустдан: «Ҳамдам ўзини отгани йўқ», деб юборди, келганлар анграйиб, бир-бирига қарашди.

Шундан кейин Холбоев, яқинда район соғлиқни сақлаш бўлимига бош врач қилиб тайинланган, аввал Замиранинг ажали юрак хасталигидан, кейин Ҳамдамнинг ўлими овқатдан захарланиш оқибати, деб диагноз қўйиб берган Бўтаевни чақиртирди, хотинининг ғалати хулқини бирмабир айтиб берди.

— Уйда қолдириш хавфли эмасми?— деди у гапининг ниҳоясида.

— Хавфли,— деди Бўтаев.— Изоляторда сақлаш керак.

— Изоляторда?— безовталаниб сўради Холбоев.— Одамларга нима дейман?

— Касал, дейсиз, вассалом,— деди Бўтаев совуққонлик



билан. — Ҳақиқатда касал-да. Худо берган дард. Биров сил бўлади, бировнинг оёғи синада, яна биров ақлдан озади. Ҳаммаси касаллик.

— Қанча ётади? Давоси борми?

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин. Дард ўтқазиб юборилган бўлмаса, умид қилиш мумкин. Ётиши ҳам шунга боғлиқ.

— Йўқлигимда кўчага чиқиб, Ҳамдам ўзини отгани ҳақида жар солса, унда нима бўлади?

— Шунинг учун ҳам изоляторда сақлаш керак дейман-да...

— Қачон ётқизишни маъқул кўрасиз?

— Ими-жимида қилиш керак. Шаҳарга жўнатилгани маъқул, ҳеч ким танимайди. Мутахассислар ҳам бор. Мен телефон қилиб, гаплашиб кўрай, жой тайёрлаб қўйишади, шартга обориб жойлаб келамиз.

— Майли, сиз нима десангиз, шу-да, — деди Холбоев чора топилганидан энгил тортиб. — Энди, Зокир Бўтаевич, ўзингиз мураббийлик қиласиз-да... сиздан бўлак сирдошим йўқ.

— Ҳа, буёғига хотиржам бўлаверинг...

Икки кундан кейин шаҳар чоғида машина келиб, Манзура опани шаҳарга олиб кетди.

Икки ҳафта ўтди, аммо Холбоев бирон марта хотинини кўргани бормади. Жинни хотинини йўқлаб борганини биров кўриб қолишини Холбоев истамас эди. Унга қолса хотини ўша ерда ўлиб кетгани маъқул эди. Энди унақа хотиндан Холбоевга нима фойда? Қайтага дарди қайталаса, Холбоев иснодга қолади, дардисар бўлади. Айниқса шундай масъулиятли бир пайтда, чунки Асом Пардаевич областга ўтган. Холбоев янги лавозимга тайин бўлишини кутиб юрган кунлари эди. Рост-да, Асом Пардаевичнинг ўрнига Холбоевдан муносиб одам борми? Ахир Холбоевнинг бошига шунча мусибатлар тушди, унга раҳм қилишлари керак-да. Шу лавозим учун Холбоев қанча талафотларга юз тутди — Замиранинг ҳақиқий вафоти-


ни яширди, ўглини ноҳўя ҳаракатдан қайтарди, уйга қамаб қўйди, дафн маросимига қанча одамларни жалб қилди, ўлимини рўкач қилди.

Холбоев бир ўзи ҳовлига қўйилган креслода ўтираркан, марказий газетада босилиб чиққан Самаднинг «Илгор» колхози ва унинг раиси ҳақидаги мақоласини мамнуният билан ўқир, янги ишга ўтганлиги ҳақидаги хабарни кутарди.

Ниҳоят телефон жиринглади...

*1986 йил*

*Хикоялар*



## ҚАҲРАТОН

---

Бир ҳафта олдин ёққан қор эриб улгурмай, устига яна қор ёғди. Жадал совуқ қорни қотирди, лом ботмайди. Гўр устидаги яккам-дуккам темир панжаралар қировдан бижғиб, жўхорининг мардагидек йўғонлашган. Кўкка бўялган шийпон ёнидаги бақатерак ҳам қировга бурканиб ҳурпайиб олган, негативга ўхшайди. Чап томонда, гўё тан олмагандек гўристонга зарда билан орқа қилган Зиқир гўрковнинг сомонсувоқлигича қолган деразасиз, тушука томли уйи қаққайиб турибди. Мўрисидан сизғиётган нимранг тутун шамолсиз ҳавода қаёққа кетишини билмай пароканда ёйилипти. Бу уй янги қурилган. Аслида бўғоти лой томида кўклам кезлари чучмўма аралаш жолақиз-ғалдоқлар қийғос очиладиган ягона эски уй бўларди. Ҳовлидаги балхут танасидаги бу уй ёз паллаларида ҳам нимқоронғи, патнисдан туршак тўкилса, ярмисини аранг тоғиб олишар, тўшак остида қолиб кетганлари эрталаб-гача белга ботиб чиқарди. Зиқир гўрковнинг марҳумаси Зеби хола ёзда танчани йиғмас, кўрпачани тахмонга йиғиб, яйдоқ танча устига дастурхон ташлаб қўяр, болалар чироқ ёқиб, шу танчада дарс тайёрлашар эди. Эллагинчи йиллар турмуш ҳали оғир, икки қизга бир жуфт калиш, бири мактабдан келганда иккинчиси кийиб кетар эди. Ёнги тирсагига чиққанда, кўйлак Салимадан Ҳалимага ўтарди. Зеби хола унча-мунча бозорга айланиб туради. Олибсотарчиллик қилмайди. Ҳайит-арафа, пайшанбалик деб, одамлар тўртта нон, бир ҳовуч ширилик ва ош ёки сумалак солинган косани ярим қулоч сурпга ўраб, тугунни кўчага чиқаверишдаги супага ташлаб кетишади, бўшаган косаларни кўплар суриштиришмайди. Эгалари чиқавер-

магач, Зеби хола ҳар турли косаларни кул билан обдан ювиб, бозорга ташийди, аттор ёки чайқовчиларга арзонгаров пуллайди, совун, супурги, мош, ўлдирилган симоб ва шунга ўхшаш нарсалар харид қилиб чиқади. Зеби хола-нинг халтасида болалари учун туршак, сақич, хўрозқанд, обакидандон бўлади. Болалар уй орқасидаги «Вой, отам», «Вой, онам»га ҳам парво қилмай севинчдан ирғишлашади, қий-чув қилишади. Мотам садоларига ўрганиб кетишган. Мозордан қўрқини нималигини билишмайди. Баъзан гўр атрофида қувлашмачоқ ўйнашади, капалак тутншади, молга ўт ўришади. Дадасининг чопони бирон гўр қуббасида эсидан чиқиб қолган бўлса, Салима кечаси ҳам ўзига ёд бўлиб кетган якка оёқ издан адашмай бориб чопонни олиб келверади. Мактабдаги дугоналари гўристон ҳақида сесканиб гапиришса, Салима таажжубланади.

Бир куни Салима аллақандай дугонасини эргаштириб келди. Чой дамлади, сутли пон ушатди, шоколадли конфетлар келтирди, қаймоқ қўйди, хандалак сўйди, бироқ дугонаси бирон нарсага ҳам қўл теккизмади, керакли дафтарни олди-ю, ниманидир баҳона қилиб, жўнаб қолди.

Зикир ака ўн тўртдан ошган қизининг кўзларида пайдо бўлган мунгни пайқади, дили оғриди. Индамай кўя қолди. Иккинчи смегадан келган Ҳалимадан сўради:

— Ўқишларинг қалай, қизим? Мактабда ўртоқларинг борми?

— Йўқ, — деди Ҳалима унча парво қилмай, — «Ажина», дейишади мени. Партада битта ўзим ўтираман.

Зикир аканинг юраги яна эзилди.

— Нега «ажина», дейишади?

— Мозорда ўйнаймиз, шунинг учун.

«Демак, Салимагаям шунақа муносабат, — ўйлади Зикир ака, — бечора аламини ютиб юрар экан-да...»

Эртасига Зикир ака тузукроқ кийиниб қизларининг мактабига борди. Чиройликкина жувон, «Ҳалиманинг синф раҳбарини ҳам чақирай, бирга гаплашамиз», дея Зикир акани кимсасиз хонада қолдириб, қайтиб кир-

мади. Зикир ака бир соатча қаққайиб ўтирди-да, хўрсиниб чиқиб кетди. «Гўрковлигимдан ҳазар қилишяпти,— деб ўйлади у.— Кошки ўлмасаларинг. Пироварди асқотадиган гўрков-ку. Қучоқлаб ётган эрларинг ҳам лаҳадга опкиролмайди жасадларингни. Эшакнинг меҳнати ҳалол, ўзи ҳаром-да...»

Зикир ака ўз юмуши одамларнинг азбаройи муҳтожлиги учун зарурлигини англаб, гўрков бўлганидан мутлақо пушаймон смагади эди. Фақат Салимаси кўзлари ёшга тўлиб ичкарига кириб кетганида, ўзи эса кимсасиз синфда алданиб якка қолганида гўрков бўлганига ачинди. «Одамларнинг орасига кира олмасам, бошига ташвиш тушса ялиниб келиб, тўй қилса эсига ҳам олмайдиган, дуруст қўшинчилик қилмайдиган, кўчада кўрса четлаб ўтадиган, фарзандларини «яккамохов» қилиб қўйган одамлар учун ёзини исепқ, қишини совуқ демай, гўр қазийми, совуқ жасадларини қучоқлаб, лаҳадга олиб кирайми? Ўликларнинг кўчаларда қолмайдими, менга деса...»

Зикир ака керакли маҳкамасига бориб, бодини баҳона қилди, ишдан бўшатилларини сўради, бироқ у ердагилар гўрковга дашином беришди, гуноҳ бўлади, деб алдашди, юнатишди. Зикир ака яна шумшайиб, уйига қайтиб келди...

Уруш тугаган кезлари шивель кийган бир йигит маҳалла чойхонасига оралаб қолди. Ўзи мирзачўллик экан. Ўтни ёриб, сув ташиди, борадиган жойининг тайини бўлмаганидан чойхонада ётиб юрди. Қобил ака деган элликлардан ошган юзи заъфарон бир киши Зикирни четга чақириб, уёқ-буёқдан сўроқлади, кейин:

— Мусофир экансиз, ҳовлимда бўш ҳужра бор, эн кўрсангиз, юринг,— деди.— Чойхоналарда бит босиб, сарсон бўлиб нима қиласиз?

Зикир ака бир оз ўйланиб турди, кейин Қобил акага эргашди. Қобил ака қариб, мадордан кета бошлаган, ёрдамчи керак эди.

— Биров кинна солади, биров мурда ювади. Яна биров гўр қазийди,— деди Қобил ака меҳмонга чой узатиб.—

Хайрли иш, савоби тегади. Ахир одамларнинг ҳожати-ку, ҳаммамизнинг бошимизда ўлим бор, бизни ҳам биров кўмар. Ирганиш ярамайди, иним. Қолаверса, хайр-эхсон деган нарсалар ҳам йўқ эмас, қўлингиз чақа кўради, орзу-ҳавасингиз бордир ахир...

Аввалига Зикир сесканиб, мурдадан чўчиб, бир ўзи гўр қазинга юраги дов бермай, Қобил гўрковсиз мазорга қадам босмай юрди. Уста-шогирд барча ишларни биргалликда бажаришди. Кейинчалик уста касаллиқни баҳона қилди, «ҳаммом элитди, тегирмонга етганимда, ўтириб қолдим», деди, хуллас, юқни аста-секин Зикирга ўтказиб бошлади. Хонадонга кирганига икки ҳафта ўтмай Зеби исмли бўйи етган суҳсурдек қизини никоҳ қилиб, қўшиб қўйди. Тўй ҳам қилмади. Уста биларди, тўй қилса ҳам одамлар мажбуран келишади, келганда ҳам тез чиқиб кетиш пайида бўлади. Қолаверса, қизига совчи келиши гумон эди.

Пайт оғир, одамлар очликдан тез қарир, арзимас касалга дучор бўлишса, толиққан жисм дардини енга олмас, «ўлди-узилди» кўп эди. Зикир саҳардан кечгача гўр қазир, сўнг ёш қаллиғи хузурига кириб у билан яқинлашар, обдан чарчаб ухлаб қолар, илгариги ваҳимали тушларини энди мутлақо кўрмас эди...

Шу алоҳда вақт ўта бошлади. Тўнғич қизи туғилди, кулбаси чинқириққа тўлди. Кейинчалик бирин-кетин қайнопа-қайнотаси ўлди, ўзи кўмди, тиловат қилди. Салма икки ёшга тўлар-тўлмас хотини яна битта қиз кўрди, отини Ҳалима деб қўйишдин, учинчи фарзанди ўғил бўлиб туғилди, Эргаш деб қўйишди исмини.

Зикир гўрковнинг ҳам ёши улғая борди.

Замона ўзгара бошлади, одамлар тўкис яшайдиган, ҳар қанча орзу-ҳавасни рўёбга чиқариш ҳеч гап бўлмай қолди. Дафн билан боғлиқ маросимлар ҳам дабдаба билан ўтадиган бўлиб, гўрлар устига мрамартошлар ўрнатиш жўи бир тadbирга айланиб қолди. Шу аснода гўрковни ҳам «хафа қилмаслик», «кўнглини олиш» ҳаракатлари одат

тусига кирди. Бунақаларнинг сони йўқ. Биров кеч, биров эрта ўлади. Бировнинг отаси, бировнинг боласи дунёдан ўтади. Ўлим билан боғлиқ бўлган жараён хурофий ҳисларни уйғотади, зиқналикни четга суради, қайғудан куйган одамлар тирик қолганларнинг «кўнглини олиш» билан ўлганларга «жаннатдан жой» тилайдилар, ҳар қанча харажат олдида тўхтамайдилар. Шу эҳсонларнинг бир қисми гўрковга ҳам тегади. Баъзи бир ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган корандалар шахсан ўзлари гўрков ҳузурига келиб «фалончимиз бандаликни бажо келтирдилар, шунча ҳаракатларимиз фойда бермади, ўлим олдида ожизлик қилиб қолдик, чорамиз қанча, азрўйи азал, пешонага ёзгани бўларкан, майли, буёғига худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатда бўлсин...» дейишади-да, мақсадга ўтишади: «Энди, гўрков амаки, ўзингиздан қолар гап йўқ,— дея муштдаги ноаниқ сўмларни пана қилиб, Зикир гўрковнинг чўнтагига солиб қўйишади.— Гўрни ўз қўлингиз билан «ҳалигидек» қилиб ковлаб берасиз-да илтимос...»

Гўрков ҳам:

— Хўп бўлади, албатта,— дейди-да, ичида: «Чуқурроқ ковлаб берамиз», деб киноя қилади.

Зикир гўрковнинг бир одати бор, у ҳеч қачон ўзи сўрамайди, оз берса раҳмат, дейди, дуо қилади, кўп берса, ошиғини қайтаради, «ҳаддан ошиш ярамайди, инсоф бўлиши керак», дейди доим ўзига-ўзи.

Зикир гўрковнинг топган-тутганлари рўзгор эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, унча-мунча ортадиган ҳам бўлди. Эски уйни буздириб, ўрнига уч хонадан иборат пешайвонли янги уй қурдирди. Юқорисидаги хонага келип туширишни ният қилиб дилига тугди. Болалари ўсди, улғайди. Ҳаммаси ўрта мактабни битириб, олий ўқув юрларига мустақил кириб олишди. Мустақил кирмаганда, буларнинг арзигудек кими бор эдики, институтга киришга ёрдами тегса? Салима Тўқимачилик институтини тугатди, уни институтда олиб қолишди, ҳозир лабораторияда ишлаяпти, диссертацияси ниҳоясига етиб қолган. Ҳалима,



ярим йил бўлди, Фармацевтика институтини тамомлаб, Қорақамишдаги катта аптекада ишляпти. Эргаш Темир йўл транспорти институтининг охирги курсида. Икки йил бурун Зеби хола дунёдан ўтди. Буларнинг хилхонаси шу мазорда. Мотам садоларига ўрганиб, без бўлиб кетган Зикир гўрков хотинининг қафанга ўралган жасадини лаҳадга ўгли Эргаш билан ўзи олиб тушди, захга ётқизишди, уёқ-буёғини тўғрилаб қўйишди. Эргаш тинмай йиғлар, отаси калиш кийган оёқларини тагига босиб, хотинининг бош томонида жим ўтирар, мурдаларни кўравериб қотиб кетган сўқир кўзларидан ёш томчилари сизгир эди. Одатда ўлик жасади зудлик билан кўмилади, хаш-паш дегунча тупроқдан гумбаз пайдо бўлади, гўё шунчалик шошилинич билан кўмилмаса, жаннат дарвозаси ёпилиб қоладигандек. Аммо Зикир гўрков билан Эргаш у қадар лаҳаддан чиқишга ошиқишмади, тепадагиларнинг тоқатсиз овозлари эшитила бошлади. Шундагина ота-бола чиқишди, ўз қўллари билан ясаган саватдек кенг гувалаларни лаҳад огзига териб ёпишди, кейин тобуткашлар шитоб билан тупроқ торга бошлашди, бирпасда дўнг пайдо бўлди. Тўнкариб қўйилган тобутда ўтирган домлалар бирин-кетин қуръон ўқиб, тиловат қилишди, ҳар ер-ҳар ерда чўккалаб ўтирган одамлар фотиҳага қўл очишди, гўристон бир зумда бўшади-қолди...

Бора-бора Зикир гўрков оиласи тақдирга тан бериб, кўникиб кетди.

Ҳозир оиланинг ҳеч нарсадан танқислиги йўқ. Зикир гўрковнинг даромади чакки эмас. Салима ҳам, Ҳалима ҳам яхши маош олишади, отасига қарам эмас, ўзларининг топгани ўзларига етиб ортади. Эргаш стипендия олади. Орзу-ҳавас деб, дадаси бир йил аввал бозордан тутилган «Жигули» олиб берди. Институтга қатнайди, кеч қолишса, опаларини ишдан олиб келади, ёмғир-қор бўлса, олиб бориб қўяди, бозордан рўзгорга керакли харажат қилиб чиқади.

Хуллас, оила бекаму кўст, тўкин. Узатса, қўли ҳар

нарсага етади. Бироқ... худо қизларига бахт ато қилмаяпти. Ҳеч кимса эшик қоқиб келмаяпти. Аслида-ку, эшик қоқиб келувчилар кам эмас. Аммо келганларнинг ҳаммаси ўлим хабари, гўр ковлаш важи билан киришади... Вас-салом.

Зикир гўрковнинг болалари кўзга яқин, бежирим, ёқимтой бўлиб вояга етишди. Салима ҳам, Ҳалима ҳам шунақа қизларки, кўзи тушганлар яна бир қарагиси келади. Иккови ҳам оқбадан, қуюқ, киприклари остидаги қора кўзлари шахло, зулукдек бежирим қошлари, қирра бурунлари, пушти лаблари — ҳаммаси гўзаллик намунаси бўлиб туюлса-да, бахт деган нарса ораламаяпти. Бу қизлар қанчадан-қанча йигитларнинг оромини бузмади, қанчадан-қанча йигитлар бир қиё боқишга, бир жуфт сўзига, андак табассумига ташна бўлиб юришди. Ражаб исмли йигит Салиманинг кетидан қанча эргашди, кўчаларда йўлини пойлади. Салима чап беравериб чарчади. Очиги — бу йигит Салиманинг ҳам юрагини тўлқинлантира бошлади. Бир томондан унинг дилида қизиқиш уйғонди, йигитнинг ҳиссиётлари қанчалик соф ва кучли эканини синаб кўрмоқчи бўлди, учрашувга розилик берди. Кинюга тушишди, иккинчи учрашганларида Анҳор лабидаги хиёбонда мороженое ейишди, сўнг скамейкада ўтиришди. Ражаб қизни бағрига тортмоқчи бўлди. Салима яқинлаштирмади, суҳбат давомида отаси гўрков эканини айтди. Ражаб бунақа сарқитларга аҳамият бермаслигини намоён қилиб, «нима бўпти, хизматнинг ёмони бўлмайди», деди. Салимани уйига кузатиб қўйди, бироқ аста-секин ўзини олиб қоча бошлади. Гўрковга куёв бўламанми? — деб ўйлади у ичида. — Одамлар нима дейди?» Салима билдики, Ражаб ҳар қанча ўзини замонавий тутмасин, дили қоқоқ, эски тушунчалардан холи эмас. Шундан кейин Салима ҳеч кимга калака бўлгиси келмади, дил китобини ёнди, буткул ишга, илмга ўзини тикди.

Зикир гўрковнинг фарзандлари ичида хушрўйи Эргаш эди. Бунақангиларни «кишна кирадиган йигит», дейишади.

Бўйи баланд, қора ялтироқ сочлари қуюқ, кўзлари чақнаб туради. Ҳар қаандай кетворган қиз ҳам Эргашни кўрганда ўзини йўқотиб қўярди. Эргаш опалари каби халқ орасида гўрков оиласидан ётсираш ҳоллари борлигини билади, шунинг учун яхши кўринадан деб, бировлар олдида хушомадгўйлик қилмайди, бачканаликни ёмон кўради, ўзи эса камгап, сўрашса жавоб беради, ўзи гап очмайди. Тўртинчи курсда Шахло деган қиз бор. Ўзи чиройли, қадди-қомати келишган, дид билан кийинади. Дадаси аллақандай амалдор эмиш. Баъзан «ГАЗ-24» машинасида келади. Шахло анчадан бери Эргашни зимдан кузатиб юрипти, аммо яқинлашишга ҳеч бир ваз тотилмапти. Кўпинча трамвай бекатида Эргашнинг институтдан чиқишини пойлайди, кўзи кўзига тушганда, саломлашган бўлиб, бош силкиб қўяди, табассум қилади. Эргаш чиққан вагонга Шахло ҳам чиқади. Аввалига кутади, Эргашдан садо чиқавермагач, ўзи гап бошлаган бўлади. Ниҳоят бир кун бу тadbир ўз натижасини берди. Шахло қайсидир фандан қийналаётгани ҳақида шикоят қилиб, ёрдамга муҳтожлигини аңлатмоқчи бўлди. «Агар рози бўлсангиз, кўмаклашвораман», — деди Эргаш кўзлари чақнаб. Қиз рози бўлди, юзи лов-лов ёнди. Эртасига дарелардан кейин бирон аудиторияда машқ қилишни келишиб, хайрлашишди.

Шахло учун эртани кутиш ҳам завқли, ҳам изтиробли бўлди. Анчагача Эргаш қизнинг хаёлидан нари кетмади, ширин режаларга сабаб бўлди. Эртасига дарс тугаши билан Шахло ваъдалашилган аудиторияга югурди. Ҳеч ким йўқ, стуллар ҳар алпозда турарди. Ўзини дарсига ўта берилиб кетган кўрсатиш ниятида китоб варақлай бошлади, керакли саҳифани топди, бироқ унинг кўзлари бирон сатрни кўрмас, юраги гул-гул урар, бармоқ учлари титрар, юзи лов-лов ёнарди. Хонага Эргаш кириб келганда Шахлонинг юраги тўхтаб қолай деди. Эргаш қизнинг асабий жавдираётган кўзларидан, овозидаги титроқ тез-тез хўрсинишидан унинг қалбида рўй бераётган тугёни найқади, эти жимирлаб кетди, жисмини худди қўрқув ҳиссидек бир зум ларза-

га солган нашъали ҳаяжон босди... Улар бир оз дарс тайёрлашган бўлишди, кейин кўчага чиқишди. Куз палласи, осмон кўм-кўк, мусаффо, саргайган дарахт барглари елпиниб тўкилмоқда, ўтган-кетган машиналар барглари чирпирак қилиб кетмоқда. Ҳаво салқин, офтобда иситади, сояда совутади. Қиз билан йиғит берилиб шаҳар марказига бориб қолишди, хиёбон скамейкаларида ўтиришди, кеч кирди, чироқлар ёнди. Эргаш кафтини қизнинг билагига қўйди, ўзига тортди. Улар антикиб бир-бирига суркалашди...

Шундан сўнг учрашиб туриш табиий бир ҳолга айланди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Шаҳло йиғитнинг отаси гўрков эканини билиб, ханг-манг бўлиб қолди. Ошиқлик туйғуси шу қадар кучли эдики, аввалига бунга эътибор бермади, кейинчалик дилида аллақандай бир-бирига зид кайфиятлар уйғона бошлади, онаси аччиқ зарда аралаш, «Топганинг гўрковнинг ўғли бўлдими? Она-отанг қуда бўлиб, мазор ёнига, ажиналар маконига борадими?» — деганида, батамом ўзини йўқотиб қўйди, таҳликада қолди. Бир ойлар чамаси Салима совчи бўлиб борганида, Шаҳлонинг онаси ҳатто уйига ҳам киргизмади, бироқ Салиманинг жамолини кўрган она — укасиам чиройли бўлса керак, деб ўйланиб қолди, аммо эрига оғиз очишдан ҳайикди...

Совуқнинг зўрлигидан электр симлари арқон бўлиб кетган. Зикир гўрков дафни аранг ўтказиб, уйига қайтди, ётиб қолди. Қирқ йилдан бери ер қовлайди, зах суяк-суягига ўтиб кетган, боди бор, тез-тез қўзғаб туради, қимир этса, бигиз бўлиб санчилади. Яхшиям шериги Ҳайдар полвон бор. Уч йил бўлди, бирга ишлашади. Аввал Ҳайдар полвон «Минор»да гўрковлик қиларди, шу томондан участка олиб, кўчиб келишган. Ҳалиям «Минор» эсидан чиқмайди, «файзли мазор эди», дейди. У бечора ҳам касалланд. Унинг ҳам боди бор. Қайси гўрковнинг боди йўқ? Зикир ака шаҳарда қанча гўрковни билса, ҳаммасининг бир дарди бор. Чунки иши шунақа. Буларда на шанба-якшанба бор ва на отпуска. Жазирама офтобга, шаррос ёмғирга қарамай

лойга беланиб, қанчадан-қанча гўр қазиган Зикир гўрков. Яхшиям ўгли Эргаш бор экан, авваллари ўша қарашарди. Кейин, мана, Ҳайдар полвон асқотадиган бўлиб қолди. Тузуқ одам. Зикир ака ётиб қолса, йўқлигини билинтирмайди, ўзи қазийверади, бўш бўлса Эргаш ёрдамлашади.

Бултур Ҳайдар полвон ўглига Ҳалимани сўратди. Зикир ака севиниб бу хабарни тўнғичига етказди. Салима Ҳалимага айтди.

— Гўрковнинг ўглига тегмайман, — деди шартта Ҳалима.

— Ўзинг кимнинг фарзандисан?

— Шунинг ўзи етади, лоақал менинг фарзандларим биздақа тили қисиқ бўлмасин.

— Кўряпсан-ку, бошқа жойдан чиқмаяпти, — ётиғи билан деди Салима. — Менинг-ку, вақтим ўтди, жилла курси сен оилалик бўл.

— Писанда эшитишга тоқатим йўқ, — чўрт кесди Ҳалима. — «Бошқалар сени олмасди», деб таъна қилиши турган гап. Қўйинг.

Зикир гўрков бўшашиб қолди, бир неча кунгача оғиз пойлаб юрган Ҳайдар полвонга қай тарзда жавоб беришни билмай юрди...

Гўрков мўрчага кириб лой кийимларини ечди, иссиқ сувда ювиниб, артинди, тоза кийимини апил-тапил кийиб ошхонага ўтди. Аччиқ чой дамлаб, хонасига кирди, қозиқдаги чопонни устига ташлаб ёнбошлади, аммо бадани жунжикиб, ичидан қалтироқ чиқа бошлади. Туриб тахмондан кўрпа олиб ёпинишга ҳам мадори йўқ эди.

Эшик тақиллади, эркак кишининг овози келди. Гўрков кўзгалмади. Зарур бўлса кирар, деб ўйлади. Бир неча дақиқа ўтгач, деразадан қуён терисидан телпак кийган нотаниш одамнинг башараси кўринди. У қўлни кўзи устига пана қилиб уй ичига қарар, бироқ ҳеч нарсани кўра олмас эди. Оғзидан чиққан ҳовурдан дераза ойнаси бир зумда хиралашди.

— Киришг, — аранг овоз чиқарди гўрков. Нотаниш киши кириб салом берди, атрофга аланглади.

— Ҳм?

— Амаки, гўрков сиз бўласизми?

— Ҳм.

— Тоғамиз дунёдан ўтдилар, — деди нотаниш киши айбдорларча. Чалчиқ маҳалласиданмиз. Мени юборишди. Эртага нешинга чиқарилади. Эрталаб армиядаги ўғиллари келади... Отлари Сиддиқ, танирсиз, Сиддиқ қассоб...

— Касалман, кўриб турибсиз-ку, тобим йўқ, — деди гўрков иситма аралаш. — Шеригим ҳозир йўқ, бодини тузатгани Чортоққа кетган...

— Ие, — ажабланди нотаниш киши, — ўлик энди нима бўлади?

— Иним, худо хайригингни берсин, — деди гўрков аранг бошини кўтариб, — тахмондаги кўрпани олворинг, ҳеч исимаянман...

Нотаниш киши чаққонлик билан уй тўрига ўтиб кўрпани олди, ёзиб гўрковнинг устига ташлади, кейин эҳтиётлик билан ўраб-тўғрилаб кўйдди, сўнг бориб пастаккина дераза тоқчасига ўтирди. Боши қотди. Анчагача жим ўтирди, кейин хўрсиниб ташқарига чиқиб кетди.

Кечга яқин Ҳалима келди, отасининг ҳароратини ўлчади, дори ичирди, илиб қолган печкага кўмир ташлади. Кейин овқатга ушнади, аччиқ мастава ичирди. Гўрковнинг кўзи илинди... Бир печа соат вақт ўтди. Қовуғи тўлиб уйғонди. Ёнида китоб ўқиб ўтирган ўғли отаси томон энгашди:

— Қалайсиз, дада?

Отаси имо қилди. Эргаш қўлтигидан олиб тургазди, чопон-телпак кийдириб, ташқарига олиб чиқди. Ҳожатхонага етганда, отаси «қол» деган ишора қилди, кесакига суяниб ўзи кириб кетди. Отаси чиққунча Эргаш чойдишда илиқ сув келтириб, қўлига қуйди, сочиқ узатди. Яна қўлтигидан олиб, ичкарига киритди, ётқизди.

— Эргаш, — деди гўрков. — Сиддиқ қассоб дунёдан

ўтипти... Чалчиқлик... Хилхонаси хув... оқ панжаранинг орқасида... Кўрясан, ўғлим, ҳозир иложим йўқ... Ҳайдар амакинг, биласан, йўқ... Бурчимиз шунақа... биздан бошқа ким қилади... Жой тайёрлаш керак, болам... Сен жой тайёрла, эрталаб ўзим бир амалларман...

— Қанақа қилиб «амаллайсиз»? Оёқда туролмаяпсиз-ку.

— Иложимиз қанча? Жой тайёрла, болам...

Эргаш эътироз билдирмади. «Жой тайёрла», деганини Эргаш тушунади. Ҳозир оғилхонага бориб, беш-олтита гўла олади, гўр қазиладиган жойга олиб бориб пайраҳалар устига гўлаларни қалайди, керосин қуйиб гулхан ёқади, Эрталабгача музлаб ётган ер эриб қолади. Қазिश учун «жой тайёр» бўлади...

Зикир гўрков чўчиб уйғонди, ташқарига қаради. Ҳаммаёқни буркаган оппоқ қор қуёшда ялтирар, кўзни қамаштирар эди. Гўрков девордаги соатга қаради. Ўндан ошган эди. Қўрқиб кетди. Ваҳима босди, Сиддиқ қассоб пешинга чиқарилса, қачон гўр қазиб улгуради? Буёқда мадори ҳалигидек. Оёқ-қўли ҳамон қалтираяпти, боши бир оз айланапти. Аммо иложи қанча? Ўлик қараб турмайди-ку.

Хонтахта устида нонушта, қалпоқ кийдирилган чойнак турарди. Иштаҳаси бўлмаса ҳам гўрков ўзини зўрлаб нонушта қилди, бир оз ўзиға келган бўлди. Шошилиш керак.

Гўрков бор кўчини йиғиб, ўрнидан турди, ташқарига чикди, деворга суяниб, мўрчага кирди, ҳали лойи қотмаган жомасини кийди, белини маҳкам сиқиб боғлади, курак билан кетмонни елкасига ташлаб гўристонга йўл олди. Шу кунлар орасида у томонларга ўлик қўйилмагани учун йўл ҳам йўқ, фақат Эргашнинг сийрак излари бор эди, холос. Ўғлининг чуқур изларига оёқ босиб, Сиддиқ қассобнинг хилхонаси томон чалиша-чалиша кета бошлади. Ҳаво анча совуқ, гўрковнинг мўйлови қиров билан қоплашиб, ёноқлари жиз-жиз ачишди.

Гўрков хилхонага етиб келиб, тўхтаб қолди. Елкасида зил бўлиб турган тош қулагандек бўлди, ваҳимаси тарқади. Гўр тайёр эди. Соғ тупроқдан буғ кўтарилар эди. У гўр ёнидаги сағанага мажолсиз ўтириб қолди.

## АКС АДО

Ҳамшира қиз Зиёднинг хонасидан чиқиб кетиши билан, негадир, Зиёд уйга кетгиси келиб қолди. Ҳеч ким уни ҳайдаётгани йўқ, фақат «истасангиз душанба куни жавоб берамиз», дейишди. Биқинидаги чок деярли битган, ипини олиб ташлашган, дори суртиб боғлаб қўйишган. Оғриғи ҳали бор — ҳаммада шунақа бўлади. Аммо бу оғриқ аввалги оғриқлар олдида ҳеч нарса эмас. Кечалари қора тер босиб билакларини тишлаб интраганлари, азобга бардош беролмай юмалаганлари... Энди бари орқада қолди, буйрағи тоза, яна тош йиғилмаса бўлгани.

Ишхонадагилари Зиёдни душанба куни касалхонадан чиқишини билишади, улар олиб кетиш учун албатта келишади. Балки шунинг учуноқ Зиёд бугун — жума куни — чиқиб кетишга ошиқаётгандир, дабдабани ёқтирмайди. Онаси, хотини, укаси — улар ҳам овора бўлишмайди, уйга ўзи кириб боради.

Зиёд нарсаларини йиғиб, катта қоғоз пакетга солди, касалхона анжомларини тоштириб, ўз кийимларини кийиб олди. Назарида қиёфаси ўзгариб, касалхона туси аригандек, ўзи соғломроқ бўлиб қолгандек ҳис қилди. Қани энди шериги тезроқ процедурадан келса-ю, бир ой мобайнида ҳамхона бўлиб қолган Халил ака билан хайрлашиб, тезроқ бу дарднок макондан чиқиб кетса... Аслида неча ойлардан буён Зиёд бу ерда ётганидан ҳатто мамнун. Аввало қанча пайтлар ором бермай келган касалдан ниҳоят қутулди... қолаверса... Ўша пайтлари ҳам ўнг биқинининг орқаси игна ургандек жиқиллаб оғриб, сийишга қийналиб юрар,



Зиёд эса шамоллатдим деган гумон билан кечалари биқинига қизитилган пишиқ фишт босиб ётар, оғриқ пасайгандек бўлиб, у яна севимли, ҳаётининг асосий маъносини ташкил қилган ишига югурар эди.

Бир куни бўлим бошлиғи Зиёдни топтириб:

— Ўртоқ Тошматов ўзлари бизни қабул қилмоқчилар,— деди бундай мурувватдан бир оз фахрланиб.— Лойиҳаларни олиш эсингиздан чиқмасин.

Зиёднинг юраги шув этиб кетди.

— Лойиҳаларни обориш керакмасдир балки,— деди Зиёд хийла ҳадиксираб.

— Тайинлашди,— деди бўлим бошлиғи қатъий тарзда.

— Бинонинг ярмидан кўни битди, топширилишига олти ой қолди-ку!

— Беш ой,— майин қатъият билан яна деди бўлим бошлиғи.— Еттинчи ноябрга топширилиши шарт эмиш. Мажбурият қайтадан кўриб чиқилипти.

Зиёд бўшашиб кетди, ўтириб қолди, йиллаб кечани кеча, кундузни кундуз демай, бутун билиминини, қобилиятинини ишга солиб яратган лойиҳасини ҳимоя қилиб кўриш чораларини ахтара бошлади. Зиёднинг аввалги иккита лойиҳаси «Автовокзал» ва «Пионерлар саройи» — улар ҳам қурилиш мобайнида турли тузатишларга мубтало бўлиб, охирида шахсий қиёфасидан маҳрум, бир-бирини инкор қилувчи мавжуд материаллардан апил-тапил тикланган кўрмисизгина бинолар дунёга келган эди. Иложи бўлса, Зиёд бу «таъна ёдгорликлар» олдидан ўтмасликка ҳаракат қилар, бироқ ўтишга тўғри келиб қолса, у томонга қарамас, ўзини бошқа нарсаларга алаҳситишга уринар, аммо қанча уринмасин, юрагини сертирноқ қўллар эзгандек бўлар, аллақандай томирлари узилаётганга ўхшарди. Энг уқубатлиги шунда эдики, Зиёд ўзи тушиб қолган исканжани ҳаёт талабининг шафқатсиз, аммо зарур мантиқи, деб, сўз лойиҳаларини ўз қўли билан жўнлаштиришга, арзонлаштиришга, яъни нурсиз ва жозибасиз бўлиб чиқишига рози бўлган. «Бўлди энди,— деган ўшанда Зиёд аламзада

катъийлик билан, — бас, бўлак бурнимга ҳалқа солдирмайман!»

Дарҳақиқат, кейинги бино лойиҳасини — «Билим саройини» топширишганда, аввалига Зиёд рози бўлмади, шаҳар микрорайон лойиҳасини ишлаган Зуннуновга ошириб кўрди.

— У пайтлар муҳит шунақа эди, — деди бўлим бошлиғи ётиги билан. — Ҳозир бошқача, Тошкент меъморчилигини кўринг. Тенденция ўзгарган. Эстетика, эътибор катта.

Ижодкор одам эмасми, Зиёд яна келажак лойиҳа огушига бота бошлади. Қанчадан-қанча китоблар варақлади, олимлар ҳаётини ўрганди. Шарқ меъморчилиги тарихи ва анъаналари устида бош қотирди, замонавий қурилиш ютуқларини қайтадан эътироф этиб чиқди. Натижада бир йил деганда барча мукамал ҳисоблари билан «лойиҳа» тайёр бўлди. Бадний кенгаш «лойиҳага» аъло баҳо берди, шаҳар маъмурияти мамнуният билан қабул қилди, пул ажратилди, шаҳарнинг кўркам ва мос жойи танланди, жадал суръатлар билан қурилиш ишлари бошланиб кетди. Зиёд ўта хурсанд, кайфияти чоғ, руҳи кўтаринки, чарчаш нималигини билмас, қурилишдан нари кетмас, иложи бўлса шу ерда ётиб қолишга тайёр эди.

— Омадинг бор экан, — деди бир кун касбдоши Зуннунов аллақандай ички бир ўкинч билан. — Орзу қилган ниятинг амалга ошяпти. «Билим саройи» шаҳримизнинг энг чиройли маскани бўлади. Менинг бошим «типовой» нарсалардан чиқмай қолди.

— У ҳам керак, — деди Зиёд ўртоғининг кўнглини чўқтирмаслик учун.

— Ҳозир керак, — таассуф билан деди Зуннунов. — Эллик йиллардан кейин бунақа каталакларда ким тургиси келади? Бузиб ташлашади. Ҳозирнинг ўзида қурилиб битмасдан, лойиҳани эскириб қоляпти...

Бир кун ярим кечада Зиёднинг уйқуси бузилиб кетди. Туриб ўтирди, чироқ ёқмай сигарет тутатди. Сизгир хотини уйғониб кетди.

— Ҳм? Яна оғриқ бошландими? — безовталаниб сўради у.

— Йўқ, — лоқайдгина жавоб берди Зиёд.

— Белингизни ўраб олинг.

Зиёд гилофли адели билан белини ўраб, сигарет тортди, қизғиш шарпаси аранг сезилиб, яна қоронғиликда ғойиб бўлди. Тунги сукунатда олис машиналар товуши яққол эшитилар, бир зум тиниб яна бошқасининг товуши келарди. Зиёд сигаретасини кулдонга босиб, қайтиб ётди, хўрсинди.

— Нега ухламаяпсиз? Яна ишни ўйлаяпсизми? — кўзи юмуқ ҳолда сўради хотини.

— Сардорни ўйлаяпман, — деди бир оздан кейин Зиёд. — Қасамёдини.

Зиёд ишдан қайтганида ўгли Сардор хурсанд тарзда дадаси бўйнига ачомлаб пионерлар сафига қабул қилинаётганини айтди.

— Расм солиб берасиз, дада, хўпми? — шошқалоқлик билан сўради Сардор.

— Қанақа расм?

— Байроқча, горн, барабан!

— Ўзинг солгин-да, ахир ўрганиш керак-ку.

— Меники яхши чиқмайди, — деди Сардор бидиллаб. — Сўзлариям бор. Ҳозир оччиқаман.

Сардор ўз хонасидан бир варақ қоғоз олиб чиқди.

— Мана, дада, — деди Сардор наstdан дадасига тикилиб. — Чиройли қилиб ёзиш керак.

Зиёд варақни очиб, ўқий бошлади. Бу болаларнинг пионерлар сафига киришдаги опти, қасамёд тексти эди. «Мен фалончи фалончисев Владимир Ильич номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти сафига кирарканман, ўз ўртоқларим олдида Ватанимни астойдил севишга, улуғ Ленин васият қилганидек, Коммунистик партия таълим бераётганидек яшашга, ўқишга ва курашишга, Совет Иттифоқи пионерларининг қонуларини доимо бажаришга тантанали ваъда бераман...»

Зиёд ўйланиб қолди. Энди тўртинчи синфда ўқиётган, ҳали ўн бир ёшга тўлмаган ўгли бу муқаддас сўзлар маъносига тушунадими? Тантанали қасамёд ичиши натижазидаги масъулиятга ақли етадими? Ёки бу сўзлар шунчаки пионер аъзолигига кираётгандаги оддий расмиятми?

Зиёд ўглининг елкаларини ушлаб, олдида чўнқайди.

— Менга қара, Сардор,— деди у ўглининг беғам кўзларига синовчан тикилиб.— Бу қоғозда ёзилган гапларни ўзинг ўқидингми?

— Ўқиб беришди мактабда,— бепарво деди Сардор.

— Биласанми, ўғлим, бу сўзлар оддий сўзлар эмас. Улуғ Ленин васиятини тилга олиб яхши ўқишга, яшашга тантанали ваъда беришинг керак. Агар ёмон ўқисанг, ўртоқларингни хафа қилиб яшасанг ваъдангни бузган бўласан. Унда нима бўлади, сен шуни ўйлаб кўрдингми?

Сардор елкасини қисди, у бу сўзларнинг маъносини, масъулияти у ёқда турсин, оддий маъносини ҳам тушунмас эди. Демак, ўйлади Зиёд, ўғлим нима қилаётганини ўзи билмайди. Бунақангилар қанчадан-қанча! Мактабдагилари болаларга тушунтиришмаган, улар учун пионерга кириш билан боғлиқ бўлган тadbирни расмий ўтказишса кифоя. Энг муҳими, маънавий томони четда қолган. Сардор ўқийдиган мактаб биноси янги қурилган. Шунга қарамай ярим йил деганда мактаб деразалари ойналарининг ярмидан кўпини янгидан қўйишди, чунки деразага тош отган болалар аксариятининг бўйнида қизил галстуги бор, бир йил аввал худди шунақа «тантанали ваъда» беришган. Бу масалага расмий ёндашиш улуғ номлар, қасамёдлик муқаддас сўзларга шак келтириш, бебурд қилиш деган гап эмасми? Мурғак, ҳали шаклланимаган дилларни шу чоғданок масъулиятсизликка ўргатиш, қасам, ваъда, аҳд — бу шунчаки мажбурийат талаб қилмайдиган тушунчалар, деб таъкидлаш эмасми? Демак, оғзингга сиққанича ваъдаларни беравер, кўзбўямачилик қилавер — жавоб бериш шарт эмас, деган маъно чиқмайдими? Ахир бу, гуноҳ-ку, келажак олдида жиноят-ку! Бунақанги ваъдаларнинг қад-

рига етмай сочадиган қасамхўрлардан кимлар чиқиши мумкин?

— Қанақа қасамёдни? — мудроқ аралаш эловлаб сўради ёнида ётган хотини.

— Тантанали қасамёдни.

— Нималар деяпсиз, дадаси? Алахляапсизми?

— Ухла, — деди Зиёд ва тескари ўгирилиб, кўзларини юмди.

У эртаси шаҳар пионер ташкилотига бориб, ўз фикрларини айтмоқчи бўлди, бироқ бўлим бошлиғи қурилиш объектига келиб, вагонча ёнида турган Зиёд кўзи олдида «Газик»дан тушди.

— Ўртоқ Тошматов чақиртириптилар, — деди у атрофда турганлар билан кўришиб бўлиб. — Бирга чиқишимиз керак экан... Лойиҳалар билан. — Бўлим бошлиғи охириги «лойиҳалар билан»ни алоҳида урғу билан гапирди.

Зиёднинг юраги шувиллаб кетди. «Яна эски гап, деб ўйлади у, яна сметани қисқартир, яна лойиҳани қайчила, гранит устунларни ғишт билан ишла, маблағ етишмаяпти, темир-пўлат ускуналар оз, комбинат қурилиши тўхтаб қолаётир, январь ойдан маҳсулот бериши керак, беш йиллик объекти ва ҳоказо...»

Зиёд хато қилмаган эди. Сухбат тахминан шу аснода ўтди.

— Ундай бўлса, Али Тошматович, — деди Зиёд асаби бузилганини сездирмасликка уриниб, — биз қурилишни тўхтага қолайлик. Кейинчалик, маблағ топилганда, тиклаш қочмас. Ўз кўлимиз билан бинони майиб қиламизми?

Тошматовга «майиб» сўзи ёқмади, умуман, Зиёднинг муомаласи дагалроқ кўринди.

— «Исмоил Сомоний»ни кўрганмисиз? — деди у Зиёдга тикилиб.

— «Исмоил Сомоний» мақбарасини демоқчимисиз?

— Ҳа, Бухородаги.

— Кўрганман, — деди Зиёд босиқ оҳангда.

— Қурилиш материали асосан ғишт, буниям биласиз, албатта.

Зиёд бош иргеди.

— Минг йилдан бери одамларни ҳайратга солиб келяпти. Демак, гап материалда эмас, қура билишда.

— Шунинг учун ҳам қурилишни консервация қилсак, демоқчи эдим. Бир йил кеч битса, ҳечқиси йўқ. Бинобарин зуд объектлар шошилтиряпти...

— Йўқ, бўлмайди, — деди Тошматов. — Сизнинг қурилишингиз — маданий объект. Сиёсий томони бор. Қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳозир уни кесинг, буни қирқинг, деб ўтирмайман. Мана бўлим бошлигингиз раҳбарлигида прораб, инженер, ўзингиз бўлиб қайтадан кўриб чиқинглар. Биламан, сизлар архитекторлар, қурувчилар бир оз айёр бўласизлар, ўи минг куба жетадиган жойга ўн беш минг ёзасизлар, бешта зинани ўнта қилиб кўрсатасизлар, фонд материалларни керагидан кўпроқ талаб қиласизлар...

— Ҳамма парса ҳисоб-китоб қилинган, — деди Зиёд, — ҳалшам қанча зарур нарсаларни кесиб ташлаганмиз...

— Майли, баҳс қилиб ўтирмайлик, — деди Тошматов ўрнидан туриб, — мен айтган таклифларни тушундиларингиз, ўйлайманки, бир иложини топарсизлар. Топмасанглар бўлмайди, бошқа иложи йўқ. Гап шу. Саломат бўлинглар, ишларингизда муваффақият тилайман. Хайр.

Бўлим бошлиғи билан Зиёд маъмурий бинодан шумшайиб чиқишди. Тўғрироғи, бўлим бошлиғи ўзини азиятли кўрсатишга ҳаракат қиларди. Аслида Зиёд бошига тушган гам уни бир қадар қувонтирар, лаззат бағишлар эди. «Сендақа юлдуз ураман деганларни кўп кўрганмиз, бузоқнинг югургани оғилхонагача, бир кун ҳоврингдан тушасан, гижинглашингни ўшанда кўрамиз», деган хаёл билан у қўлини Зиёднинг елкасига қўйди:

— Се ля ви, — деди бош чайқаб. — Яъни, тўлагап буюради. Энди буёғи мумкин қадар кам талафот билан жангдан чиқиш керак. Кам талафот билан. Бу ўзимизнинг қўлимизда.

Зиёднинг кўзига бўлим бошлиғи ит бўлиб кўринди,

башарасига мушт туширгиси келди. «Аблаҳ,— деб ўйлади Зиёд,— ҳар гал шунақа қилиб, эт ўлдиради. Бунга қолса, бинони тўнтариб қўйса ҳам бари бир, пул тўлашса, мукофот беришса, жойидан ҳайдашмаса — бўлгани...»

— Менга қаранг,— деди Зиёд тапбеҳ назари билан унга тикилиб,— шу жойда неча йилдан бери ишлайсиз?

— Йигирма беш йил бўлади, нимаиди?— сўради у Зиёд нима демоқчи бўлганини билса-да.

— Яна йигирма беш йил ишлайсиз,— деди Зиёд, газабини босиб.— Афсуски...

Зиёд шартта қайрилиб кетди.

Бўлим бошлиғи хафа ҳам бўлгани йўқ. Бундоқ олиб қараганда, Зиёд ҳақ. Йигирма беш йил ишлаган бўлса ҳам бирошта арзигулик бино лойиҳасини кўрсата олмайди. Бир пайтлар бунинг ҳам қатъий, ўжар лойиҳалари бўлган, бу ҳам лойиҳаларни ҳимоя қилиб кўрган, натижа бермагач, қўл силтаган, мослаша бошлаган, амалдорлик пайига тушган. «Ё сен урасан, ё сени уришади. Кучинг етса урасан, кучинг етмаса, таслим тушасан, айтганини бажарасан. Бошқачаси бўлмайди. Се ля ви!»— дейди у одатда ва мана, неча йилдирки, бу назариясидан маълум имтиёзларга эга бўлиб келмоқда. Тинч, осойишта. «Бари бир ўзингникини ўтказа олмаганингдан кейин бировнинг айтганини бажонидил бажар, уям хурсанд, сенинг ҳам ошингнинг олчи. Оёғинг остидаги ерни тепиб, тумшугингги шохга чўзиб нима қиласан...»

Минг хил қарама-қарши хаёллар Зиёдга уйку бермади, эрталабгача тўлганиб чиқди. Аллакимлар билан унсиз олишди, кимларгадир нималарнидир исбот қилиб кўрди, назарида келтирган далиллари ишонарли бўлиб туюлди. «Наҳот шу бино танҳо мен учунгина керак бўлса?— деб тажаанг бўлди Зиёд.— Мунча тиш-тирноғим билан ёпишмасам? Ахир бино битгандан кейин гердайиб меҳмонларга кўз-кўз қилувчилар бошқалар бўлади-ку! Мени ҳатто эслашмайди ҳам. Аллақандай навбатдаги қурилишда чанг ютиб, лой кечиб юрган бўламан. Шундай экан,

кўнгилларига келган нарсаларини қилишавермайдими? — Шу қарорга келгач, Зиёднинг кўнгли таскин топгандек кўринди, у бу ножўя ишга дахлдор эмаслигидан ҳатто бир қадар мамнун бўлди, келажак кўнгилсиз оқибатни бошидан соқит қилиб, гўё нуқта қўйди, бошқа бу ҳақда ўйламасликка уринди, бироқ қанча уринмасин, бўлажак иморатининг аянчли тимсоли унинг кўз ўнгиди гавдаланар, ундан нажот истагандек бўлар, шунда йигитнинг дилида янги исён кўзгалар, яна вужудини титратар, алғовдалғов қила бошларди. — Йўк! — деди у ўзига-ўзи. — Шу бино мен учун синов. Иккита лойиҳам расво бўлди. Бунисини ҳимоя қила олмасам, синаман, бўлак қаддимни кўтара олмайман». Дилида тугён урган шиддатдан Зиёднинг ўзи руҳланиб кетди, бироқ айни бир пайтда Тошматов кабинетидан шумшайиб, бирон фикрини уддалаб айта олмай чиқиб кетганини эслаб, ўзидан-ўзи ижирганиб, уйига келиб олиб иссиққина ўрида хаёлий жанг очиб жасурлик қилаётганидан баттар зил кетди. «Тизза исёни!» — деб таърифлади ўз ҳолатини.

Эрталаб Зиёд қурилиш майдонига борганда, иш одатдагидай жадал эмас, суёт эди. «Кечаги гап прорабга ҳам етиб келипти чоғи», деган хаёл Зиёднинг миясидан ўтди. У вагонча ичига кирганда прораб чап оёғига пайтава ўраш билан машғул, эгилгандан бўлса керак, семиз юзи қизариб кетган эди. Зиёд скамейкага ўтирди, столда қалашиб ётган домино доналари ва полиэтилен каскаларни энги билан четга суриб қўйди. Прораб этигини кийиб, телефон аппарати ўрнатилган столга бориб ўтирди.

— Қурилиш бошқармасидан кўнгироқ қилишди, — деди Зиёдга ноҳуш тикилиб. — Ўзгаришлар киритармишсизлар. Қаер ўзгармайди, шуни айтинг, ўша ёққа ишчиларни ўтказамиз. Иш тўхтаб қолиши керакмас, одамларнинг маошига зарба бўлади.

«Прорабга эстетика керак эмас, план керак, — деб ўйлади Зиёд. — Чўчкаҳона қуряптими, театрми, бунга бари бир...»



— Нега индамайсиз, ишчилар буйруқ кутишяпти.— Асабий оҳангда прораб Зиёднинг хаёлини бўлди.— Қаерлар ўзгаради? Уйлагандирсиз-ку, ахир.

— Ким айтди, ўзгаради, деб?

— Бошқармадагилар. Шахсан бўлим бошлиғи қўнғироқ қилди. Ҳали-замон ўзиям келиб қолади.

— Ҳеч нарса ўзгармайди,— деди Зиёд афти буришиб. У дарҳол чўнтагидан дори олиб бирваракайига иккита таблеткани оғзига ташлади.

Прораб дарҳол стаканга сув қуйиб, Зиёдга узатди.

— Яна тутдимми?— хавотирланиб сўради прораб.

Зиёд кўзлари юмуқ ҳолда товуш беришга ҳам ожизлигидан бошини қимирлатиб, ҳа, дегандек бўлди. Семиз юзли прораб эсанкираб қолди.

— Ёта қолинг, Зиёд Нуриевич,— деди у Зиёднинг елкаларидан ушлаб.— Шу скамейкага чўзилинг, мен ҳозир «Тез ёрдам» чақираман.

«Тез ёрдам» келганида Зиёд тердан жикқа ҳўл, кўзлари косасидан чиққудек — дарди қаттиқ тутган эди. «Шундоқ оғриқдан кўра ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди,— ўйлади Зиёд азоб исканжасида.— Лойиҳани ҳам ўзгартириш азобидан холи бўлардим...»

«Тез ёрдам» врачлари дарҳол оғриқни босадиган укол қилишди ва брезент замбилни келтиришди. Ҳаш-паш дегунча «Тез ёрдам» машинаси кўздан гойиб бўлди.

Касалхонада Зиёдни операция столига ётқизишмади — хуруж пайтида мумкин эмас экан. Анализ олишди, рентген қилишди. Буйракда данакдек тош бор экан. Ҳамма оғриқ шуники, дейишди. Операция фавқулодда чора. Врачлар консилиум қилиб, тошни дори-дармон воситасида эритиб юбориш тадбирини қўллаб кўриш керак, деган маслаҳатга келишди. Қўнлар кетидан ҳафталар ўтди, дори-дармонлар кутган натижани бермади. Битта буйрак ҳамон тўсилиб ётипти. Фақат иккинчи буйрак ишламоқда. Яна анализлар, рентгенсуратлар, консиллум. Ва операция қилиш қарори. Операцияга беморни тайёрлаш билан боғлиқ

юмушлар. Зиёдиннинг ранги сал оқарган, чўчияпти. Ништар тигига ётини ҳазилакам нарса эмас, албатта. Бир кун бурун Зиёд ҳамшира ва врачлардан уйдагилар учраб қолишса, эртага операция бўлишини айтманглар, деб илтимос қилди, ўзи ҳам айтмади.

— Эртага овора бўлиб келмай қўя қолинглар,— деди Зиёд каравоти қиррасида елкасига оқ халат ташлаб ўтирган хотинига.— Ишхонадагилар келишмоқчи. Йўқ, десам унашмади. Менга қолса улар ҳам келмаса майли эди. Халил акадан хижолат чекапман.

Зиёднинг ҳамхонаси Халил акани операция қилишга нига ўн кундан ошди, ҳамон негадир резинка ичак уланган шишани осилтириб юради, ярасининг битиши секин ўтмоқда чоғи. Шундан ийманади шекилли, Зиёднинг ҳузурига ким келмасин, секин туриб палатадан чиқиб кетади. Ундан ташқари, Халил ака узоқ жойдан келган, ундан деярли ҳеч ким хабар олмайди. Хотини учта ёш боласини судраб эридан бир марта хабар олиб кетди. Халил ака, бошқа келманглар, йўл олис, деб тайинлади кетар чоғи хотинига. Балки шунинг учун Зиёд ҳузурига одамлар келаверишини кўп эи кўрмайди, ҳамхонасининг кўнглини аяйди. Олиб келинган нарсаларни Зиёд шериги билан баҳам кўради, аммо гап овқатда эмас, албатта...

Ҳақиқатда, операция кунин ҳар тугул Зиёднинг уйдагилари келишмади. Ишхонадагилари ҳам. Зиёд, ишхонадагилар келишади, деб шунчаки хотинига ёлгон сўйлаган — келишмасин, деб.

Операция қалча давом этди, Зиёд буни билмади. Наркоз таъсири тугаб, кўзларини аранг очганида, кеч кирган, палата чироғи ёқилган, каравоти ёнида ўтирган Халил ака нам пахта билан Зиёднинг лабларини хўллаб ўтирар эди.

— Бўлди, қутулиб олдингиз, жигар,— деди Халил ака самимий севириб.— Операциянгиз яхши ўтди. Дўхтирлар шунақа дейишяпти.

Зиёд аранг мийиғида жиямайиб қўйди. Жароҳат ўрни

қаттиқ ачишиб оғрир, кўл-оёқлари кўргошин қуйилгандек зил оғир, ичи ташпаликдан ёнар, сув ичгиси келар эди.

— Сув...

Халил ака бундай пайтда сув бериш қатъий мумкин эмаслигини ўз тажрибасидан яхши билади, шунинг учун, «ҳозир ҳамширани чақирай, кўзларини очса, айтнинг, деди», деб палатадан чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг ҳамшира жувон кирди, ёд бўлиб кетган юмушларни бажара бошлади, сув бермаслик учун ухлатадиган укол қилди, Зиёд яна қаттиқ уйқуга кетди...

Мана, операция қилинганга ўн кундан ошди, Зиёд тетик, ийини олиб ташланган чок чандиқлана бошлаган. Ҳали-замон чиқиб кетади. Уйдагилари ҳанг-манг бўлиб қолишади, албатта.

Ҳамиша касалхона жомасида кўриб юрган Халил ака, палатага кирганида Зиёднинг кўча кийимида кўриб, аввалига танимай қолди, таниганидан кейин, кўзларида таажжубга ўхшаш аломат пайдо бўлди.

— Жавоб беришди, Халил ака, — деди Зиёд ўрнидан туриб. — Уч ойдан кўн ётдим шу даргоҳда. Бўлар энди. Тоқатим тоқ бўлиб кетди. Сиз билан хайрлашиб кетай, деб ўтирувдим. Хайр, Халил ака, тезроқ согайиб кетинг. — Зиёд қучогини очиб, Халил акани бағрига босди. Халил аканинг кўзи намланди. — Баланд-паст гапирган бўлсам, узр, кечирворинг.

— Раҳмат, жигар, менам ножўя у-бу нарса деб кўнглингни оғритиб қўйган бўлсам, дилнигиздан чиқариб таниланг, иним, яхши йигит экансиз, биз томоцларга йўлингиз тушса, эшикка ўтинг, бошимиз кўкка етади.

— Албатта, Халил ака, — деди Зиёднинг ҳам кўнгли алланечук бўлиб. — Хабар олиб тураман, чиқадиган кунингиз уйга олиб кетаман, туз-намак бўлди, эслашиб ўтирамин. Хайр, омон бўлинг...

— Хайр, жигар, худо қувват берсин, — дея, Халил ака юзига фотиҳа тортди.

Хужжатларга қўл қўяркан, даволовчи врач охирги маслаҳатларни берди:

— Уйга борибоқ ётинг, ҳали чоклар позик. Бирон ойлардап кейин Трусковецга бориб, дам олиб келинг, мусаффо бўлиб кетасиз. Бизнинг қўлимиздан келгани шу. Зиёд Нуриевич, камчилик ўтган бўлса, хизматчилик, айбга буюрмайсиз. Энди касалхона деган нарсани, халқимиз ибораси билан айтганда, елкангизнинг чуқури кўрсин.

— Раҳмат, доктор, қўлингиз дард кўрмасин, қилган яхшилигингизни зинҳор унутмайман.

— Кутгани машина келадими?

— Чиқишимни айтмовдим, улар душанба кунини кутишяпти. Зарари йўқ, такси учраб қолар.

— Устингиз юпун-ку, ҳаво салқин. Пальто опкелиб беришганми?— хавотирланиб сўради врач.

— Тезда етволарман.

— Хом иш бўпти, Зиёд Нуриевич,— деди врач шифокорларга хос танбеҳ билан.— Мунақада шунча қилган меҳнатимизни чиппакка чиқариб юборасиз-ку.

Зиёд саросима аралаш илжайиб қўйди.

— Бўлмаса, мапа,— дея врач бориб илмоқдаги пальтосини олди.— Меникини кийиб кетасиз. Йўқ, деманг. Врачнинг гапи қонун. Касалхона машинасини илтимос қиламиз, элтиб қўяди, қайтишда пальтониям ола келади.— Врач телефон трубкасини олди.

— Мени уялтирясиз, доктор,— деди Зиёд, баттар мулзам бўлиб.— Эсим қурсин, шу ёғини ўйламапман-а...

— Ҳечқиси йўқ. Муҳими, шамоллатиб қўймасангиз бўлгани. Акс ҳолда бизга иш орттирасиз, шунча ётганингиз етар ё ёқиб қолдими?

Улар самимий кулишди. Зиёд кўтаринки руҳ билан шифохонадан чиқиб кетди, уч ой мобайнида қадрдон бўлиб қолган ҳамшираю санитарлар Зиёдни машинагача кузатиб қўйишди. Зиёд кўзини яширин артиб олди.

...Зиёд Трусковецдан икки ойдан ортиқ даволаниб қайтди.

Аслида бир ой деганда қайтиши керак эди, лекин ўзига кўпроқ ишониб юбордими, чанги учиш кайфиятига берилиб, буйрагини шамоллатиб қўйди. Яна оғриқ бошланди. Зиёд яна тош келди, деган гумонда бир печа кунгача хуноб бўлиб юрди. Рентген тош кўрсатмади. Оддий шамоллаш экан. Энди у соғлом, аввалги оғригу бетобликдан асар ҳам қолмаган. Тетик, бақувват, кўзларида мавж.

Зиёд самолёт эшигидан чиқиб, трапга қадам қўйиши билан димоғига илиқ ҳид гул этиб урди. Зиёд борган жойларда ҳамон қиш, қор бир саржин бўлиб, ерни қоплаб ётипти. Баҳорнинг исси ҳам келмайди. Бу ерлар эса, ўхў!.. Баҳор айни кучга кираётган палла, ҳаммаёқда гулларнинг бош айлантирадиган ҳиди. Ўриклар кўпикка буркалгандек оппоқ. Мажнунтолларнинг тарам-тарам ингичка новдалари кўм-кўк, ҳаммаёқ майин майсалар кучоғида, шабада ўрик гулларини ҳавода чирпирак қилмоқда. Мусаффо осмонда узун думли лайлақлар, варрақлар сузмоқда. Бутун борлиқ сокин ва осуда.

Зиёд шошмай такси бекатига борди. Уни ҳеч ким кутгани чиқмаган. Атайин Зиёд келиши ҳақида уйдагиларига телеграмма бермади — ишхонадагилари қулоғига етиб қолса, баъзилари кутиб олгани чиқишлари мумкин. Шундан қочиб, Зиёд хабар бермади.

Зиёд таксида шаҳар томон кетаркан, юраги орзиқарди.

— Шаҳарда «Билим саройи» қурилаётувди, — дея шофёрга мурожаат қилди Зиёд. — Битдими?

— Ҳа, ака, битди. Икки ҳафта бўлдимикин, митинг қилиб, дабдаба билан очишди. Ўзимиззи ерлик архитекторлар ишлашибди денг! Тошкентникидан қолишмайди, дейишади.

— Ким шунақа дейди? — қизиқиб сўради Зиёд.

— Кўрганлар-да, мен яқинига бориб кўрганим йўқ. Қўл тегмайди, денг.

— Мени ўша жойда тушириб қўйинг.

— Хўн бўлади, ака...

Такси айтилган жойга бориб тўхтади. Зиёд ҳақ тўлашга чалғиб, бинони яхши кўра олмади. Ниҳоят, чамадонига пальтосини ташлаб, ҳаяжон огушида ўз хаёлида яратган биноси жамолига қаради... Қаради-ю, ҳам таниди, ҳам танимади. Қаршисида баҳайбат, босўнақай, бой, аммо бедид бир иморат турарди. Зиёднинг юрагига ханжар қадалгандек, инграб юборди. Демак, Зиёднинг бу лойиҳаси ҳам барбод бўлипти. Нега ўзи шу ишни бажармади? Нега ўзгаришларни ўзи киритмади? Лоақал учча-мунча парсаларини сақлаб қолиши мумкин эди-ку!

Зиёд ўзини ушлади, секин юриб, бинонинг ички томони-га йўл олди. У ерда доирасимон ҳовли бўлиб, ўртасида кулранг гранитдан ҳошияланган фаввора бўлиши, ҳовлининг тепаси ойпабанд бўлиб, расадхона-обсерватория гумбазини эслатиши керак эди. Аммо ҳовлига киргач, Зиёд на гумбазни тонди, на гранит ҳошияли фавворани. Фаввора ўрнига ерни юмшатиб, мева дарахти экиб қўйишипти. Гул бўлсаям, кошкниди. Миноранинг атрофида буралиб чиққан гиштини зиналар цементдан ишлатишти, опалубка тахталарининг излари шундоққина кўришиб туришти, ихтасини ўрнатишмапти. Бу зиналар юлдузлар ҳаракатини кузатиш учун мўлжалланган «Улугбек майдончасига» олиб чиқиши керак, лойиҳага амал қилинган бўлса, учинчи қават сатҳида жойлашган майдонча ўркач-ўркач гиштини деворчалар билан ўралган бўлиб, майдонча марказида сариқ мис панжарали Улугбек расадхонасидаги секстантин эслатувчи кўн зинали гор бўлиши керак. Зиёд қўлларини орқасида қовуштириб ўрама зинадан юқорига кўтарила борди. У шошмас, ўткир нигоҳи нималар ўзгаргани-ю, нималарни сақлаб қолинганлигини чамалаб борарди. Ниҳоят, учинчи қават сатҳига етганда, тўхтади, майдончага кўз ташлади: Улугбек расадхонаси секстантин эслатувчи горнинг оғзи оҳак ва цемент юқлари қолган тахталар билан миҳлаб қўйилган эди. Майдонча атрофини ўраган пастқам деворлар текис, ўркачсиз эди.

Зиёд ўрама зинадан чиққани учун боши айлангани ёки бошқа нарса сабаб бўлгани, ўнг кафти билан кўзларини тўсди, шу тахлит у бир зум зина майдончасида турди ва... дақиқа ўтар-ўтмай саройнинг мети деворлари гурс этган товушининг акс садосини қайтарди. Акс садо бир нафас ҳавода дайдиб юргач, сукунат қаърига чўкиб, сўнди...

## ОЛМА

Қўлдошвой Шокирали билан хайр-хўшлашиб турувди, ичкаридан жаранглаб ойна сингани, шу заҳотиёқ ёни боланинг чирқиллаб йиғлагани эшитилди. Қўлдошвой ўғилчасининг овозини таниди, юраги хижил бўлди. Одоб йўлига ночор жилмайиб кўшнисини билан хайрлашгач, ойна бирон ерини кесди-ёв, деган хавотирда эшикни очиб, қулоч ёзса, икки деворига қўл етадиган усти очик йўлакка кирди. Бу йўлакнинг бутун узунлиги бўйлаб маккажўхори экилган бўлиб, бир қулоч очиклик юриш учун қолдирилган эди. Димоғига оғилхона шалтоғининг иссиқ ҳиди келиб урилди. Қўлдошвой тез юриб ҳовлига кирди. Бу саҳни уч-тўрт супача келадиган тор, зах ҳовли бўлиб, тўрт томони баланд-паст бостирма, қингир-қийшиқ пачоқ уйлар билан ўралган, томлардаги шифер, занглаган тулука парчалари гишт-тошлар билан бостирилган эди. Бурчакдаги бир туп олма сояси бу қудукдек ҳовлининг ярмидан зиёдини қамраган.

Кўндаланг терилган «мусулмон» гиштлири кампир тишидек яккам-дуккам зинада Асқар ғужанак бўлиб ўтирар, энтикиб йиғлар, шира қўлчалари билан ёшли кўзларини ишқар эди.

Қўлдошвой ўғлининг олдида бориб чўнқайди, разм солди, қон кўрмагач, ҳадиги босилди.

Саври хола нариги айвонда ойна парчаларини хокандозга супуриб олар, жаҳл устида Қўлдошвой томон қарамас ҳам эди.

Қўлдошвой ўглининг қўлини аста айирувди, Асқар отасининг бўйнига ёпишиб, баттар йиглай кетди.

— Нима бўлди, ўғлим? — Қўлдошвой боланинг орқасини силади.

— Нега йиглаяпсан? Ким сени хафа қилди?..

— Ман хафа қилдим! — деди чинқироқ овоз билан Саври хола хокандоздаги ойна парчаларини ахлат челақка жаранглатиб тўкиб. — Ман! Бир шапалоқ урдим. Беноватим — шу.

Ўчоқбошида жўхори қайнатаётган келини исқирт кўйлагининг ёнини гижимлаганича серрайиб қолди, ариқ бўйида терт қораётган ўн беш яшар ўғли Салим қаддини ростлади, оғилхонадан сочи тўзгиган қиз Ҳалима мўралади.

Қўлдошвой индамади.

— Бола азиз, хулқи ундан азиз! — жаврай кетди Саври хола. — Ҳовлимда шу битта дарахт бор. Ўзимни сан, деб шуни сиз, дейман. Ўғилчангиз бўлса, қўли бўш қолдим, шунга кесак отгани отган. Балойи нафс ҳаммадаям бор. Бир кунимизга ярар, деб болаларимга қурт босганиниям едирмийман...

Бу бечора тиним билмас, бошқаларга ҳам ҳаловат бермайдиган жонсарак аёлга Қўлдошвойнинг ҳам газаби, ҳам раҳми келди. Пул топай, деб ўзини не алпозларга солмайди. Кўклам чоғи бир жуфт қўзи олиб, қузда пуллайди, сигир соғиб, сут сотади, бузоғи бўғоз бўлиши билан онасини Шўро бозорга ҳайдайди. Олма сояси қуюқлашгунча, ҳовлисига экилган редискани данакча пайтидаёқ соттиради, ўрнига пиёз уруғи сепади. Болалар ўқишдан қайтиши билан бири замбилгалтак, иккинчиси дамлаб қўйилган чойнақларни челақларга жойлаб, Бешёғоч бозорига ошиқади. Қоронғи тушгунча замбилгалтакда бир неча марта эзилган қовун, ҳар хил пўчоқ; челақларда чиқинди помидор, узум, олхўри келади. Молгаем, уйдагиларга — ризқ. Келин ҳам шу оиланинг майлига мос тушган, «меваларни» ювиб-нетади-да, тап тортмай рўзгорга ишла-



тиб юбораверади. Бирон мевага оғзи тегмаган одамни топиш мумкин, аммо бу оиланинг аъзолари бозорга қанақа мева чиқмасин, оғзи тегмай қолмайди. Албатта, бу нознеъматларни сархил дейиш қийин, бироқ — нон ҳам, нон увоғи ҳам нон. Қовун ёки тарвуз бир оз эзилган бўлса нима қипти, ичи тоза-ку. Пишгани эзилади. Кечгача ҳамма банд, хуфтонда қозон осилади. Унгача келини растанинг бир ёнидан ўриш эгаллаб, сабзи тўғраб, сотади, кечалари қайнона-келин қоғоз халта тикишади, талаш бўлиб кетади. Саври хола каллаини саҳар — ҳали болалари уйғонмасдан — чамбаракларга осилган косалардаги сутнинг юзини сидириб, пуллаб келгунча намақобда қайнатилган думбул жўхори тобига етиб турган бўлади. Саври хола ярим бурда нон билан бир пиёла чойни апил-тапил тамшаб ютиб, яна Бешёғочга пилдиллайди. Думбул — тансиқ томоқ, Саври холанинг қўли қўлига тегмайди. Ҳаш-паш дегунча сири кўчган ола-чипор тоғора бўшайди-қолади. Думбулнинг сўтаси ҳам думбул, майин бўлади, майдалаб тертга қўшиб берса, сигир пишқириб еб ташлайди, сут ширали бўлади, кечгача кавш қайтаради. Шунинг учундир, ким думбул тишласа, Саври холанинг кўзи ўшанда бўлади. Баъзилар шошилибми, думбулни чала еб ташласа, қолган-қутганини увол бўлмасин, деб ўзи тозалаб кўяди. Ҳам қорин тўяди, ҳам савоб бўлади.

Саври хола тежамли аёл. Ҳалигача пул тўламаслик учун ҳовлисига водопровод ўтказмаган, болалар сувни кўшниларникидан челақлаб ташишади. Газ ҳам кирмаган, портлаб кетади, деб важ қилади. Ягона чиқим — чироқ пули. Ҳовлисидаги учта хужрага ижара қўйган. Бирида техникумда ўқийдиган тўртта қиз, тўртга ёйма каравотни бир хонага аранг сиғдириб яшашади, яна бирида уч жон оила, охиргисида эса олти яшар боласи билан Қўлдошвой истиқомат қилади. Хужранинг эшикдан бўлак биронта на деразаси, на туйнуғи бор. Эшикни ёлиб ётган кезлари, зимистон бўлиб кетади. Оқшом тушиши билан Салим электр сўтчиғига зўғата илиб чиқади. Умуман,

Саври хола чиқимпи ёқтирмайди. Ҳатто чип арафа кунлари ҳам палов қилмай галли ўтказишга уринади, қўшинларникидан чиққан косаларни бир-бирига оширма қилади.

Бир воқеа сира Қўлдошвойнинг эсидан чиқмайди. Кўк-лам найти эди. Кўмирхонанинг бурчагидан ўсиб чиққан бир тун тут дарахти бўлар эди. Тут пишса, бундан ҳам анча-мулча даромад олиш мумкин эди. Тут эндигина мева тугаётган эди. Прицепли универсал трактор кўчага кириб келди. Бу кўчага трактор йилига бир марта, у ҳам бўлса пилла қурти учун тут шоҳларини кесиб кетишга кирарди. Бу тадбир ҳукуматнинг қарорига биноан бажарилади, шунинг учун тути бор ҳовлининг эгалари қаршилиқ кўрсатмайдилар ҳам. Уларга тутнинг мевасидан сояси зарурроқ. Аммо Саври холага соясидан меваси зарур. Тут ҳам танқис мева. Кўплар «омонлик-сомонлик» учуноқ олиб ейишади. Қанча пул бўлади. Саври хола трактор товушини эшитиши билан занжирда турган итини бўшатиб юборди. Ит биринчи бўлиб кирган вакилнинг илгидап олди. Войдод, айюҳаннос кўтарилди, тўнолон бўлди. Милиционер келиб итни ҳам, Саври холани ҳам олиб кетди. Кечга яқин Саври хола уйига қайтиб келганда, каллак-ланган яйдоқ тути ишшайиб турарди. Саври хола аллакимларни қарғади, болта кўтариб бориб тут тупини чона бошлади, ҳолдан тойиб ўтириб қолди, кир этаги билан афтини тўсиб йиглади...

\* \* \*

Асқар аллақачон овунди, уйқу элтиб, тарсақини ҳам унутди. Бироқ тарсақининг захри Қўлдошвойнинг юрагида қолди. Бир дона олма учун нораста гўдақни уришга Саври холанинг кўнгли қандай дов берди экан-а? Уч ёшга кирмай онасидан айрилганининг ўзи каммиди?

Охирги пайтларда бу ҳиммат нималигини унутиб кўйган хонадондан кўнгли қола бошлаган Қўлдошвой учун бугунги дилзорлик охирги чегара бўлди. У қўлга уннаган нарсаларни битта чамадонга тиқиб, ҳовлига тушди, ижара ҳақиға уч сўм кўшиб (сипган ойна учун) Саври холага тутқазди. Саври хола алланималар деб гўлдираб, вазиятни юмшатмоқчи бўлди, аммо Қўлдошвойга кор қилмади. У Асқарни етаклаб икки йилдан зиёд турган уйдан чиқиб кетди.

Ўзи ишлайдиган трамвай паркига кириб борганида тун қоронгилашиб, салқин туша бошлаган эди. Қўлдошвой чамадонини қоровулхонага кўйиб, шаҳарга кетди. Асқарни фонтанлар атрофида айлантирди, мороженое олиб берди. Алламаҳал бўлганда, ухлаб қолган Асқарни опичиб, паркка кириб келди. Сменадан қайтган трамвайлар ўз устидан чўғ ёғдириб, жой-жойларини ахтарар, юракни сескантириб чийиллар эди.

Паркнинг хув этагида яроқсиз трамвайлар қалашмаси. Офтобда қовжираган, ёмғирда занглаган лангарсиз, гилдираксиз вагонлар ҳар алпозда турар, шарпаси филлар маконини эслатар эди. Қоровул ўз жойини кўрсатувди, Қўлдошвой унамади, ўша ёққа кетди. Қоровул бир қўлига кўрпача, бир қўлига чамадонни олиб, Қўлдошвой ортидан эргашди. Ўриндиги бор вагонни танлаб, ичига киришди. Қоровул ўриндиққа кўрпача тўшади, Асқарни ётқизишди.

— Нима гап ўзи, Қўлдошвой? — қарама-қарши ўтириб сўради қоровул. — Нега мунақа дарбадар бўлиб юрибсан?

Қўлдошвой, «э», деб қўл силтади. Унинг кўнгли хира, ёрилгиси келмади. Қоровул бошқа суриштиради, чой олиб келаман, деб туриб кетди.

Қўлдошвой чамадонидан костюминини олиб, ўглининг устига ёпди, тирсагини вагоннинг ойнаси деразасига кўйиб, ўйга толди. Бошпана ахтариш йўлини ўйлади. Етоқ олса, Асқар қаровсиз қолиб кетади. Боғчага топширай

деса, ёши олтидан ошиб қолган, қабул қилишмайди. Қўлдошвой Тошкентга келиб қарор топиб қолганига душаймон бўла бошлади. Нима қилсин, бу ҳам ёлғизликдан келиб чиқди. Улар Мирзачўлнинг бир қишлоғида туришар, атрофдаги аҳоли ҳар томондан ер ўзлаштириш учун келган, тайин касби йўқ одамлар эди. Қўлдошвой ягона фарзанд бўлиб, ота-онаси дунёдан ўтган, ўзи тентираб шу ерларга келиб қолган эди. Авваллари дуч келган колхоз юмушларини бажариб юрди, понвойхонада ишлайдиган Соҳиба исмли қизга уйланди. Колхоз берган типовой уйда туришди. Йил ўтмай Соҳиба ўғил туғиб берди, отини Асқар қўйишди. Уларнинг жажжи онласи тотли умр кечира бошлади. Асқар уч ёшга етиши олдидан Соҳиба яна ҳомиладор бўлди. Бироқ бола чала тушди. Қон тўхтамади, Соҳиба ўзига келмай нобуд бўлди. Она-болани ёнма-ён қўйишди. Бутун дунё Қўлдошвойнинг кўзига қоронғи кўринди, ортиқ бу ерларда тура олмади. Соҳибанинг Тошкентга тушган синглиси бўларди. «Жигар-ку, Асқарни қаноти остига олар», деган ният билан Қўлдошвой Асқарни етаклаб Тошкентга жўнади. Қайинсинглисининг исми Адол эди, аммо Қўлдошвой унинг фамилияси қанақа эканини билмас эди, хотинининг фамилияси бўйича справка дўконларидан суриштирди. Шу фамилияли кўп хонадонларга борди. Лекин Адол топилмади. Эрининг фамилиясида бўлса керак, деб ўйлади Қўлдошвой, бироқ божасининг фамилиясини билмас, эшитган бўлса ҳам эсидан чиқарган эди. Умиди пучга чиқиб, йиқитилган симёғочда ўтирувди, бир челақ барда кўтарган қотма аёя юкни ерга қўйиб, қўя қоқди.

— Ўғлим, бировни кутяпсизми? — сўради. Бу Саври хола эди. — Анчадан бери ўтирибсиз...

— Анави ҳовлини истаб келувдим, — деди Қўлдошвой одоб билан жилмайиб. — У эмас экан.

— Кимни қидиряпсиз?

— Ўғлимнинг холасини. Оёғимизда оёқ, биз бош урмаган эшик қолмади.

Бир бегона аёл шунчалик ичи ачиб суриштирганига жавобан Қўлдошвой қисқача бошидан ўтганини сўзлаб берди.

— Энди қайтасизларми юртингизга?— сўради аёл.  
Қўлдошвой елка қисди:

— Хайронман...

Саври хола бўш хужра борлигини айтди, ҳолдан тойган Қўлдошвой рози бўла қолди...

Адолни излаб кўчаларда юрганида симёғочларга, тахталарга ёпиштирилган эълонларга кўзи тушган эди, Қўлдошвой эртасигаёқ трамвай ҳайдаш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган курсга бориб жойлашди. Агар Саври хола ижара бермаганда ҳам, Қўлдошвой ўша курсни мўлжалга олиб турувди. Уқиш муддати оз, ётоқ билан таъмин қиларкан, стипендияси ҳам дуруст. Уқиш муддати кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Қўлдошвой трамвай ҳайдай бошлади, чўнтагига пул тушди...

Қўлдошвой кўзини очганида осмон оқара бошлаган эди. Сменага чиқиши керак. Қоровул бир чойнак чой билан битта пиёлани шундоқ ёнгинасига қўйиб кетибди, Қўлдошвойни уйғотмабди.

Қўлдошвой ширин ухлаб ётган Асқарни елкасидан оҳиста туртди. Бола уйғона олмай гингшиди, бироқ ота боласини ноилож уйғотишга мажбур бўлди. Асқар бир оз хархаша қилди, кейин гандираклаб отасига эргашди.

Қўлдошвой ёнига курси қўйиб Асқарни ўтказди, трамвайни ҳайдаб маршрутга чиқиб кетди. Кечгача мийси хаёлдан бўшамади. Ногаҳонда армияда бирга хизмат қилишган ошнаси Тўрабек эсига тушди. У ҳозир Ғазалкентдаги совхозда агроном бўлиб ишлайди. Ҳар кўрғанда боргин, деб қисталанг қилади.

Қўлдошвой сменасини топшириб, мудир олдига кирди, ўглини баҳона қилиб, бир ҳафтага ижозат сўради, ўша заҳотиёқ автостанцияга бориб, Ғазалкентга билет олди, Асқарни дераза ёнига ўтқазиб, ўртоғиникига жўнади...

Тўрабекнинг хотини олча панасига ўрнатилган сўрига жой солиб берди, икки оғайни майкачап кўрпада ўтириб, алламаҳалгача ҳасратлашишди. Тоғ томондан эсган салқин шабада баданни хиёл жунжиқтирар, пастдан сойнинг бўғиқ пишқириши, нохуш пидоси эшитилар эди...

Эрталаб Қўлдошвой уйғонганида Асқар аргимчоқда тебраниб ўтирар, қўлида сарёғ суртилган нон бор эди. Янғаси бошига пешонабоғ тангиб, ҳовли супурар, Тўрабекнинг ўрни бўш, сўрининг ёнгинасидаги стол устига дока ёпилган бўлиб, остидаги таом солинган идишларнинг шакли сезилиб турар эди. Қўлдошвой шимини кўрпа остига киритиб апил-тапил кийинди, пастга тушди. У анчадан буён бунақа мазза қилиб ухламаган эди, енгил руҳ билан уйғонди. Унинг устига ҳаво салқин, қуюқ қилиб сув сепилган ҳовлига кун тушмас, гуллар баргидаги сув томчилари хиёл титрар, ногаҳонда тушган қуёш нурини акс эттириб жимирлар эди.

— Ухлаб қолибмиз-да, — деди Қўлдошвой ювиниб келиб ва сочиқни симга осди. — Тўрабекни туриб кетганини пайқамабман ҳам. Қотиб қолман...

— Жуда яхши-да, — деди келин Қўлдошвойни рағбатлантириб. — Ҳаво яхши, ухламаганим ухлатади ўзи. Қани келинг, нонушта тайёр. Келинг сизам, Асқаржон, — Розияхон нонушта устидан докани кўтарди, пилаларга ширчой қўйди, нон ушатди, асал идишини суриб қўйди. — Ўртоғингиз тўртинчи участкага кетдилар, сизни уйғотишга кўзлари қиймади. Тушки овқатга келадилар. Мен бир оздан кейин Асқаржонни олиб боғчага чиқиб кетаман, ўшатта тарбиячи бўлиб ишлайман. Сиз бемалол дам олинг, ичкари салқин, диванга жой қилиб қўйдим.

— Раҳмат, янғажон, — дея Қўлдошвой оғзига бир тишлам нон солди. Унинг ҳаракатларида андак тортиниш сезиларди.

— Тортинманг, — деди Розияхон далда бериб. — Асқар-

жон ўзим билан бўлади, хавотир олманг. Масаллиқлар бор, кўнглингиз тусаган овқатни қилинг, ўртоғингиз келса, бирга овқатланасизлар. Ё ўзим қозонга шўрва солиб кетайми?

— Йўқ, овора бўлманг, бирон нарса яшаш қўлимдан келар.

Қўлдошвой бир ҳафта ҳам турмади.

— Сен бир гапларимни ўйлаб кўр, — деди Тўрабек йўлга отланаётган Қўлдошвойга. — Асқар шу ерда қолаверсин, болалар билан овуниб юради. Келсанг — бош устига. Ишга жойлаб қўямиз, уй берамиз... Кам бўлмайсан. Агар тўғри келмаса, майли, соғинганингда Асқарни олиб кетарсан.

— Қўлимдан иш келармикин, — деди пировардида Қўлдошвой. Унинг иккиланишидан Тўрабек мойиллиги борлигини пайқайди. — Сени уялтириб қўймасмикинман?

— Ҳали қирчиллама йиғитсан. Вилагида кучи бор кишининг урдасидан чиқмаган иши борми? Ахир қишлоқ боласисан-ку...

\* \* \*

Қўлдошвой шаҳарга яқинлашиб келаркан, сўлим, жаннатмакон ерлар уни баттар ўзига чорлагандек бўлди, қаршисига ваҳима солиб яқинлашаётган шошқалоқ, бешафқат шаҳар Қўлдошвойнинг кўзига ўта бегона ва диққи бўлиб кўринди. У неча кун қишлоқда турган бўлса, Тўрабек ўзи билан олиб юрди, кўп жойларни, қилинаётган ишларни кўрсатди. Аслида қишлоқни дили қўмсаб юрган Қўлдошвойнинг дарди янгилашиб кетди.

Мана, уч йилдан ошди, Қўлдошвой шу қишлоқда меҳнат қилади. Оддий ишчи. Дарахтларга дори сепеди, сув қуяди, мева теради. Янги ўзлаштирилаётган ерларга ниҳол ўтқазади.

Водокачканинг нариги ёғига қурилган, аммо қаровсиз

қолиб кетган бир хонали гиштин уйни беришди. Умуман, пухта уй, фақат эшик-ойналари сишиб кетган, сувоқлари кўчган, шиферлари ёрилган, ораси очилиб қолган полининг устида оҳак, гишт парчалари қалашиб ётарди.

Қўлдошвой ишдан бўш пайтларида уйга қаради: тоза-лади, эшик-ром ўрнатди, сувоқ қилди, оқлади, бўяди. Водокачкадан сув олиб борди, электр тортди. Атрофини чопиб, дарахт ўтқазди, гул экди, сабзи-пиёз сепди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ташландиқ уй ялт этиб кўзга ташланди-қўйди.

Тўрабек бир куни очилиб ётган гуллар, энди бўй чўзаётган дарахтларга қараб:

— Одамнинг қўли гул, деб шуни айтишади-да, — деди. У гапни узоқдан бошлади. — Қара, одамми кўзи яйрайди...

Қўлдошвой ийманиб жилмайди-да, ариқ бўйида турган пиша банкадаги яхна чойни келтириб, пиёлага қўйди, Тўрабекка тутди.

— Энди, огайни, битта товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деган гап бор, — дея гап бошлади Тўрабек. — Ёшинг қирқдан ошди. Мана, Асқарнинг мактабга қатнапти. Велосинед оберибсан. Топар-тутаринг тузук. Энди бир аёл киши бўлмаса, на рўзгорингда барака, на турмушингда файз бўлади. Икки жонсан, иссиқ-совуғинг, кийим-кечагинг дегандек... Агар ўзинг биронтасини кўз остига олиб қўйган бўлсанг, айт, бош-қош бўлайлик ёки бизга қўйиб бер, топайлик...

Қўлдошвой авваллари ҳам бу ҳақда ўйлаган, аммо тайин бир қарори бўлмагани учун бировга оғиз ҳам очмаган. Бу пияти ҳақида жиддийроқ ўйлагудек бўлса, шув этиб Соҳибанинг қиёфаси кўз ўнгиде гавдаланади, мишпат назари билан мўлтираётгандек туюлади. Шундай пайтларда Қўлдошвой беихтиёр берилиб кетган ўйларини тарқатишга уринар эди. Кейин бунинг уйига кириб келган жувон қанақа, Асқарга оналик қила олармикин, усиз ҳам меҳрдан бебаҳр бўлган боласинга озор бермасмикин, Асқар бурчак-бурчакда қон йиглаб юрмасмикин?..



— Ке, қўй, — деди Қўлдошвой хўрсиниб. — Аёл киши, биласан, одамни ўраб ташлайди. Асқар четда қоп кетади. Қолган умрим шу боламники, шу бола аламзада бўлиб ўсмасин. Иннайкейин, Соҳибанинг хотираси олдида имонсизлик бўлади. Бечора нима кўрди?

Тўрабек бўлак бу ҳақда оғиз очмади, уйга бориб, ўртоғининг кир-чиридан хабар олиб туришни Розияхонга тайинлади.

Ойлар кетидан ойлар, фасллар кетидан фасллар ўта бошлади. Қўлдошвой эккан қўрғон атрофидаги тераклар кўкка бўй чўзди, қўрғон ичидаги олма туплари уч йил деганда қийғос гуллади, Қўлдошвойнинг дилини қанча шодликка тўлдирди. Қўлдошвой шипам олмазорини ҳар куни бир печа марталаб айланиб чиқар, мева тугишидан то пишгунча тоқатсизлик билан кузатар эди. Қўлдошвой Саври холаникидан дили оғриб чиқиб кетганида, бир ниятни кўнглига тугиб қўйган эди. Ўша ният амалга ошадиганга ўхшаб қолди. Май ойининг охирига бориб оқ аччиқ олмаси пишди, бир тупидан терилган ҳосил ярим машина бўлди. Қўлдошвой Асқарни кабинага олиб шаҳарга жўнади.

Олма ортилган машина шамол кесиб шаҳар томон елар, Қўлдошвойнинг юраги ҳаприқар, у аллақандай куйни хиргойи қилиб кетар, ботаётган қуёш тераклар орасидан қувлашмачоқ ўйнагандек, бетўхтов липиллар эди.

Чирчиқдан ўтгандан кейин машина порт-пурт қилиб, товуши ўчди-қолди. Шофёр йигит шунча уринмасин, мотор ўт олмади, кейин четроққа буриб тўхтатди, капотни очиб, алланималарни титкилади, буради, кабинага чиқиб стартерни босди, машина вағиллади-ю, ўт олмади. Шофёр йигит яна капот тагига шўнғиди, анча уриниб карбюраторни олиб чиқди, кабина чўроғини ёқиб, ўзи тузатган бўлди, олиб бориб яна жойига ўрнатди, стартерни жон-жаҳди билан босди, мотор яна вағиллади, аммо ўт олмади. Шофёр йигит хўрсиниб жимиб қолди.

Ўткинчи машиналар буларни чироқ нурига буркаб, шув-шув учиб ўтар, шамол зарбидан бу машина хийл силкиниб қўярди.

— Мен айлантириб юборайми, зора ўт олиб кетса,— деди Қўлдошвой, хуноб бўлиб ўтирган шофёр йигитга хуномад оҳангида. Йигит жавоб бермади, ижирганиб ташқари чиқди, яна моторга энгашиб тусмолдан тимирскилай кетди. Хийла ўтгач, канот тагидан чиқиб:

— Шу атрофда колхоз гаражи бўлиши керак,— деди Қўлдошвойга қарамай,— борай-чи, биронта тирик жон бўлса, тузаттириб келамаи...

Шофёр йигит шу гапни айтди-да, жавоб ҳам кутмай, аллақасққа кетди.

— Энди нима бўлади, дада?— Қўлдошвойнинг қулоғи тагида Асқарининг хавотирли овози эшитилди. Боланинг кўзлари милтирар эди.— Тузаладимиз машина?

— Қайдам, ўғлим,— дея хўрсинди Қўлдошвой.— Қутайлик-чи.

\* \* \*

Машина шаҳарга кириб келганда, кўчалар бўм-бўш, аҳён-аҳёнда сув сенадиган машина учрар, аллақасқдан трамвайнинг чийиллаши эшитилар эди.

Машина Қўлдошвой икки йилдан зиёд қатнаган кўчага бурилди, аммо манзилга яқинлашган сари Қўлдошвой бу ерларни таний олмади, адашдимикин, дея гулгулага туша бошлади. Машинани тўхтатиб, зинага тушди, атрофга қарай бошлади. Деворлар бузилган, ҳаммаёқда гинг парчалари, симлар сочилиб ётар, Саври хола уйининг ўрнида охири кўринмайдиган чуқурлик қорайиб турар, сал тепароқда уч-тўртта лампочка осилган баҳайбат қурилиш краини вазмин сукут сақлаб турар эди. Қўлдошвой ҳайрон бўлиб қолди, қурилиш буёқларга ҳам келибди-да, деб ўйлади. Ерга тушди, пайпаслаб бориб, тахта ўралган

ҳовлининг эшигини топди. Бу кимнинг уйи эди? Ҳа, Шокираллиники. Йўқ, Шокираллиники кўчанинг ичкарироғида. Бу, анави Юсуф дурадгорнинг ҳовлиси...

Қўлдошвой эшикка бир неча мушт урди. Ит вовилдагани эшитилди. Қўлдошвой яна эшик қокди. Бир оздан сўнг:

— Ким у? — деган эркак кишининг уйку аралаш безовта овози келди.

— Менман, Қўлдошвойман, очинг, — бақирди Қўлдошвой.

— Нима ишинг бор? — деди бояги овоз яқинлашиб овоз. — Нега бемаҳалда бировни эшигини тақиллата-сап?

— Кечирасиз, амаки, олма опкелувдим, — мулзам ҳолда зорланиб гапирди Қўлдошвой.

— Нима?

— Олма, амаки, олма! Яблочки...

Ичкаридан аёл кишининг хавотирли овози эшитилди.

— Ким? Нима дейди?

— Ким билади, олма, дейди. Бориб очайми эшикни? — иккиланиб сўради эркак кишининг овози.

— Йўқ, дадаси, — хавфсираб жавоб берди аёл. — Тагин, дайди-пайди бўлмасин. Итни бўшатиб юборинг...

Қўлдошвой орқасига қайтди.

Тахта деворга сапчиб, ит ҳура бошлади. Теварак-атрофдаги итлар акиллаб кўшилишди, ҳаммаёқни ҳайқирик босди.

— Кузовни оч! — деди Қўлдошвой шофёр йигитга жаҳл билан.

Шофёр йигит кабинадан чиқиб орқа кузовни очди, ерга патир-путир олма тўкилди. Қўлдошвой кузовга чиқиб, аламли шиддат билан олмаларни сидириб ташлай бошлади. Хиёл оқариниб кўринаётган олмалар дукур-дукур ерга тўкилар, Қўлдошвой жон-жаҳди билан олмаларни гоҳ қўлтирсақларни, гоҳ этикларни билан сидириб, ерга улоқтирар,

буни кўрган шофёр йигит Қўлдошвойдан чўчир, тентак бўлиб қолдими, деган гумонга борар эди.

Ниҳоят кузов бўшади-қолди. Қўлдошвой гурс этиб ерга сакради, шарақ-шуруқ қилиб кузовни ёпди, аграйиб турган шофёрга, «Кетдик!» — деб буйруқ берди-да, бориб кабинага ўтирди. Асқар ухлаб ётарди. Қўлдошвой Асқарни ўнглаб, пинжигга олди.

Машина бўш кузовини шарақлата яна изига қайтди.

Сув сепилган кўчалар ҳамон бўм-бўш, қорамтир тоғ чўққилари панасида уфқ оқаришиб, янги куннинг кибриб келишидан далолат берар эди...

## ЎЗГАЛАР УЧУН

Бултур Умар ота қовунларини Олой бозорига олиб келиб, машинадан туширганида, август ойининг охирлари, қовун сероб ва арзон эди. Минг сўм атрофида ундирарман, деб чамаловди Умар ота, тахмини чиқмади. Бир машина қовуни чолнинг бир ойлик мусофирликдаги харажати билан тўрт юз сўмдан сал ошди. Тўрт юз сўм билан тўй қилиб бўлармиди? Бу йил Умар ота шошмади. Томининг орқасидаги бостирманинг зах ерига похол ташлади, қовунларни саралади, эҳтиёт териб чиқди, шаҳарга тушган ҳамқишлоқларидан қовун нархини сўраб турди. Бу йил сабр билан кутиш керак, акс ҳолда бултургидек бебарака бўлади, яна қарзга ботишга тўғри келади. Ундаку, марҳум ўглининг мотоциклини сотиб, қарздан қутулувди, бу йил нимасини сотади? Сигирни сотиш ақлдан эмас, неваралари оқсиз қолишади, қолаверса, сутнинг ортиғини кампирни колхозга топишириб туради — ҳар қалай рўзгорга асқотиб, невараларининг усти бошига яраб кел-япти.

Тўрт йил бурун ўғли билан келини бир кунда қаза

қилди: каналдан ўтишаётганларида, кўприк эгилиб, трактор ағанади, ўгли билан келини тагида қолди. Катта невараси беш, кичиги уч ёшда эди, мусибатни англашмади ҳам. Чол-камбир бир йил мобайнида бор-йўғини қоқиб, маросимларни ўтказишди, келаси икки йил ичида ўгли бошлаган чала уйни битказишди, тўнғич неварани чилчил-хассага янги уйга ётқизишди.

Умар ота кенжа неварасини мактабга бориши олдидан қўлини ҳалоллаш ниятида шу йил август ойида қозон қурмоқчи эди, қўли калталиқ қилди. Топган-тутгани чала уйни битказиш, тўнғич неварасининг хатнасига сарф бўлди. Ўшанда, иккала неварани бирга ётқизиш керак, дейишганида, чол кўнмаган, иккинчи тўйдан бош тортяпти, деб ўйлашмасин, деган андиша билан рози бўлмаган. Ягона фарзандидан қолган иккита сағир, ёдгорлик, шунга нокаслиқ қиладими? Етиммиз, деб ўкинишмасин.

Умар ота бир кунни қишлоқ мактабининг директори айтган гапларини эшитиб қолган. Халқимиз азалдан муҳтожликда яшаб келган, деган у ўшанда, қозон қуриб кўпчиликка ризқ улашиш, етим-есирларнинг қорнини тўйдириш мурувват ҳисобланган, савобга кирган. Бунақанги тадбирларни баъзилар тўй баҳонаси билан, баъзилар бойлигини кўз-кўз қилиб, яна ҳам каттароқ мартабага эришиш учун қилишган. Хатна қилиб, элга ош бериш, зодагонларга зар тўнлар кийгизиш одат тусига кириб, камбағалларни ҳам аямаган. Уйда сурнай чалинмаган, халққа дастурхон ёзмаган оиллага эгри қарашган, шунинг учун ҳар қанча ночор бўлмасин, биттаю битта молини сотса ҳам, ўзини гаровга қўйса ҳам одамлар ис чиқаришга, мажбуриятга айланиб қолган одатни бажаришга интилганлар. Бу одат одамларнинг онгига шундай сингиб кетганки, ҳатто фойдазарарини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Боласи калиш билан лой кечиб мактабга қатнайди, отаси тўй қилишни, узоқ-яқинларига сарпо кийдиришни ўйлаб, маблағ жамлайди, йиллаб не азобларда тўплаганини бир кунда совуради...

Умар ота Олой бозорига бир ҳафта бурун келиб тушди. Октябрь ойи бўлгани учун бозорнинг шифер билан ёнилган қовун-тарвуз растаси у қадар тикилишч эмас, ҳатто бирикки жой бўш эди. Аввалги йили келганида бўш жой йўқ эди, ҳаммаёқ қовун-тарвуз билан тикилиб кетган, харидорлар тикилишиб, гарамлар орасида туртинишар. аранг йўл топар эдилар. Жой танқислигидан Умар отанинг қовуни ортилган машина кечгача туриб қолди. Шофёр йигит пжирғана бошлади, ишидан қолиб кетаётганини айтиб, Умар отага ўдагайлади, йўлга ағдариб кетаман, деб пўниса қилди. Умар ота учта ўн сўмлик билан даргазаб шофёрни бир оз кўниктирган бўлди. Бу камлик қилгандек, санитария бўлимидаги одамлар тихирлик қилиб туриб олишди.

— Жиян, — деди Умар ота ёлвориб, — селитрани қаёқдан олай, солилмаган ахир...

— Анализдан селитра чикди, уёғини билмайман, — деди халат кийган йигит. — Олиб кетинг, ота, бозорга қўймайман, гап тегади, бизниям текширадиган одамлар бор. Билиб қолишса, сиззи қовуниз деб, ишдан ҳайдаламан. Қассобга гўшт, эчкига жон қайғуси. Қовундан заҳарланганлар қанча! Қасалхоналар тўлиб кетган...

Аввал-охир бунақа юмуш билан катта шаҳарга келмаган, шаҳарнинг «қонун-қондаларидан» беҳабар Умар ота санитар йигитнинг гапларига паққос ишонди-қўйди, ҳатто «қовундан заҳарланганларни» эшитиб, кўрқиб кетди. Борди-ю, бунинг қовунини харид қилганлар ҳам заҳарлашиб, биронтаси побуд бўлса, унда додини кимга айтади. Тўғри, Умар ота ерига дори бермаган, лекин чойхонада агроном йигит, заҳарланмаган ер қолмади, неча йиллардан бери дори беравериб, ерни тўйдириб юборилган, деган, қўшни томорқада ишлатилган селитра тўрт йил мобайнида бошқа ерларга ҳам сизгиб, таъсир қилаверади...

Умар ота қайтиб кетишни жазм қилиб ташқарига чикди.

— Э, ота!.. — деди шофёр йигит тажаанг бўлиб. — Одам

шунақаям гүл бўладими?! — Умар ота кўзини пир-пир учирган ҳолда чўчиб шофёрга қаради. Халатли йигитнинг танбеҳи етмагандек, энди бу шофёр ҳам дашном бера кетди. — Ишингиз битган жойда, ўзингиз бузиб чиқибсиз-ку!

— Битган-да?..

— Ҳа-да! Ўзи шама қипти, тушунмасиз, ота. Қайтиб жетаман, деб ўтирибсиз. Боринг, қистириб чиқинг!..

— Заҳарланишгаётганмиш одамлар... — изтироб билан деди Умар ота.

Шофёр йигит афтини бужмайтирди:

— Заҳарланишгаётган бўлса, сизга нима қайгу? Ҳаммамиз унча-мунча заҳарланганмиз. Осмондан дори сепилгандан кейин, соғи қоладими? Акамни иккита қизи ариққа ённи оқизоқ қилиб ейинган экан, иккаловним бир тунда жон берипти. Ўша куни осмондан дори сепилган экан.

Умар отанинг қулогига бунақанги хабарлар ахён-ахёнда етиб турарди, шунинг учун у унча таажжубланмади.

— Ўша дорилардан ўлишиптими? — сўради у.

— Айтишармиди? — Қўл силтади шофёр йигит. — Болаларга қарамагансиз, деб, айбни келин аямга ағдарди.

— Ҳозир осмондан сепилмайди, трактор тўзгитади.

— Бир пайтлар сепилганиям кифоя, — деди шофёр йигит бир оз пасайиб. — Менга қаранг, ота, сиз бировлар гамини еманг, ўз қовунларингизни, тарози босишини ўйланг! Боринг...

— Жиян, худо хайрингизни берсан, мен уддасидан чиқолмайман, — деди чол ёлвориб. — Ўзингиз тўғрилаб чиқинг, қистирадиганини бераман, йўқ деманг, жиян, ўзингизниям йўлингиз очилади...

Шофёр йигит бозор идорасидан ишшайиб чиқди. Бирпасда хужжат ҳам қўлга тегди, қовун тушириш учун жой ҳам топилди.

Умар отанинг шаҳарга бултур келгани бекор кетмади. Бу ердаги ҳаётнинг баланд-пастини ўрганиб олган Умар ота бу йил бозорга кириши билан нарх-навони суриштирди, қовуннинг бир килоси олтмиш тийин эканини билиб мамнун бўлиб қўйди. Бир ярим тонна қовун, 800-900 сўмга боради, деб ўйлади у, ҳозир октябрнинг охири, ноябрнинг ўрталарига бориб, килоси бир сўмга чиқади, ажаб эмас, худо омад бериб, минг сўм ундирсам, кенжатоимнинг тўйига етиб қолади. Учта совлиқ сигирнинг бултурги туғиб бергани гунажин бўлиб қолди, гўшт ўзидан чиқади, қовуннинг пули бўлак харажатларга етиб берса, армон йўқ. Қарз кўтармаса бўлгани. Қарз кўтарса... гунажин, қўйлар сўйилади, сигирнинг ўзи қолади... қийин бўлади. Олдинги тўйдан кейин мотоцикл бор эди, ўша асқотди. Энди... Яшириб қўйган пенсия пуллари ҳам йўл харажатию, санитар йиғитдан ҳужжат ёздириш, бозоркомдан жой олишга кетди. Ишқилиб, тезроқ совуқ тушсин, нархлар кўтарилсин... Қувган ҳам худо дейди, қочган ҳам...

Бултурги қадрдон бўлиб қолган танишларидан бу йил ҳам бор экан, Умар отани кўриб қучоқлашиб кетишди, танча ёнига ундашди, иссиқ чой узатишди. Умар ота ўз жондошларини кўргандек хурсанд бўлди. Бунақанги одамлар бу на ётишининг, на емишининг тайини йўқ, кундузлари гавжум ва иссиқ, кечалари кимсасиз ва совуқ, гўрдек қовун ғарамлари дўмпайган бенаво масканнынг шарпадек омонат эгалари ойлаб ёнма-ён шу ерда яшашар, баъзида дўстлашиб кетишар, баъзида ашаддий душманга айланишиб кетишарди. Бир-бирининг дилига йўл топганлар иноқлашиб, гуруҳ бўлишар, бир қозонда овқат пиширишар, анор яшигидан танча қуришар, мудроқ суҳбат кайфида тонг орттиришар эди. Бу йўсиндаги ҳаётга кўникиси келмаганлар қовун-тарвузини кўтарасига чайқовчига арзон-гаров сотиб кетар, баъзилари яқин атрофдаги хонадонлардан ижара олиб, ўша ерда туришар, баъзилари эса ўзларига тахта билан ажратилган қўранинг четига похол



тўшаб, шолча ташлашар, нўстинларига ўралиб бозорнинг ўзида тунашар, тонг энди ёриша бошлаганида гимирсилаб уйғонишар, ҳожатга югуришар, қариялар чопонларига маҳсичан туришиб, бири олдин, бири кетин намоз ўқишга тушиб кетишарди. Умар отага бунақанги ҳаёт бир қадар ёқади ҳам. У кеч бўлишини кутади. Кеч кириб, харидорлар сийраклашиши билан сотувчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, баъзилари сабзи тўғрашга, баъзилари темир ўчоқчаларга ўт қалашга тушиб кетишади. Овқат пишгунга қадар биров пул санайди, биров намоз ўқийди, ёшлар эса ичкиликсиз овқат ейишмайди, ширакайф ҳолда шаҳар айлангани чиқиб кетишади, ярим кечаси сигарет чўғини йилтиратиб қайтишади, баъзан аёл-жувонларнинг овози ҳам эшитилиб қолади. Ёшларнинг орасида муштлашини, пичоқвозликлар ҳам бўлиб туради. Шунда барча аҳли шаб сарпойчан отилиб, уришганларни ажратишади, юпатишади, насихат қилишади. Бу жанжаллар одатда кундузи харидор талаш-шишдаги пинҳоний низонинг ошкор оқибати бўлиб, рақиблар эртаси кечгача хўмрайиб кунни ўтказишади...

Ҳамма қатори қовун сотувчилар ҳам Ноябрь байрамини сабрсизлик билан кута бошлашди. Аммо бу кун бошқалар учун шодиёна бўлса, сотувчилар учун бошқа мазмунга эга — байрам кунлари бозор чаққон бўлади, қўл қўлга тегмайди, ўн кунда сотиладиган мол икки кунда кетади, ҳамёнлар эзгиланган пулларга тўлади. Кимнинг моли кўп бўлса камайди, кам бўлса тугайди. Савдони қилиб бўлганлар чойхоналарда ош буюриб, қадрдон бўлиб қолган шериклари билан хайр-маъзур қилишади, бир-бирларини ўз қишлоқларига чақиришади. Қовунини сотиб адо қилган наманганлик ошнаси Умар отани ҳам Бўзсув ёқасидаги чойхонага айтувди, чол бора олмади. Бозор чаққон, харидорлар тумонат, кўзи қиймади. Зора омад келиб, қовунни талаб кетишса, мен ҳам қутулиб олардим шу юқдан, деб ўйлади Умар ота, бироқ кутганидек бўлиб чиқмади, анча-

гина қовуни сотилмай қолди. Харидорлар ҳам галати, аса-  
дек ширин қовун буюқда қолиб, ўзларини ана у тўнга  
уришади. Тўғри, у тўндаги қовун чиройли, тўр босган,  
аммо шираси йўқ, шунинг учун Турдивой ҳеч кимга қову-  
нини чақмоқлаб беришга рози бўлмайди. Анови куни бир  
киши, Турдивойнинг сертўр қовунига ҳаваси келиб, йнги-  
матасига юз эллик сўмни шартга чиқариб берди. Аммо  
эртасига ўн тўққизта қовуни келтириб ташлади. Хўп  
гиди-биди бўлди...

Ўзбекининг боласи меҳнатда катта бўлади. Укаларига  
қарайди, мол боқади, ўт юлади, терт қоради. Шунинг учун  
бўлса керак, дастёрлик ва турткилаш исканжасидан чиқиб  
олишни, тезроқ вояга етишни орзу қилади. Кейин уйла-  
нишни, иморат қуришни, фарзанд кўришни, фарзанд кўр-  
ганидан сўнг тўй қилишни, юртга ош беришни ўйлайди.  
Бу орзу шу қадар кучлики, бутун ўй-фикрини қамраб  
олади. Чала иморат битади, деворлар оқланади, узумнинг  
сўриси янгиланади, деразаларда парда пайдо бўлади, хан-  
дақлар тўлдирилади, ярим тунгача чироқ ўчмайди. Ниҳоят  
тўй ҳам ўтади. Ювуқсиз дошқозон, гарам-гарам идиш-то-  
воқ, икки охур бўш шиша, хомага тескари ташланган  
қўйнинг териси, тоналган гулхона қолади. Аста-секин  
ҳамма нарса ўз жойини топади, узоқ-яқиндан келган  
қариндошлар кетади, бир неча куп эркатой бўлиб юрган  
тўйбола иштипи ичидаги дўппини олиб ташлайди, ота-она  
бир-икки ой мобайнида тўй тафсилотларини мароқ билан  
эслаб юришади ва иккинчи тўйни ўйлай бошлашади...  
Аёзли тун, юлдузлар чарақлаган осмон, эски кўрпа таш-  
ланган танча, сопол идишга солинган бир ховуч чўғ,  
қулоққа чалинадиган мудроқ алаҳсираш, бўғиқ йўтал ва  
бир ёнили танчага бериб, чексиз орзуларнинг ширин азо-  
бида маст Умар ота ярим кечагача мижжа қоқмас, қулоқ-  
чин ияларнинг няғи остига боглаб, унсиз ётар, хўрсинар,  
тонг ёришишини, тезроқ молини пуллаб, қишлоғига қайти-  
шини, тўй ҳаракатини ўйларди. Бу эзгу мақсад ёши олт-  
мишдан ошган чолга куч бағишлар, қушойини берарди.

Аммо орзулар ҳаяжониданми, ўқтин-ўқтин юрагини тўё биров эзиб қўйиб юборгандек туюлар, кўкраги гурсиллаб ура бошлар, игна санчилгандек бўларди. Рўза кирганига ҳафта бўлган, балки шунданми, деб ўйлади у.

Чол харидорларни гапга тутиш, сўроқлаш одатини чиқариб қолди.

— Касбингиз нима, иним?

— Илмайди?

— Дўхтирмасмисиз?

— Қаттап билдингиз дўхтирлигимни?— илжайиб сўради харидор.

— Тахмин,— деди Умар ота ийманиб.

— Эт-бетингиз оғрияптими?

— Мана бу ерим,— деди чол бир оз журъатланиб ва чап кўкрагини кўрсатди.— Дукиллайтиди. Бир нарса санчилгандек бўлади.

— Анчадан бери шунақами?

— Бир йил чамаси,— деди чол кўзини пирпиратиб.

— Текшириш керак,— ўйлаб туриб деди харидор.— Эшитиб кўриш керак. Асбоб уйда қолган.

— Аттанг...

Харидор қўлидаги қовунни ерга қўйиб, қўлни қокди, чўнтагидан дори олиб идиши билан чолга узатди.

— Ҳаммасини берманг, иним,— шошиб деди чол.— Тўрттагина бўлса бас.

— Олаверинг, уйда мўл мунақадан.

— Сизам ичиб турасизми мундан?— ачиниbroқ сўради чол. Харидор жилмайиб, бош ирғаб қўйди.

— Оғриганда тил тагига ташлайсиз,— деди у ва қовунни тарози палласига қўйди.

— Олиб кетаверинг, иним,— деди чол қовунни тарозидан олиб.— Болалар ейишсин.— Умар ота қовунни харидорга суқа бошлади.

— Ғалати бўлди-ю,— ўнгайсизланиб деди харидор.

— Ош бўлсин, розиман, раъйимни қайтарманг... — ёлворди чол. — Ният қилдим. Яна битта олинг. Ёққанини...

Харидор қизариб кетди, иккинчи қовунни олмади.

— Узр, иним, — деди Умар ота сирли жилмайиб. — Рўзаман. Оғзим ёпиқ. Тил тагига, дедингиз... қапақа бўларкин?

Харидор бунақа аснога ҳеч қачон тушмаган эди, ўйлаиб қолди.

— Дори таоммас, шимаверинг, — деди у ниҳоят.

Кун бўйи Умар отанинг юраги бир неча марта санчди, аммо у дорини оғзига солмади. У кеч киришини, оғиз очадиган вақт келишини сабрсизлик билан кутди. Ниҳоят кеч ҳам кирди, оғиз ҳам очилди, бироқ чол қанча истамасин, юраги бир марта ҳам санчмади. Совуқ зўрая бошлади. Чол илиқ сувда таҳорат қилди, жойнамозга турди, икки кафтини қулоғига олиб борди, кўзини юмиб, калима қайтарди, чўккалади, икки томон бош ўғирди, мункайиб пешонасини жойнамозга босди, қаддини кўтарди, яна мункайди, қайта турмади...

## ТАСОДИФ

Тўрт йил аввал қурилган театр биноси шаҳарнинг фахри ҳисобланар, область миқёсида уюштирилган катта мажлис ва анжуманлар шу ерда ўтказиларди. Бундай кезларда область раҳбарларининг бор эътибори шу бинога қаратилган бўлиб, атрофга гуллар экилар, қуриб ётган фонтан ишга туширилар, сутчироқлар тузатилар, атрофга тинмай машиналар сув сепарди. Мажлис тугаши билан яна жимлик чўкар, ариқларда сув тўхтар, фонтан ишламас, сутчироқлар ўчар, театр эса келгуси анжумангача область маъмурияти эътиборидан четда қолар эди. Аммо саҳналаштирилган «Калака» комедияси анча муваффақиятли чиқди шекилли, одамлар орасида шов-шув қўзгади, касса атрофида томошабинлар тўпланадиган бўлиб қолди. Ҳатто ярим

йил аввал тайин бўлиб келган область раҳбарларидан бири Носиров шахсан ўзи спектаклни кўрди, кейин кузатиш учун ташқарига чиққан театр директори Сатторов ва бош режиссёр Озод Ниёзов билан совуққина хайрлашиб, машинасида жўнаворди. Бир умр театрга келмайдиган майдароқ амалдорлар ҳам раҳбар кетидан гоийб бўлишди.

Хафта ўтмай, Озод Ниёзов залда артистлар билан репетиция қилиб турган эди, секретарь қиз югуриб кириб: «Озод ака, телефон қилишди, — деди ҳовлиқиб. — Адҳам Носирович сизни чақиртириптилар, тезда борармиш-сиз».

Озод Ниёзов институтни тугатиб, бу область театри бош режиссёрлигига тайин бўлиб келганига бир йилдан сал ошган, маҳаллий раҳбарлар билан ҳали мулоқотда бўлган эмас, боши қотиб қолди. Театр директори идорасида йўқ экан, бир оз кўнгли тинчиди. «Сатторовни ахтаришган, у йўқ — мени чақиртиришган, — деб ўйлади Озод. — Яна биров анжуман мўлжалланган бўлса, огоҳлантириб қўйишмоқчидир. Телефонда айтишсаям кифоя эди».

Озод кабинетга кирганида, Адҳам Носиров телефон орқали ким биландир гаплашаётган экан, Озодни кўриб, бўш стулга ишора қилди. Гап тугагач, Носиров ўрнидан туриб Озод билан кўришди, ҳол-аҳвол сўрашишди. Носиров элликларга бориб қолган, тўла, куюк қошлари туташган, лаблари сергўшт, кўзлари қизил одам бўлиб, кўнғир сочи қалин ва тимқора эди. У айтадиган гапларини ўйлаб, чуқур нафас олди, панжаси билан сочини таради. Озодга тикилиб базўр жилмайди.

— У кунги спектаклни неча йилдан бери қўясизлар, Озод Ниёзович? — ниҳоят сўради у.

— Бир йилдан ошди. Театрда биринчи ишим, — деди Озод бир оз ўнғайсизланиб.

У суҳбат йўсини нима оқибатга олиб боришини аниқ билмас, аммо Носиров у куни театрдан хўмрайиб кетганини эслаб, дили безовталана бошлади.

— Ҳали, Адҳам Носирович, тажрибам кам, спектаклда камчиликлар бўлиши эҳтимол...

— Мен бошқа нарсани айтмоқчиман, — деди Носиров, кўзини ишқалаб. — Пьесада Адҳам Носиров деган бир одам бор экан. Лўттивоз, доғули, хуллас, сизларнинг тилингизда айтганда, салбий қаҳрамон. Менинг отим ҳам, фамилиям ҳам шунақа.

— Бу тасодиф, Адҳам Носирович, — деди Озод Ниёзов бир оз снгил тортиб. — Саҳналаштирганимизда сиз бошқа ерда ишлардингиз...

— Мен область раҳбарларидан бириман, — деди Носиров Озоднинг гапини бўлиб. — Мени кўплар танийди, билди. Спектаклни кўрганлар айнан тушуниши мумкин. Ахир, бу қаҳрамон бўлак одам, деб ҳаммага уқдира олмайсизку. Ижобий қаҳрамон бўлганда ҳам бир нав эди.

Озод нима дейишини билмай ноқулай аҳволда қолди.

— Мунақа тасодифлар учраб туради, Адҳам Носирович, — деди у ниҳоят раҳбарга тасалли берган бўлиб. — Кўнгилга яқин олманг. Пьеса муаллифи таниқли ёзувчи, ўйлайманки, у асарини ёзаётганда мутлақо бошқа шахсни назарда тутган, қолаверса, пьесадаги Адҳам Носиров йиғма, умумлаштирилган образ. Сизга ҳеч қанақа алоқаси йўқ, хижолат бўлманг.

— Тушунмадингиз, — деди Носиров тоқатсизланиб. — Адҳам Носировми ёки бошқача исми шарифми — пьеса мазмунига путур етмайди, шунақами?

— Шундай-ку...

— Шундай бўлса, ўша қаллобни бошқа ном билан атанг. Мен шу областни бошқарувчи одамлардан бири бўлсаму айнан шу область марказидаги театр саҳнасида менинг номим билан қанақадир ҳўббони майнавозчилик қилса — шу яхшими?

— Адҳам Носирович, ахир бу тасодиф-ку...

— Тасодиф эканини қим қаттан билди? — асаби бузилганлигини яшира олмай яна гапини бўлди Носиров.

— Энди...

— «Энди-пенди»ни қўйинг,— деди Носиров қатъий.— Ўзингиздан катталар бир нарса деганида, қулоқ солинг, ўйлаб кўринг.

— Кечирасиз, хўп,— деди Озод, ранги ўча бошлаган ҳолда.— Лекин пьесага ўзгартириш киритишга ҳаққим йўқ, бу авторнинг ихтиёридаги нарса. Билиб қолса, ўзбошимчалигим учун мени судга беради. Қонуни муаллиф томонида бўлади.

— Судга берса, биз бормиз,— деди Носиров гапга чек қўйган бўлиб.— Қараб турмаймиз. Сиз айтганларимни қилаверинг.

— Кечирасиз, Адҳам Носирович,— деди Озод ўйлашиб.— Қила олмайман. Ҳаққим йўқ. Мен фақат ўз режиссёрлик ишим учун жавобгарман. Мени камчилигим бўлса айтинг, тузатаман. Аммо...

— Шунақами?— газабини яшира олмай сўради Носиров ва ўрнидан туриб иккала қўлини шим чўнтақларига солди.— Майли, бўшсиз. Чиқинг!

— Ахир, Адҳам Носирович...— араб ўрнидан туриб ёлворди Озод, у таҳликадан ўзини мутлақо йўқотиб қўйган эди.

— Тамом! Вақтимни олманг.— Носиров ўз жойинга бориб ўтирди, қанақадир қоғозларни титқилай бошлади.

Озод шумшайиб кабинетдан чиқиб кетар экан, «хайр», деди, аммо овози заиф чиқди, шунинг учун бўлса керак, Носиров жавоб бермади.

— Ҳалимаҳон,— деди Носиров, Озод чиқиб кетгандан сўнг, селектор тугмасини босиб. «Лаббай, Адҳам Носирович»,— деган секретарь жувоннинг овози эшитилди.

— Шаҳар милиция бошлиғини уланг.

— «У киши Тошкентга кетган бўлишлари керак,— деди селектордан Ҳалиманинг овози.— Муовинлари билан уласам ҳам майлими?»

— Уланг,— деди Носиров дарҳол.

Бир неча кундан кейин Озод Ниёзов театрнинг кейинги ой репертуар планини тузиб директор олдига кирувди, Сатторов:

— Кўнгироқ қилишди, — деди ижирганиб. — Плани маданият бошқармасига олиб чиқиш керакмиш, ўшалар тасдиқ қилгандан кейин, эълон беришимиз мумкин экан.

— Майли, олиб боринг, — деди Озод лоқайд тарзда ва кабинетдан чиқиб кетди.

Бошқармага кетган Сатторов икки соатлардан кейин қайтиб келиб, плани Озодга кўрсатди.

— Мунга нима дейсиз?

Озод плани варақлади. «Калака» спектаклининг барча сони қизил қалам билан ўчириб ташланган эди. Озод таажжубланиб Сатторовга қаради.

— Пьесанинг ғояси қалтириш, — деди Сатторов истеҳзо билан. — Вақтинча тўхтатиб туринглар, дейишди.

— Нимаси қалтис? — ҳайрон бўлди Озод. — Бу пьеса республиканинг деярли ҳамма театрларида қўйиляпти-ю!

— Менга нима дейишган бўлса, сизга шунини айтяпман, уёғи билан ишим йўқ. — Сатторов стол галадонини очиб, алланималарини қидира бошлади.

— Афсус, — деди Озод ўзича. — Томошабин яхши қабул қилаётувди, билетлар ҳам қўлма-қўл бўлиб қолувди...

Озод у кунги Адҳам Носиров билан бўлган кўнгилсиз суҳбатни эслади, пьесанинг тўхтатилиши сабабини шундан кўрди.

— Мени чақиривувди, — деди Озод бир оз сукутдан кейин Сатторовга синовчап тикилиб. — У кунин Адҳам Носирович спектаклдан кўнгли тўлмаётган пайқовмидингиз? Бежиз эмас экан. Пьесадаги қаллобни исми фамилияси айнанлиги у кишига ёқмапти. Ўзгартиринг, девди, мен кўнмадим. Ҳаққим йўқ, пьеса муаллифининг розилиги керак, дедим.



— Чакки қипсиз, — деди дарҳол Сатторов. — Рози бўлавермайсиэми. Нима қилардингиз масалани чалкаштириб?

— Сизам шунақа дейсиз-а! — тутақиб деди Озод. — Ахир сиз шунча йил шу соҳада ишлаган одам — тушунасиз-ку! Автор билиб қолса, қанақа жанжал бўлишини тасаввур қилиб кўринг!

— Авторга нима аҳамияти бор? — ижирганиб гапирди Сатторов. — Унга пул бориб турса бўлгани! Ёшсиз, укам, ёшсиз. Пухта ўйламабсиз. Оқибатда театрни ҳам оғир аҳволга солиб қўйдингиз. Банкда эндигина уч-тўрт сўм пулимиз тўпланувди, қарзларимиздан қутулиб олармиз, деган эдим, буниям чиппакка чиқариб кепсиз, балли.

Озод театрнинг бош режиссёри, у албатта молиявий аҳволни эсдан чиқариши керак эмас, номни ўзгартиришдек арзимаган нарсага қайсарлик қилиб, юзга яқин коллектив аъзоларини таҳликага солиб қўйди. У мулзам бўлиб, ўйланиб қолди. Кейин директор кабинетидан таъби хира, ўзига-ўзи ёмон кўриниб чиқди.

Озод Ниёзовга ҳали тураржой берилмаган, театрнинг қоронғи бурчагидаги бир хужрада яшаб келяпти. У хонасига яқинлашар экан, ишшайиб турган администратор йигит Собиржонни кўриб қолди.

— Ҳм, Собиржон ака? — бир оз ажабланиб сўради Озод. Собиржоннинг оғзи қулоғида, пича кайфи бор, қўлида алланималар солинган қоғоз халта.

— Озод ака, кечирасиз, одобсизлик қилгандирман, — деди Собиржон орқасига тисарилиб.

— Зарари йўқ, — деди Озод зўраки табассум билан. — Хизмат?

— Қувончим ичимга сиғмай кела қолдим, Озод ака, айбга буюрмайсиз...

— Тинчликми, Собиржон ака?

— Ўгил кўрдим, Озод ака! — деди Собиржон кўзлари йилтираб.

— Табриклайман, муборак бўлсин.

— Қуллуқ, Озод ака. Энди... — Собиржон ийманиб юзланди. — Жичча ўтириб, отамлашайлик, деб келувдим, агар жирканмасангиз...

Озоднинг юраги гаш эди, Собиржоннинг келганига у ҳатто хурсанд бўлиб кетди.

— Агар эн кўрмасангиз, майли, секин қуёи бўламиз...

— Йўқ, нега, марҳамат, — деди Озод, калити билан эшикни очиб.

Улар бир соатдан зиёд ўтиришди, ниҳоят Собиржон тугруқхонага овқат олиб боришини эслаб, хайрлашди, ичча кайфи бор Озод ўз хонасида қолгиси келмай, айлашиб келиш мақсадида кийиниб, кўчага чиқди. Қиш бўлишига қарамай, офтоб чарақлар, ҳаво илқ эди. Озод шаҳар айлашиб, истироҳат боғига кирди, йўлка четига қўйилган скамейкага ўтирди, пальто ёқаларини кўтариб хаёлга толди...

— Нега бу ерда ухлайсиз?

Озод кўзини очганида, олдида иккита милиция ходими турарди, кеч кира бошлаган эди.

— Нега бу ерда ухлайсиз? — яна савол берди ходимлардан бири.

— Ўзим, — деди Озод ҳушини йиғишга уришиб. — Дам оляшман... теза ҳавода. Иймайди? Ҳаққим йўқми?

Савол берган лейтенант ёнидаги старшинага имо қилди, старшина сал эгилиб:

— Куф, денг, — деди.

— Куф!

Старшина ёнидаги ходимга маънодор қараб қўйди.

— Хужжатларингизни кўрсак бўладими? — сўради лейтенант.

Озод ёнидан паспортни чиқариб берди.

Лейтенант паспортни варақлаб кўрди-да:

— Биз билан юрасиз, — деди ва паспортни сумкасига солиб қўйди.

— Нега? Нима учун? Қаёққа? — сўради Озод олазарак ҳолда ўридан туриб. — Айбим нима?

— Ушатта биласиз, — деди лейтенант ва старшинага ишора қилди. Старшина Озоднинг кўлтигидан олди.

— Узим бораман, судраманг, — деди Озод тисарилиб.

Паркнинг дарвозаси ёнида деразаси панжарали кўк машина турар эди. Улар машинага ўтиришганларидан сўнг, лейтенант шофёр томон ўгирилиб, «Хушёрхона»га, деди. Кўк машина қизил чироқларини йилтиратиб, шаҳар оқимига кўшилиб кетди...

Эртасига Озод хушёрхона навбатчиси рўпарасида тураркан, вужуди нафратга тўла, навбатчи йигитнинг дабдаласини чиқаришга тайёр эди, бироқ ўзини босди, биларди, жанжал кўтаришдан фойда йўқ, қайтага ўзи айбдор бўлиб чиқади.

Сейф эшигини кулфлаб, навбатчи столга яқинлашди.

— Калит, паспорт, ўн бир сўм пул, шарикли ручка, блокнот, — дея у нарсаларни Озод олдига суриб қўйди. — Мана бу ерга нарсаларингизни тўла-тўкис қайтариб олганингиз ҳақида қўл қўйинг. Нарсаларингиз бутми?

Озод бош ирғади, дафтарга қўл қўйди.

— Устингиздан арз қиламан, — деди у бўғиқ овозда.

— Ихтиёрингиз, — деди навбатчи бепарво тарзда. — Хоҳлаганингизча арз қилаверинг. Аммо бизда экспертиза хулосаси бор.

— Бари бир мени бу ерга олиб келишга ҳеч қанақа ҳаққингиз йўқ эди. Мен деярли хушёр эдим, тентираганим йўқ, бировни ҳақорат қилмадим.

— Бировни ҳақорат қилганингизда, ўн беш сутка ётган бўлардингиз, — деди навбатчи ёт овозда. — Энг камида. Бўлмаса, безорилигингиз учун бир йилдан уч йилгача муддат олардингиз...

— Шунақами?

— Шунақа, акаси жонидан, — мазах қилиб деди навбатчи. — Энди жўнанг, мияни қотирманг.

Озод кўкариб кетди. Шунча хўрлик камлик қилгандек, энди бу аблаҳ навбатчи пичинг қиляпти.

— Шу тасодиф деб, энди бадном бўламанми? — газабини тийиб деди Озод. — Ичкиликни умуман оғзимга олмайман, кеча бир шайтон оздирди.

— Буёгига эҳтиёт бўласиз...

— Ишхонадагилар қулогига етмайдими бу гап? — сал ховридан тушиб сўради Озод.

— Этади, — деди навбатчи истехзо билан. — Албатта этади. Бошқа ташкилотларгаям этади.

Бир неча кундан кейин Озодни директор чақиртирди.

— Нима қилиб кўйдингиз, Озоджон? — сўради у кўлидаги қоғозни четга кўйиб.

— Нима қилибман? — ҳадиксираб сўради Озод.

— Ўзингиз билмайсизми?

— Нимани? — ўзини овсарликка солиб сўради Озод.

— Хушёрхонадан хат келди, — деди Сатторов мийгида жилмайиб. — Нима жин урди? Ичмасдингиз-ку?

Озод хўрсиниб стол ёнига ўтирди.

— Шайтон йўлдан оздирди, — деди Озод. — Кайфим деярли йўқ эди. Аксига юриб... — Озод тушқулик билан қўл силтади.

— Хунук иш бўпти. Коллектив орасида муҳокама қилишимиз керакмиш. Юқоридан топшириқ тушди, — деди Сатторов ва ўйлашиб қолди. — Одамлар сизни хурмат қилишади. Ишингиз пухта. Талантли режиссёрсиз, доғ тегмаса бўларди-да! Энг ёмони — бу хатнинг бир нусхаси бошқарма мудирига ҳам боришти. Муҳокама ўтгандан кейин қабулга борармишсиз. Чақиртирган.

Ҳақиқатда, бошқарма мудир, Носировдан кўрсатма олган бўлса керак, Озод билан кескин гаплашди.

— Маданият министрлигига ёзамиз, — деди мудир қатъий. — Сизни чақиртириб олишсин! Бизга сиздақа хуш-

ёрхонага тушадиган бибурд, коллективга иснод келтирадиган одам керак эмас!

— Илтимос, — деди Озод беҳад чўккан ҳолда. — Хат ёзманг. Ўзим ариза бериб бўшаб кетаман. Ўзим учун ҳам бу ерда қолиш кўнгилсиз. Кўзимга шаҳарларнинг ҳам, одамларнинг ҳам...

— Ҳм, гапиринг, — киноя билан деди мудир. — Қилар ишни қилиб қўйиб, энди шаҳарни, одамларни булгамоқчимисиз? Чучвараши хом санабсиз! Мен думингизни шундай тугиб юбораманки, театр юзини бир умр кўрмайдиган бўлиб кетасиз! Сиз ҳали ким билан ўйнашасиз?!

Озод таёқ еган итдек бошқарма биносидан судралиб чиқди, қоронғи тушгунча шаҳарда теңтираб юрди, спектакль тугагач, яширинча хонасига кириб ўзини диванга ташлади. Ярим тунда бир неча сўзлар ёзилган қоғозни столга қўйиб, яна яширинча кўчага чиқди. Кўча совуқ, кимсасиз. Озод тапхо эди. У бир йилдан зиёд умри ўтган театрнинг ҳашаматли биносига ўқинч билан бир қаради-да, кескин бурилиб, вокзал томон юриб кетди.

## НАВБАТДАГИ ШАРТ

Ислом оилада кенжа фарзанд ва ягона ўғил. Учта опаси узатилиб, бола-чақалик бўлиб кетишган. Диссертациясини ёқлаш муддати аниқланиб, Исломнинг қўли қўлига тегмай юрган кезларида қишлоғидан отаси вафот этгани ҳақида хунук хабар келиб қолди. Ислом беихтиёр: «Оббо!» — деб юборди, кейин шундай фикр хаёлига келганидан ўзи хижолат тортди, аммо «отам ҳали унча қари эмас эди, диссертация ёқласам, хурсанд бўларди, балки умри ҳам чўзилармиди», деган афсус билан кўнгилсиз

хитобининг юзини тўсган бўлди, хижолатига таскин топди, оқлади...

Отасининг вафоти билан боғлиқ бўлган маросимлар ўтди, Ислом яна шаҳарга қайтди, диссертация ёқлашга мослик тадбирларга киришиб кетди. Қишлоқда пайтида дафига келган район раҳбарларидан бири Ислом билан илқ суҳбатлашиб, тасалли берди, Исломнинг ишлари билан қизиқди, режалари ҳақида сўради, районга чақирди, имтиёзлар ваъда қилди. Ҳозирда, деди Сафаров, қишлоқ билан шаҳар тафовути қолмайти, фан кандидати сифатида биринчи бўлиб сиз йўл очиб берсангиз, келажакнингиз чакки бўлмайди, районимиз илмий мавқеи кўтарилади, бошқалар сизга эргашади, ахир кандидатлик унвони билан мактабларда ишлаётганлар ҳам кам эмас ҳозир.

Ислом шаҳарда ҳам ишсиз қолмасди, албатта, бироқ олимлар сони кўпи, бирон чўққига етиб олиш учун қанчадан-қанча машаққатлар чекиш лозим, унда ҳам нияти амалга ошадими, йўқми, аниқ айтиш қийин... Ислом «дипломат»дан диссертациясига ёзилган иккита автореферат олиб биттасини дастхати билан Сафаровга берди, иккинчисини унинг ёнига қўйди:

— Муҳсин Кабировичга ўзингиз бериб қўйсангиз.

— У киши биринчи секретарь,— деди Сафаров бир оз ўйлашиб.— Ўзингиз берганингиз маъқул. Акс ҳолда мен симағандек бўлади. У-киши билан танишмиёнгиз?

— Бир-икки марта кўрганман, яқиндан таниш эмасмиз,— деди Ислом, мўйловини ишқаб.

— Танишиб оласиз,— деди Сафаров.— Ўзим олиб бо-раман...

— Жуда соз,— деди Кабиров салом-алиқдан сўнг Исломнинг авторефератини тик турган ҳолда варақлар экан. Сафаров билан Ислом кўндаланг қўйилган столнинг икки томонида аскардек тик турришар, Кабировнинг оғзига тикилишар эди.— Тема декабристлар ҳақида экан-да?

— Ҳа, шундақа, — деди Ислом ўнгайсизланганидан мўйловини силаб.

— Китобча учун раҳмат, — деди Кабиров авторефератини столга қўйиб ва қўлини Исломга чўзди. Ислом иккала қўли билан унга иттилдди. — Лекин ҳозир табрик-ламайман, кўз тегади. Ёқлаганингиздан кейин табрик-лайман.

Улар кулишди.

Диссертациясини ёқлагандан кейин Ислом бир печанил мобайнида елкасини эзиб келаётган юкдан қутулди, енгил нафас ола бошлади. Районига бориб ишлаш нияти хаёлидан нари кетмай қолди. «Ҳозир мактаб ислоҳоти амалга ошириляётган бир пайт, — деб ўйлади у ўзини бу қарорга ишонтириш учун важ истаб, — бу борада менинг ҳам ўйлаб юрган режаларим йўқ эмас. Аввало баҳоларни сунъий ошириш, нима бўлмасин, фаиларнинг ўзлаштирини қиёфасини баланд кўрсатиб, илгорликда юриш каби салбий тадбирларга чек қўйдираман, ўқитувчилар малакасини оширишда, даста-даста дафтарларни қўлтиқлаб кетиб, на китоб ўқий олмай, на газета варақлай олмай, на телевизор кўра олмай жаҳоннинг стук янгиликларидан четда қолиб, ярим тунгача диктант-ишшо текширишдек ишларни қайта кўриб чиқаман, ўқувчиларни расм чизишга, чет тилини гапира олиш чораларини амалга ошираман, пахта теримига чиқартирмасликка уринаман. Шундай қилмасам бўлмайди, чаласаводлар сони кўпайиб кетяпти, ишга яроқсиз одамлар қанча, ахир декабристлар ҳақида тадқиқотим амалда ҳам самарасини бериши керак-ку...»

Исломнинг Медицина институтида дарс берадиган бир ошнаси бор, у Исломнинг ётоғига келиб туради, шахмат суришади. Бир кун гапдан-гап чиқиб, Ислом ўртоғидан: «Огайни, сизларда ўрта баҳога ўқийдиган студентлар кўпми?» — деб сўраганида, у «етарли», деб жавоб берди. «Ўрта баҳо билан ўқиган талаба келажакда қанақа шифокор бўлади?» «Ўшанга яраша, — деди ошнаси, — ўрта баҳо — ўрта даво». «Уларнинг қўлига тушган беморларнинг

аҳволи вой экан-да?» — сўради Ислом. «Нима, сизларнинг институтингизда ўрта баҳога ўқийдиган талабалар камми?» — бўш келмади Исломнинг ошнаси. — Ўрта баҳо билан институтни тугатган ўқитувчининг таълимини олган ўқувчи нима бўларди? Унинг устига у ҳам ўрта баҳо билан мактабни битирган бўлса?..»

Аранг ўқиш, ўрта баҳо олиш, бу, демак, жамият олдида жиноят, деб ўйлаган ўшанда Ислом, бамисоли машинкага тиқилган қоғоздек: биринчиси — аъло, иккинчиси — яхши, учинчиси — ўрта, тўртинчиси — ёмон, бешинчиси — жуда ёмон. Машинкага бештадан кўп қоғоз жойлаб бўлмайди. Аммо билимни ўзлаштириш масаласида-чи? Ўрта баҳо билан ўқиган муаллимнинг талабаси ҳам ўрта баҳога ўқиса-да, у ҳам ўқитувчилик қилса, унинг қўл остидан чиққан ношуднинг билимини қандай баҳо билан ўлчаш керак? Бир кафт қуруқ чойни чойнакка ташлаб, қайноқ сув қуйилса, чой бўлади, чой яримлагандан кейин яна қайноқ сув қуйилса ва бу тажриба беш-ўн марта қайтарилса, аввалги бир кафт чойдан нима қолади?.. Район миқёсида ўзлаштириш кўрсаткичини кўтариш мақсадида баҳоларни бир балл кўтариш тажрибаси-чи! Икки баҳо-уч, уч — тўрт, тўрт — беш баҳога айланади. Демак, расмий равишда шубҳали обрў учун энди шаклланиб келаётган авлодга ёмонни яхши дейиш керак, демак, шу топдан онгли равишда қиймат белгисини арзон белгиси билан ёшлар миясига қуйиб келинади. Бундан чиқди: жиноятни айб, айбни нуқсон, нуқсонни хато, хатони англашилмовчилик, англашилмовчиликни тасодиф, деса бўлаверар экан-да?! Ахир ўрта баҳо билан билим юрти ёки институтни тугатаётганлар фақат муаллимлик ёки врачлик қилиб қолишмайди-ку. Бунақа нотавон талабалар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сон-саноксиз! Демак, улар ҳам бири икки, ёмонни яхши, жиноятни хато қилиб кўрсатишлари ҳеч гап эмас. Ахир улар ҳам қайси бир идора бошлигидир, саксон тонна гўштни юз тонна, беш юз минг дона тухумни олти юз минг, тўққиз юз минг тонна пахтани



бир миллион тонна, деб рапорт беришса-чи? Ким тарози-га солиб кўради? Шу нарсалар халққа тақсимланса, планлаштирув органлари йигирма тонна гўштни, юз минг дона тухумни қасрдан олади? Яхши фазилатларни бир оз бўрттириш яхши ниятдан, олижанобликдан келиб чиқади. «Олтин Юлдуз» медалини таққан одамни «қаҳрамон», дейишади. Демак, мактабни «олтин медаль» билан тамомлаган ўқувчи ҳам — ўзига хос «қаҳрамон». Агар ўқувчи яхши баҳо билан ўқиб келган-у, ўзлаштириш рақами, шубҳали обрў маънавий учун муттасил равишда «яхши» баҳосига бир балл қўшилиб, «аъло» баҳолар билан мактабни тугатган, «олтин медаль» берилган, яъни расмий тарзда, «қаҳрамон», деган иборани унга нисбатан қўллаш мумкиндир? Унда саксон тонна гўштни юз тонна, беш юз минг дона тухумни олти юз минг дона, тўққиз юз минг тонна пахтани бир миллион, деган «қаҳрамон» лар нима бўлади? Балки улар ҳам бояги ўқувчидек умуман «қаҳрамон» эмасдирлар? Нега бўлмаса «Олтин юлдуз»ларини тақиб гердаиб юришади? Нега уялишмайди, андиша қилишмайди? Ахир ҳеч ким билмаганда ҳам уларнинг ўзлари «қаҳрамон» эмасликларини яхши билишади-ку! Чунки уларнинг ҳам биринчи синфданоқ «ўрта» баҳоси «яхши»-га, «яхши» баҳоси «аъло»га айлантирилган, чунки уларнинг «аъло» баҳолари район, область кўрсаткич тегиримонига сув қуйган, эвазига кимлардир «гердаиб» юришни ўзлари учун табиий бир ҳол, деб тушуниб қолишган, «рўшнолик кўриш унча мушкул эмас экан, «ёмон» баҳони «ўрта», «ўрта» баҳони «яхши», «яхши» баҳони «аъло» дейилса кифоя экан. Атиги — бир балл! Шунинг учун аслида ёмон ўқиган муаллимга ўрта баҳо қўйиб, болаларимизни топшираверамиз, араб институтни битирган нотаваб врачга бемор ота-оналаримизни ишонаверамиз — болаларимизни майиб қилаверинглар, ота-онамизни ўлдираверинг, деймиз, кези келганда пуллар суқамиз. «Ўрта»ни «яхши», дея олган ҳимматли тил нега «яхши»-ни «аъло», ёмонни яхши, жиноятчини «қаҳрамон», дея

олмайди? Фақат бир балл! Гайкасини сал тортиб ёки бўшаштириб қўйсанг, тамом, гилдирак айланаверади. Керак бўлса, гилдиракни орқага айлантириш ҳам мумкин. Масалан, оқни унчалик оқмас, деган оғиз нега энди оқни қора, дея олмас экан? Ахир кимдир, маориф соҳаси район кўрсаткичини тушириб юборяпти, сиз район маифа-атини ўйламай иш тутяпсиз, ўзингизни тор миқёсингизда фикр юртияпсиз, зараркунандалик қиляпсиз, қолаверса, сиёсий хатога йўл қўйяпсиз деганлар бўлган-ку. Мактаб директори бу гапни муовинига, муовини ўқитувчиларга уқдирган, ҳамма баҳолар бир балл олдинга сурилган.

Институтларга қолса, албатта, фақат аълочи талабаларни олишган бўларди. Бироқ шунча билими пухта ўқувчиларни топиш осонми? Масалан, врачлар тайёрлайдиган институтларни олайлик. Институт, бу йил беш юзта талаба қабул қила олмайман, атиги икки юзта оламан, чунки кўнларнинг билими заиф, уларни арабг олиш маълумот олган муаллимлар ўрта баҳога (иккинчи учга айлантирилган) ўқитишган экан, дея олмайди, чунки институтнинг ҳам ўз плани бор, уни камайтириб бўлмайди, аке ҳолда шаҳар кўрсаткичи тушиб кетади. Ундан ташқари ўрта баҳо билан институтларни битириб, алламбало йўллар билан ўқитувчиликка кириб олган қанчадан-қанча домлалар ношуд мутахассисларни етиштириб чиқаришлари учун уларни иш билан таъмин қилиш, юз минглаб маош тўлаши керак. Биронта талаба институтга илиниб қолдим, тамом, хоҳламаса ҳам тугатиб чиқиб кетади, чунки институтнинг ҳам чиқариш бўйича плани бор, уни зинҳор камайтириб бўлмайди, бир амаллаб институт дарвозасидан чиқариб юбориб, бу ҳақда керакли идораларга рапорт беришса кифоя. Кўз оғригига йўтал дорисини беришса, оғриқ тиш қолиб соғини суғуриб олишса, айб уларда эмас. «Ўрта баҳо — ўрта даво!» Бироқ ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам бор-ку, ўйлади Ислом, ўз ақидаларига эга, шаънига доғ туширмайдиган ҳақиқий қаҳрамонлар бор-ку. Ахир турмушимиз

нинг маънавий иқлимини авайлаб, туллаклар, ваъзхонлар, икқобли «ватанпарварлар» галасини қақшатинишга тайёр кишилар йўқ эмас-ку. Бор. Бироқ самимий, довиюрак одамлар баъзи ҳолларда қолишга сиғавермайди, жиловини бермайди, ўз айтганидан тоймайди. Масалан, бирошта мактаб директори «кўрсатувларга» бўйсунмаса, ўқувчилар баҳоларини оширтирмайман, мен ёмонни яхши, деса, болалар шунга ўрганиб қолишади, мен уларнинг онгини, маънавий дунёсини вайрон қилган бўламан, бу йўл билан район кўрсаткичинини кўтариш тарафдори эмасман, бугун бу томонини бўшаштирсак, эртага даҳшатга дучор бўламиз, деса, у район манфаатини менсимаяган, сиёсий ожизга чиқарилади. Борди-ю, бу иборалар мансаб чўққисидан ўтирган район раҳбари тилидан айтиладиган бўлса, қанақа довиюрак унинг гапига шак келтира олади, директорга хайрихоҳлар ҳам жимиб қолишади — хайбаракалчалар директорни талашга ўтишади, тошбўрон қилишади. Майиб бўлган директор шумшайиб идорадан чиқиб кетади. Уйига етар-етмай инсультдан қулайди, насибаси узилади, узилмаган бўлса, танасининг бир ёғи қийшайиб, бир кўзи ёпилмай қолади, эпақага келмайдиган лабидан оқадиган сўлакни артишга шол қўли кўтаришмайди, ҳожатини ҳам ётган жойида бажаради. Шундай қилиб, идеалга мутлақо ишонган ва бунинг галабаси учун курашга тайёр бир кимса битта ўқ билан қулатилади. Кейингиси ким?..

\* \* \*

Ислом уйига қайтгандан кейин бир неча кун дам олди. Борган кунпёқ Сафаровга учрамоқчи, диссертация ёклаганини айтмоқчи эди, истиҳола қилди: дарров югуриб келипти ютоқиб, демасин.

Ислом Сафаровга бир неча кундан сўнг телефон қилди. — Эшитувдим, — деди Сафаров телефонда. — Ўзим суриштирмоқчи бўлиб турувдим, яхши, телефон қилиб қолдингиз. Табрикласак бўладими энди, Исломжон?

— Ҳа, Шерали Сафарович, — деди Ислом, — кутулиб олдим.

— Табриклайман, — деди Сафаров.

— Раҳмат, Шерали Сафарович.

— Режалар қанақа, Исломжон?

— Гапингизни икки қилмадик, — деди Ислом бир оз ўйлаиб. — Мана, келдик. Буёғига нимани муносиб кўрсангизлар шу-да, Шерали Сафарович.

— Бафуржа бир гаплашамиз, — деди Сафаров. — Ҳозир бир жойга шошилиб турибман. Дарвоқе, Исломжон... Мухсин Кабирович бир оз бетоблар. Кўргани бормоқчи бўлиб турувдим. Агар истасангиз, сиз ҳам қўшилишинг. Хушхабарни ўз тилингиз билан айтасиз, у киши хурсанд бўлади-лар.

— Қандай бўларкин, Шерали Сафарович, — деди Ислом иймангандек бўлиб. — Бетоб бўлсалар, безовта қилиб қўймасмикинмиз? Мен ўзим ҳақимда айтмоқчиман

— Бари бир икки томонларида телефон, ҳаловат йўқ. Қайтага бир оз чалғийдилар. Хўш, нима дейсиз?

— Нимадан бетоблар? — сўради Ислом. — Қуруқ қўл билан бориш ноқулайдир? Совға-салом, дегандек...

— Ҳеч нарсаинг ҳожати йўқ, — деди Сафаров. — Ҳамма нарса бор.

— Бўпти, Шерали Сафарович, қаерга борай?

— Кўчага чиқиб туриг, ўн минутда машинада бора-ман, улгурасизми?

— Улгураман, Шерали Сафарович.

— Келишдик, — деди Сафаров. — Кутинг.

Ярим соат ўтгач, машина икки томонига арча экилган хиёбонга кириб борди, симобранг жимжимадор темир дарвоза олдида тўхтади. Машинани кўриб, қоровул қоровулхонасига кириб кетди, бир оздан сўнг дарвозанинг табақаларини икки томонга очди. Ичкарида қуюқ сув сепилган асфальт йўлак бўлиб, аслида ташқаридаги хиёбоннинг давоми эди, фақат бу ер кўпроқ истироҳат

богини эслатарди, кўз иллагаи жой кўм-кўк дарахтзор, сўлим, озода эди.

— Қаерга келдик, Шерали Сафарович? — тепада дарахт шохлари туташган хиёбон бўйлаб кетаркан, сўради Ислом машинанинг орқа ўриндигида ўтирган Сафаровдан.

— Бу совхоз боги, — деди Сафаров, гўё ўзининг ҳам хиссаси бордек, бир оз гурурланиб ва шофёрга: — Шу ерда тўхтат, — деди. — Буёгига яёв борамиз. Узоқ эмас. Сал юришганларидан кейин хиёбон уларни азамат чипорлар қуршаган мрамор ҳовуз олдига олиб чиқди. Бу ерда оқ халат кийган одамлар ҳар хил таомлар тайёрлаш билан банд, кабоб кўрасидан кўтарилаётган тутун ҳаммаёққа таркаган, димоққа ёқимли хидлар урилар эди.

Хизматдаги одамлар бирин-кетин пешвоз чиқиб аввал Сафаров, кейин Ислом билан қуюқ ва муте кўришишди, журъат қила олмаганлари четроқда қўлларини кўксига қўйиб илжайиб туришди.

Кўришганлар ҳам одобсиз иш қилиб қўйгандек, тезда ўз юмушларига тисарилиб кетишди, Сафаров билан Исломнинг олдида малла нейлон кўйлак, тўқима шляпа кийган семиз бир киши қолди — бу ердагиларнинг мутасаддиси бўлса керак, унинг қўли икки ёнига ёпишган, честь бериб юборишга тайёрдек эди.

— Муҳсин Қабиорович қалайлар? — сўради Сафаров.

— Яхшилар, — деди шляпали киши шошилинич ва ўз жавоби тўғри-нотўғри чиққанидан шубҳаланди чоғи, худди пойабзали тордай хийла депсиниб қўйди. — Дўхтирлар ҳозиргина кўриб кетишди.

— Шийпондамилар? —

— Ичкарида бўлсалар керак, массаж қиладиган жувон ҳозир уёққа ўтиб кетди, — деди шляпали киши ва кўзида ғалати бир ифода йилтиради.

— Майли, биз шийпонда тура турамыз, — деди Сафаров

ва Ислом билан пари кетинди. — Чой олиб боришини.

— Хўп бўлади.

Эман дарахтлари соясига қурилган панжарали шийпон ердан одам бўйи баланд, бўёқдан янги чиққан безаклари ярқиради, кимсасиз эди. Эллик қадамча нарида усти мраммар ушоқлари билан қопланган деразаларига конденционерлар ўрнатилган икки қаватли кўркем бино турар, олди гулзор, бу ер ҳам осуда, жимликни фақат қушлар сайраши бузар эди.

Сафаров билан Ислом шийпонга кўтарилишиб, бахмал креслоларга ўтиришди. Гиламлар тўшалган шийпоннинг бир томонида графин-рюмка қўйилган буфет, «ЗИЛ» холодильник, япон телевизори, доналари сочилиб ётган шахмат тахтаси бўлиб, шийпоннинг уч томони очиқ, шамолда ҳилпираётган ҳарир дарпардалар орқали ўрмонни эслатувчи қоронғи дарахтзорлар, оппоқ доқа ёйилган катта стол, нарироқда, қуёш нури ҳеч қачон тувмайдиган тарафда тахта каравот бўлиб, бир оз гижимланган оқ филофли аёли устида саҳифалари очиқ газета ва кўзойнак ётарди. «Кўзойнак тақар экан-да, деб ўйлади Ислом, қари эмас-ку, пари борса қирқ бешларда...»

Шляпали киши чой келтирди, пиёлаларга қуйиб, меҳмонларга узатди, столдаги доқанинг ярмисини очиб қўйди.

— Массажчи жувои кетсин, тушадилар, — деди у Сафаровнинг саволини қутгандек. — Овқат пайти ҳам бўлиб қолди. Бирпас ўтира турасизлар ўзларингиз. Узр. Мен одамлар олдига борай, бош-қош бўлиб туриш керак.

— Бемалол, — деди Сафаров. — Юмушларингиз бўлса, бораверинг. Телевизорни қўйиб кетинг, бирон нарса кўриб ўтирармиз.

— Яна келадиганлар борми? — сўради шляпали киши телевизорни қўяркан.

— Билмадим, — деди Сафаров тушунмай. — Нимаёйди?

— Идиш-товоқ тайёрлашни айтаман.

— Билмадим, балки уйдагилари келиб қолинар.

— Опа эрталаб келиб кетувдилар.

— Биз келганимизни у кишига айтиб қўйиш керакмиди? — деди Сафаров.

— У киши биладилар, — деди шляпали киши кета туриб. — Ким келганини қоровул дарров телефонда айтади. Хўжайинининг руҳеатисиз дарвоза очилмайди.

Сафаров бош иргаб қўйди. Ислон бу гапни эшитиб, бир оз таажжубланди, боя қоровул ичкарига кириб, бир неча минут гойиб бўлиб кетганлигининг сабабини энди тушунди.

Ниҳоят дарахт барглари орасидан икки қаватли бинонинг мармар зинасидан тўзгиган сочларини силаган ҳолда чиройли бир жувон кўринди, у оқ халатнинг тугмаларини тақди-да, чўнтагидан ойнача олиб қаради, пардозини тузатди ва қиёфасига жиддий тус бериб, шахдам қадамлар билан нари кета бошлади.

Ислон Сафаровга қаради, аммо Сафаров ўзини телевизорга банд қилиб, буёққа бошини бурмади ҳам.

Бир неча дақиқа ўтгач, бояги шляпали киши бир даста кумуш қошиқ-вилка ва қоғоз салфетка келтириб, столга қўйди.

— Зеркмаянсизларми, меҳмонлар? — деди ва жавоб кутмай Ислонга юзланди: — Чой борми, домла ё янгилаб келайми?

— Чой бор, — деди Ислон шошилиб. — Ҳали иссиқ.

— Яна жичча кутасизлар, — деди у, столдаги мева солинган вазаларни четроқ сураётди. — Одатда хўжайини массаждан кейин ярим соат дам оладилар. Йўли шунақа экан. Дўхтирлар буюринти.

Ярим соатдан зиёд вақт ўтди, аммо Кабировдан ҳамон дарак йўқ эди. Телевизор экранда испан тилини ўргатиш машгулоти олиб борилаётган эди, Ислон сиқила бошлади. Сафаров жим ўтиринти, кўзи телевизорда, бирон нарса деб гап очишга Ислон ботинмади, шу алпоз яна бир неча муддат ўтди. Ниҳоят қимматбаҳо пижама устидан елкасига

қумсабзи беқасам тўн ташлаб Кабилов кўринди. Сафаров дарҳол телевизорни ўчирди-да, Ислолга ишора қилди, улар пастга, Кабилов истиқболга чиқишди. Унинг нам, тимқора сочи силлиқ таралган, йирик кўзлари сўлгин, яқинда олинган соқолининг ўрни кўкимтир эди. Кабилов биринчи Ислол билан, унинг устидаги жинси шимини кўриб, Сафаровга таъқибли қаради, сўнг қўлини чўзиб турган Сафаров билан кўришди, ҳол-аҳвол сўрашишганидан кейин Кабилов шийнон зинаси томон жилди, Ислол билан Сафаров қўлларини қовуштириб, унинг орқасидан эргашишди.

— Ишлар қалай?— сўради Кабилов, бахмал креслога ўтиргач, Ислолга қараб. — Диссертацияни ёқлабсиз, эшитдик. Табриклаймиз энди, — деди у эҳтироссиз.

— Раҳмат, Муҳсин Кабилович, — деди Ислол, камтар жилмайиб.

— Ўтиринг, ўтиринг.

Аввал Ислол, кейин Сафаров креслоларга ўтиришди. Кабилов Ислол кийган жинси шимига қараб қўйди.

— Бетоб экансиз, Муҳсин Кабилович, — деди жимликни бузиб Ислол, — кечирасиз... биз... мен...

— Ҳа, — деди Кабилов Ислол гапининг давомини эшитмай. — Ҳозир бир оз ремонт қилдириб олмасак, кейин қўл тегмайди, пахта бошланиб кетади. Ҳозир гуллаган пайти, курортга боришга вақтни кўзим қиймади.

— Тўғри, — деди Ислол Кабилов жимиши билан.

— Қон босими бор, кўз тинади.

— Ҳозир тузукми, Муҳсин Кабилович?

— Тузук. Туширишди.

Шу пайт шляпали киши яна бир йигит кўмагида келиб зина олдида тўхтади. Уларнинг қўлида дока ёпиқлик патнислар бор эди. Кабилов уларга «олиб келаверинглар» маъносида бош ирғади, ҳаш-паш дегунча столга турли таомлар тортиди. Овқатдан кейин улар бир оз суҳбатлашиб ўтиришди. Кабилов ҳомуза тортиди.

— Сизни толиқтириб қўймадикми, Муҳсин Кабилов



вич? — одоб йўлига сўради Ислом. — Балки дам олишингиз зарурдир?

— Йўқ, — деди Кабиrow кўзини артиб. — Ишга ўрганиб қолган кишига мана бунақа ётавериш бир оз зерикарли бўларкан.

— Нимасини айтасиз...

— Шахматга қалайсиз? — сўради Кабиrow Исломдан. — Шерали Сафарович, биламан, ўйнамайдилар.

— Ҳамма қатори, — деди Ислом, аслида шахматни тузук ўйнаса ҳам. — Дона суриш қўлдан келади. Аммо сиз учун мен билан ўйнаш унча қизиқ бўлмаса керак.

— Уша ёққа ўтамиз, — деди Кабиrow ўрнидан қўзғалиб. — Менам чемпион эмасман. — Улар шахмат доналари сочилиб ётган столча ёнига бориб ўтиришди. — Шерали Сафарович, кечирасиз энди, сал чидайсиз, — деди Кабиrow доналарни теришга киришиб.

— Бемалол, Муҳсин Кабиrowич, — деди Сафаров тезкорлик билан. — Томоша қилиш қўлдан келади.

Биринчи партиянинг ярмига борганда Исломнинг қўли баланд кела бошлади, аммо у бетоб ётган одамни мот қолдирса, қанақа бўларкин, деб ўйлади, унинг устига бемор — районнинг раҳбари... Ислом хато қила бошлади, ўйин дуранг билан тугади. Қийин позицияни дурангга олиб борган Кабиrow завқланиб, яна ўйнаймиз, деди. Кейинги партия анчагина давом этди, Ислом ўзини ютишга тиришаётган қилиб кўрсатиб, сездирмай ташаббусни рақибга бера борди, натижада ўйин Кабиrowнинг фойдасига ҳал бўлди. Аммо буларнинг орасида ҳақиқатда азоб чеккан Сафаров эди, чунки Ислом ёшлик қилиб, ўйинни ютиб олса, Кабиrow зил кетган бўларди, ўртага таҳлика тушарди, аслида шахмат ўйинидан яхшигина хабари бор, лекин буни сир тутиб келаётган Сафаров, биринчи ўйиндаёқ Исломнинг юришлари пухталигини сизди ва иккинчи ўйинни атайлаб ютқазганини ҳам фаҳмлади, Исломнинг фаросати борлигидан мамнун бўлди, ўзи ютгандек хурсанд бўлди.

— Ура!— деди у ясама кўтаринкилик билан ва шу заҳотиёқ «голиб»нинг кўлини сиқди. — Хўп юришларингиз бор-да, Мухсин Кабирович! Қаттиқ ўйнаб кўйсиз-да!..

— Исломжон ҳам дуруст ўйнар экан, — деди Кабиров камтарлик йўлига. — Олдинги партияда ҳужумга берилиб кетиб, ҳимояни бўшаштириб қўйди, бўлмаसा ютуқ у кишида эди.

— Унчалик эмас, — деди Ислом Кабировни рағбатлантириш мақсадида. — Сиз ўзини яхши олиб борар экансиз. Мен бунга иқрор бўлдим.

— Мухсин Кабирович, чарчадингиз, — деди Сафаров ўзини жонкуяр кўрсатиб ва хотима ясагандек: — Энди дам олинг... — деди.

— Шунақами? Ҳа, майли, — дея Кабиров ўрнидан турди, сирғалиб тушган тўшини яна елкасига ташлади.

Сафаров билан Ислом районга қайтар эканлар, йўл-йўлакай чурқ этишмади. Машина Исломнинг дарвозаси олдида тўхтаганида, Сафаров ҳам Исломнинг кетидан тушди.

— Уйга марҳамат, — деди Ислом биринчи бўлиб ўзи шу таклифни илгарироқ айтмаганидан хижолатланиб.

— Бонқа гал, — деди Сафаров жойида тўхтаб. Қиёфасидан бир нима демоқчидек эди. Орага жимлик чўкди. — Исломжон, — деди ниҳоят Сафаров. — Нима учундир бугун Мухсин Кабирович сизга топшириладиган вазифа ҳақида оғиз очмадилар. Аммо бу гап бари бир очилди, деб ўйлайман. Бирон ҳафтадан кейин у киши ишга чиқадилар. Албатта бу масъулиятли масала. Балки мен билан ўзаро маслаҳат қилиш ниятлари бордир. Ҳар қалай бу масала очик қолмайди. Бир қарорга келсак, мен сизга дарров телефон қиламан, топтираман. Сиз ҳозирча дам олиб тура туринг. Опамиз ҳам сизни соғиниб қолган бўлишлари керак, олдиларида юрсангиз, кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Айниқса, отағизининг вафотидан кейин,

ў кишига ҳамдард бўлиб туриш ҳозир зарур. Ўзингиз тушунасиэ.

— Ҳа, Шерали Сафарович, албатта.

— Омон бўлинг,— деди Сафаров хайрлашиш учун қўл чўзиб.— Дарвоқе... Қай йўсинда айтсамикин?.. Нотўғри тушунишингиз мумкин...

— Айтаверинг,— деди Ислом ҳадиксираб.

— Кўнгил-да... Исломжон... Шу... Мухсин Кабинович мўйлов қўйган ёшларни... нима десамикин... унча...

— Еқтирмайдилар. Тўғри тушундимми?

— Баракалла, тўппа-тўғри,— деди Сафаров енгил тортиб.— Буёғи ўзингизга ҳавола.

— Лабимнинг тепасида чандиқ бор,— деди Ислом самимий тарзда кўнгилсизланиб.— Ёшликда йиқилганман. Шунини яшириш учун мўйлов қўйгандим.

— Исломжон,— деди Сафаров зорлангандек.— Менга қолса соқол қўйинг. Аммо... Мухсин Кабинович феълик одам. Шу томонини сизга айтиб қўйишим лозим деб ўйладим-да, ука... Яна ўзингиз биласиз...

Ун кунга қадар Сафаровдан дарак бўлавермади. Бундай жимликни Ислом Кабиновичнинг феълига, мўйлови унга ёқмаганига йўя бошлади, шаҳарга қайтиб кетиши, ишни ўша ердан ахтариш йўллариини чамалай бошлади.

Бир кунини тушлик овқатдан кейин телефон жириглаб қолди, Ислом отилиб бориб трубкани олди, Сафаровнинг овозини таниди.

— Ҳўн бўлади,— деди Ислом, юраги така-нука бўлиб.— Раҳмат!.. Ўзлари қабул қиладилар? Раҳмат! Бир соатда етиб бораман. Алё? Маориф бўлимига, дейсизми?.. Лаббай?.. Шимим?.. Тушуварли... Майли, Шерали Сафарович...

Ислом трубкани қўйиб, чорнояга ҳолисиз ўтириб қолди, оёқлари қалтирар, юраги гушиллар эди. Шу аснода бир оз ўтиргач, у секин ўрнидан туриб, ошхонага кирди, газга сув қўйди, қайноқ сувни келтириб ойна олдига тур-

ди, совунни кўпиртирди, одати бўйича икки юзига, кейин мўйловига суртди, обдаи ишқади, устара юритди...

Кейин водопровод краини остида ишқириб ювинди, хоначисига кириб кийимини ўзгартирди, каравотида сочилиб ётган китоб «декабрист»лар исёни ҳақида ёзилган авторефератларни йиғиштирди, столи ғаладонига ташлади, яна ойнага қаради: мўйлови остидаги қуёш тегмаган эти оқиш, лабиниинг устида кичкина чандиқ бор эди. «У кунни шахматда қолиб бердим, — ўйлади Ислом, мўйловсиз лабини си-лаб. Бир неча йил мобайнида устара тегмай эти нозиклашиб қолган эди, кафти дағал кўринди. — Мана бугун... мўйловимни қириб ташладим... Кейинчалик нима бўларкин? Фезллик одаммиш... Унга яна бирон ерим ёқмай қолса-чи? Қанақа кийинишимниям сўрайман шекилли... Кимга уйланишимниям... Қанақа одамлар билан алоқа қилишимниям... Қайси тўйга, қайси азага боришимниям... Шахмат... Мўйлов... Шим... Учта шартни бажардим. Тўртинчиси қанақа бўларкин?..»



## Икки пардали пьеса

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Акбар Содиқов	— 60 ёшларда.
Қосим Мансуров	— 50 ёшда.
Арслон	— Акбарнинг укаси, 38 ёшда.
Ортиқ	— Акбарнинг куёви, 35 ёшда.
Зулфия	— 5 ёшли қизча.

## Биринчи парда

Саҳнада — кенг даҳлизли уй. Ҳовлида стол, стуллар. Новдадан тўқилган креслолар. Уйнинг ёнида шинамгина ошхона. Пижама кийган Акбар қозон тепасида овора.

Чан томондаги арқонда иккита хўл костюм-шим илиглиқ. Унг томонда мевали дарахт бор, йўгон бир шохига сиртмоқ илинган.

Рўнарадаги даҳлизли уйдан сарпойчан, майка-трусси устидан тўп кийган, чамаси, эллик яшар одам отилиб чиқади, уйнинг орқа томонига югуради. Бир оздан сўнг у сочқ билан оғзи бурнини артиб, қайтадан ух тортиб, тўқима креслога ўтиради.

Ошхона эшигида хўл сочлари таралмаган Акбар пайдо бўлади.

Акбар (*Қосимга*). Қалай, ошна, сал енгил тортдингизми?

Қосим (*аранг*). Ичим сувга тўлиб кетган эканми, ҳеч тугай демайди.

Акбар. Йигитлар сизни силкитишганда ичингиздан бир челақча сув тушди.

Қосим. Бир челақ? Унисини билмайман. Кимдир сочимга ёпишганини биламан, қолгани эсимда йўқ. Ҳушимга келиб қарасам, тепамда бир талай оқ халатли одамлар ивиренб юришипти. Яхшиям сочим бор экан, бўлмаса нима қилар эдингиз?

А к б а р . Кийимнигиз бор эди. Ялангоч одамни олиб чиқиш қийин бўлади. Қўл сирғаниб кетаверади. Хуши ўзида бўлса, жон талвасасида қутқарувчига ёпишиб олади. Ўзи билан тортиб кетади сув тагига.

Қ о с и м . Шунақа экан, сиз нега қўрқмай ўзингизни сувга ташладингиз? Ахир сизниям чўктириб юборишим мумкин эди-ку? Ёки сузиш бўйича разрядингиз борми?

А к б а р . Разрядим йўғу, моржман. Ёзини-қийини чўмиламиз. Анҳорда. Қарасам, узоқдан қутқарувчилар командаси моторли қайиқда келишяпти. Шартта ўзимни ташладим.

Қ о с и м . Қутқарувчилар келишяётган экан, нега сакрадингиз?

А к б а р . Улар етиб келгунича (*ичкарига қараб олади*), сиз чўкиб кетган бўлардингиз. Бир оз бўлсаям, сизни ушлаб туриш керак эди. Агар қутқарувчилар етиб келишмаганида — қиргоқ анча олис — билмадим, нима бўларди. Балки иккаламиз ҳозир бирон жойда ёнма-ён ётармидик...

Қ о с и м (*ўйлашиб*). Бари бир ишонгим келмайди.

А к б а р . Шимага ишонгингиз келмайди? Омон қолганингизгами?

Қ о с и м . Омон қолганимга ишониб турибман. Мен сизнинг қилган ишингизга... Ахир хавф аниқ экан-ку. Сизни ҳам ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин эди! Ақл бовар қилмайди. Сиз ё ўз кучингизга ишонгансиз, ё... кечирасиз, галатироқ одамсиз...

А к б а р кулади.

Агар сувга сакрамаганингизда, биров сизни, чўкаётган одамни қутқармадинг, деб айбламасди-ку! Ҳа, бақириб-чақириб одам тўплашингиз, сузишни билмайман, дейишингиз мумкин эди! Биров сизни текширармиди?

А к б а р . Сузишни биламан-ку.

Қ о с и м . Сузишни биласиз, аммо ўзингиз ҳозироқ, чўкаётган одам жон талвасасида қутқарувчига маҳкам

ёпишиб олади, чўктириб юбориши мумкин, дедингиз-ку?!

А к б а р . Тўғри... (Ошхона ичига қараб олади.)

Қ о с и м . Демак, шахсан сиз учун ўлим хавфи муқар-  
рар эди, шунақами?

А к б а р . Оғайни, коньяк бор, элликта-элликта отамиз-  
ми ошдан олдин? Қон югуради...

Қ о с и м . Яхши бўларди-ю, соат бешга катта идорага  
чиқишим керак. Ишим яхши битса, ўзим қисталам қила-  
ман! Қайтиб келиб.

А к б а р . Ихтиёрингиз, сал қон югурсин девдим. Ўл-  
май қолганимиз учун...

Қ о с и м . Тавба!

А к б а р . Ҳм?

Қ о с и м . Сиз бунақа сўзларни осонликча айтворга-  
нингизга ҳайронман! Ахир тасодифдан ўлмай қолдик-а!  
Тасодифдан! Мен-ку, майли, ўз нодонлигим натижасида  
чўкиб кетсам, кўргилик, айб ўзимда кетардим. Аммо сиз  
бор ажални кўриб туриб, ўзингизни сувга ташлашингиз!..  
Ақл бовар қилмайди! Ёки ҳаётингиз ўзингиз учун шунча-  
лик қиммати йўқ, аҳамиятсизми?

А к б а р . Нима қилишим керак эди? Биров чўкаёт-  
ганини кўриб туриб, ўзимни кўрмасликка олиб, қайрилиб  
кетишим керакмиди? Мен яшашни ўйладим ўшанда. Очи-  
ғи, ўйлаганим ҳам йўқ. Ўйлашга фурсат ҳам йўқ эди.  
Битта чора — сакраш эди. Ўйласам, сиз мана бу ерда  
турмаган бўлардингиз. Мен ҳам яшашни истайман.

Қ о с и м . Яшашни истаган одам, била туриб ўзини  
сувга ташлайдими?

А к б а р . Агар ўгирилиб кетганимда, буёғига қандай  
яшар эдим, ўйлаб кўринг? Сузишни била туриб, чўкаёт-  
ган одамни кўра туриб... Бировнинг ажалини бир умр  
кўтариб ўтиш, ахир, инсоф қилинг, менинг ҳам тинч ухла-  
гим келади. Нима, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда сиз  
ҳам шунақа қилмасмидингиз? Албатта, сиз ҳам сакраган  
бўлардингиз. Аминман. Буёқдаги умримиз фойдага қолди.

Қ о с и м . Худо сизни етказганини қаранг, бир қили-



гим унга ёқиб кетган экан-да, бўлмаса ҳозир ётардим, сувнинг тагида бўкиб. Бу ишингизни бир умр унутмайман, ошна! Огайни бўламиз! Уйимнинг тўри сизники! Хизматингизга доим тайёрман!

А к б а р . Қутқарувчиларга раҳмат. Ўз вақтида етиб келишди азаматлар.

Қ о с и м . Комсомол кўлида айни шу пайт нима қилиб юрувдингиз? Тагин келиб-келиб ўша осма кўприкда, худди мени қайиғим тўнтарилиб кетган жойда?

А к б а р . Биларсиз, Комсомол кўлининг нарёгида республика архиви бор. Тўрт қаватли сариқ бино. Ўша ёққа кетаётувдим. Одатда шу Комсомол кўли орқали ўтаман. Ўзингиз-чи? Битта ўзингиз нима жин уриб қайиқда сузиб юрувдингиз? Е ёшлигингиз эсга тушиб кетдими?

Қ о с и м . Ёшлигимам эсимга тушиб кетувди. Бир иш билан Тошкентга келувдим катта идорага.

А к б а р . Командировкагами?

Қ о с и м . Йўқ, ўз хисобимдан. Қабул қилишади, ёзилиб келдим. Депутатлик ишларим... Вақтим бемалол, овқатланиб, ўша ёққа бориб қолибман. Қишлоқ хўжалик техникумини шу ерда тугатганман, ўша ўспирин пайтларимиз эсимга тушиб, боғ айлангани кирдим. Пахта кампанияси, студентлар кам, қарасам қайиқлар бўш турипти. Бир студентлик давримни хотирлай, деб қайиқ олдим, бивойидек ҳайдаб кетдим... Шундоққина ёнимда сув устида қалқиб турган рангли фоторасмга кўзим тушиб қолди. Ярим ялангоч қизларнинг расми экан, кўргим келиб, шундоқ кўлимни чўзганимни биламан, шалоп этиб қайиқ тўнтарилиб кетса бўладими. Сузишни яхши билмайман, ўзимни йўқотиб қўйдим. Қолгани ўзингизга маълум.

А к б а р . Қанақа экан?

Қ о с и м (*тушунмай*). Нима қанақа экан?

А к б а р . Ярим ялангоч қизлар?

Қ о с и м . Ие! Гапингизни қараюг. Қўлим етгани ҳам йўқ!

А к б а р . Ярим ялангоч қизлар расмини кўриб, сайр

қилмоқчи бўлибсиз-да. Ният эгри бўлса шунақа, одамни чалади.

Қ о с и м . Рост. Бизнинг ёшимизда қизлар расмини томоша қилишни ким қўйипти? Ҳа, энди, ошна, асл нусха-сига қулочимиз етмагандан кейин, расмига чўзиламиз-да. (Кулади.) Хужжатлар ивигани яхши бўлмади-да. Сиеҳи суркалиб кетипти, биронта сўзини ўқиб бўлмайди. Яхшиям эрталаб муҳим хужжатни топшириб келувдим-а?

А к б а р . Жонингиз омон қолганига шукур қилсангиз-чи.

Қ о с и м . Қуридимкини, бир қарай-чи, гиламга ёйиб қўювдим. (Уйга кириб кетади.)

Акбар ошхона томон юради, шу пайт дераза тоқчасидаги телефон аппарати жиринглайди. Акбар тез бориб, трубкани олади.

А к б а р . Алё! Алё! Пуф! Пуф! Алё! Ҳа, шу номер. Термиздан? Ҳа, ҳа! Эшитаман. Хўп. Ҳа, мен, Содиқовман... Раҳмат... Тоҳир? Ваалайкум ассалом!.. Яхши... Тузук... Узинг қалайсан? Практиканг қандай ўтапти?.. Мустақил ўзинг иш олиб бордингми?.. Қалай, ўғлим, ҳали тажрибанг жуда кам, қийналиб қолмадингми?.. Ўқитувчи?.. Бугун суд мажлисида кўрилади?.. Қўлингдан келганича яхшилик қил... Яхшилик бари бир ёмонликдан яхши, болам... Албатта, кўнглинг сезиб турган бўлса, ёшини ол бечорани, ҳимоя қил, бўлмаса икки ямлаб бир ютворишади! Ҳа! Шунини доим миёнгда сақла, ўғлим! Исик пасайдими?.. Биз томонларда салқин тушиб қолди, костюмда юрибмиз... Аянг? Онанг Марямнинг уйига телефон қилиб кўр, ўшатта аянг... Кейин биласан... Ҳа... Ўйлама буни, ўзингга пухта бўл. Хўп. Хайр!..

Трубкани қўяди. Бир зум жим ўтиради. Юмуши эсига тушиб, ёридан туради, ошхонага кириб кетади. Кангир товуши эшитилади. Уйдан сочини тараб Қ о с и м тушади, осиглиқ кийимларини ушлаб кўради, костюмин ағдариб қўяди. Сиртмоққа қарайди, таажуб бўлади.

Қосим (ошхона томон овозини кўтариб). Ошна, отингиз инмайди?

Акбар (ошхонадан овози келади). Акбар Соднқов!

Қосим. Акбар ака, ўглингиз билан гаплашдингизми дейман?

Акбарнинг овози. Ҳа, Қосимжон, ўғлим билан. Исми Тоҳир. Термизда, практикада. Маслаҳатли гапи бор экан...

Қосим. Болалардан нечта, Акбар ака?

Акбарнинг овози. Тоҳир институтни бу йил тугатади. Кенжамиз Саттор армияда. Волгоградда. Бир йилдан кейин қайтади. Қизимиз Марям тўнғичимиз. Узатилган.

Ошхонадан чиқади.

Ўзларида нечта?

Қосим. Бешта. Ҳаммаси қиз. Хотин ўғил тугмади. Мижози шунақа экан. Иккитаешни чиқарганман. Учинчиси ўчинчиди тугатяпти. Етилиб турипти. Буёғига, Акбар ака, келин ахтариб ўтирмайсиз. Насиб қилган бўлса, ажаб эмас, оғанилигимиз янаям мустаҳкам бўлиб кетса.

Акбар. Ҳозирги ёшларни биласиз, одам бирон нарса дейишгайм чўчийсан киши. Аммо тақдир насиб қилган бўлса, ажаб эмас...

Қосим. Муродимизга етайлик...

Акбар. Қорин қалай, ошна? Очқаб қолмадингизми?

Қосим. Ҳали сув кўп (кулади). Очгани йўқ.

Акбар. Ҳозир гуруч соламан. Ҳаш-наш дегунча пишадди. Ўтирамиз отамлашиб. Бугун шу ерда қоласиз.

Қосим. Жуда сизга дардисар бўлар эканмиз-да? Сизлар шаҳарликлар, ёлғизликни ёқтирасизлар...

Акбар. Ис, унақа демаинг, ошна. Одам тафтини одам кўтаради.

Акбар. Уй бемалол. Хотин аразлаб юрипти. Қизинкида.

Қосим. Шунақа денг? Мунақасиям бўлиб туради. Шу ёшда араз қилиб қаёққаям борарди. Ховуридан тушади, келади. Яна апоқ-чапоқ бўлиб кетасизлар.

А к б а р бош иргайди, жавоб бермайди.

Шундан бир оз кўнглингиз хижилми дейман, ошна?

А к б а р. Ҳа, энди, ўзингиздан қолар гап йўқ. Одамнинг ёши ошгандан кейин, эр-хотин бир-бирига суяниб қолар экан...

Қосим. Нимасини айтасиз, Акбар ака. Гапингиз тўғри. Акбар ака, ўғлингиз юристми дейман?

А к б а р. Бўлажак юрист. Институтини тугатяпти. Шу институтга киришга ўзим маслаҳат бердим. Термизда унга мустақил иш топширишпти. Бир ўқитувчи аллақандай маҳаллий амалдорнинг ўғлига икки баҳо кўйган экан, бечора ўқитувчи маломатга қолипти-кўйипти. Унга инсбатан ишлатилмаган чора қолмапти. Ҳатто хотинини ҳам қўлга олишпти. Хотини эри устидан шикоят ёзиб беришти. Ўғлимга шу иш тушипти.

Қосим. Анча чалкаш ишга ўхшайди. Устидан ўз хотини шикоят ёзиб берган бўлса... Мм... Нима деб эри устидан шикоят ёзиши мумкин?

А к б а р. Нима деб ёзишни ҳам ўргатишгандир. Болалар боғчасида тарбиячи экан, ўша заҳотиёқ мудирликка кўтаришпти.

Қосим. Тавба! Ҳеч нарсадан тап тортмай иш тутишадия! Ахир қинғир иш суриб кетиши мумкин, деб чўчишмайдиям-а! Ҳаромдан ҳазар қилишмайди-я, тавба! Сизга қанақа, билмадим, аммо ҳаром менга зинҳор ҳазм бўлмайди. Бориб-бориб албатта бир нарсага касри уради. Бир куни денг, азонда ишхонага кетаётувдим, ерда газетга ўроглиқ бир нарса ётипти. Қарасам, бир ховуч пул. Ҳаммаси йигирма беш сўмлик. Атрофга алангладим — ҳеч ким йўқ. Эгаси чиқиб қолар, чиқмаса давлат банкига топширарман, деб ёнимга солиб кўйдим. Ҳадеганда эгаси ҳам чиқавермади, нимагадир етишмай, ўша пулдан

эллик сўмини ишлатиб юбордим. Айни ўша қунлари жиянимни туғилган қуни эди, нима совға қилай, деб сўровдим, жиян, жинси шим олиб беринг, деди. Хўп, қанча туради, деб сўрасам, икки юз эллик сўм, деди. Сочим тикка бўлиб кетди. Битта шим шунақа ҳам қиммат бўладими?! Орийт кучли. Ўзим олдида катта гапирворганман. Орқага қайтиб бўлмайди. Ёнимни кавладим. Роппа-роса икки юз эллик сўм қолган экан, шартта бердим жиянга. Лекин бу қингир ишнинг оқоваси кейин чиқа бошлади — сигиримиз бўкиб қолди, бўзгига пичоқ тортиб юбордик. Ҳовлида ка-атта ёнгоқ бор. Бир қуни на шамолдан, на довулдан дарак йўқ — битта йўгон шохи қарс айрилиб томга тушса бўладими? Шиферни дабдала қилди. Қайтадан тузатишнинг ўзига тўрт юздан кўп пул кетди. Мана бугунини олайлик, расмга кўнгил кетувди, чўкиб кетишимга сал қолди.

Улар кулишади.

А к б а р . Аммо бари бир савоб ишларингиз кўп экан, омон қолдингиз.

Қ о с и м . Ҳа, ризқ-насиба узилмаган экан, чўкиш уёқда турсин, уйингизда меҳмон бўлиб ўтирибман, сиздек яхши дўст орттирдим. Омадим бор экан! Айбга буюрмайсиз, Акбар ака, бир нарсани сўрамоқчиман.

А к б а р . Марҳамат, Қосимжон. Тортинмай сўрайверинг.

Қ о с и м (*сиртмоқни кўрсатиб*). Ановингиз нимаси? Боядан бери қарайман-қўяман, ҳеч нарсага тушунмайман.

А к б а р . Ҳа, уми? Сиртмоқ.

Қ о с и м . Боя чўкиб кетишимга сал қолди. Энди бу ерда сиртмоқ. Кўзим тушса, этим жулжикиб кетяпти. Еки қўй-пўй илганмидингиз?

А к б а р . Йўқ. Қўй илган эмасмиз.

Қ о с и м . Бўлмаса, олиб ташлаш керак. Кўриниши хунук.

А к б а р . Ўзи олиб ташлайди.

Қосим. Ким?

Акбар. Хотиним оспа. Мени кўрқитиш учун. Тавба-тазарру қилдириш учун. Чўккалатиш учун! Ўз измига мени солиш учун. Гўё менинг дастимдан ўзини осмоқчи бўлиб!

Қосим. Хўш, нима бўлди? Ордими ўзини?

Акбар. Қаёқда?! Осиб бўпти! Жон ширин. Шунчаки — аёлларнинг найранги!

Қосим. Найранг ҳам шунақа бўладими? Одам инфаркт бўлиб қолиши мумкин бунақанги найрангдан. Ахир найранг ҳам эви билан-да!.. Нима гуноҳ қилувдингиз, хотинингиз дастингиздан ўзини осмоқчи бўлибди?

Акбар. Суриштирганим учун.

Қосим. Нимани суриштирганингиз учун?

Акбар. Боғини суриштирганим учун!

Қосим. Боғини? Қанақа боғини?

Акбар. Охирги пайтда ҳаётимиз бошқача йўлга кириб кетаётгандек бўлиб қолди. Рўзгоримизда галати матоҳлар пайдо бўла бошлади... Жўра-жўра атласлар, қоракўл терилар, хрустал идишлар... Бу матоҳлар қаёқдан келяпти, ахир бу нарсалар фалонча пул туради, қаердан оляпсан, десам, хотиним, узумини енг-у, боғини суриштирманг, деди. Меники тутиб кетди, роса жанжал кўтардим. Ҳали сен менга ҳаром нарсаларни раво кўрдингми, деб хўп исканжага олдим. Бояги айтган мақолнинг — ярамас мақол, мен бундай сўзлардан нафратланаман, ҳозир кўтариб келган нарсаларининг эгаларига олиб бориб бер, деб туриб олдим. Ўзини ҳушидан кетганга солди, найранг ишлатди, юраги ёмон бўлиб, дори ичди, дарахтга арқон ташлади. Мен ўз айтганимда туриб олдим, нарсаларини бир бўҳча қилиб, қўлига тутқаздим, уйдан чиқариб юбордим. Бир ҳафта бўлди, қизиникида. Арқон ҳали ҳам жойида турипти... Ёш бола билмай бирон ножўя иш қилиб қўйса, койиймиз, жазо берамиз. Аммо катталар билиб туриб попок иш қилса, ахир бу — бедодлик-ку! Қандай чидаш мумкин?! Ахир халқимиз қаҳатчиликни кўрган, босмачилар билан кураш-

ган, галаба учун Ватан урушида қонини тўккан пок, ҳаромдан ҳазар қиладиган халқ эди! Кимлар чалғитди?! Қанақа бало ичимизга кириб олди?! Нима учун алдан, бировнинг насибасига кўз олайтириш, ёмонни яхши дейиш, бегуноҳни жазолаш одат тусига кириб қолди. Ахир, дод дейиш керак!.. Дод... (Сергак тортиб.) Кечиринг... қизишиб кетдим...

Улар бир печа дақиқа жимиб қолишади.

Қ о с и м (*сиртмоққа қараб олиб*). Бир нарса ёдимга тушиб кетди... Областимиз марказида янги театр биноси қурилган. Уч йил бўлди ишга тушганига. Шаҳримизнинг фахри. Область миқёсида уюштирилган катта мажлислар ўша театрда ўтказилади. Бунақа пайтларда ҳамманинг эътибори шу бинода бўлади — атрофга гуллар экилади, қуриб ётган фонтан ишга туширилади, сутчироқлар тузатилади, машиналар тинмай сув сепеди. Шу театрда режиссёр бўлиб ишлайдиган йиғит бизнинг ёнимиздаги уйда ижара олиб турарди. Таниш эдик, баъзан кўришиб, суҳбатлашиб турардик. Ўзи бошиқа шаҳарлик, мусофир, одобли йиғит эди. У саҳналаштирган бир пьеса муваффақиятли чиққини шекилли, театр кассаси атрофида одам тўпландиган бўлиб қолди. Ижрокомда ишлайдиган амалдорлардан бири ҳам оиласи билан бориб пьесани кўрипти, аммо томоша тугагандан кейин режиссёрга эртага олдимга чиқинг, деб совуққина хайрлашиб машинасида жўнаворинти. Режиссёр эртасига унинг қабулига бориб бир нарсани билипти. Яъни, пьесада қатнашадиган салбий қаҳрамоннинг исми ҳам, фамилияси ҳам — айнан ўша раҳбарникига ўхшаш экан. Шуниси унга ёқмай, салбий қаҳрамон номини ўзгартиринг, деб талаб қилибди, аммо режиссёр, бу менинг ихтиёримдаги ишмас, пьесага ўзгариш кирита олмайман, бу тапқли ёзувчининг асари, республикамизнинг деярли ҳамма театрларида ўйналади, деб, хуллас, рози бўлмапти. Шундан кейин режиссёрнинг пайига ту-

пиш ишлари бошланиб кетипти. Аввалига репертуардан пьесани олдириб ташлашипти, кейин одам қўйиб, режиссёр йигитни ичиришипти. Йигит ҳушёрхонага тушипти, коллектив орасида унинг хулқини муҳокама қилишипти, маданият министрлигига унинг устидан расмий хат юборишипти. Натижада бечора йигит бадном бўлиб, ишдан бўшатилипти. Мен ўша йигитнинг қисматига ачинаман. Салбий қаҳрамон номини ўзгартишдек арзимаган ишга ўжарлик қилиб, ўз тақдирини таҳликага солиб қўйипти. Бунга нима дейсиз, Акбар ака?

**А к б а р .** Мен сизга қадимий бир ривоятни айтиб берай. Хулосасини ўзингиз чиқариб оласиз...

**Қ о с и м .** Қани, эшитайлик-чи...

**А к б а р .** Кўзи кўр бир одам ҳассасини дўқиллатиб қаёққадир кетаётган экан, фавқулодда олдидан катта ариқ чиқиб қолипти. Нима қилишини билмай гаранг бўлиб турганида, кимдир қўл берипти. Кўр нотанишнинг қўлини ушласа, башмалдогида суяги йўқ экан. Хизрлигини англаб, кўр унга маҳкам ёпишипти, қўлини қўйиб юбормапти. Хизр унга юзланиб, эй, бечора кўр, тила тилагингни, кўзинг ожиз экан, сўра, мен илтижоингни худога етказаман, кўзинг очилади, ёруғ дунёни, қуёшни, осмонни, қизлар жамоли-ю, гўдаклар табассумини кўрадиган бўласан, илтижоинг борми, депти. Кўр, илтижоим бор, фақат битта илтижо, умрим бўйи орзу қилиб келган илтижо. Сўра, Хизр, худодан, у ҳаммани кўр қилсин, депти. Қосимжон, ўтира туринг, гуруч солиб чиқаман...

**Қ о с и м .** Бемалол, Акбар ака...

А к б а р ўрнидан туради.

(*Акбарга*). Фурсатдан фойдаланиб, бир идорага телефон қилиб олсам — майлими, Акбар ака?

**А к б а р** (*йўлида тўхтаб*). Шуниям сўрайсизми, ошна? Қилаверинг телефон, бемалол. Хоҳласангиз, уйингизга кўнғироқ қилиб олинг.



Қосим. Раҳмат...

Акбар ошхонада ғойиб бўлади. Қосим телефонга яқинлашиб номер теради.

(Телефон трубкасига.) Алё? Салом алайкум. Кечирасиз, бу мен, Мансуровман. Эрталаб ариза ташлаб, қабулга ёзилиб келувдим. Соат бешга тайин қилувдингиз... Раҳмат, албатта бўламан... Марҳамат. (Акбарга.) Акбар ака, телефонингиз номери қанақа?

Акбар (ошхонадан бошини чиқариб). Қирқ тўрт, олтмиш уч-етмиш уч!

Қосим. Раҳмат. (Трубкага.) Қирқ тўрт, олтмиш уч-етмиш уч... Раҳмат, кечирасиз безовта қилганим учун — кутаман.

Қосим трубкуни қўяди, маълум ҳаяжонда келиб, жойига ўтиради.

Акбар ошхонадан помидор-пиёз солинган идиш олиб чиқади, пичоқни пиёла тагига қайраб, аччиқ-чучук қила бошлайди.

Акбар. Шикоят билан Тошкентга келганга ўхшайсиз...

Қосим. Шикоят деса ҳам бўлади, Акбар ака, ариза деса ҳам... (Ўйланиб.) Мен шаҳар Советининг депутати-ман. Сайланганимга бир йил бўлди. Одатда депутатлар ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб туришади. Сайловчилар ўз депутатларига ҳар хил тоншириқ, илтимослар билан мурожаат қилишади. Мен ўз сайловчиларим билан учрашганимда, бир неча йиллардан бери судралиб келаётган, мундоқ олиб қараганда, бажариш унча қийин бўлмаган бир иш кўтарилиб қолди. Гап шундаки, шаҳримиз четрогида бир эски маҳалла бор, беш юздан ортиқ хонадондан иборат. Ҳар бир хонадонда ўртача бешта одам яшаса, демак, маҳаллада икки ярим минг атрофида аҳоли

туради. Маҳалланинг ёнидан шаҳар марказига борадиган йўл ўтган, айни ўшатта автобуслар тўхтайдиган бекат бор. Аммо йўл билан маҳалланинг ўртасида канал бор, кўприк бўлса икки чақирим нарида...

**А к б а р .** Ҳа, демак, автобус бекатиغا чиқиб олиш учун одамлар кўприккача икки чақирим пиёда юришлари керак? Тўғри тушундимми?

**Қ о с и м .** Тўппа-тўғри. Автобус бекатиغا қайтиб келиш учун яна икки чақирим йўл босиш керак. Жами тўрт чақирим. Кўплари шаҳарда ишлашади. Қиш совуқ, ёз иссиқ, болалик аёллар, ҳар турли мактабларга қатнайди-ган ўқувчилар, кўплари шаҳар бозори-ю, магазинларидан нарсалар харид қилган сумка-тўрвалар билан қайтишади. Бу албатта, ўзингиз тушунасиз, осон иш эмас. Уларнинг талаби шу бўлдики, каналдан яккаоёқ бўлса ҳам бекатга ўтадиган кўприк қурдириб беришга ёрдам бериш, деб сўрашиди. Менга бу нарса жўп кўришиб, шартта ваъда бериб юбордим, ишга киришиб кетдим. Қарангки, билсам, бу жуда мушкул иш экан. Бормаган ташкилотим қолмади. Ҳамма жойда битта жавоб — кўприк қурилиши шаҳар генерал планига киритилиши, кўприк учун маблағ ажратилиши, лойиҳа тузилиши, бирон қурилиш ташкилотига юкланиши зарурлигини айтишди. Ҳамма иш жойида бўлса, кўприк келажак беш йилликда қурилар экан. Мен масаланинг бу томонини назарга олмаган эканман, ўзимни йўқотиб қўйдим, сайловчиларимга ўйламай-петмай ваъдани бериб юборган эканман, уларни кўрсам, ўзимни четга оладиган бўлиб қолдим. Қачонгача ўзимни олиб қочиб юраман, мулзамлик ёмон, аввалги ой самолётга ўтириб, Тошкентга учиб келдим, тўппа-тўғри Госплан деган баланд идорага кириб бордим. У ерда ҳам ўша жавобни олдим. Шумшайиб қайтиб кетдим. Бошим қотиб қолди. Бир ошнам яхши маслаҳат бериб қолди. Бор-йўқ гаини икки варақ қоғозга ёзиб, яна келдим, Марказий Комитетга кирдим, дардимни айтдим, қоғозларимни топширдим, раҳбарлар қабулига ёзилдим, мана, бугун соат бешда қабул

қилишади. Ҳозир энди, нима бўларкин, деб юрагим така-пука бўлиб турипти, Акбар ака...

**А к б а р.** Яккаоёқ кўприк ҳам иш эканми? Одамларнинг ўзалари ҳашар қилиб бўлса ҳам қуриб олишса бўларди-ку.

**Қ о с и м.** Қурмоқчи бўлишган. Маҳаллада мажлис қилиб, солиқ солишган, пул тўплашган, керакли ускуналарни ҳам топишган, аммо аллақандай бошқарма, қурилиш лойиҳасини тузиш керак, ҳамма инженерлик режаларни ҳисоблаб чиқиб, тасдиқлатиш керак, деган важ билан ишларни тўхтатиб қўйган. Икки қирғоққа қоқилган ходалар, тортилган симлар ҳали ҳам турипти, болалар ундан сувга калла ташлашади. Кўп болалар айланиб боришга эриниб, симдан осилиб нариги томонга ўтиб олишади. Сувга тушиб кетганлари ҳам бўлган.

**А к б а р.** Симларни уздириб ташлаш керак. Бўлмаса бир фалокат юз бериши мумкин.

**Қ о с и м.** Агар бугун гапим ўтмаса, бориб уздириб ташлайман.

**А к б а р.** Гапим ўтмаса, дейишингиздан, ўзингиз ишингиз битишидан шубҳадансиз?

**Қ о с и м.** Энди, Акбар ака, борадиган жойим — катта даргоҳ. Улар республика миқёсида фикр юриштишади. Мен бўлсам қанақадир етти метрли яккаоёқ кўприк билан кирсам, майда масалага ўхшаб қолмасмикин?

**А к б а р.** Менимча, Қосимжон, ўзгаларнинг гамини ейиш, манфаатини ҳимоя қилиш — майда масала эмас...

Танаффус.

## Иккинчи парда

Ўша кун, ўша ҳовли, ўша жиҳоз. Акбар Қосимнинг костюмига дока орқали дазмол босяпти. Радиодадаи музика товуши аранг эшитилиб турипти. Эшик жириглайди, тақилайди. Акбар радиони ўчириб, эшикни очади. Ҳовлига Арслон билан Ортиқ киради. Акбар эшикни қия ёпиб келади. Арслон билан Ортиқнинг таъби хира.

Акбар (*икковига.*) Ўтиринглар. Қоринларинг қалай? Ош бор. Иситиб келаман.

Арслон. Ака, қорнимиз тўқ. Уринманг.

Акбар. Бўлмаса чой ичинглар.

Кетади, ошхонадан чойнак билан пиёлалар келтириб, столга қўяди.  
Меҳмонларга чой тутади.

Қалай, тинчмисизлар? (*Арслонга.*) Темурнинг ўқишлари қандай?

Арслон (*нохуш*). Чакки эмас...

Акбар. Сиз қалайсиз, Ортиқжон? Марям яхшими? Болалар?

Ортиқ. Раҳмат, ада, юришипти...

Акбар. Авзонинглар бузукроқ? Тинчликми?

Арслон. Тинчликми деб биз, ака, сиздаш сўрамоқчимиз?

Акбар. (*кўнгли нимадир сезиб*). Тинчлик. Нимайди?

Арслон. Ака, қачон қуйиласиз ахир? Найрангларингиз қачон қолади? Яна қанақа жанжал кўтардингиз? Қачон қулогимиз тинчийди? Ахир кўчада юра олмайдиган бўлиб қолдик-ку! Нима, бу шаҳардан кўчиб кетайликми энди? Тўртта неварангиз бор-а!

Акбар. Тўртта неварам бўлса, нима қипти? Салла ўраб, мачитга қатнайми? Ё кавуш кийиб, худойихоналарга юрайми? Бир тақводор кўшнимиз бор, араб ҳарфи босилган китобни кўрса, қуръон, деб ўйлайди — ўзи китоб варақларини йиртиб, муюлишда носвой ўраб сотади, ўшанинг ишини қилайми?

Арслон. Ака, яна тушунмадингиз, яна тутаяқпсиз.

Акбар. Сенлар мени доим шу қиёфада кўрмоқчи

бўласанлар! Сен, Арслон, тўртта неваралик бўлдингиз, энди тоат-ибодатни ҳам ўйланг, деганларинг эсимда!

Арслон. Ака, қизишманг. Олдин сўранг, нега олдингизга келдик экан?

Акбар. Хўш?

Арслон. Бир танишим қўнгироқ қилиб қолди, устингизда жиққа ҳўл костюм, аллақандай ҳамтовогингиз билан трамвайма-троллейбус юрган эмишсиз. Кейин милиция ходими сизни ушлаб олипти, штраф тўлабсиз. Шу ростми?

Акбар. Рост. Кийимми кўриб, таксичи олмади, трамвай-тролейбусга чиқишга тўғри келди. Нимаси гуноҳ?

Арслон. Нега таксичи олмади?

Акбар. Кийимларимиз ҳўл эди, шеригим оёғида аранг турарди.

Ортиқ. Нега кийимингиз ҳўл эди, ада? Биров сизни сувга итариб юбордими?

Акбар. Ўзим сакрадим. Ўз хоҳишим билан!

Ортиқ билан Арслон бир-бирига маънодор қараб олишади.

Ортиқ. Ада, моржлигингизни биламиз. Авваллари кийимингизни ечиб чўмилардингиз, энди янгича ихтиро қилмоқчи бўлибсиз-да, а?

Акбар. Кийим ечишга вақт йўқ эди.

Ортиқ. Вақт йўқ эди?.. Ҳм... Нега вақт йўқ эди?

Акбар. Одам чўкиб кетаётувди. Қутқариш керак эди.

Ортиқ билан Арслон яна бир-бирига қараб олишади.

Арслон. Қутқардингизми?

Акбар. Қутқардим! Ана, ичкарида ётипти. Қараларинг, ишонмасаларинг.

Арслон билан Ортиқ бир-бирига алаңлаб туришади. Қосим ётган хонанинг эшигини очиб, мўралашади. Қайтиб келиб ўз ўринларига ўтиришади.

Ортиқ. Ие! Бу қаҳрамонлик-ку! Бир одамнинг жонини сақлаб қолибсиз, бу — ҳақиқий қаҳрамонлик! Яшанг, ада! Ўзи (эшик томон ишора қилиб) қанақа одам экан? Садақа-падақа ваъда қилдимми?

**А к б а р .** У нима деганингиз?

**О р т и қ .** Ҳа, жони омон қолипти, ўзи бўладими?

**А р с л о н .** Кўйинг, Ортиқжон, биласиз-ку, акамиз...  
(*Акбарга.*) Менга қарап, ака, идрокка ён бериб, гаплашай-лик. Ростдан ҳам ўзингизни сувга отиб, ўша одамни қутқариб чиқдингизми? Шундоқ кан-катта одамни-я?

**А к б а р .** Ростдан бўлмай нима, кўғирчоқни қутқариб-манми?

**А р с л о н .** Шунақасиз-да, ака! Акажон! Доим бизни маломатга кўйиб юрасиз. Майли, қутқарибсиз, бу — жуда соз! Аммо ўзингиз биргалашиб чўкиб кетганингизда, ҳозир қанақа айюҳаннос бўлиши мумкинлигини тасаввур қиласизми? Қанчадан-қанча ташвиш, безовтагарчилик содир бўлишини билармидингиз?! Биз-ку майли, ахир хотаниши бир одам, деб ўз жонингизга қасд қилибсиз! Мунақа ишларга аралашини сизга ким кўйипти?! Ахир сиз қутқарув командасининг аъзоси эмасиз-ку. Бу ахир сизнинг ишингиз эмас, ака, бу — бошқаларнинг бурчи!

**А к б а р .** Сен билан мен бурч деган сўзни ҳар хил тушунамиз!

**О р т и қ .** Ада, ҳақиқатда ахир чўкиб кетганингиз мумкин эди-ку.

**А к б а р .** Мумкин эди! Аммо шу ишни қилмасам... Ахир қандай қилиб, қилмай бўлади?! Қапдай? Тўғри, ҳалок бўлишим мумкин эди! Бир марта дангал ўлардим! Аммо қочиб қолсам, умримнинг охиригача ҳар куни ўлардим! Ҳар куни! Бундан мудқин азоб борми одам учун!

**А р с л о н .** Ака, ахир биз куйганимиздан, сизнинг ҳаловатингизни ўйлаганимиздан ачиниб ганиряпмиз! Наҳот шуни тушунмасангиз?

**А к б а р .** Менга бунақа ҳаловат керак эмас.

**А р с л о н .** Доим ўзингизга битта иш орттириб юрасиз, ака! Бирон ишқал чиқармаган кунигиз йўқ. Хрустал вазани девордан кўчага улоқтирган экансиз, бировнинг машинасига тушиб, томини пачоқ қилипти. Уч юз сўм бериб, аранг қутулдингиз. Раҳматли онамиз, ўлимлигим,

деб беш юз сўм пулни ёстиги остига яшириб қўйган эжанлар, сиз балки ўша ўлимга аталган пулларни сарф қилиб, қарзингиздан қутулгандирсиз. Бу — майли, шунчаки гап. Аммо ўша сиз кўчага улоқтирган ваза бировнинг бошига тушганда, нима бўларди? Майиб бўларди, сиз қамоқда ётардингиз!

**А к б а р .** Менинг ховадонимга бунақа ҳаром нарсалар зипҳор кириши керак эмас! Йигирма беш йил мен билан турмуш қилган келиннинг аллақачон феъли атворимни ўрганиб олса бўларди! Йўқ, уни ҳам йўлдан оздирдиларинг! Қоракўл ёқали пальто тиктириб кепти, очиб улгурмасидан, йиртиб ташладим. Бир қути ҳар турли француз атирлари — ҳар биттаси эллик сўмдан арзон эмас. Ҳаммасини синдириб, ҳовлини этагига кўмиб ташладим, ҳали ҳам ҳиди аримайди, бутун маҳаллага анқиб кетган, бир чақирим наридан димоққа уради. Бари бир келиннингга сабоқ бўлмади, энди қарасам, сервантда хрустал вазалар пайдо бўлиб қопти! Улоқтирдим! Демак, келиннинг, қўлида хирургик пичоқ, операция найтида касалнинг жонини сақлаб қолишни ўйлаш ўринга, ундан унадиган совгани ўйлар эжан-да!

**А р с л о н .** Ака, ахир беморларнинг ўзлари спдқидилдан дарддан холи бўлганлари учун кўнгилдан чиқариб совға қилишади. Келиннинг беморнинг дилини огритмай, деб рози бўлади. Ўзлари сўрамайдилар. Наҳот шуни тушуниб қийин, ака? Келиннингга берадиганлар ҳам кимдандир ундиради. Ҳозир турмуш тарзи шунақа! Қанақа юлғичлар бор, кўзингга лўқ этиб қараб туради. Бирон нарса чиқармасанг, иш битмайди. Сиз илмли, маърифатли, зинели одамсиз! Наҳот шу нарсалар борлигини тан олгингиз келмасе? Қачонгача китобий қондалар билан яшайсиз, ака? Балки келиннинг ўша нарсаларни ўз пулига олгандир, балки сиз у кишини ноҳақ дилини огритгандирсиз, хафа қилгандирсиз. Ахир хотинингиз — хирург, маоши кам эмас! Бирон нарса сотиб оламан деса, қурби етади!

**А к б а р .** Бир қути француз атирини сотиб олишга

қурби етмайди! Қанча маош олиши маълум. Шунча нарса-ни сотиб олиш учун бир печа ойлаб оғзига қулф солиб қўйиш керак!

**А р с л о н .** Ҳа, бўпти. Сиз ҳақдирсиз ҳам. Аммо оқибат нима бўлади? Бировнинг машинасини пачоқ қилиб, уч юз сўмга тушдингиз. Хотинингиз аразлаб уйдан чиқиб кетди, қизиникида яшаб юрипти. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзингиз ҳувиллаб қолдингиз. Болаларингиз ҳар қаёқда, қизингизни бу ерга келтирмайсиз, ҳолингиздан хабар оладиган бирон кимса йўқ. Биз келайлик десак, хуш кўрмайсиз. Хотинини кўрарга кўзингиз йўқ. Баъзи кўшчилар сизни кўрса, четлаб ўтишармиш. Ахир одамлар орасида яшагандан кейин, маълум одатларга риоя қилиш керак-да! Умрингиз узоқ бўлсин-ку, иссиқ жон, бирон кўнгилсиз воқеа рўй берса, тобутингизни кўтарадиган одамлар шулар-ку! Нега ҳаммани зада қиласиз? Сизни ҳатто тўйларга чақирмай қўйишти. Домкомингизни одами айтиб қолди — бир кўшнингиз етти йил азоб чекиб келган экан, бошқаларга кўшилиб кўнгил сўрагани кирмабсиз ҳам! Ҳеркиб берибсиз!

**А к б а р .** Нима учун уикига кириб, кўнгил сўрашим керак экан?! Нима, у қон кечиб, Рейхстаг пештоқига байроқ қўндириб келгани — мен уни муборакбод қиларканман? Ёки канал қазиб, саҳрога сув чиқариптими? Ёки қон топиштими? Бўрдоқига мол боқадиган фермада қилган ўғирлиги учун етти йил муҳлатга қамалиб кетган одам! Сенга қолса, мен уикига кириб, кўнглини овлашим, хушомад қилишим, ошини еб чиқишим керак экан-да?! Қай кўнгил билан сен, менинг укам, ўз акангга шундай ҳаром нарсага раво кўрдинг?! Сен ўз турмуш услубингни менга ҳам юқтирмоқчи бўласан-а! Наҳот мени шу йўлга киради, деб ўйладинг сен? Наҳот сен мени шу қадар гўл, жилловини бурсам, қайрилиб кетаверади, деб ўйлаган бўлсанг! Билиб қўй, укам, хрустал вазани эмас, ваза қўйилган сервантни чилпарчин қиламан, етти йил қамоқда ётиб келган ўғрининг таоми ўтган томогимни бўғизлаб ташлайман! Аммо кўйингга кирмайман! Чучварани хом



санабсан, ука! Ҳамма бало шундаки, мен урушдан бурун минг тўққиз юз йигирма олтинчи йилда туғилганман, сен эса бир минг тўққиз юз қирқ олтинчи йилда туғилгансан, босмачилар билан курашиб, қўлида милтиқ билан болаларга дарс берган, иккинчи жаҳон урушига биринчилар сафида кетиб, Берлингача жанг қилиб борган, галабага ўз ҳиссасини қўшган, беш марта яраланиб қайтган ва ўша осколкалар асоратидан ўлиб кетган ота тарбиясини олмагансан! Отамиз вафот этганида олти ёшда эдинг, ҳеч нарсани англамасдинг. Отамиз тарбиясини олганингда, ҳақиқий ақида, инсоний қайсарлик, олижаноблик нима эканини билардинг! Нотаниш одамни қутқарибсиз, деб менга дашном берган бўлдинг. Бу ҳодиса менинг ҳаётимда биринчи марта учради. Сенинг ҳаётингда балки мунақа имтиҳон бўладиган, фазилатларингни бу йўсинда синайдиган ҳодисалар дуч келмагандир. Дуч келган бўлса ҳам сен уларга чап бериб ўтгансан, мен бунга аминман! Бу кўйга тушиш, ички пидони бўғиш учун биринчи синовга чап берсанг, кифоя, қолганларига осонликча чап бериб кетаверасан, виждонинг ҳам қийналмайди, уйкунг нотинч бўлмайди. Ҳаёт ўзи шунақа, иложим қанча, деб қабиҳлигинг сабабини ҳаётга ағдарасан, ҳатто қабиҳлигинг учун ҳаётингда керакли далиллар ҳам топасан. Бир элагин, у пайтлар студент эдинг, Оҳангарон тоғларига институтингда практикага чиқувдиларинг. Бир студент йигит курсдоши қиз билан кийик ўти тергани чиқишганда, студент қиз оёғи тойиб, жарга қулаган экан. Йигит эса қизни ўлди, гувоҳ бўла олмайди, деб кўрганним йўқ, мен бўлак томонга кетувдим, деган экан. Сен ўшанда қаттиқ изтиробда, зўр газабда қайтувдинг. Сен ҳозир ўша Арслонмисан? Йўқ! У Арслон етмишинчи йилларда ўша тоғлар қўйнида қолиб кетган, руҳи ҳали ҳам изғиб юргандир. Агар ўша Арслон ҳозир бўлганида, ака, чўкаётган одамга қўл чўзибсиз, қутқарибсиз, яхши қилибсиз, дер эди, фахрланар эди. Эндиги Арслон бўлса, менга дашном берапти, ўз ботқоғига торта олмаётганидан азият чекапти. Ахир, укаларим, чў-

каётган одамни кўра туриб, ёрдам бермаслик — бу жиноят-ку! Жиноят! Жиноятга мени итаришга қандай қилиб юракларинг дов берди? Қандай қилиб? Ахир бунақа яшашнинг ўзи — жиноят! Бунақа жиноят учун очиқ суд қилиш керак! Бефарқликда, тошюрақликда айблаб, жазолаш керак..

**О р т и қ .** Жуда ошириб юбордингиз, ада... Унчалик эмас-да, ахир. Ҳа, тўғри, унча-мунча нуқсонларимиз бўлиши мумкин. Сиз, албатта бошқача одамсиз... ўз гоёларингиз, шиорларингиз бор, сиз ўша гоёларингиз талабига кўра яшайсиз. Аммо биз, укангиз Арслон, куёвингиз мен, сизни авайлагимиз келади, гоёларингизни байроқ қилиб ҳилпиратманг, кулгили бўлманг, олтмишга кириб қолдингиз, салобатлироқ бўлинг, бачкана ҳаракатларингизни қўйинг, деймиз, сиз ҳеч тушунини истамайсиз.

**А к б а р .** Шунақами? Қайси ҳаракатим бачкана экан?

**О р т и қ .** Ўз қизингизнинг айтишича, масалан, сиз аллақанақа китоб сотиб олиб, почта орқали қандайдир ёзувчиларга жўнатармишсиз. Буни қандай тушунини мумкин? Нима, ёзувчилар сизнинг юборган китобларингизга муҳтожми?

**А к б а р .** Мен ёзувчиларга почта орқали юборган китобларим аллақандай китоблар эмас, ўша ёзувчиларнинг юз минглаб нусхада нашр этилган, сотилмай, магазин тоқчаларида йиллар мобайнида чанг босиб, охири арзонлаштирилган магазинларга силқиб борган китоблари! Китоб-а! Китоб! Китоб учун бундан аянчли, бундан таҳқир қисмат борми ўзи?! Тўғрима-тўғри магазинда сотилмаган китоб арзонлаштирилган магазин тоқчасида пайдо бўлса, қанақа обрўи қолади, қанақа қиймати бор, кимга керак касодга учраган китоб? Ахир шу арзонлаштирилган китобнинг нусхалари учун неча тонналаб қоғоз сарф бўлган, қайчадан-қанча мутахассислар нашрга тайёрлашган, боёмахонадаги юзлаб одамлар меҳнат қилишган, пировардида бу китоб керакмас экан! Демак, ҳеч ким бу китобни кечалари уйқусидан воз кечиб ўқимайди, ҳеч ким шу китоб деб уйига ошиқмайди, ҳаловатини йўқотмайди. Айни бир

пайтда, яна битта шунақа китоб босмахопа дастгоҳларидан қат-қат чиқаётган ва яна биттаси нашрга тайёрланаётган бўлади. Шунини сиз бачкана иш дейсизми! Бу бачкана иш эмас, бу ёзувчиларнинг рўпарасига қўйилган ойнаси, аянчли ҳайкали, деб биламан! Ҳамманинг рўпарасида доим ойна бўлиши керак, токи ҳар бир одам ўз қиёфасини ҳаминша кўриб туриши шарт. Лоақал бир ойда бир марта. Бўлмаса одам башараси қийшайиб, баъзи кезларда махлуқ тусига кириб қолганини ўзи билмай қолиши мумкин. Масалан, Ортиқжон, сизни олайлик. Келинг, ўша ойнага биргалашиб қараймиз. Розимисиз?

О р т и қ (*жилмаяди*). Марҳамат.

А к б а р. Аммо айтиб қўяй, башарангиз қийшайиб кўринса, ойнадан ўпкаламайсиз...

О р т и қ (*беписанд*). Бояги, жазолаш керак, деган шиорингизни амалда кўрсатмоқчимисиз? Ожизлик қиласиз, ада, бекорга уринманг. Мен ўз қиёфамнинг қанақалигини жудаям яхши биламан.

А к б а р. Шунақами? Майли, балки сиз ҳақ чиқарсиз. Лекин ойнага бир назар ташлайлик, а?

О р т и қ елка қисади, Арслонга қараб кўяди.

А к б а р. Эсингизда борми, бир йил бурун, менга насиҳат солган бўлиб, мени бошқарма мудирининг муовинлигига кўтаришмоқчи, девдингиз, гўё мен йўқ, десам, сиз гапимга қулоқ соладигандек. Унда сиз савдо бошқармасида бўлим раҳбари бўлиб ишлардингиз. Шундайми?

О р т и қ. Шундай бўлиши мумкин, ҳозир эсимда йўқ.

А к б а р. Ҳозир эслайсиз. Бу шу қадар ёрқин, бир умр хотирадан ўчмайдиган бахтли онлар бўлганки, эсда қолмай иложин йўқ. Сизлар ўшанда оила-оила бўлиб мудирингиз бошчилигида тахминан ўн киши сайр қилгани тоғ этакларига маёвқага чиққансизлар. Олдин юборилган ошпаз-у, дастёрлар боришларингизга ҳамма нарсани тахт қилиб

туришган. Дам оладиган жойларингиз, тошдан-тошга шарақлаб оқиб тушаётган сойнинг бўйида, мажнунтоллар эгилган майсазорда бўлган. Эсингизга тушяптими, Ортиқжон? Балли! Қиттай-қиттай отгансизлар, кабоб егансизлар, волейбол ўйнагансизлар, яна ичгансизлар, кайф авжида! Шўхлик қилгансизлар, майсага юмалагансизлар, курашгансизлар. Мудирингиз Шарипов ҳазил йўлига сизни от қилиб минган, хивич билан сизни урган, сиз ўйноқилаб йўргалагансиз, кейин Шарипов эркалатиб, сизни яна хивичлаган, той бўлиб кишна, деган, сиз той бўлиб кишнагансиз! Шарипов ўт олиб, олдингизга ташласа, сиз ўтни ҳам еб ташлардингиз!..

О р т и қ нинг ранги оқаради, у кўзини ердан узмайди. Арслон ичидаги газабини араб босиб ўтиради.

А к б а р . Бу гапларни менга сизнинг хотинингиз, менинг қизим Марям ҳазил йўлига мароқ билан гапириб берган эди. Менга деб, нотўғри айтдим, онасига гапириб берган эди, мен кўнни хонада ишлаб ўтирувдим. Ушанда Марямни эркалатиб, нукул «Биби Марям», «Муқаддас Мария», деб атаган экансиз. Марямнинг огзи қулоғида. Ўзингиз Муқаддас Мария кимлигини биласизми?

О р т и қ индамайди.

Мен сиздан сўраянман. Ё ҳа, денг, ё йўқ!

О р т и қ . Яна ўша гап. Сизни менга муносабатингизни жудаям яхши биламан. Марямга совчи қўйганимизда, савдогар деганингиз. Ҳеч тақдирга тан берганингиз келмайди. Ҳатто тўйгайм бош қўшмагансиз. Қаёққадир жўнаб кетгансиз, чунки тўй сизни раъйингизга қарши бўлган эди. Тўйиням азага айлантириб юборгансиз. Бечора Марям, хотинингиз қанчалар йиглашган, ўз қизингизга ёвдай қарайсиз-а. Иккита фарзанд кўрдик, сиз ҳамон тан олгингиз келмайди. Доим кир қидирасиз, қопмоқчи бўласиз!

Талайсиз! Боя очик суд қилиб, жазолаш керак, девдингиз, энди қанақадир «Муқаддас Мария» билан чалмоқчи бўласиз.

А к б а р . Муқаддас Мариянинг исмини биринчи бўлиб сиз айтган экансиз — ўша майсазорда! Соё бўйида! Той бўлиб кишнаганингизда! Хўш, Муқаддас Мария ким? (*Арслонга.*) Арслон, сен биласанми?

А р с л о н (*ижирганиб*). Русларнинг худосидир-да... Нега энди шу номга ёпишиб олдингиз?

А к б а р (*гапга эътибор бермай*). Мана, Арслон ҳам аниқ билмас экан. Ҳа, нечук Муқаддас Мария деган ном тилингизга келиб қолди?

О р т и қ . Ушанда Рая деган ходимамиз шунақа девди, менга ёқиб кетиб, қайтара бошладим. Шундан ҳам ўян қидириш керакми энди?

А к б а р . Муқаддас Мария, яъни Биби Марям Исо пайгамбарнинг оналари бўлади. Муқаддас Мария эр кўрмай, ҳомиладор бўлиб қолган. Оллоҳнинг руҳий ихтиёри билан. Шунинг учун Исо пайгамбарни худо назарига дахлдор, деб одамлар фараз қилишади. (*Бир оз жимиб қолади*). Ортиқжон, шу ростми?

О р т и қ . Нима, Исо пайгамбарнинг худо назарига дахлдорлигимми?

А к б а р (*синовчан тикилиб*). Тойчоқ бўлиб кишнаганингиз.

О р т и қ бошини четга ўгиради.

Ҳазил, деб одам нималар қилмайди, дейсиз, ука? Нима бўпти? Ҳеч гап эмас. Шариповни миңдириб беш-ўн қадам йўргалабсиз, нима бўпти, белингиз синмапти-ку?.. Кишнабсиз, одамларни хурсанд қилибсиз... Лекин шу арзимас хангома эвазига муовин бўлиб олдингиз, тагингизда машина. Дастурхонингизда анвои мевалар — бананлар, ананаслар, алламбало ичимликлар... Болаларингизга ўша анвоий меваларни едирганингизда, ол, е, буларга мен хўжайи-

нимни устимга миндириб эришганман, бу меваларни тойчоқ бўлиб кишнаб, сассиқ ўт ямлаб топганман, дейсизми? Болалар бу хизматларингизни билиши керак, акс ҳолда қадрингизга етишмайди... (*Жимиб қолади.*) Агар раъйингизга юрсам, Ортиқжон, устимга кимшидир миндиришим, той бўлиб кишнашим, сассиқ ўт ейишим керак бўлиб қолади. Наҳот мени ўзингизга ўхшатмоқчи бўлсангиз, наҳот ўз башарангизни меникидан аъло, деб билсангиз?! Ахир башарангизни тўғри одам кўрса, хушидан кетиб қолади-ку!..

**А р е л о н .** Ака, жуда ҳаддингиздан ошаверманг, каттаман деб! Сая эви билан-да!

**А к б а р** (*укасининг гапига қулоқ солмай*). Ҳали сиз мени йўлга солмоқчи бўлдингизми? Мени ўз сўқмоғимдан олиб, сассиқ ботқоқлардан ўтган йўлингизга қўймоқчи бўлдингизми? Раҳмат! Сиздан шунча мурувват кутмовдим! Наҳот шу сиз эришган қулайликлар, тўқисликлар, имтиёзларнинг баҳоси шу қадар баланд? Наҳот шу анвойи мевалар, машина, алоҳида уй — шу қадар қимматки, эвазига одам ўзи учун энг муқаддас зуннорни бўйнидан узиб ташласа? Менга қаранг, Ортиқжон, хўжайинингизнинг тағин ҳам инсофи бор экан, ҳамиятингизни аяпти. Агар у, эшак бўлиб ҳанграб бер ёки чўчқа бўлиб чийиллаб бер, деса чийиллармидингиз?

**А р е л о н** (*чидай олмай*). Ака, бас! Тўхтатинг!

**А к б а р** (*ўшқириб, укасига*). Сен тек ўтир!! (*Ортиқ-қа.*) Чийиллармидингиз? Ортиқжон?.. Чийиллардингиз!!! Фақат керагидан олдироқ чийиллаб қўйманг. Янги амалнинг ҳиди чиққанда чийиллайсиз. Агар бемаврид чийиллаб юборсангиз, бевақт қичқирган хўроздек, каллангизни узиб ташлашади.

**О р т и қ** (*столни бор кучи билан уради*). Бас қилинг! Ҳаддингиздан ошманг! Сиз ким бўлишсиз? Мен нима — сизга қаровманми, нон-еув сўраялманми? Сиз нима, прокурормисиз?! Прокурорлигингизни кўрсатиб қўяман! Қизингизни итқитиб ташлайман, ўтирасиз ойтовоғингизни ёнингизга олиб!

А к б а р . «Ойтовоқ?» Яна қайтаринг, марҳамат қилиб.

О р т и қ . Ойтовоқ!

А к б а р . Шу оғиз, шу тил сизникими?

О р т и қ . Кимники, бўлмаса?!

А к б а р . «Муқаддас Мария», «Биби Марям», деган иборалар ҳам шу оғиздан чиққанми? Ё тавба!!! Демак, битта оғиздан ҳам ширин, ҳам ифлос сўзлар чиқаверад экан-да? Қайсинисига ишонинг керак? Қайсиниси рост! Менимча, кейингиси рост бўлса керак. Биринчиси ҳар эҳтимолга бирон чўнтагингизда тураверади. Пайти келганда, шартта чиқарасиз-у, ҳаммани лол қолдирасиз! Ўзингизни олижаноб, зийрак ва меҳрли одам қилиб кўрсатиш учун! Шунақами? Энди менга бир нарсани айтинг-чи, куёв, сиз қайси бири билан яшайсиз? Муқаддас Мария биланми ё Ойтовоқ биланми? Қайсиниси билан?

О р т и қ . Қайсиниси керак бўлса, шуниси билан!

А к б а р . Демак, биринчиси қулай пайтда — Муқаддас Мария билан яшайсиз, иккинчиси қулай пайтда — Ойтовоқ билан. Тўғри тушунган бўлсам, битта ўзингиз ҳам Муқаддас Мария билан яшайсиз, ҳам Ойтовоқ билан! Бу қийин эмасми? Ё ўзингизни ҳам икки қисмга бўлиб қўйганмисиз? Бир қисми Муқаддас Марияга, иккинчи қисми Ойтовоққа? А? Декабристлар.

А р с л о н . Ака! Нималар деб алжиллаяпсиз? Декабристлар дейсиз (*хитоб*), ҳозирги гапга декабристларни нима алоқаси бор? Ақлингиз жойидами? Нима деяётганингизга ўзингиз тушунапсизми, ака?

А к б а р (*ўзини тутиб*). Сени ҳали хабаринг йўқми бу иборадан?

А р с л о н . Сенат майдони, Петербург. Исён. Декабристлар. Ким билмайди буни?

А к б а р . Тўғри.

Пауза.

(*Ортиққа.*) Куёвтўра! Айниқса сиз бу иборани яхши биласиз. Ҳали эсингиздан чиқмаган бўлса керак. Ўшанда сиз амал поғонасидан энди-энди кўтарилиб бормоқда эдингиз. Шунинг учун ўзингизни ўта камтар, ишга берилган қилиб кўрсатиш учун бир неча йил мобайнида биронта курортга бориб дам олмагансиз. Отпускани фақат қишда, декабрь ойида олардингиз. Беш-тўртта ўзингизга ўхшаган камтар улфатларингиз ҳам шунақа декабрь ойида отпускаи олишарди. Сизлар ўшанда ўзларингизни гурур билан «декабристлар» деб атагансизлар. Эсланг, аллақайси заводнинг бўшаб қолган пансионатини таг-туғи — ошпазларидан тортиб, массаж қиладиган жувонларигача сотиб олардиларингиз. Ҳамма нарса муҳайё: фин «Сауна»си, гиламлар, биллиард, антиқа жиҳозлар, турли-туман таомлар, анвои ичимликлар, тунука идишли пиволар, бир кечага бориб хизмат қилиб кетадиган машшоқлар, раққосалар, жононлар... Кайф-сафо, тараллабеод! Шундай жойни сизлар «сургун», ўзларингизни эса «декабристлар» деб атабсизлар!.. Наҳс урган шаҳвоний ҳаётни «сургун», деб аташ, бадмаст иштирокчиларини «декабристлар» дейиш... Қандай розолат!

**А р с л о н .** Ака, энди булар шунчаки ҳазил йўлига...

**А к б а р** (*гапини бўлиб*). Ҳазил йўлига? (*Ортиққа.*) Органдагиларга топширган справкангиз ҳам ҳазил йўлига-миди? Эсингизда бўлиши керак, ўша ишратхоналарингизни сири очилиб, тегишли идоралар шуғуллана бошлаганда, тишириб қолувдиларингиз. Энди силжий бошлаган амалингиз чилпарчин бўлиши мумкин эди-ку — сиз аллақайси йўл билан справка олиб келиб топширгансиз!

**А р с л о н .** Справка топширган бўлса, бунинг нимаси ёмон?

**А к б а р .** Справканинг мазмуни «мен жинсий ожизман», яъни медицина тили билан айтганда — «импотент»-ман, «маиший ишларга ярамайман», дейилган экан. Ўз қўллари билан топширган эканлар!..

**О р т и қ .** Оғзингизга қараб гапиринг! Сизни ҳам тилингизни тийиб қўядиганлар топилади!



А к б а р . Ҳм! Энди пўлисага ўтдиларми?

О р т и қ . Нима ҳаққингиз бор мени ҳақоратланга?  
Нима ҳаққингиз бор?!

А к б а р . Мени жосусликка итаришга нима ҳаққинг  
бор? Менинг ардоқларимни, байроғимни тепкилашга нима  
ҳаққинг бор?!

О р т и қ (Арслонга). Ана, ўртоқ, акангизни кўриб  
қўйинг! Қизи менинг қўлимда, шунгаям андиша қилмаяп-  
ти бу одам. Ўз фойдасини билмаган!.. Гапга кулоқ  
солмайсиз, Арслон, акангиз аллақачон ақлдан озиб қол-  
ган! Мажбурий равишда жўнатиш керак, даволаш керак!  
Бу одам жамият учун хавфли унсур! Арслон оғайни,  
гапимга унанг, ўзингиз телефон қилинг...

А к б а р . Сизлар бу ерда қолиб, мен жиннихонага  
боришим таажжубли эмас!

А р с л о н . Ака, тилим бор, деб валдирайверманг!

А к б а р . Тек ўтир сен! Ҳали сенинг башарангга  
ҳам ойна тутаман, кўрасан сен ҳам турқингни!

А р с л о н . Раҳмат! Битта ойна ҳам кифоя. Биз сиз-  
нинг манфаатингизни кўзлаб келувдик, ҳамма нарсани  
расво қилдингиз! Энди биз кетамиз. Нимаики бўлса, ўзин-  
гиздан, ўз хулқингиздан кўринг! Биз сўнгги марта сиз  
билан суҳбатлашиб кўрмоқчи эдик, ҳаммасини яна ўзингиз  
буздингиз! Сизни ўзи эпақага солиш учун бошқа чора  
керак экан...

А к б а р . Сен ҳам шу фикрдамисан, Арслон! Шунча  
куйиб гапирганларимни эси оққанликка йўйдингми? На-  
ҳот фикрларим руҳий касалникига ўхшаса?.. Унда билмай  
қолдим, ким руҳий касал...

А р с л о н . Келинойим ҳам инкор қилмаяптилар —  
у киши врач. Кечирасиз, ака, шуларни юзингизга айтишга  
тўғри келди, нима қилайлик, ўзингиз тушунини истама-  
сангиз. Энди бизга жавоб.

А к б а р . Тўхта! Икки оғиз гапим бор сенга. Бир кун-  
мас бир кун айтишим керак эди бари бир. Сенлар энди  
мени қўймайсан, билдим.

Арслон. Бўла қолнинг, шошилиб турипмиз.  
Акбар. Шошма, ўтир!

Акбар шошмай туради, уйга кириб, докага ўроғлиқ нимадир олиб чиқади, столнинг четига қўлди. Эшик остонасида Қосим пайдо бўлади, бир оз хушига келолмай, анграйиб туради. Арслон акасига ишора қилади.

(Қосим томон ўгирилиб.) Э, Қосимжон ошна, турдингизми? Уйғотвордик шекилли, а? Биз бу ерда хўп бақирдик. (Ўрнидан туриб Қосимга яқинлашади.) Уйғотганингиз жуда саз бўлди! Мен ҳозир сизни қариндошларим билан таништириб қўймап. Марҳамат! (Қосимнинг енгидан ушлаб олиб келади). Сизни булар танинади. Сиз булар учун менга «қанақадир ҳамтовоқсиз». Потанши бўлмаслик учун таништириб қўяй. Томошамиз кейин давом этади.

Қосим. Ассалому алайкум.

Арслон билан Ортиқ совуққина саломлашишади.

(Акбарга.) Қанақа томоша?

Акбар. Ажойиб томоша. Пулсиз. Ҳозир ўзингиз кўрасиз. Аввал томоша ижрочилари билан танишинг — бу киши Арслон, менинг укам, фан кандидати, ривожланаётган мамлакатларнинг бирига бориб тўрт йил ишлаб келган.

Қосим (Арслонга). Яхшимсиз?

Акбар. Бу киши — Ортиқжон Ҳошимов, куёвим! Бошқарма мудирининг муовини. Ўтга жуда ўч!

Қосим (Ҳеч нарсага тушунмай). Қанақа ўт?

Акбар. Кейин айтиб бераман. Кейин. Мени кўргани борганингизда.

Қосим. Қаёққа кўргани борганимда?

Акбар. Жиннихонага!

**Қосим.** Нималар деяписиз, ошна? Ҳеч нарсгага тушун-  
маяпман. Жиннихона деганингиз нимаси?

**Акбар.** Жиннихона-да! Шуниям билмайсизми? Ҳеч  
қачон эшитмаганмисиз? Ундоқ бўлса, сўранг булардан,  
булар яхши билишади. Балки бориб, бош врач билан  
гаплашиб ҳам келишгандир.

**Арслон** (*ўшқириб*). Ака, бас! Алжилламанг! Энди  
бу киши олдида ҳам майна бўлмоқчимсиз?

**Акбар** (*укасининг гапига эътибор бермай*). Утиринг,  
Қосимжон. Мана — чой, томогингизни хўллаб олинг.

Қосим таажжубланиб ичелани олади, чой хўнлайди.

**Қосим.** Ўзи нима бўляпти?

**Акбар.** Суд бўляпти! Қайсар ака ва бебош қайнота  
устидан! Суднинг ҳукми аллақачон аниқланган! Бугун  
улар ҳукмини амалга ошириш учун бу ерга келишган!  
Маҳбус мен бўлганим учун охириги сўзини олмоқчиман.  
Ижозат борми?

**Арслон** билан **Ортиқ** жавоб беришмайди. Қосим гоҳ уларга,  
гоҳ Акбарга олазарак қарайди.

**Сукут** — розилик аломати. Бошладик... (*Бир печа да-  
қиқа жим ўтиради.*) **Арслон**... Мана энди эсла. Хорижий  
мамлакатга кетишинг керак, ҳужжатларингни расмийлаш-  
тираётган бир пайт эди. Шу муносабат билан иш бузил-  
маслиги учун хотининг Саиданинг туғилган кунини баҳона  
қилиб, бир тўда раҳбарларингни уйингга меҳмонга чақир-  
ган эдинг. Институтнинг директори кайфи ошиб қолиб,  
Саиданинг кўлларини хўн ўпган, тапцага тушиб, белидан  
маҳкам олган, ёғли лабларини хотинингга томоғига бо-  
ган. Сен ўзининг кўрмаганга солгансан, юмушга уйнаган  
қилиб, ошхонага чиқиб кетгансан. Ярим ой ўтар-ўтмас  
хотининг, местком Ялтага арзон путёвка бермоқчи, борсам  
инма дейсиз, путёвка куйиб кетади, деганида, майли, бориб

кела қол, анчадан бери дам олмагансан, дегансан. Хотинингни жўнатгансан, ҳафта ўтмай, институтнинг директори ҳам Ялтага кетган. Сен, тасодиф, деб ўйлагансан. Бир шеригинг Ялтада хотининг билан институтинг директорини кўрган экан, оқизмай-томизмай, келиб сенга ҳаммасини айтган. Сен қулогингни кар, кўзингни кўр қилиб олгансан. Бу гап директоринг хотинининг ҳам қулогига етиб борган экан, у уйингга келиб, жанжал кўтарган, сени ҳезалак деган. Аммо сен бунга чидагансан. Ялтага бориб хотинингни олдинга солиб келмагансан, директоринг тумшугига мушт туширмагансан! Чунки сенинг ҳаёт-мамотинг, ривожланаётган мамлакатга кетишларинг масаласи унинг қўлида эди! Хотинингни ҳам орзуси шу эди! Шунинг учун у курортдан қайтиб келганида, чурқ этмадинг, жанжал кўтармадинг, уйингдан чиқиб кетмадинг! Аксинча, ўзингни билмаганга, эшитмаганга солдинг, директоринг қолдигига шерик бўлиш учун хотининг ёнига кириб ётдинг.

**А р с л о н .** Бўхтон! Бўлмаган гап! Ўзингизнинг мафкураингиз бузуқ! Ниятингиз ёмон! Одамларнинг бегараз ҳаракатларини ёмон, ўзингизнинг ҳаром тахминларингиз билан ўлчайсиз! Сиз галамис, ҳасадгўй одамсиз! Сиз ҳаётда нуқул ифлос, қингир нарсаларни кўрмоқчи бўласиз! Сиз илонсиз! Чаёнсиз! Теккан нарсангизни заҳарлайсиз! Битта гулдан ари асал, илон заҳар тўплайди. Сиз нуқул заҳар тўплайсиз! Сиз илонсиз! Илоннинг бошини мажақлаб ташламаса, ҳамма нарсани заҳарлайди! Сиз ҳақиқатда хавфли унсурсиз! Сизни жамият ҳаётидан юлиб-ажратиб, махсус изоляторда сақлаш керак!.. (*Фигони чиқиб.*) Саида бошқа курортда бўлган, Қаримов — бошқа курортда! Улар умуман бир-бирларини кўришган эмас!

**А к б а р .** Кўришган эмас! Нега бўлмаса шеригинг гап топиб келди?

**А р с л о н .** Наҳот тушуинмасангиз? Хорижий мамлакатга боришга унинг ҳам илинжи бор эди. Нима бўлса

хам нияти мени Каримов билан уриштириб қўйиш эди; Менинг ўрнимга ўзи кетмоқчи эди! Шунинг учун директорнинг пинжига кираман, деб у Ялтага жўнаган, қўй сўйиб олиб борган, коньякларни тахлаб ташлаган, Каримовнинг хизматларини қилган, буёққа хотиним устидан уйдирма, бўҳтон кўтариб келган! Мени шу қабиҳ усул билан майиб қилмоқчи, қулатмоқчи бўлган! Аммо мен тузоғига илинмадим! Чунки мен билардим — у маккор, ориятсиз рақиб эди.

Телефон жиринглайди.

Қосим (*кескин ўрнидан туриб*). Акбар ака, кечирасиз, бу қўнгироқ менга бўлиши керак, олсам майлими?

Акбар. Марҳамат, Қосимжон, олаверинг.

Телефон жиринглашда давом этади. Қосим югуриб бориб, телефон трубкасини олади.

Қосим (*ҳаяжонда*). Лаббай?

Телефонда овоз. Қосим Мансурович, сизмисиз?

Қосим. Ҳа, менман, Мансуровман. Қўнгироғингизни кутаётувдим.

Телефонда овоз. Қосим Мансурович, қабул қилиш масаласи ўзгаргани йўқ. Ярим соат ичида етиб кела оласизми? Агар иложи бўлса...

Қосим. Илож бор! Албатта етиб бораман! Албатта! Ҳозир йўлга тушаман.

Телефонда овоз. Бўпти. Кутамиз.

Телефон қисқа «ду-ду»лайди. Қосим телефон трубкасини қўяди, ҳалжонда Акбарга қарайди.

Акбар (*шошилиб*). Мана, костюмингиз тайёр, Қосимжон, тезда кийиниб чиқинг.

Қосим столдан дағмоқ босилган костюм-шпинни юлиб олади,  
уйга югуради, зум ўтмай, кийиниб қайтиб чиқади.

Қосим. (Ақбарга ва ўтирганларга). Мени айбга  
буюрмайсизлар... Зарур иш чиқиб қолди. Кечирасизлар...

Ақбар. Гапни кўпайтирманг, Қосимжон. Узрнинг  
ўринмас ҳозир. Чопинг!

Қосим. Бўпти! Раҳмат! Кетдим. Такси оламан.

Ақбар. Қосимжон, албатта қайтиб келинг! Кутаман!  
Ўша ёқдан нари жўнаб қолманг — мени хафа қиласиз.  
Кутаман. Оқ йўл, Қосимжон!

Қосимжон. Раҳмат, Ақбар ака! Раҳмат. Албатта  
қайтиб келаман. Ахир патижасини сизга айтишим керак-  
ку! Албатта келаман!

Югуриб чиқиб кетади. Орага оғир жвмлик чўқади. Ақбар жойига  
ўтиради, Арслонга тикилади.

Ақбар (Арслонга). Ўртоғингни маккор, ориятсиз  
рақиб, гапларини ёлгон, уйдирма, дединг, а?

Арслон. Ҳа, ориятсиз рақиб, дедим!

Ақбар. Ҳм. Нега бўлмаса қайнотанг прокурорлик  
вазифасидан олинганлигидан кейин, ўша машмашани қўз-  
габ, хотинингни ҳайдадинг. Бир ойдан кейин? Нега курорт-  
дан қайтиши билан шу ишни қилмадинг? Чунки қайнотанг  
унда ўз жойида ишлар, ишдан четлатилмаган эди. Қайно-  
танг устидан тушган апошим хатлардаги туҳматлар текши-  
риш патижасида биронтаси ҳам тасдиқланмади, қайно-  
тангни яна ўз вазифасида тиклашди. Сен шу заҳотиёқ  
югуриб боргансан ўшанда! Хотинингдан узр сўрагансан,  
қайнотангга ялингансан! Директоринг Ялтада пайтида  
вақтинча унга топшириб қўйган хотининг яна уйишга  
қайтиб келган, яна ҳеч нарсани кўрмагандек, гўё хотининг  
ўртада олинг-олинг бўлмагандек, яшаб кетгансизлар! Сабр  
таги роҳат, дейишганларидек, ҳеч қанча вақт ўтмай, Гви-

деяга жўнаб кетдиларинг! Шунча таҳқирланиш, уйқусиз, азобли туңлар эвазига олдиларингга суяк қилиб Гвинеяпи ташлашди! Бу суяк шу қадар мазали эдики, эр-хотин ўлжага шаппа ташландиларинг! Икки йил мобайнида бир-галашиб суякни обдан гажидиларинг, кейин суякни қоқувдиларинг, ичидан «ГАЗ-24» — «Волга» тушди. Икки йил деганда, отпусकाга қайтиб келдиларинг. Олдиларингга ташланган суяк шу қадар ширин эдики, тўймадиларинг, иштаҳаларинг очилиб кетди, энди навбатдагисидан нима тушаркин, деб яна суяк қоққиларинг келиб қолди. Яна икки йиллик муддат контрактга қўл қўйиб келдиларинг. Даставвал кетаётганингда онамизнинг кўзлари ожизлашиб қолган эди, отпусकाга келганингда аранг кўрардилар. Сен онангга гамхўрлик қилган бўлиб, уйингга олиб кетдинг. Ўғлинг лагерда, ўзларинг чек солинган сумкани қўлтиққа босиб, «Волга» олиш билан кун-уззукун бандсизлар. Магазиндан базага, базадан магазинга югурасизлар. Кимсасиз уйингда бечора погирон онамиз якка ўзлари қолиб кетган. Бир кун и гандираклаб шкафага бориб урилиптилар, шкаф устидаги самовар бошларига тушиб, онамиз бир неча соат ҳушсиз ётиптилар. Ўшапдан кейин кўзлари мутлақо кўрмайдиган бўлиб қолди, саломатликлари ҳам кескин ёмонлашиб кетди. Аммо сен шуни била туриб, кетишингни бекор қилмадинг. Қайтага, онамиз ўлиб қолса, сафаримиз чатоқ бўлади, маросимлари билан ўралашиб қоламан, деб ҳужжатларинг чалалигини рўкач қилиб, эр-хотин Москвага жўнавордиларинг. Онагинг аҳволи оғирлашиб бормоқда, қолиш хавфи эди. Хайрланаётиб, онамиз йиғлаган, сени бўлак кўра олмаслигига ақли етган эди. Бу хайрлашини — хайрлашини эмас, видолашув эди. Сен алланималар, деб онамизни юнатгансан, ёстиги остига бир пачка пул тиқиб қўйгансан. Бени юз сўм! Улим тўшагида ётган онамизор бени юз сўм пулингни нима қиларди? Ҳолва олиб ермиди? Ёки саккизтепкилик атлас олиб киярмиди? Сен ҳаммани ўзингга ўхшайди, деб ўйлайсан!

А р с л о н . Мен унақа ўйламайман!

**А к б а р .** Уйламайсан? Одил деган ўртоғингни эсла! Билмай, ўглининг кўзига йод қуйиб юборишганида, ўша захотиёқ, клиникага олиб бориш керак, деб, сенга телефон қилишган! Сен ачингансан, койингансан, аммо машинагни бузуқ, дегансан. Бир дўстинг ёрдамингга муҳтож пайтида сен кўл чўзмагансан! Балки ўшанда югуриб борганинга, мунчоқдек ўгли кўр бўлиб қолмасмиди!

**А р с л о н .** Машинам ҳақиқатда бузуқ эди! Нима, меникидан бўлак машина қуриб қоптими? Кўча тўла машина!

**А к б а р .** Ҳа, сен шунга ҳам сабаб топасан! Сенда ҳаминша далиллар бор! Далилларинг бор, сени суд қилиб бўлмайди, аммо оналар бошига самовар тушиб, бир ойга етмай ўлаверади, нораства болалар гавҳар кўзларидан жудо бўлади, етита фарзанд отасидан етим қолиб кетади.

**А р с л о н .** Етим? Нима, деб валдираяпсиз?

**А к б а р .** Ахир бу воқеа рўй берганига ҳали бир йил ҳам бўлмади-ку! Дарров унутиб юбордингми? Машинанда одам босиб, қанча пуллар бериб, хотинидан тилхат олганинг эсингдан чиқдими? Хотини, даъвом йўқ, эрим ўзини машина тагига ташлайман, деб уйдан чиқиб кетувди, деб сенга тилхат берган эди.

**А р с л о н .** Ростдан шунақа бўлган. Ўзи шунақа экан. Пияниста экан. Топганини ичар экан. Оиласига қарамас экан. Бунақа дардисар эрдан қутулганига уйдагилари ҳам хурсанд бўлишган!

**А к б а р .** Етим қолганлари учун балки сенга раҳмат ҳам дейишгандир. Оёғингга йиқилишгандир!.. Машинанг бузуқ эмас эди ўшанда! Ялтадан келаётган Каримовни кутиб олишинг керак эди!..

Арслон индамайди.

(Арслонга). Нега ўшанақа қилдинг, Арслон? Нима учун?

**А р с л о н .** Нима қилибман? Нима?

**А к б а р .** Беш юз сўм пул... онамизнинг ёстиғи тагига тикиб қўйгансан?



**А р с л о н .** Нега бўларди? Онам бўлганидан кейин, бе-  
ришим керак-да. Бурчим.

**А к б а р .** Сен пора бергансан. Онанга ҳам пора бер-  
гансан. Каримовга — институтнинг директорига кўпроқ  
бергансан, албатта. Аммо онанга шу ҳам кифоя эди. Даф-  
нига, унча-мунча маросимларига етиб берар, деб ўйлаган-  
сан. Ўлимида ўзинг бўлмаганингдан кейин, кўп пул ишла-  
тишнинг нима фойдаси бор? Ўзинг бўлганингда аямасдинг!  
Одамлар назарида обрў орттириш учун! Ўз онасининг ўли-  
мидан ҳам фойдаланиб қолиш учун!

**А р с л о н .** Сиз нималар деяпсиз ахир, ака?! Мени  
мутлақо разил, малъун одамга чиқариб қўйдингиз-ку!  
Обрў орттириш, дейсиз! Пора дейсиз! Қанақа пора?  
Нима учун пора?

**А к б а р .** Кўзи ожиз, ногирон онамизни уйингда ёлғиз  
ташлаб кетганинг учун — пора! Бошига самовар тушиб  
кетгани учун — пора! Кўзлари батамом кўр бўлиб қолгани  
учун — пора! Соғлиқлари ўшандан кейин кескин ўзгарган-  
ни учун — пора! Умрлари қисқаргани учун, ажалдан бу-  
рун ўлганлари учун — пора! Еттита бола етим қолгани  
учун — пора! Дўстинг фарзанди бир умр дунёни кўрмай  
ўтиши учун, жосуслигинг учун, жаллодлигинг учун —  
пора!!!

Ҳамма жим. Оғир сукунат. **А к б а р** докага ўроғлиқ пулни Арслон  
олдига ташлайди.

**Ма!** Ол! Ўлим тўшагида ётган онамизнинг ёстиғи  
тагига тикқан пулларинг. Тийинига ҳам теккан эмасман!  
Яна одам босганингда яраб қолар! Ё Ялтага бориш учун  
хотинингга путёвка олиб берарсан!

**А р с л о н** индамайди. Қимир этмайди. Ортиқ бошнини қўллари  
билан чапгаллаганича букчайиб ўтиради.

**Онамизнинг — сен ажалини тезлаштирган онамизнинг**

қабрига қора тош қўйдим. Ҳз меҳнатим — кечалари ухламай, кимларнингдир диссертацияларига рецензия ёзиб топган пулларимга!

Жимлик.

Нега ўшанда қолмадинг, Арслон? Нега кетишдан воз кечмадинг? Ахир онамизнинг омонатлигини, кўпга борса, бир ойлик умри қолганини билмай иложинг йўқ эди-ку?! Наҳот ўша серилик суяк волиданг умридан қиммат бўлса?! (*Тўсатдан бақиради, бошига муштлайди.*) Қанақа қилиб тинч ухлайсан?! Қанақа қилиб гердайиб юрасан? Қандай хотиннинг ёнига кириб ётасан?! Каримовдан қолган олқиндини?! Эй, парвардигор! Наҳот шу ожиз кимса менинг отамдан бино бўлган?! Наҳот шу қўшмачини менинг онам туққан?! Наҳот мен шу ханаротлар, махлуқлар, йиртқичлар орасида яшашим керак?!

О р т и қ . Бу жазава! Арслон, ўтинаман, ҳозироқ телефон қилинг! Ҳозироқ! Бўлмаса, ўзим чақираман!..

Ортиқ сакраб ўридан туради, телефонга отилади, аммо телефоннинг ўзи шитоб билан жириглайди.

А к б а р . Тегма телефонга! (*Югуриб бориб трубкани олади.*) Алё!!

О р т и қ билан А р с л о н . Бирин-кетин чиқиб кетишади.

Т о ҳ и р н и н г о в о з и . Ада! Алё!

А к б а р . Тоҳир! Тоҳиржон! Болам!

Т о ҳ и р н и н г о в о з и . Ада? Алё!

А к б а р . Овозингдан ўргилай, болам! Эшитаман! Гапир! Гапиравер!

Т о ҳ и р н и н г о в о з и . Ада! Суд мажлиси тугади! Биз ютдик, ада! Уқитувчини оқлашди! Тухмат қилганларнинг ўзлари жавобгарликка тортиладиган бўлишди! Ада,

биринчи мустақил ишим! Биринчи мустақил ишим ютди, ада! Ҳақиқат ютди! Ҳақиқатни тошиб бўлмайдди, деганларига энди ишонмайман, ада!

Акбарнинг кўзларидан ёш оқади. У гапирга олмайди.

А к б а р (*аранг*). Раҳмат, ўғлим, раҳмат!.. Ҳаёт бари бир яхши! Яхши! Чунки ҳаётда сенлар борсанлар! Сенга ўхшаганлар! Номни ўзгартиришга кўнмаган режиссёрлар! Одамларга кўприк қуриб бериш учун жонини аямаган қосимлар! Ўз байроғига эгалар!.. Сени яратиб, чакки қилмаган эканман! Ўлсам, кўзим очиқ кетмайди! Мен бунга амнинман!

Т о ҳ и р н и н г о в о з и . Ада! Нега овозингиз бунақа? Илтимос, ада! Аямни олиб келинг! Мен аям билан гаплашдим. Ўзлари ҳам мулзам, кечиринг аямни! Ада, илтимос сиздан, кечиринг!..

Шу пайт кўча эшик қия очилади, остонада беш яшар қизча кўринади. Ёнгидан кўзларида ёш, жажжи кўлчалари билан қовоғини ишқалайди. Акбар телефон трубкасини кўяди.

А к б а р (*қизчани кўриб*). Ие, Зулфия! Қизим! Нега йиғлаясан? Ким сени хафа қилди? Кел буёққа! Мен сенга жвачка олиб қўйганман. Кела қол, қизим!

З у л ф и я ховлига киради. Акбар дераза тоқчасидан сақич олиб, Зулфияга беради.

(*Зулфияга*). Ма, қизим! Ананай! Очиб берайми?

Зулфия «ҳм» деб, бош иргайди. Акбар сақичнинг қоғозини йиртиб, қизга беради.

Ма, қизим, оғзингни оч!

Қизча оғзини очади, Акбар оғзига сақич солади.

Қани, энди айт-чи, нима учун йигляяпсан? Нима бўлди?

Зулфия (*энтикиб*). Оқиб тетти...

Акбар. Оқиб кетди?

Зулфия. Ҳм...

Акбар. Нима оқиб кетди?

Зулфия. Болам... оқиб тетти... алиқда...

Акбар. Ариқда?

Зулфия. Ҳм...

Акбар. Қўғирчоғингми?

Зулфия. Ҳм...

Акбар. Э, шунақами? Ҳозир қараймиз...

Акбар уйнинг орқа томонига чиқади ва ҳўл қўғирчоқ билан қайтади.

Акбар (*Зулфияга*). Шуми қўғирчоғинг?

Зулфия. Ҳм, шу.

Акбар. Омборда тикилиб ётган экан. Бугун ўзи ҳам-ма сувга тушадиган кун экан... Зулфия, ивиб кетипти боланг. Қўйлагини қуритиш керак, чаййми?

Зулфия бош иргайди. Акбар қўғирчоқнинг қўйлагини ечиб сиқадди, костюми осиглиқ арқонга осади, яланғоч қўғирчоқни стол устига ўтказиб қўяди.

(*Зулфияга*). Бирпас қурисин, совқотиб кетипти боланг, сочи ҳам ҳўл.

Акбар Зулфиянинг олдида чўккалайди, қизчанинг кўзларини артади.

Нега богчага бормадинг?

Зулфия. Авалия бўлди. Дадамминан «пўм»ман.

А к б а р . Нега? Сени даданг хафа қилдими?

З у л ф и я . Боламни. Ел қимиллаганда боламми оп-  
чикмадила.

А к б а р . Қўрқдингми?

З у л ф и я . Ҳм. Жавлон яхши, дейди. Мактаб ёпилади,  
дейди.

Акбар жилмаydi. Шу пайт телефон жиринглаydi, Акбар қаддини  
ростлаб трубкани олади.

А к б а р . Алё, лаббай!

Қ о с и м н и н г о в о з и . Акбар ака! Бу мен, Қосим-  
ман!

А к б а р . Эшитаман, Қосимжон. Ишлар қалай?

Қ о с и м н и н г о в о з и . Михдек! Ишлар аъло, Акбар  
ака! Мен кутганимдан ҳам аъло! Келаси ойдан лойиҳа  
ишлари тугаши биланоқ кўприк қурилиши бошланадиган  
бўлди, Акбар ака! Тасаввур қиласизми, шунча йиллар  
мобайнида судралиб келаётган иш беш минутда ҳал бўлди!  
Ўзимда йўқ хурсандман, Акбар ака! Ҳаракатларим бекор  
кетмади! Энди уйга юзим ёруғ қайтаман! Яхши ҳам  
эрталаб чўкиб кетмаган эканман! Армоним ичимда кетар-  
ди.

А к б а р . Табриклайман, Қосимжон! Бугун омадин-  
гиз юрган кун экан — чўкмай қолдингиз, ишларингиз му-  
ваффақиятли битипти! Табриклайман!

Қ о с и м н и н г о в о з и . Раҳмат, Акбар ака! Суҳба-  
тингизга тўймадим, Акбар ака, борсам, айбга буюрмайсиз-  
ми?

А к б а р . Қосимжон, кутаман, дедим-ку! Тезда етиб  
келинг!

Қ о с и м н и н г о в о з и . Хўп бўлади! Есть!

Акбар телефон трубкасини қўяди. Юзида майин табассум. У Зулфияга яқин келиб, энгашади.

**А к б а р** (*жилмайиб*). Зулфия, аргимчоқ солиб берсам, учасанми?

**З у л ф и я**. Ҳм, учаман. Аргимчоқни яхши кўраман.

Акбар бориб, сиртмоқ тагига стул қўяди, арқонни ечиб аргимчоққа айлантиради. Ёстиқча қўйиб, Зулфияни ўтқазади, учира бошлайди. Зулфия энтикиб, қиқир-қиқир кулади. Аргимчоқ борган сари баланд уча бошлайди. Зулфиянинг кулгиси янада баралла жаранглайди.

Парда ёпилади.

## *Қиссалар*

Нола.....	4
Тўзондаги ов.....	45

## *Ҳикоялар*

Қаҳратон.....	108
Акс садо.....	120
Олма.....	135
Тасодиф.....	148
Навбатдаги шарт.....	156

## *Драма*

Ойна.....	182
-----------	-----

*На узбекском языке*

УЧКУН НАЗАРОВ

РАДИ ДРУГИХ

Повести, рассказы, драма

Тақризчи

Саида Зоҳидова,

филология фанлари кандидати

Редактор М. Аҳмедова

Рассом В. Апухтин

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректорлар М. Насриддинова, С. Тоҳирова

ИБ № 3762

Босмахонага берилди 03.06.87. Босишга рухсат этилди 19.01.88. Р-16024. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 4 Янги-оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 9.8. Шартли кр.-оттиск. 9.8. Намр л. 10,75. Тираж 60000. Заказ № 1031. Баҳоси 85 т. Шартнома № 78-87.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент 700129. Навоий, кўчаси, 30.